



# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

Дарслік



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

# **ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ**

Олий ўқув юртларининг юриспруденция йўналиши бўйича таълим  
олаёттан талабалари учун дарслик

**ТОШКЕНТ - 2019**

**УДК: 340.12**

**ББК:67**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хўнтар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тавсия этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 27 мартағи 274-сон буйруғи).*

**Давлат ва хукуқ назарияси.** Дарслик / Р. Юсувалиева, М. Ахмедшаева, М. Нажимов ва бошқалар. Масъул мухаррир Р. Юсувалиева. – Т.: ЖИДУ, 2019. – 308 б.

**Муаллифлар:**

ю.ф.н., доцент Р. Юсувалиева – Кириш, VII, XII, XIV, XVI, XVII боблар;

ю.ф.д., профессор М. Ахмедшаева – III, VI, IX боблар;

ю.ф.н., доцент М. Нажимов – IV, X боблар;

ю.ф.н., доцент А. Дадашева – I, V, XV боблар;

ю.ф.н., доцент Ш. Сайдуллаев – II, XI боблар;

ю.ф.н., катта ўқитувчи О. Хусанбоев – XIII, XVIII боблар;

ю.ф.н., доцент Ш. Якубов – VIII боб.

**Масъул мухаррир:** ю.ф.н., доцент Р. Юсувалиева

**Тақризчилар:**

А. Тўлаганов - ю.ф.д., проф-в.б.;

А. Мўминов – ю.ф.н., доцент.

Мазкур дарслик давлат ва хукуқ ривожланишининг хозирги замон хусусиятларини инобатга олган холда тайёрланган. У давлат ва хукуқни талкин этишдаги анъанавий ёндашувлар билан бир қаторда янги муаммоларни ҳам камраб олган. Шунингдек, унда демократик давлатчилик ва хукукий тизим хусусиятларига оид назарий хуносалар ўз ифодасини топган. Давлат ва хукукнинг 'моҳияти, механизми, функциялари ва ислоҳотлар давридаги роли тегишли манбаларни таҳлили асосида баён этилган. Дарсликни тайёрлашда мамлакатимизда ва хорижда эълон килинган юридик адабиётлардан фойдаланилган.

Дарслик талабаларга, магистрант ва тадқиқотчиларга, олий ўқув юрглари ўқитувчиларига, мутахассисларга, шунингдек давлат ва хукуқ масалаларига кизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланади.

**ISBN: 9789943340565**

**© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2019.**

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	8
<b>I БОБ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДЛАРИ .....</b>	10
1-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети .....	10
2-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг ўзига хос хусусиятлари .....	11
3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг функциялари .....	12
4-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг тузилиши .....	14
5-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг бошқа фанлар билан алоқаси ....	15
6-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методлари .....	17
Назорат саволлари .....	19
<b>II БОБ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ .....</b>	20
1-§. Жамият тушунчаси.....	20
2-§. Жамият мавжуд бўлиши шаклларининг хилма-хиллиги.....	21
3-§. Жамият ривожланишига таъсир этувчи омиллар .....	22
4-§. Давлатгача бўлган жамиятларда ижтимоий нормалар ва ижтимоий ҳокимият.....	24
5-§. Давлат – жамият мавжуд бўлишининг муҳим шакли сифатида ..	26
6-§. Давлат ва ҳуқукнинг вужудга келиши тўғрисидаги назариялар..	27
7-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамият, давлат ва ҳуқуқ масалалари.....	32
Назорат саволлари .....	33
<b>III БОБ. ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ, МОҲИЯТИ ВА ТИПЛАРИ .....</b>	35
1-§. Давлат тушунчаси ва моҳияти .....	35
2-§. Давлатнинг асосий белгилари.....	39
3-§. Давлат ҳокимияти – ижтимоий ҳокимиятнинг муҳим шакли сифатида .....	40
4-§. Давлат ҳокимиятининг белгилари.....	41
5-§. Давлат моҳияти ва унинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги турли назариялар .....	42
6-§. Давлатнинг типлари .....	44
Назорат саволлари .....	45
<b>IV БОБ. ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ .....</b>	47
1-§. Давлат функциялари тушунчаси .....	47

2-§. Давлат функциясининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбати .....	52
3-§. Давлат функцияларини турли асосларга қўра таснифлаш .....	54
4-§. Давлат функцияларини амалга ошириш шакллари.....	65
5-§. Давлат функцияларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи омиллар .....	68
6-§. Глобаллашув жараёни ва давлат функцияларининг замонавий концепциялари.....	69
Назорат саволлари .....	76
<b>V БОБ. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ .....</b>	79
1-§. Давлатнинг шакли тушунчаси .....	79
2-§. Давлат бошқарув шакллари тушунчаси ва турлари.....	80
3-§. Давлат тузилиши шакллари: тушунчаси ва турлари.....	84
4-§. Сиёсий режим: тушунчаси ва турлари .....	86
Назорат саволлари.....	87
<b>VI БОБ. ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ.....</b>	88
1-§. Давлат механизми ва унинг таркибий элементлари .....	88
2-§. Давлат органларининг турлари: марказий ва бошқарув органлари; олий ва маҳаллий вакиллик органлари .....	91
3-§. Ҳокимиятлар бўлиниши – давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли сифатида .....	95
Назорат саволлари .....	100
<b>VII БОБ. ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ, МОХИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ .....</b>	101
1-§. Ижтимоий муносабатлар тушунчаси .....	101
2-§. Ижтимоий нормалар тушунчаси ва тизими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари .....	101
3-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги фарқлар .....	104
4-§. Ҳуқуқ тушунчаси, мөхияти, белгилари, тамойиллари .....	106
5-§. Ҳуқуқ функциялари .....	117
6-§. Ҳуқукнинг мөхияти хакидаги назариялар.....	118
Назорат саволлари .....	120
<b>VIII БОБ. ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ .....</b>	121
1-§. Ҳуқуқий онг тушунчаси, таркибий элементлари (ҳуқуқий психология, ҳуқуқий мағфура) .....	121
2-§. Ҳуқуқий маданият тушунчаси ва хусусиятлари.....	127

3-§. Ҳуқуқий тарбия – ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг зарур шарти .....	136
Назорат саволлари .....	139
<b>IX БОБ. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ ...</b>	<b>141</b>
1-§. Ҳуқуқ нормалари тушунчаси ва белгилари.....	141
2-§. Ҳуқуқ нормасининг тузилиши: гипотеза, диспозиция ва санкция .....	146
3-§. Ҳуқуқ нормаларини турли асосларга кўра таснифлаш .....	151
4-§. Ҳуқуқ нормасининг норматив-ҳуқуқий хужжатларда ифодаланиш усуллари .....	153
Назорат саволлари .....	157
<b>X БОБ. ҲУҚУҚ ШАКЛЛАРИ (МАНБАЛАРИ).....</b>	<b>158</b>
1-§. Ҳуқуқ шакли (манбаси) тушунчаси ва турлари .....	158
2-§. Ҳукукий одат – ҳукукнинг манбаси сифатида .....	161
3-§. Ҳукукий прецедент тушунчаси ва турлари .....	164
4-§. Норматив-ҳуқуқий хужжат – ҳукукнинг манбаси .....	167
5-§. Норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг турлари.....	169
6-§. Норматив шартномалар – ҳукукнинг маҳсус манбаси сифатида .....	170
7-§. Ислом ҳукукининг асосий манбалари.....	172
8-§. Халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликда имплементация килиш масалалари.....	174
Назорат саволлари .....	176
<b>XI БОБ. ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ .....</b>	<b>177</b>
1-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги: тушунчаси, тамойиллари ва турлари .....	177
2-§. Қонун ижодкорлиги жараёни босқичлари .....	179
3-§. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш.....	190
4-§. Норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг вакт, худуд ва шахсларга нисбатан амал қилиши .....	193
5-§. Юридик техника ва конун тили .....	197
Назорат саволлари .....	200
<b>XII БОБ. ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ .....</b>	<b>202</b>
1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси .....	202
2-§. Ҳуқуқ соҳаси ва ҳуқуқ институти тушунчалари .....	202
3-§. Моддий ва процессуал ҳуқуқ .....	204
4-§. Хусусий ва оммавий ҳуқуқ .....	204

5-§. Қонунчиликни тизимлаштириш турлари: инкорпорация, кодификация, консолидация .....	205
6-§. Ҳуқуқий тизим. Асосий ҳуқуқ тизимлари .....	205
Асосий ҳуқуқий тизимлар .....	208
Назорат саволлари .....	220
<b>XIII БОБ. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР</b> .....	221
1-§. Ҳуқукий муносабатлар тушунчаси, белгилари ва турлари .....	221
2-§. Ҳуқукий муносабатларнинг белгилари .....	222
3-§. Ҳуқукий муносабатларнинг юзага келиш асослари. Юридик фактлар тушунчаси ва турлари .....	225
4-§. Ҳуқукий муносабатларнинг таркибий тузилиши: субъект, объект, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар .....	228
5-§. Ҳуқукий лаёқат ва муомала лаёқати .....	230
6-§. Ҳуқуқдаги презумпция ва фикциялар .....	233
Назорат саволлари .....	234
<b>XIV БОБ. ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ</b> .....	236
1-§. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси ва шакллари .....	236
2-§. Ҳуқук нормасини кўллаш: тушунчаси ва босқичлари .....	239
3-§. Ҳуқуқни кўллаш актлари: тушунчаси, хусусияти ва турлари .....	240
4-§. Ҳуқуқдаги бўшликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари .....	241
5-§. Юридик коллизиялар ва уларни ҳал этиш усуллари .....	241
Назорат саволлари .....	243
<b>XV БОБ. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ</b> .....	245
1-§. Ҳуқук нормаларини шарҳлаш тушунчаси .....	245
2-§. Ҳуқук нормаларини шарҳлаш турлари .....	248
Назорат саволлари .....	251
<b>XVI БОБ. ҲУҚУҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК</b> .....	252
1-§. Ҳуқукий хулқ-атвор тушунчаси ва турлари .....	252
2-§. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси, турлари ва белгилари .....	262
3-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси, турлари, белгилари .....	263
4-§. Юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар .....	268
Назорат саволлари .....	272

<b>XVII БОБ. ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ, ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ</b> .....	273
1-§. Ҳукукий тартибга солиш тушунчаси .....	273
2-§. Ҳукукий тартибга солишининг усуллари .....	275
3-§. Ҳукукий тартибга солиш механизми тушунчаси, унинг асосий элементлари.....	277
4-§. Ҳукукий тартибга солиш механизмида юридик нормалар, ҳуқукий муносабатлар, алоҳида актлар ва ҳуқукий онгнинг ўзаро муносабатлари.....	279
5-§. Қонунийлик ва ҳуқукий тартибот .....	281
Ҳуқукий тартибот .....	292
Назорат саволлари .....	295
<b>XVIII БОБ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛ ВА ЙЎЛЛАРИ</b> .....	296
1-§. Давлат ва ҳуқукнинг ривожланиш истиқболлари .....	296
2-§. Фуқаролик жамияти тушунчаси, белгилари .....	296
3-§. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий, иктиносидий, сиёсий ва маънавий асослари .....	297
4-§. Ҳукукий давлат тушунчаси, белгилари ва принциплари.....	298
5-§. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқукий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари.....	301
Назорат саволлари .....	302
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	303

## КИРИШ

---

Давлат ва хуқуқ назарияси ўз моҳиятига кўра умумназарий хусусият ва аҳамиятга эга бўлган фундаментал юридик фан ҳисобланади. Давлат ва хуқукнинг умумий назарияси энг муҳим юридик фан сифатида ўзининг вазифалари, функциялари, предмети ва методи бўйича юриспруденция учун умумилмий мазмунга эга, шу билан бирга, у давлат ва хуқукнинг айнан умумий, яъни муайян концепциялари ва тизимларининг умумий назариясини ўзида ифода этади. Унда давлат ва хуқук тўғрисидаги илмий-назарий гояларнинг энг муҳим аҳамиятга молик ютуклари ўз ифодасини топади.

Мамлакатимизда фукаролик жамиятини шакллантириш ва хуқукий давлат барпо этиш жараёни кетаётган ҳозирги даврда, давлат ва хуқуқ ҳодисаларини ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Бугун жамиятимизда рўй берәётган ўзгаришлар бизни давлат ва хуқуқ ҳодисаларига оид кўпгина тушунча ва атамаларни қайта идрок этиш ҳамда баҳолашга мажбур этади. Бу ҳолат давлат ва хуқуқ назарияси фани олдига мураккаб муаммоларни кўяди. Бунда у нафакат узлуксиз ривожланиб бориши ва давлат ҳамда хуқуқ ҳақидаги жаҳон фанининг энг янги ютуқларини ўзига сингдириши, балки айни пайтда ижтимоий воқеликка мос ҳулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Демак, мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва бошқа жараёнларни ҳисобга оладиган янги дарсликлар, ўқув кўлланмалари, маърузалар тўпламлари, услубий кўлланмаларни тайёрлаш ва чоп этишга алоҳида эътибор каратиш зарур. Бунда, айникса, давлат ва хуқукнинг умумназарий масалаларини янгича ёндашувларига асосланиш максадга мувофиқдир.

“Давлат ва хуқуқ назарияси” фундаментал ва методологик фан сифатида давлат ва хуқукнинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг умумий конуниятларини, давлат тушунчаси, белгилари, типлари ва моҳияти, давлат шакллари, функциялари, давлат ҳокимияти, механизми, хуқук тушунчаси, моҳияти, белгилари, принциплари, функциялари, фукаролик жамияти ва хуқукий давлат каби давлат-хуқукий тушунча ва категорияларни илмий билиш учун асос бўлиб хизмат киласди.

“Давлат ва хуқуқ назарияси” ўз моҳиятига кўра умумназарий хусусият ва аҳамиятга эга бўлган фундаментал юридик фан ҳисобланади. У юридик фан сифатида ўзининг вазифалари, функциялари, предмети ва методи юзасидан хукукшунослик юриспруденция учун умумилмий мазмунга эга, шу билан бирга, мазкур фан давлат ва хуқукнинг айнан умумий, яъни муайян концепциялари ва тизимларининг умумий назариясини ўзида ифода этади ҳамда бошқа бир соҳа юридик фанлари

учун назарий асос бўлиб хизмат қилиш билан бирга, ўзининг методологик характеристига кўра замонавий ҳукуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимида етакчи ўринни эгаллайди. “Давлат ва ҳукуқ назарияси” фани бўлажак ҳукуқшуносларни давлат ва ҳукукка оид энг муҳим назарий билимлар билан қуроллантирибгина қолмасдан, балки уларнинг ҳукукий онги ва маданияти даражасини ҳам юксалтиришга хизмат килади.

Бундан ташқари, “Давлат ва ҳукуқ назарияси” фани талабаларга ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий воқелиги учун зарур бўлган билимларни берар экан, шу орқали у муҳим маънавий-маърифий ва тарбиявий функцияларни ҳам бажаради.

Биз, талабчан китобхонлар ушбу дарсликнинг сифатини яхшилаш борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, унинг кейинги нашрлари янада мукаммал бўлиб чиқишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деган умиддамиз.

# I БОБ. ДАВЛАТ ВА ХУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДЛАРИ

## 1-§. Давлат ва хуқуқ назарияси фанининг предмети

Адабиётларда фанни тушуниш бўйича турли хил ёндашувлар илгари сурилади. Бунда у ижтимоий онгнинг шакли сифатида, илмий билимларнинг мажмуи ва ушбу билимларни эгаллашга қаратилган амалий фаолият сифатида тушунилади. Шу жихатдан қараганда, давлат ва хуқуқ назарияси фани ва уни ўрганиш доирасини (объектини) илмий билимлар мажмуи ва уни ўрганишга қаратилган фаолият сифатида зътироф этиш лозим.

Фанининг умумий тушунчаси ва моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда, назариянинг мазмунига қуйидаги таърифни келтириш мумкин:

**Назария** – билимнинг бирор соҳасига оид асосий гоялар тизими; |  
| вокелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун |  
| тасаввур берадиган билим шакли.

Назария борликнинг муайян соҳасига оид бўлган тажрибалардан умумлаштирилган маълумотлар асосида келиб чиқади. Илмий билишда назариянинг асосий вазифаси тажрибалар берган далилларни изоҳлаш, шу билан бирга, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятига чуқуррок кириб бориш, юзага келадиган янги воқеа ва ҳодисаларни олдиндан кўра олишдан иборат. Ҳар кандай назария илмий билишнинг натижаси сифатидаги билиш шакли бўлса-да, лекин уни тугалланган, ўзгармас, мутлақ билим деб қарамаслик керак. Назария билиш жараёнида биз тўплаган билимларнинг натижасигина эмас, балки янги билимлар ҳосил қилиш йўлидаги бошланғич асосдир. Назария ҳамма вакт амалиёт билан узвий боғлик бўлади ва шундагина у ҳаракат дастурлари ва ривожланишнинг қуролига айланади. Назариянинг бошланғич шакли гипотезадир. Амалиётда гипотезанинг тўғри, ҳақиқат эканлиги исботланса, шу асосда янги назария юзага келиши мумкин. Илмий билиш жараёнида кишиларнинг илмий назариялар билан қуролланганилиги, унга илмий олдиндан кўриш – илмий башорат қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, янги қонуният ва янги назарияларнинг шаклланишига олиб келади.

Давлат ва хуқуқ назарияси фанининг объекти иккита мустақил йирик ҳодиса, яъни давлат ва хуқуқ ҳодисалари ҳисобланади.

Ҳар бир фаннинг предметини аниклаш учун ушбу фаннинг умумий фанлар тизимида тутган ўрни, роли ва аҳамияти, ўрганиладиган объектини билиш зарур бўлади.

“Давлат ва хуқук назарияси” ижтимоий фан сифатида ўз олдига давлат ва хуқук тўғрисидаги ҳодисаларни, ушбу ҳодисаларнинг жамиятдаги ўрни ҳакидаги билимларни шакллантириш ва уларни назарий жиҳатдан маълум бир тизимга солишни кўзлайди.

Давлат ва хуқук тўғрисидаги илм – бу давлат-хуқуқий ҳодисаларнинг юзага келиши, ривожланиши ва амал қилишини белгилаб берувчи қонуниятлар ҳакидаги билимлар тизимининг йигиндинисидир.

Давлат ва хуқук назарияси фанида асосий назарий ва ўрганувчи ролни умумий тушунчалар бажаради. Ушбу тушунчалар категориялар деб юритилиб, буларга “давлат”, “давлат моҳияти”, “давлатнинг шакли”, “давлатнинг типи”, “давлатнинг функциялари”, “давлатнинг механизми”, “хуқук”, “хуқуқнинг моҳияти”, “хуқуқнинг шакли”, “хуқуқий муносабатлар”, “хуқук тизими”, “хуқук нормаси”, “хуқуқий онг”, “хуқуқий маданият” кабиларни киритиш мумкин.

---

| Давлат ва хуқук назариясининг предмети давлат ва хуқуқнинг |  
| вужудга келиши, ривожланиши, ҳаракатда бўлиши (фаолият |  
| кўрсатиши) ва истиқболи тўғрисидаги энг умумий қонуниятларни |  
| ўрганади.

---

Давлат ва хуқук назарияси фани давлат ва хуқук ҳакидаги қарашлар, тоялар, фикрлар ва билимлар тизими бўлиб, барча давлат-хуқуқ ҳодисаларига тегишли бўлган умумий қонуниятларни ўрганади, давлат ва хуқуқни яхлит институт сифатида кўриб чикади. Унинг предметига факат амалдаги давлат, хуқук муносабатлари, жараёнлари, ҳодисаларнинг энг умумий белгиларигина эмас, балки булар ҳакидаги тасаввурлар ҳам киради.

## 2-§. Давлат ва хуқук назарияси фанининг ўзига хос ҳусусиятлари

---

Маълумки, барча ижтимоий фанлар у ёки бу даражада давлат ва хуқук ҳодисаларини ўзларининг предметлари доирасида ўрганадилар. Айниқса фалсафа, тарих, сиёсатшунослик ва кўп жиҳатдан юриспруденцияга кирувчи барча юридик фанлар давлат ва хуқук ҳодисасининг у ёки бу элементларини кўриб чикадилар.

Давлат ва хуқук назарияси фанининг предмети ушбу ҳодисаларни ўрганишда қуйидаги ҳусусиятлар билан ажралиб туради:

- давлат ва хукуқ назарияси – ижтимоий фан (унинг ўрганадиган соҳаси муҳим ижтимоий ҳодисалар бўлмиш давлат ва хукуқдир);
- давлат ва хукуқ назарияси – назарий фан (у давлат ва хукуқ тараққиётининг умумий қонуниятларини очиб беради);
- давлат ва хукуқ назарияси – фалсафий хусусиятга эга бўлган фан (борликдаги бошқа ҳодисалар билан уйғунликда давлат ва хукуқ ҳодисалар ривожининг қонуниятларини кўрсатиб беради);
- давлат ва хукуқ назарияси методологик фан (хукуқшунослик фанининг барча соҳаларини умумий хукукий методология билан куроллантиради);
- давлат ва хукуқ назарияси амалиётга йўналтирилган фан (юридик амалиётдаги бўшликлар, муаммолар, зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш усусларини ишлаб чиқади, давлат ва хукуқ ривожининг йўналишларини белгилаб беради);
- давлат ва хукуқ назарияси ўкув-тарбиявий аҳамиятга молик фан (бўлгуси хукуқшунослар учун юриспруденция ихтисослигига кириш фани ҳисобланади, уларда давлат ва хукуққа оид асосий тушунчалар ва категориялар бўйича билим беради, уларнинг касбий хукукий онги ва маданияти шаклланишида муҳим назарий асос бўлиб хизмат киласди).

Давлат ва хукуқ ҳодисалари ўзаро мустаҳкам алокада бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Давлат ва хукуқ назариясининг барча институтлари биргаликда, узлуксиз боғликликда кўриб чиқилади ҳамда давлат ва хукуқ ривожининг қонуниятларини таҳлил қиласди.

Шундай экан, давлат ва хукуқ алоҳида илм (фан) соҳалари бўлиб колмасдан, балки у ягона фан сифатида намоён бўлади.

Давлат ва хукуқ назарияси давлат ва хукукнинг ривожланиш қонуниятларини барчасини ўрганмайди, балки у ушбу ҳодисаларга оид бўлган умумий ва асосий жиҳатларнигина ўрганади.

### **3-§. Давлат ва хукуқ назарияси фанининг функциялари**

---

**Давлат ва хукуқ назарияси фундаментал фан сифатида бир катор функцияларни бажаради.** Буларга онтологик, гносеологик, эвристик, сиёсий-бошқарувлик, мафкуравий, амалий-ташкилий, прогнозлаш функциялари киради.

**Онтологик функция.** Онтология – бу ижтимоий ҳаёт ҳакидаги илм ва фикрлар бўлиб, бунда унинг тамойиллари, тузилиши ва қонуниятлари ўрганилади. Давлат ва хукуқ назарияси ушбу функцияни бажара туриб, давлат ва хукуқ қандай ва нима учун юзага келди, бугунги кунда ушбу ҳодисалар қандай қонуниятлар асосида намоён бўлмоқда ва келажакда

уларнинг ривожланиш тенденциялари кандай кечади деган саволларга жавоб беради.

**Гиосеологик функция**, яъни билиш функцияси. Ушбу функция билишнинг табиатига, унинг реал мухитга муносабатини ўрганишга қаратилган. Ушбу функцияни амалга ошириш жараёнида умумий, умумий илмий, хусусий-илмий ва хусусий-хукукий усуллар ёрдамида давлат ва хукук ҳодисаларининг ривожланиш конуниятларига оид бўлган ишончли билимларни эгаллаш мумкин бўлади.

**Эвристик функция** (назарий билиш). Эвристика – бу ҳақиқатни, янгиликларни излаб топиш санъати. Ушбу функция ёрдамида давлат-хукук ҳодисаларни ўрганибина колмасдан, балки унинг бугунги кундаги ривожланиш конуниятларига оид янги билимларни очиш мумкин бўлади.

**Методологик функция**. Юриспруденция учун фундаментал фан ҳисобланадиган давлат ва хукук назарияси соҳавий юридик фанларга нисбатан методологик функциясини бажаради. Бунда ушбу фанларни зарурый тушунча ва категориялар билан қуроллантиради, уларнинг ўрганиш обьекти ва предмети доирасини чегаралаб беради.

**Сиёсий-бошқарувлик функцияси**. Давлат ва хукук назарияси фанининг илмий ютуқларидан муайян мамлакатда давлат ва хукук ҳодисаларининг самарали фаолият юритиши таъминланиши мумкин. Шунингдек, давлат ва хукук назарияси давлат сиёсатининг (ички ва ташки) илмий асосини шакллантиришга ҳамда давлат бошқарувининг илмийлигини таъминлашга, давлат курилишидаги кўпгина муаммоларни ечишга оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишига қаратилган.

**Мағкуравий функция**. Давлат ва хукук назарияси ушбу функция оркали ижтимоий ҳаётга, кишиларнинг хулқига, нафақат давлат ва хукук оркали, балки тўғридан-тўғри таъсир ўтказади, хукук субъектларининг хукукий онги ва маданиятини шакллантиришда ҳамда ижтимоий ҳаётни тартибга солишда гоявий омил сифатида юзага чиқади.

**Прогностик функция**. Давлат ва хукук соҳасининг келажакдаги ҳолатини илмий ўрганиш ва башоратлаш мухим аҳамиятга эга. Чунки бунинг натижасида давлат ва хукуқнинг истиқболига оид илмий маълумотларга эга бўлиш мумкин.

## **4-§. Давлат ва хукуқ назарияси фанининг тузилиши**

---

Давлат ва хукукка оид ҳодисалар, жараёнлар хилма-хил ва кўп кирралидир. Бирок уларнинг барчасига хос бўлган умумий, мухим, доимий, узвий боғланишда бўлган томонлари ва жиҳатлари хам мавжуддир. Ана шу жиҳат ва томонларни билиш мавжуд вокелик тўғрисида яхлит тасаввурларни келтириб чиқаради, ушбу вокеликнинг умумий конуниятларини очиш ва шу асосда уни бошқариш имкониятини яратади.

Давлат ва хукуқ назариясининг предметига анъанавий равища фанинг умумий тавсифига тааллукли бўлган барча масалалар, яъни предмет ва метод, ижтимоий ва юридик фанлар тизимидағи ўрни, давлат ва хукукнинг келиб чиқиши ва ўзгариши билан боғлик масалалар киради.

**Умумий хукуқ назариясига** тааллукли масалалар жуда кенг бўлиб, буларга:

- ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизимида хукукнинг ўрни ва ахамияти;
- хукукнинг принциплари, шакллари, манбалари, ижтимоий моҳияти;
- хукукий онг ва хукукий маданият;
- хукуқ нормалари тушунчаси, белгилари, тузилиши, турлари;
- норматив-хукукий актлар (тушунчаси, тузилиши, турлари);
- хукукий тизими ва хукуқ тизими;
- хукукий муносабатлар (тушунчаси, тузилиши, турлари);
- хукуқ ижодкорлиги, хукукни татбик этиш ва ҳоказолар киради.

**Умумий давлат ва хукуқ назариясига** тааллукли масалаларга қўйидагилар киради:

- сиёсий тизим ҳақидаги тушунчалар; давлат ҳокимияти бошқаруви, давлат аппарати ҳақидаги тушунчалар;
- давлат шаклларига тавсиф (бошқарув шакли, давлат тузилиши, сиёсий режим);
- давлатнинг функциялари ва механизмига тавсиф.

**Бир гурух мустақил ўрганиладиган масалаларга:**

- хукукий хулқ-атвор ва хукукбузарлик, унинг тушунчаси, турлари, таркиби;
- юридик жавобгарликнинг (тушунчаси, белгилари, турлари; конунийлик ва хукуқ тартибот ва бошк.) асосий жиҳатларига тавсиф берилган.

## **5-§. Давлат ва хуқук назариясининг бошқа фанлар билан алоқаси**

---

Моддий ва маънавий дунёning бирлиги барча фанларнинг бирлигига сабаб бўлади. Ушбу боғлиқлик, айниқса, ижтимоий фанлар ўртасида кўпроқ намоён бўлади. Ижтимоий фанлар жамиятни, кишиларни, улар ўртасидаги муносабатларни ва умуман жамиятда кечётган жараёнларни ўрганади.

**Ижтимоий фанларнинг марказида инсон ва жамият масаласи туради.**

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг илдизи (асоси) кўп жиҳатдан давлат ва хуқук, унинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни тўғрисидаги масалага боғлиқдир. Уларни барча ижтимоий фанлар муйян даражада ўрганади ва бунда давлат ва хуқук назарияси фани фалсафа, иқтисодиёт назарияси, социология, сиёсатшунослик ва бошқа фанлар билан ўзаро мустаҳкам боғлиқликда бўлади.

**Иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги.** Иқтисодий фанлар жамиятнинг базисини, яъни ишлаб чиқариш муносабатларини, хўжалик соҳаларини ташкил этишни, молия, кредит ва бошқаларни ўрганса, давлат ва хуқук назарияси фани жамиятда устқурманинг мухим қисми бўлган давлат ва хуқук ҳодисаларига ўзининг асосий предмети сифатида карайди. Ушбу фанлар бир-бiri билан ўзаро боғлиқдир. Уларнинг ўзаро таъсири ва алоқаси давлат ва хуқукнинг иқтисодиётга қанчалик боғлик эканлигини ўрганишга ва аниқлашга ёрдам беради.

**Фалсафа фани билан боғлиқлиги.** Фалсафа табиат ва жамият ривожланишининг умумий конуниятларини ўрганади. У жамият, инсон, давлат ва хуқук масалаларига ижтимоий ҳодиса сифатида караб, уларни умумий тарзда кўриб чиқади.

Давлат ва хуқук назарияси эса фалсафа конуниятларига асосан жамиятда давлат ва хукукнинг вужудга келиши ва ривожланиши конуниятларини ўрганади.

Ушбу фанлар бир-бирини тақорорламайди, балки тўлдиради. Фалсафа давлат ва хуқук ҳодисаларини билишнинг асосидир. Давлат ва хуқук назарияси эса фалсафани маълумотлар (манбалар) билан куроллантиради.

Давлат ва хуқук назарияси фалсафа фани билан жуда чукур ва мустаҳкам алокададир. Фалсафий дунёкараш давлат ва хуқук назариясини фан сифатида чукурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Диалектик нуқтаи назаридан дунёни тушуниш давлат ва хукукнинг ички қарама-қаршиликларини тўғри тушуниш ва англашга йўл очади ҳамда ижтимоий жараёнларга таъсир этишга ёрдам беради.

**Социология фани билан боғлиқлиги.** Социология фани жамиятни яхлит, уюшган тизим сифатида тадқик этади, жамият аъзоларининг ҳуқукка муносабатини, уларнинг давлат ва ҳуқук тўғрисидаги хошишистакларини ўрганувчи фандир. Мазкур фан давлат ва ҳуқук назарияси фани учун тегишли маълумот ва хulosаларни беради. Ўз навбатида, давлат ва ҳуқук назарияси фани ушбу маълумот ва хulosаларни умумлаштириб, назарий-илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чикади. Давлат ва ҳуқук ривожининг кейинги босқичлари юзасидан илмий башоратлашни амалга оширади.

**Сиёсатшунослик фани билан боғлиқлиги.** Сиёсатшунослик сиёсатни, сиёсий институтлар, сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти, жамоат ташкилотлари ва уларнинг фаолиятини, давлат ва шахснинг сиёсий-ҳуқуқий муносабатларини ўрганади. Ҳар иккала фаннинг ҳам ўрганиш обьекти жамиятни бошқариш билан боғлик масалалар ҳисобланади.

*Давлат ва ҳуқук назариясининг юридик фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.*

Давлат ва ҳуқук назарияси барча юридик фанлар билан узвий боғлик ва у бевосита ўз предмети билан улардан ажралиб туради.

Давлат ва ҳуқук назарияси юридик фанлар тизимида умумий, фундаментал ва методологик фан сифатида намоён бўлади. Давлат ва ҳуқук назариясининг бошка ҳуқукий фанлар билан алокаси айнан шундан келиб чикади. Давлат ва ҳуқук назарияси маҳсус ва амалий ҳуқукий фанларнинг аниқ материалларига таянади, уларни назарий жиҳатдан умумлаштиради. Умумий ва фундаментал фан сифатида ҳуқуқшуносликнинг асосий тушунча ва коидаларини ишлаб чикади, масалан, жамият, давлат, ҳуқук, давлат механизми, давлат органи, демократия, конунчилик, ҳуқукий онг, ҳуқукий тартибот, ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик, ҳуқукий муносабатлар ва бошкалар.

У методологик фан сифатида бошка юридик фанлар учун хусусий юридик методлар (услублар)ни ва раҳбарий принципларни ишлаб чикади.

Давлат ва ҳуқук тўғрисидаги асосий ва умумназарий билимларни эгалламасдан туриб, бошка юридик фанлар муаммоларини ўрганиш мураккабдир. Ушбу фан юридик фанлар учун фундаментал аҳамиятга эгадир. Тармоқ ва маҳсус юридик фанлар давлат ва ҳуқук назариясининг хulosаларига асосланади. Демак, давлат ва ҳуқук назарияси бошка барча юридик фанлар билан ўзаро боғлиқликда бўлиб, улар бир-бирларини бойитади ва тўлдиради.

Ҳар бир ҳуқуқшунослик фани давлат ва ҳуқук масаласига ўзига хос ёндашади, уларнинг ҳар бири ўзининг предметига эга.

Юридик фанлар куйидагы таснифланади:

**1)тарихий-назарий юридик фанлар** (давлат ва хукуқ назарияси, давлат ва хукук тарихи, сиёсий-хукукий таълимотлар тарихи ва бошқ.);

**2)максус ва тармок юридик фанлар** (фукаролик хукуки, жиноят хукуки, меҳнат хукуки, маъмурий хукук, конституциявий хукук, молия, ер хукуки, жиноят-процессуал хукуки, фукаролик-процессуал хукуки ва бошқалар);

**3)амалий юридик фанлар** (криминалистика, суд бухгалтерияси, суд медицинаси, суд психиатрияси);

**4) халқаро-хукукий фанлар** (халқаро гуманитар хукук, халқаро оммавий хукук, халқаро хусусий хукук).

Демак, давлат ва хукуқ назарияси юридик фанлар тизимда марказий, умумлаштирувчи аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, барча юридик фанларнинг ютукларини умумлаштиради ва уларнинг ўзаро бойишига ёрдам беради.

## 6-§. Давлат ва хукуқ назарияси фанининг методлари

**Давлат ва хукуқ назариясининг методлари** – давлат ва хукуқ ҳодисаларини ўрганиш усуслари хисобланади. Улар давлат ва хукуқнинг турли соҳалари ва жиҳатларини очиб беришга кўмаклашади. Давлат ва хукуқ тўғрисидаги билимларни ўрганиш, тўплаш, умумлаштириш ва муайян тизимга келтиришга ёрдам беради.

*Давлат ва хукуқ назариясининг методларини тўрт гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин:*

*1) энг умумий методлар: метафизик ва диалектик методлар;*

*2) умумилмий методлар: анализ, синтез, индукция, дедукция, тизимли, функционал ва бошқ.;*

*3) хусусий методлар: социологик, қиёслаш, статистик, мантикий ва бошқ.;*

*4) хусусий-хукукий методлар: формал юридик, қиёсий-хукукий, хукукий моделлаштириши ва бошқ.*

Давлат ва хукуқ назарияси усуслари унинг предмети билан мустахкам боғлиқдир. Агарда фаннинг предмети у нимани ўрганиади деган саволга жавоб берса, усуслари эса қандай ўрганилиши ҳакидаги саволга жавоб беради.

Фаннинг усули асосида унинг предмети ётади, чунки назариясиз усул предметсиз колади, фан эса – мазмун ва моҳиятсиз.

Назария ва метод бир пайтда юзага келади, лекин улар бир-бирининг ўрнини боса олмайди.

Давлат ва хуқук назарияси давлат ва хуқук ҳодисаларини ўрганиш учун ўзининг хусусий усулларини ишлаб чиқади, лекин шу билан бирга, ижтимоий ва табиий фанлар томонидан ишлаб чиқилган умумий усулларни ҳам фаол қўллади. Фанда узоқ муддат давомида билишнинг идеалистик ва материалистик усуллари бир-бирига карши қурашиб келади (метафизика, диалектика).

Фалсафий қонун ва категорияларга бевосита киришиб (боғланиб) кетадиган усуллардан бири – мавхумлик (абстракт)дан конкретликка ва конкретликдан мавхумликга ўтиш усулидир.

Жумладан, давлат ва хуқук ҳақидаги ҳодисаларни ўрганишда тарихий усул ҳам қўлланилади. Чунки, фан давлат ва хуқукнинг илдизини билиш учун тарихий анъаналарни билиши зарур бўлади.

Давлат ва хуқукни ўрганишнинг яна бир усули – тизимли усул хисобланади. Давлат ва хуқук моҳиятига, тузилишига кўра – мураккаб тизимли ҳодисадир.

Юкоридаги усулларнинг барчаси умумилмий усуллар жумласига киради.

Давлат ва хуқук назариясининг умумилмий усуллари билан бир каторда давлат ва хуқук тушунчасини аниқлашга ёрдам берувчи хусусий илмий усул (метод)лар ҳам мавжуд. Ушбу методларга қуйидагилар киради: формал-мантикий; формал-юридик; қиёслаш; давлат ва хуқукни моделлаштириш; конкрет-социологик; социал-эксперимент ва б.

Формал-мантикий усул – давлат ва хуқук объективнинг моҳиятини, асосий мазмунини назарий шаклда, мавхумлик ва мантикий конуниятларга асосан ўрганади.

Формал-юридик усул – хуқук нормаларини ва умуман хуқукнинг ички тузилишини ўрганади, хуқукнинг шакллари ва манбаларини таҳлил килади ва бошқалар. Умуман ушбу усул давлат ва хуқукнинг табиатидан келиб чиқсан ҳолда давлат ва хуқукнинг феномени (энг нодир томонлари)ни очиб беришга, таснифлашга ва маълум тизимга солишга ёрдам беради.

Қиёслаш усули – давлат ва хуқук ҳақидаги ҳодиса ва қарашларни (фикрларни) қиёслаб ўрганишдир.

Давлат ва хуқукни моделлаштириши усули – бу усулнинг моҳияти шундаки, ҳар хил давлат ва хуқук ҳодисалари ўртасида маълум бир ўхшашлик мавжуд ва шунинг учун ҳам, улардан бирининг хусусий белгиларини билган ҳолда, бошқалари ҳақида етарлича фикр юритса бўлади.

*Конкрет-социологик усул* – бу усул ёрдамида барча давлат органлари тизимини хукукий тартибга солиш, конунийликнинг ахволи, хукуқ-тартибот тўгрисида, уларнинг амал килиши самарадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлиш мумкин.

*Социал-эксперимент усули* – давлат ва хукукка доир бирор нормани кўлланишининг мақсадга мувофиқлигини тажриба (эксперимент) йўли билан муайян ҳудудларда синааб кўриш мумкин.

## **Назорат саволлари**

---

1. Давлат ва хукук назарияси фанининг обьекти ва предметини атрофлича муҳокама этинг.
2. Юридик фанларнинг таснифини атрофлича муҳокама килинг. Фикрингизни мисоллар асосида мустаҳкамланг.
3. Давлат ва хукук назарияси фанининг ижтимоий фанлар билан ўзаро боғликлигини мисоллар асосида ёритиб беринг.
4. Давлат ва хукук назарияси фанини ўрганишда умумий, умумилмий, хусусий-илмий ва маҳсус-юридик методларнинг аҳамиятини кўрсатиб беринг.
5. Давлат ва хукук назарияси фанининг бўлғуси хукукшуносларни тайёрлашдаги аҳамияти нималарда намоён бўлишини мисоллар асосида баён этинг?
6. Давлат ва хукук назарияси юридик фанлар тизимида умумий, фундаментал ва методологик фан сифатида майдонга чиқади. У бир томондан, ижтимоий йўналиш ва мазмунга, иккинчи томондан, юридик воқеликни, давлат ва хукуқ ҳодисаларини илмий, назарий жиҳатдан таҳлил этиш хусусиятига эга. Давлат ва хукук назариясининг бошқа юридик фанлар билан алоқаси айнан шунда намоён бўлади.

*Мазкур фаннинг юридик фанлар тизимидағи ўрнини муҳокама қилинг ва атрофлича ёритинг.*

## **II БОБ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ**

### **1-§. Жамият тушунчаси**

Давлат ва ҳуқук ҳодисалари жамият тараққиётининг муайян боскичидаги маҳсули ҳисобланади. Давлат ва ҳуқук жамият ичида юзага келади ва ривожланади. Шу боис давлат ва ҳуқук ҳодисаларини ўрганишда жамият ва унинг ривожланиш боскичлари, турли худудларда намоён бўлиш шакллари, унинг ривожига таъсир килувчи омиллар, жамият сиёсий тизими билан боғлик масалаларни ўрганиш мухим аҳамиятга эгадир.

Жамият сўзининг луғавий мазмунини таҳдил киладиган бўлсак, у жам бўлиш, уюшиш каби маъноларини англатади. Ўз навбатида, жамият тушунчасига тор ва кенг маънода ёндашиш мумкин. Тор маънода жамият – бу кишиларнинг маълум бир мақсад йўлида бирлашган уюшмасидир. Масалан, оила, сиёсий партиялар, меҳнат жамоалари, ижодий уюшмалар ва бошка.

| Жамият – бу тарихий тараққиётнинг муайян боскичида |  
| вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсули. Жамият – бу |  
| кишилар ўртасидаги ўзаро турли хил (иктисодий, оиласий, маънавий, |  
| гурухий, диний ва бошк.) муносабатлар ва алокаларнинг мураккаб |  
| тизими.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида жамият тушунчасига қуйидагича таъриф берилади, яъни жамият – бу тарихий тараққиётнинг маълум боскичида моддий бойликлар яратишнинг муайян усуслари ва муайян ишлаб чиқариш муносабатлари билан характерланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуудир. Ҳар кандай жамият ўзига хос бир бутун ижтимоий тизим бўлиб, у муайян даражада ижтимоий муносабатларнинг уюшганлиги, тартиба солинганлиги билан фарқланади. Жамият учун бошқарув (ижтимоий ҳокимият)нинг ва кишилар хулқ-авторини умумий қоидалар ёрдамида тартиба солиш (ижтимоий нормалар)нинг муайян тизими хос эканлигини айтиб ўтиш мумкин.

Жамиядда, авваламбор, биологик қонунлар эмас, балки ижтимоий қонунлар ҳаракатда бўлади<sup>1</sup>.

Айтиш жоизки, жамиятнинг ўзи индивидларнинг оддий мажмуаси эмас. Жамият – бу моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлиш,

<sup>1</sup> Scott Veitch, Emilio Christodoulidis, Lindsay Farmer. Jurisprudence: Themes and Concepts. Second edition. – London – New York, Routledge, 2012. –P.283.

тақсимлаш ва истеъмол килиш билан боғлик кишилар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларнинг маҳсули, мураккаб ижтимоий тизимдир.

Жамиятга ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий муносабатлар маҳсули сифатида караш кўйидагиларни тушунишга ёрдам беради:

*биринчидан*, унга тарихий-хуқуқий нуқтаи назардан ёндашиш турли хил ижтимоий-иктисодий формацияларни ажратиб кўрсатишга;

*иккинчидан*, ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос томонларини аниклашга (иктисодий, сиёсий, маънавий);

*учинчидан*, ижтимоий муносабат субъектларини аник ифодалашга (шахс, оила, миллат, давлат ва бошк.).

Жамиятнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, у инсонларнинг ўзаро алоқалар тизимини ифодалайди.

Инсон жамият билан ўзаро алоқада бўла туриб ривожланади, ўзининг ижтимоий моҳиятига эга бўлган хусусиятларини ривожлантиради (кенгайтиради, ўстиради) ҳамда жамият тараққиётига таъсир этади.

## **2-§. Жамият мавжуд бўлиши шаклларининг хилма-хиллиги**

---

Ижтимоий ва сиёсий институтлар объектив заруриятдан келиб чиқкан ҳолда биологик, ижтимоий, сиёсий ва бошқа сабабларга кўра шаклланади. Жамият турли ижтимоий-сиёсий институтлардан ташкил топади ва шунга мос равиша турли ижтимоий ёки сиёсий вазифани бажарувчи ташкилотлар, органлар, муассасалар, бирлашмалар мавжуд бўлади.

Жамиятнинг биринчи табиий бўғинини ташкил этувчи институт – бу оиласидир. Оила табиат конунларига кўра шаклланади ва кон-кариндошлиқ асосида уюшган кишилардан ташкил топади. Уруғ эса бир нечта оиласининг кон-кариндошлиқ асосида бирлашиши ва мулкни идора килиши, умумий, кариндошлиқ қоидалари асосида шаклланган. Бир неча уругларнинг кўшилиши оқибатида кабила, кейинчалик умумий тил, урфодат каби бирлик асосида миллат келиб чиқкан.

Сиёсий институтларнинг энг дастлабкиси – бу давлат хисобланади. Давлат билан бир вактда хуқуқ ҳам юзага келган. Жамият тараққиёти натижасида давлат билан бирга, нодавлат ташкилотлар: касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, турли-туман ижтимоий бирлашмалар шаклланиб борган.

Кишилик жамиятининг ажралмас қисми ва муҳим элементи ижтимоий ҳокимият ҳисобланади. Ҳокимият жамиятга ҳаётбахш этиб турувчи, тизимга солиб турувчи элементdir.

Ҳокимият – бу икки ёки ундан кўп субъектлар ўргасида буйсунувга асосланган муносабатлар тизимиdir. Ҳокимият жамиятда шакллангани боис ижтимоий ҳокимият, деб ҳам юритилади. Ижтимоий ҳокимиятнинг субъектлари сифатида оиласда ота ҳокимияти, уруғда оқсокол, кабилада сардорлар ҳокимияти ҳакида айтиб ўтиш мумкин.

Жамият шахсларсиз бўлиши мумкин эмас. Кишилар жамиятнинг тузилишида ва унинг ривожланишида асосий роль ўйнайди. Жамият кишиларнинг бир-бирлари билан жамоа сифатида яшашга бўлган табиий эҳтиёжлари асосида юзага келган. Жамият вужудга келгандан бошлаб бугунги кунга кадар ривожланишида мураккаб, турли шакллар ва тарихий босқичлардан ўтган. Унинг етуклик даражаси, ички тузилиши (ижтимоий-иктисодий, сиёсий тизими) ўзгариб борган.

Ибтидоий жамоа жамияти узоқ давр мобайнида нисбатан уруғчилик жамоалари кўринишда бўлган ва ривожланишининг мазкур босқичида у ижтимоий ёки бошка катламларга бўлинмаган. Аста-секин жамият тузилиши мураккаблаша борган сари, яъни иктиносидий муносабатларнинг ўзгариши билан ўзларининг манфаатлари, кизикишлари ва хусусиятларига эга бўлган ижтимоий бирлашмалар, гурухлар шаклана бошлаган.

Жамият ижтимоий, сиёсий институтларсиз мавжуд бўла олмайди. Кишилар – ижтимоий мавжудот бўлиб, улар эҳтиёж, манфат ва мақсадларига кўра бирикмасдан яшай ёки меҳнат кила олмайдилар. Бугунги кундаги жамият ўта мураккаб кўринишда бўлиб, уларнинг кўпчилиги муайян бир давлат асосида кишиларни бирлаштирган.

### 3-8. Жамият ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожи, мулкий ва ижтимоий тенгсизлик, шубҳасиз, ибтидоий жамоа тузумининг инкирози ва уруғ-қабилачилик ҳокимиятининг давлатга айланишида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Бирок давлатнинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитлари факат шу омиллар билангина чекланмайди. Уруғчилик жамоасининг алоҳида оиласаларга бўлиниб кетиши, аҳолининг худудий жойлашувга ўта бориши, урушларнинг тез-тез содир бўлиб туриши, қабилалар ҳарбий ташкилотларининг кучайиши, дин таъсирини ҳам улар категорига киритиш лозим.

Жамият доимо ривожланишда бўладиган тизимдир. Жамиятнинг ривожланишига бир канча омиллар таъсир киласи. Адабиётларда ушбу омилларни субъектив ва объектив омилларга ажратиш кенг тарқалган. Объектив омиллар кишиларнинг онгли фаолияти ва иродасига бевосита боғлик бўлмайди, субъектив омиллар эса кишилар ва уларнинг турли ижтимоий гурухларнинг иродаси, манфаат ва кизиқишлидан келиб чикади.

Объектив омиллар сифатида табиатни, унда кечадиган жараёнларни, аҳолининг қайси худудда ёки икlim шароитида яшашигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Илк жамиятлар ва цивилизациялар Йирик сув ҳавзалари бўйида юзага келган (Миср, Катта Хоразм ва бошк.), дехкончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши ҳам айнан худудий ва икlim омили билан бевосита боғлик.

Шу билан бирга, табиий омиллар жамият ҳаётида технологик жараёнларни ҳам юзага келишига сабаб бўлади. Табиат ресурсларидан фойдаланишининг мураккаблиги ва табиий мухитнинг ўзгариб бориши, ўз навбатида, хўжалик юритишнинг янги шаклларини юзага келишига ва маданиятнинг юксалишига олиб келган. Кўпчилик олимлар айrim ҳалқларда давлатнинг келиб чикишини ҳам оммавий тарзда сув иншоотларини барпо этиш билан боғлаган ҳолда изоҳлайдилар.

Субъектив омиллар сифатида ҳалқ, ижтимоий гурухлар ва тарихий шахсларнинг онгли фаолиятини кўрсатиб ўтиш мумкин. Муайян бир сиёсий партия ва кучларнинг ҳокимият тепасига келиши мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланишига ёки таназзулга учрашига сабаб бўлади. Масалан, фашистларнинг Германияда ҳокимият тепасига келиши нафакат ушбу мамлакат, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам жуда катта талафотларни келтириб чиқарди. Аксинча, прогрессив кучларнинг ҳокимият тепасига келиши жамиятнинг ривожланишида мухим омил бўлиб майдонга чикади.

Ўз навбатида, муайян шахслар ҳам жамиятнинг таназзулида ҳам, ривожланишида ҳам мухим роль ўйнаши мумкин. Масалан, Юлий Цезарь, Чингизхон, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Наполеон ва бошқаларнинг фаолияти нафакат ўз мамлакатларига, балки дунё миқёсида ҳам тарихнинг кейинги ривожланишига таъсир ўтказган.

Шунингдек, кенг ҳалқ оммаси ҳам жамият ривожида мухим роль ўйнаши мумкин. Турли хил қўзғолонлар, ҳалқнинг бошка кўринишдаги чикишлари жамият ҳаётида муайян ўзгаришларнинг рўй беришига олиб келади. Масалан, Буюк француз инқилоби ва бошқалар.

## **4-§. Давлатгача бўлган жамиятларда ижтимоий нормалар ва ижтимоий ҳокимият**

---

Жамият шаклланиши давомида уни бошқариш эҳтиёжи ҳам вужудга келган. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз манфаатларига эга бўладики, уларни келиштирмасдан, мувофиқлаштирмасдан туриб, жамият мавжуд бўла олмаган, бунда айнан манфаатлар муҳим регулятор сифатида намоён бўлган. Ижтимоий алоқаларнинг тадрижий ривожланишини ҳамда жамиятда баркарор ҳаёт тарзини таъминлаш учун ушбу манфаатларни умумий фаровонлик йўлида уйғунлаштириш талаб этилади. Бундай уйғунлаштиришга эса ижтимоий муносабатларни тартибиға солишга қаратилган нормаларни шакллантириш ҳамда ушбу коидаларнинг бажарилишини таъминловчи ижтимоий ҳокимиятни жорий этиш орқалигина эришилади.

Ибтидоий жамоа тузумида шаклланган ижтимоий нормаларнинг хусусияти шундаки, улар оила, уруғ ва қабиланинг ижтимоий-иктисодий бирлигини ифодалаш ва таъминлаш билан бирга, кишиларнинг кундалик ҳаёт тарзига ҳам чукур сингиб кетган.

Табиатдаги жонзоротлар биологик, табиат қонунлари асосида ҳаёт кечирадилар. Жамият аъзолари эса табиий ва биологик қонунлар билан бир қаторда онгли фаолиятлари натижасида муайян коидаларни яратганликлари боис шахс сифатида шаклланганлар. Жамият шаклланишининг дастлабки боскичида диний маросимлар ва удумлар каби ижтимоий нормалар муҳим аҳамият касб этган. Ибтидоий жамиятдаги ижтимоий коидалар одамларга атроф-табиий муҳитдан хавотирланиш ва кўркишдан холи бўлишга ва уни ишлаб чиқариш фаолиятига йўналтиришга имкон берган, бу эса, жамиятда баркарор муносабатларни ўрнатишида муҳим омил бўлган.

Ижтимоий нормалар ўзлаштирувчи хўжаликнинг мавжуд бўлиши ва ургуни давом этишини таъминлаган, озуқа топишнинг муайян усусларини тартибиға солган ва оила-никоҳ муносабатларини мустаҳкамлаган. Адабиётларда ушбу нормалар мононормалар деб аталади. Улар жамиятдаги инсонларнинг асосий манфаати – яаш учун курашишни ифода этган. Ушбу манфаат табиат кучларига, турли хавф-хатарга қарши туриш учун жамиятдаги кучларни бирлаштирган.

Жамият шаклланишининг дастлабки даврида амалда бўлган ижтимоий нормалар қуидагилар билан тавсифланади:

1) мазмунан содда ва мураккаб бўлмаган ижтимоий муносабатларни тартибиға солган. Масалан, уруғдошлар ичидаги кимга оловни кузатиш вазифасининг юклатилиши масаласи ёки ов натижасида кўлга

киритилган ўлжани қандай таксимлаш ижтимоий нормалар асосида ҳал қилингандык;

2) ижтимоий нормалар асосан одатлар күренишида бўлган (яъни узок вакт давомида кўп маротаба қўллаш натижасида одатга айланган тарихий шаклланган хулк-автор қоидалари);

3) ҳали ёзув шаклланмаганлиги боис юриш-туриш қоидалари кишилар хулк-авторида ва онгига мавжуд бўлган;

4) уларга жамият аъзолари томонидан амал қилиниши ишонтириш ва мажбурлаш (урӯғдан қувиш) чоралари билан таъминланган;

5) қоидалар ман этиш тавсифига (табу тизими)га эга бўлган, нормаларнинг мазмунида хуқук ва мажбуриятлар катъий белгиланмаган ва бошқалар.

Ижтимоий нормалар билан жамият ҳаётини тартибга солиш инсоният ҳаётида энг муҳим ютуклардан бири хисобланади. Уларнинг барча учун катъий килиб ўрнатилганлиги ва унга амал қилишнинг таъминланиши жамиятни тартибга келтиради. Қоидалар қанчалик ҳаётий, адолатли бўлса ва уларни амалга оширилиши таъминлансан, бундай жамиятда ижтимоий тартиб юксак даражада бўлади. Аксинча, қоидаларга риоя этилмаса, нормалар бузилса, жамият ҳаётида тартибсизлик юз беради. Тартибсизлик жамиятни охир-окибатда ҳалолатга олиб келиши мумкин.

Ибтидоий жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий ҳокимият оиласи муносабатларга асосланган, чунки жамият ташкил топишининг негизини уруғ (урӯғ жамоаси), яъни ҳақиқий ёки тахминий кон-қариндошлика, шунингдек, умумий мулк ва меҳнатга асосланган кишиларнинг жамоаси ташкил этган. Ҳар бир уруғ алоҳида ҳўжалик юритиши, ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлиши, умумий меҳнат жараёнининг ташкилотчиси сифатида намоён бўлган. Уруғлар янада йирик бўлган тузилмалар – фратриялар, қабилалар, қабилалар иттифокини ташкил килган. Ҳокимият бутун жамоа (урӯғ йигинлари) томонидан ҳам, шунингдек, ибтидоий жамият ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал қилувчи уруғ вакиллари (оксоқоллар, оксоқоллар йигини, ҳарбий бошликлар, коҳинлар) томонидан ҳам амалга оширилган.

**Ижтимоий ҳокимият ва бошқарув жиҳатидан ибтидоий жамиятнинг қўйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:**

– ибтидоий жамоа тузумида кишиларнинг уруғ ёки қабилага мансублиги уларнинг кон-қариндошлигига қараб аникланган;

– ижтимоий ҳокимият тўлалигича жамиятнинг ўзига тегишли бўлган, бунда уруғ учун энг муҳим бўлган масалалар юзасидан бошқарув қарорлари уруғ аъзоларининг умумий йигинида қабул қилинган. Бошқарув ишларида ургунинг барча катта ёшли аъзолари – эркаклар ҳам, аёллар ҳам teng иштирок этганлар;

– ибтидоий жамоа тузумида давлатга хос бўлган хусусиятлар (хокимият тузилмалари, армия, хукукни муҳофаза килувчи органлар ва бошқа муассасалар) мавжуд бўлмаган. Ижтимоий бошқарув уруғ оқсоколлари, саркардалар, умумий йиғин доирасида амалга оширилган;

– ижтимоий фаолият устидан жорий раҳбарликни жамоа томонидан сайланган уруғ оқсоколи амалга оширган. Фавқулодда муҳим ишларни ҳал қилиш учун оқсоколлар кенгаши чақирилган. Оқсоколлар ҳокимияти уруғнинг кекса аъзоларининг мутлук обрўси, чуқур хурмат-эътибори, тажрибаси ва ақл-заковатига асосланган;

– урф-одатлар ибтидоий жамоа ҳаётий фаолиятининг қатъий тартибга бўйсунишини таъминлаган. Урф-одатлар авлоддан-авлодга ўтиб борган. Такик (табу), ахлок, афсона, маросимлар урф-одатлар сирасига кирган;

– ижтимоий нормаларга амал қилиш асосан кўникмалар ва ихтиёрийлик асосида бўлиб, уни бузган шахсларга жамоатчилик таъсири ва бошқа турдаги жазолар кўлланилган (масалан, уруғ-қабиладан ҳайдаш).

Уруғчиллик тузумида ўз-ўзини бошқаришнинг қуйидаги тузилмалари мавжуд бўлган:

**1. Оқсоколлар кенгаши.** У бошқарувнинг асосий масалаларини ва муайян зиддиятли ҳолатларни ҳал этган.

**2. Ҳарбий бошликлар.** Улар уруғнинг ёш аъзолари ўртасида ҳарбий тайёргарликни ҳамда ҳарбий дружиналарни шакллантириб, уруш вактларида улар устидан кўмондонликни амалга оширган.

**3. Умумий (уруг) йиғини.** Унда уруғнинг вояга етган барча аёл ва эркак аъзолари тенг равишда иштирок этганлар. Уруғ йиғинида дохийлар ва ҳарбий бошликлар сайланган ҳамда уруғ ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳал этилган. Уруғ йиғинида шунингдек, уруш ва сулҳ масалалари, оммавий кўчиш ва зиддиятларни ҳал этишга қаратилган карорлар қабул қилинган.

**4. Коҳинлар.** Улар турли хил диний расм-русумлар ва маросимларни ўтказиш тартибларини ҳамда диний тусдаги қоидаларни шакллантирганлар. Шунингдек, диний судловни амалга оширганлар.

## 5-§. Давлат – жамият мавжуд бўлишининг муҳим шакли сифатида

---

Давлатни шаклланиш жараёнининг давомийлиги канча бўлишидан қатъи назар, барча ҳолларда бу объектив жараён бўлиб, у энг аввало, жамиятнинг ички ривожланиши, унинг турли ижтимоий-иктисодий, ҳарбий-сиёсий, маданий-тарихий, этник, руҳий, ахлоқий-диний,

экологик-географик ва бошка шарт-шароитлар билан белгиланади. Ушбу жараён муайян сабабларга караб, қайд этилган омиллар доираси ўзгарган, бирок доимо бу шароитларнинг муайян жамланиши ва омиллардан бирининг етакчи роль ўйнаши билан кечган. Давлат жамият ривожининг муайян боскичида ундан ажралиб чиқсан. Ўз навбатида, “жамият” ва “давлат” тушунчалари айнан бир тушунчалар эмас ва уларни албатта фарқлаш лозим. Жамият тушунчаси давлат тушунчасидан кенгроқ, негаки жамиятда давлатдан бошка ташкилотлар, яъни сиёсий партиялар, сиёсий харакатлар, ва бошка жамоат бирлашмалари мавжуд бўлади. Давлат жамиятнинг фақат сиёсий қисми, унинг бир элементидир.

Жамият билан давлатнинг тарихий даврлари ҳам фарқланади. Жамият давлатга нисбатан анча олдин шаклланган ва ўз ривожининг бой тарихига эга. Давлат вужудга келиши билан унинг жамият билан ўзаро таъсирининг мураккаб ва зиддиятли тарихи бошланади. Жамиятни ташкил этиши шакли ва бошқарувчи тизим сифатида давлат кўпчилик фуқаролар манфаати йўлида, муайян функцияларни бажариш, улар ўргасида юзага келадиган зиддиятларни ҳал килиши, манфаатларни мувофиқлаштириш, инқирозли вазиятларни ҳал қилиш хусусиятига эгадир.

**Давлатнинг жамият мавжуд бўлишининг бир шакли сифатидаги ўрнини белгилашда куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:**

давлат жамият билан бир вактда юзага келган эмас;

давлат ижтимоий ривожланишнинг маҳсули сифатида вужудга келган;

давлат тарихий тараккиётнинг муайян боскичида шаклланган;

давлатнинг юзага келишига бир катор омиллар, хусусан, географик, диний, руҳий, иктисадий, ижтимоий омиллар сабаб бўлган.

## **6-§. Давлат ва хуқуқнинг вужудга келиши тўғрисидаги назариялар**

---

Адабиётларда давлатнинг келиб чиқиши сабаблари тўғрисида турли назариялар илгари сурилади. Бу борадаги фикрларнинг хилма-хиллиги куйидагилар билан изохланади:

**Биринчидан**, давлатнинг келиб чиқиши жараённига ижтимоий-иктисадий, ҳарбий-сиёсий, табиий-иклиний, ахлоқий-диний, миллий-тарихий, маънавий-маданий, руҳий, экологик ва бошка омиллар таъсир этган;

**иккинчидан**, мазкур масала юзасидан тадқикотлар олиб борган олимлар турли тарихий даврларда яшаганлар ва табиийки, инсоният томонидан тўпланган турли ҳажмдаги билимлардан фойдаланганлар;

**учинчидан**, давлатнинг вужудга келиш жараёнини тушунтиришда олимлар ўз қарашларининг исботи сифатида кўпинча дунёning ўзларига маълум бўлган ҳудудларнигина мисол тариқасида келтирганлар. Масалан, герман қабилаларида давлатнинг келиб чиқишида ҳарбий омил муҳим бўлса, Шарқ халқларида эса сув иншоотларини барпо этиш жараёнида давлат шаклланган.

**тўртингчидан**, бошқа фанлар ютукларида рухланган мутафаккирлар кўпинча бу натижаларни ижтимоий фанларга кўллашга уринганлар, хусусан, у ёки бу фан ютукларига асосланиб, давлатнинг вужудга келиш жараёнига бошкacha қарай бошлаганлар ва шу билан жамият ривожланишига бошқа омилларнинг таъсир кўрсатишини зътибордан четда қолдирганлар;

**бешинчидан**, назариялар муаллифларининг қарашларига уларнинг фалсафий ва ғоявий ёндашувлари ҳам муайян даражада таъсир килганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Демак муайян назария орқали барча халқларда давлатнинг юзага келишини изоҳлаш мумкин эмас.

Ўз навбатида, давлат келиб чиқишининг “Осиёча” ва “Европача” йўллари мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**“Осиёча” йўл.** Осиёда дастлабки давлатлар бундан беш минг йиллар олдин Нил, Дажла, Ҳинд, Ганга, Янцзи, Фрот каби йирик дарёларнинг ҳавзаларида юзага келган.

**Ушбу ҳудудларда давлат вужудга келишининг асосий омиллари сифатида қўйидагилар зътироф этилади:**

- суформа дехқончиликнинг ривожланиши натижасида йирик ирригацион тармоқларни ташкил этиш юзасидан оммавий ишларни йўлга кўйишнинг зарурати;

- мазкур ишларга аҳолини кенг миқёсда жалб этилиши;

- ирригацион ишларга жалб этилган кишилар устидан ягона ва марказлашган раҳбарликни амалга оширишнинг зарурати ва бошк.;

**“Европача” йўл.** Европада давлатларнинг вужудга келишида асосий омил бўлиб хусусий мулкнинг шаклланиши муносабати билан жамиятда мулкий тенгизлизикнинг ва шу асосда турли хил табакаларнинг юзага келиши хизмат қилган.

Шу билан бирга, турли халқларда давлатнинг вужудга келишида юкоридаги омиллар билан бир каторда бошқа омиллар ҳам муҳим ўрин тутган. Давлатларнинг келиб чиқиши қўйида кўрсатиб ўтиладиган турли хил назариялар доирасида тадқик этилади.

**Теологик назария.** Теологик (диний) назария (юононча theos – худо, logos – тушунча, таълимот), Худо тўғрисидаги таълимотни англатади. Диний таълимотлар давлат ва хукукнинг вужудга келиши тўғрисидаги илк таълимотлардир. Давлатчилик ва хукук шаклланиши билан, уни диний, илохий тарзда тушуниш юзага келган.

Аврелий Августин (354 – 430), аль-Маварди (974 – 1058), Ибн Рушд (1126 – 1198), Фома Аквинский (1225 – 1274), Ибн Ходун (1332 – 1406) каби мутафаккирлар ҳамда яхудийлик, христианлик ва ислом дини вакиллари томонидан давлат ва хукукнинг келиб чиқиши диний асосда тушунтирилади<sup>1</sup>.

Ушбу назария вакилларининг фикрича, бутун олам, шу жумладан, давлат ва хукукнинг келиб чиқиши ҳам Худонинг иродаси билан боғлиқ. Подшо ва дин вакиллари Худонинг иродасини ифодаловчилардир. Шунинг учун ҳам, фуқаролар уларнинг амрига сўзсиз бўйсунишлари лозим бўлади.

Ушбу назария XII–XIII асрларда юқори мавқега эга бўлди. Ушбу даврда Фарбий Европада “икки қилич” назарияси кенг оммалашган. Унга кўра черков битта қилични ўзида саклаган бўлса, иккинчи қиличдан фойдаланиш хукукини хукмдорларга жамиятдаги масалаларни ҳал қилиш учун тақдим этади. Шу боис Европа давлатлари монархлари ҳокимияти конуний бўлиши учун католик черкови бошлиги Рим папасидан ёрлик олишлари лозим бўлган. Шу билан диний ташкилот бўлган черковнинг дунёвий давлат устидан устунилиги таъминланган.

**Патриархал назария.** Мазкур назариянинг асосчилари бўлиб, Аристотель, Афлотун ва Конфуцийлар хисобланади. Лекин ушбу назария XVII–XVIII асрларда Генри Мен, Михайловский каби олимларнинг асалари орқали кенг тарқалди. Мазкур назария намоёндаларининг наздида, давлат оиласининг ривожланиши асосида вужудга келган. Ибтидоий оиласга ота бошчилик қилиб, кейинчалик давлат вужудга келади ва ота ҳокимияти меросий бўлади. Афлотун ўзининг “Давлат” деб номланган машҳур асарида оиласдан ўсиб чиқкан юксак адолатли давлатни тасвирлайди. Унда подшо ҳокимияти отанинг ўз оила аъзолари устидан хукмронлигига ўхшатилади.

Патриархал назария ғоялари XVII асрда инглиз олими Фильмернинг “Патриарх” асарида ривожлантирилди. У мазкур асарида ҳокимиятнинг худодан олингани, кейин унинг тўнгич ўғли – Патриархга, ундан кейингина ўз авлодлари – киролларга берилганини исботлайди. Мазкур назарияда давлат катта оила сифатида тавсифланади. Хукмдорнинг

<sup>1</sup> Давлат ва хукук назарияси: Дарслик / X.Т.Одилкориев, И.Т.Тультеев ва бошк; проф. X.Т.Одилкориев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б.44.

ҳокимиятига миллат отасининг ҳокимияти сифатида каралади. Ҳукмдор худди оила бошлиғи каби жамият аъзолари ҳакида қайгуриши, ўз навбатида, оила аъзолари отага қандай бўйсунган бўлса, давлат бошлиғига ҳам шундай содик ва итоаткор бўлишлари лозим.

**Ижтимоий шартнома назарияси.** Мазкур назария XVII – XVIII асрлардан бошлаб кенг тарқалган бўлсада, у дастлаб Ҳиндистон ва қадимги Хитой мутафаккирлари томонидан илгари сурилган. Ушбу назария вакилларининг (Ж.Локк, Т.Гоббс, Б.Спиноза, А.Радишчев, Ж.Руссо, Г.Гроций) фикрича, давлат ҳокимияти кишиларнинг ўзаро бирлашиб ихтиёрий шартлашганликларининг ифодасидир. Бунда давлат ва жамият ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими вужудга келиб, ўз навбатида, уларда шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарлик туғилади.

Давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги шартнома назарияси табиий ҳуқуқ назарияси негизида вужудга келиб, ўрта асрлarda шаклланиб келаётган янги табака учун ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимиятини чеклаш, инсоннинг ҳокимиятдан мустакил эркин ирода эгаси эканлигини асослашга хизмат қилди.

Мазкур назариянинг мазмуни ўз ичига инсон ҳуқуқлари улар туғилганидан юзага келади деган ғояни қамраб олади. Рим ҳуқуқшунослари фуқаролар ҳуқуқлари ва ҳалклар ҳуқуқлари билан бирга табиий ҳуқуқни ҳам ажратиб кўрсатгандар. Бугунги кунда табиий ҳуқуқлар ҳар қандай давлат учун умуммажбурий норма сифатида эътироф этилади ва уларнинг бу борадаги мажбуриятлари ҳалқаро ҳуқуқ нормалари билан белгилаб кўйилган.

Ижтимоий шартнома назариясининг кўпгина ғоялари демократик давлатларнинг конституцияларида ўз ифодасини топган. Шу маънода, давлатнинг асосий конуни ҳисобланадиган конституцияларни муайян даражада ижтимоий шартнома деб таърифлаш мумкин. Чунки унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир каторда, уларнинг бурчлари кўрсатиб ўтилади. Ўз навбатида, давлатнинг жамият ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам конституцияларда мустаҳкамланади. Бир сўз билан айтганда, демократик давлатда давлат ва фуқаро ўзаро ҳуқуқ ва мажбурият орқали боғланган бўлади.

**Материалистик (марксистик) назария.** Ушбу назариянинг асосий коидалари Ф.Энгельс (“Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чикиши” асари) ва К.Маркснинг асарларида (“Капитал”) ифодаланган. Уларнинг фикрича, давлат, энг аввало, иктиносидий муносабатларнинг ривожланиши, бир-бирига қарама-карши синфларнинг юзага келиши натижасида вужудга келган. Бунда давлат иктиносидий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон бўлган табакаларнинг куйи табакаларни бостириб туриш

воситаси сифатида майдонга чикади. Мазкур назарияга кўра муросасиз синфи қарама-каршиликлар факат муайян тарихий шароитлардагина давлат вужудга келиши сабаби сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Шунингдек, умумий ишларни адо этиш, жамиятни бошқаришни такомиллаштириш, меҳнат тақсимотининг бир шакли сифатида ушбу бошқарувни ихтисослаштириш зарурати давлатнинг вужудга келиши сабаблари сифатида келтириб ўтилади.

**Зўравонлик назарияси.** Мазкур назария вакиллари (Е.Дюринг, Л.Гумплович, К.Каутский – XIX аср) давлатнинг вужудга келишига ҳарбий-сиёсий омиллар сабаб бўлган, деб хисоблайдилар. Яъни, зўравонлик назариясининг асосида давлат ва ҳуқукни келиб чиқишининг бош сабаби – босқинчилик, зўравонлик ва бир қабилани иккинчи қабила томонидан зулмга дучор этиш, деган гоя ётади. Бунда давлат босиб олинган ҳудудларни (халкларни) бошқариш учун зўрлов аппарати вазифасини ўтайди. Таъкидлаш жоизки, Европадаги айrim халклар, хусусан, герман қабилалари ва венгерларда давлатнинг келиб чиқишида айнан ҳарбий-сиёсий омиллар муҳим роль ўйнаган.

**Психологик (рухий) назария.** Мазкур назария XIX асрларда юзага келган бўлиб, унинг асосий гоялари Г.Тард, Л.Петражицкий ва бошқаларнинг асаларида ўз ифодасини топган. Уларнинг фикрича, кишиларнинг руҳияти жамиятнинг, шу жумладан, ахлоқ, ҳуқук, давлатнинг ривожланишини белгилаб берувчи асосий омиллар.

Психологик назария вакиллари жамият ва давлатни инсонларнинг руҳий уюшмаси сифатида ҳам талкин этадилар. Унга кўра, ҳуқукнинг негизи бўлиб индивидуал онг хисобланади. Уларнинг фикрича, давлат ҳокимияти бирор-бир кишининг иродаси эмас, балки фуқароларнинг давлатга боғликлиги тўғрисидаги руҳий тасаввурларидан келиб чикувчи кучdir.

**Иrrigation назария.** Ушбу назариянинг асосий намоёндаси немис олими К.Виттфогель хисобланади. Унинг наздида, давлат Шарқ халкларида йирик ирригацион иншоотларни барпо этиш зарурати асосида келиб чиқкан. Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда йирик ирригацион қурилиш ишларини ташкил этиш учун кучли, марказлашган бошқарув аппарати ташкил этилган. Мазкур назария вакилларининг фикрича, географик ва иклим омиллари ҳам давлатнинг келиб чиқишига таъсир ўтказади. Шу боис ноқулай бўлган шарт-шароитларда кишлок ҳўжалигини ташкил этиш муаммоларини ҳал этиш Шарқдаги айrim ҳудудларда давлатнинг келиб чиқиш жараёнини тезлаштирган.

## **7-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамият, давлат ва хуқуқ масалалари**

---

Конституция мамлакатимизда хуқукий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида шахс-жамият-давлат тизимида ўзаро уйғунликка ва мутаносибликка эришишини таъминлашга хизмат килади. Унда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланган ҳамда жамият, инсон ва фуқаронинг давлат томонидан кўрикландиган хуқуқлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда яшайдган халқнинг иродасини акс эттиради. Конституция авваламбор, умуминсоний қадриятлар ва халқаро хуқуқнинг устунлиги принципига амал килади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олти бўлимдан изборат бўлиб, унда инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари (иккинчи бўлим), жамият ва шахс (учинчи бўлим), маъмурий-худудий ва давлат тузилиши (тўртинчи бўлим), давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши (бешинчи бўлим) билан боғлиқ қоидалар ўз ифодасини топган. Уларда жамият, давлат ва хуқуқка оид асосий конституциявий тамойиллар белгилаб қўйилган.

Конституциямизнинг мукаддимасида унинг асосий мақсади “инсонпарвар демократик хуқукий давлат барпо этиш” эканлиги алоҳида таъкидланади. Суверен, демократик хуқукий давлат шахс ҳамда жамият хуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячисидир. Шу маънода, Конституция фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома сифатида намоён бўлади. Конституцияга биноан давлат фуқароларга шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг хуқуқ ва эркинликлар беради ҳамда уларнинг амалга оширилишини кафолаттайди. Шу билан бирга, унинг 19-моддасида кўрсатилганидек, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хуқуқ ва эркинликлари дахлизидир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Конституциянинг 44-моддасига биноан ҳар бир шахсга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуки кафолатланади. Давлат фуқароларга хуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга, уларнинг зиммасига муайян масъулият ҳам юклайди. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг хуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-

кимматини ҳурмат қилишга ҳамда Конституцияда кўзда тутилган бошқа бурчларни оғишмай бажаришга мажбурдирлар.

Ҳар қандай давлатда инсон ва жамият, шахс ва жамоа ўзаро алоқадор бўлиб, шахс жамоанинг бир аъзоси хисобланади. Шахснинг ҳам, жамоанинг ҳам ўз манфаатлари бўлади. Конституциямиз ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг уйғулигини кафолатлади. Шу билан бирга, шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатларга зиён келтирмаслиги лозимлигини қонунлаштириб беради. Айнан Конституциянинг 20-моддаси фуқаролар ўз ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт деб белгилайди. Демак, ҳар бир фуқаро Конституцияда мустаҳкамланган ҳукуқ ва эркинликлардан фойдаланараб экан, бошқа шахсларнинг манфаатлари билан ҳам хисоблашмоғи лозим. Ушбу принцип Конституциянинг бошқа моддаларида ҳам белгиланган. Масалан, 48-моддага кўра фуқаролар Конституция ва қонуларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-кимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Конституцияда мустаҳкамлаб кўйилган шахсий ҳукуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар ва демократик эркинликлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар фуқаролик жамиятида инсон шахсининг моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий жиҳатлардан шаклланиши ва ривожланиши, ўзидағи барча қобилият ва истеъодни тўла рўёбга чиқариши, Ватанимиз, ҳалқимиз ва миллатимизнинг фидойи, жасур кишиси, комил инсон бўлишига кенг имконият очиб беради. Конституциямизда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг уйғулиги ўз аксини топиб, бунда, аввало шахс, сўнгра жамият ва ундан кейин давлат манфаатлари ҳимоя килиниши назарда тутилади.

## Назорат саволлари

---

1. Давлат ва ҳукуқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг хилма-хиллигини асосланг. Уларнинг ўхшашиб ва ўзаро фарқли жиҳатларини кўрсатинг.

2. Жамият тушунчаси ва унинг тараккиётiga таъсир килувчи омилларни атрофлича муҳокама этинг.

3. Адабиётларда давлат келиб чиқишининг “Осиёча” ва “Европача” йўллари хақида сўз боради. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги мазкур йўлларни атрофлича изоҳлаб беринг.

4. Тарихан олиб қараганда, давлатни дастлабки сиёсий ташкилот деб хисоблаш мумкин. Давлатнинг сиёсийлиги шундаки, у ҳукмронликка

интилган ва эришган ижтимоий гурухларнинг манфаатини ифодаловчи ташкилот сифатида вужудга келган. Кейинчалик ижтимоий гурухлар, катламларнинг манфаатларини ифода этувчи бошка ўюшмалар, ташкилотлар, партиялар вужудга келиб, ўзига хос сиёсий ташкилотлар йигиндиси, мажмуи, тизими ҳосил бўлган. Бироқ шунга қарамай давлат жамиятнинг сиёсий тизимида марказий ўрин эгаллади.

*Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрнини муҳокама қилинг ва давлат сиёсий тизимнинг асосий элементи деб айтиши имконини берувчи хусусиятларни очиб беринг.*

5. Жамият кишиларнинг тарихан ташкил топган ҳамкорлик фаолиятларининг маҳсули, мажмуаси сифатида тушунилади. Инсонлар фаолияти ва улар ўргасидаги ижтимоий муносабатлар жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Жамиятдаги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонларнинг яшаши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва бошк.) муйян фаолият жараённида амалга ошади. Бундай фаолият сирасига мулкий, ишлаб чиқариш, оиласвий, сиёсий, ҳукукий, ахлокий, диний ва уларга мос келувчи муносабатлар киради. Айнан ижтимоий муносабатлар шахсни ижтимоий гурухлар, жамият билан боғлади.

*Давлатнинг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ҳокимият ва ижтимоий нормаларни атрофлича муҳокама қилинг.*

6. Европада давлатларнинг вужудга келишида асосий омил бўлиб хусусий мулкнинг шаклланиши муносабати билан жамиятда мулкий тенгсизликнинг ва шу асосда табакаланишнинг юзага келишига хизмат килган. Осиёда эса сугорма дехқончиликнинг ривожланиши натижасида йирик ирригацион тармоқларни ташкил этиш юзасидан оммавий ишларни йўлга кўйишнинг зарурати асос бўлган. Шу билан бирга, турли халкларда давлатнинг юзага келишида юкоридаги омиллар билан бир каторда бошка омиллар ҳам муҳим ўрин тутган.

*Давлатнинг вужудга келишига таъсир қилган омилларни муҳокама қилинг.*

### **ІІІ БОБ. ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ, МОХИЯТИ ВА ТИПЛАРИ**

#### **1-§. Давлат тушунчаси ва моҳияти**

Кишилик жамияти тарихида давлат шакллангандан бери ушбу ходисанинг моҳияти, унинг жамият ва шахс ҳаётида тутган ўрни ҳақида илмий-сиёсий фикрлар ҳам вужудга келиб ривожлана борган. Гарчи ҳар даврнинг мутафаккирлари давлат нима деган саволга ўзлари яшаб турган давр воқеликлари асосида жавоб беришга уриниб келган бўлсалар-да, буғунги кунга келиб, жуда мураккаб бўлган мазкур ижтимоий-сиёсий ходисага кўпчилик эътироф этадиган якуний бир таъриф бор дейиш кийин. Бинобарин, бундай ҳолат табиийдир, чунки, жамият ривожи билан ҳамоҳанг равищда давлатнинг моҳияти, унинг аҳамияти ҳам ўзгара борган.

Қадимги римлик оратор, файласуф ва сиёсатчи Марк Туллий Цицерон давлат нима деб бир вактнинг ўзида ҳам савол берган, ҳам шундай жавоб берган: “Ҳа давлат бу нима, агар унда умумий ҳуқукий тартибот бўлмаса”. Ушбу масала юзасидан Цицероннинг кўпгина издошлири бўлган, улар давлатга ҳуқукий тартибот ташкилоти сифатида қараганлар ва унинг асосий моҳияти ва вазифаси ҳам шунда деб тавсиф берганлар (Г.Кельзен, П.Струве ва бошк.).

Л.Дюги давлатнинг 4 та элементини ажратиб кўрсатади: кишилар иттифоқи; маълум ҳудуд; мустақил (суверен) ҳокимият; ҳукumat.

И.Кантнинг фикрича, давлат кўпчилик кишиларнинг ҳуқукий конунларга бўйсундирилган бирлашмасидир. Ўкув адабиётларида давлатга “ўзининг маҳсус аппаратига эга бўлган, яъни ўз ҳокимиятини бутун мамлакат миқёсига тарқатдиган суверен оммавий ҳокимиятнинг сиёсий ташкилоти”, деб таъриф берилади. Айни пайтда давлатга бериладиган таърифда унинг жамият билан боғликлигини кўрсатиш зарур.

Шу ўринда давлатни тушунишда, унга бўлган катта қизиқишига қарамасдан, ҳамон яқдиллик йўқлигининг сабаби нима? – деган савол туғилади. Аввало, давлатни тушунишдаги хилма-хиллик, давлатга оид карашларни шакллантирган давр билан боғлиқдир, бошқачароқ айтганда, жамият таракқиёти, унинг онги ва тафаккури даражаси билан боғлиқдир.

Айни пайтда, давлатнинг тушунчасини аниқлашдаги плюрализм, бир жиҳатдан одамларнинг давлатни ўзича – ҳар хил тушуниши билан, иккинчи томондан эса, давлатнинг ўзининг ижтимоий ҳодиса сифатида мураккаблиги билан тавсифланади.

Бундан ташкари, давлат атамаси турли маъноларда ҳам ишлатилади ва бу ҳолат уни тушунишдаги турличаликни келтириб чикаради.

Ганс Кельзен (легистик ёндашув вакили) ўринли таъкидлаганидек, давлат сўзи кўпинча жамиятни ифодалаб, баъзан миллат ёки худудни белгилаб ҳам айтилади. Давлат тўғрисидаги назариянинг етарли эмаслигига сабаб, кўпинча тадқиқотчилар турли атамаларни бир маънода ва аксинча бир хил маънодаги атамаларни турли мазмунда кўллашлари ҳамdir.

Кельзенning фикрича, давлат тушунчаси куйидаги маъноларда кўлланиши мумкин:

1. Давлат, аввало, соф юридик ёндашув нуктаи-назар орқали қараб чиқилмоғи лозим. У юридик шахс, “хукукий феномен”, ўзига хос корпорация сифатида намоён бўлиши мумкин. Давлат миллат миқёсидаги хукукий тартибдир. Юридик феномен сифатидаги давлат билан хукуқ ўртасидаги муносабат худди хукуқ билан шахс ўртасидаги муносабат тарзida қаралмоғи керак.

Кельзенning фикрича, давлат хукукни ўрнатиши ёки санкциялашидан қатъи назар, худди индивиддек бўлиши, яъни ўз хатти-харакатида хукуқ билан боғлик бўлиши лозим.

2. Давлат тушунчаси социологик маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Бу тарзда қараганда давлат қандайдир “социологик бирлик”, хукукий тартиб ва хукукий реалликдан мустакил мавжуд бўлган “социал реаллик” сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Социологик нуктаи назардан қаралган давлат учун хос бўлган жиҳат – унинг жамиятни бошқариш юзасидан ваколатларининг бир қанча органларга берилганлиги, бир қатор органлар қўлида тўпланганлигидир. Шу боис жамиятда бир неча ҳокимий ваколатга эга бўлган тузилмалар мавжуд бўлади.

3. Давлат тушунчаси жонли, табиий организм сифатида ҳам белгиланиши мумкин. Бу ёндошувга асосланган ҳолда, давлат “социал биология шакли” сифатида намоён бўлади. Кельзенning ушбу қарашлари давлатнинг юзага келиши тўғрисидаги органик назария тарафдорлари томонидан кўлланилган.

4. Кельзен ва унинг тарафдорлари давлатни “нормалар тизими”, “норматив тартиб”, “сиёсий ташкилланган жамият”, “давлат-ҳокимият” деб белгилашган, търифлашган.

Кельзенning фикрича, давлат сиёсий характерга эга, ва у, аввало, сиёсий ташкилот сифатида намоён бўлади, чунки у қонунда белгиланган тартиб ва асосларга таянган ҳолда айрим ҳолатларда “куч, мажбурлов

ишлишиш тартибини” белгилайди, зеро, у “куч ишлишишга бўлган монопол ҳукуқга эгадир”<sup>1</sup>.

Бундан ташкири, давлат – бу жамиятнинг бирлиги ва бутунлигини таъминловчи, жамиятни бошқаришда давлат механизми оркали қонунийлик ва ҳукуқ тартиботни, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини кафолатловчи, ҳукуқка умуммажбурий куч берувчи, оммавий ҳокимиятни амалга оширувчи сиёсий ташкилотdir.

Давлат бутун жамият ва унинг барча фуқароларининг сиёсий ташкилоти бўлиб, муҳим ижтимоий ишларни бошқаради, жамиятнинг бир бутунлигини таъминлайди, жамият учун ҳаётий муҳим бўлган функцияларни бажаради. Шу билан бир вактда давлат (асосан ҳукукий давлат) фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини кафолатлашга, жамиятда мустаҳкам ва инсонпарвар бўлган ҳукуқ тартиботни қўллаб-куvvatлашга қаратилган.

Давлатга умунижтимоий нуктаи назардан таъриф:

| **Давлат** – бу муайян ҳудудда олий ҳокимиятни амалга оширувчи, |  
| маҳсус бошқарув аппаратига эга бўлган, жамиятдаги барча |  
| ижтимоий-сиёсий гурухларнинг манфаатларини ифода этувчи, |  
| уларни бирлаштириб ва мувофиқлаштириб турадиган сиёсий |  
| ташкилот.

Шундай килиб, давлатнинг ҳодиса сифатида мураккаблиги, ўз навбатида, унинг турли тушунча ва талқинга эгалигини белгилайди. Шу боис турли даврларда давлат турлича тушунилиб келинган. Давлатни таърифлашда Собик Иттифок даври юридик фикри **синфийлик** нуктаи назари билан характерланади. Унда давлат “синфий жамиятнинг сиёсий ташкилоти” сифатида талқин этилган.

Кейинчалик, давлатни таърифлашда умунижтимоий жиҳатни кўрсатиш томон силжиш бошланди ва синфийликка берилган ургу астасекин умунижтимоий жиҳат томонга сурила борди.

Кейинги пайтларда кўплаб ўкув адабиётларида давлатга қўйидагига якин таъриф бериш анча кенг тарқалган: “давлат бу – ўз ҳокимиятини мамлакатнинг бутун ҳудуди ва аҳолисига тарқатадиган, маҳсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, ҳамма учун мажбурий қонун-коидалар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган жамиятнинг ягона сиёсий ташкилотидир”<sup>2</sup> (типик, хос таъриф).

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. - Cambridge: Harvard University Press, 2009. – P. 181–191.;

<sup>2</sup> Проблемы теории государства и права. Под. ред. проф. М.Н.Марченко. – М.:Юристъ-2011. – С.74.

**Бугунги кунда давлат тушунчасига таъриф беринча қуийдаги умумлашган (ижтимоий, синфий ва соғ юридик нұктай назардан) ёндашувлар мавжуд:**

– давлат (умумижтимоий) – бу муайян худудда олий ҳокимиятни амалга оширувчи, маҳсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий гурухларнинг манфаатларини ифода этувчи, уларни бирлаштириб ва мувофиқлаштириб турадиган сиёсий ташкилот;

– давлат (синфий) – бу иктисадий ва сиёсий жиҳатдан хукмон бўлган синфнинг манфаатларига хизмат килувчи сиёсий ташкилотдир;

– давлат (юридик) – бу муайян худудда оммавий ҳокимиятни амалга оширувчи сиёсий ташкилот.

**Давлатнинг моҳияти** масаласига тўхталарадиган бўлсак, унга қуийдагича таъриф бериш мумкин:

**Давлат моҳияти** деганда, унинг мазмуни, мақсади, давлат ҳокимиятининг қайси ижтимоий-сиёсий гурухларга мансублиги ва у кимнинг манфаатларига хизмат килиши тушунлади.

Демократик доктрина тарафдорлари ҳокимиятнинг биринчи манбаи халқdir, табиатан ва моҳиятан давлат ҳокимияти тубдан халқчил бўлиб, халқнинг манфаатларини қўзлаган ҳолда ва унинг назорати остида амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблашади.

Давлатнинг моҳияти бу ундаги **ҳокимиятда** ифодаланади. **Давлатнинг моҳияти** – конунларга асосланган ва фаолияти тегишли ташкилий -хукукий ва моддий воситалар билан таъминланган ҳокимиятдир. Ҳокимият давлатнинг мазмунини, унинг жамиятда тутган ўрни, аҳамиятини ва фаолияти кимнинг манфаатига қаратилганлигини белгилаб берадиган дастлабки, бирламчи ва барқарор ҳодиса, жиҳатидир. Ривожланган давлатларда давлат ҳокимияти турли гурухлар ва тоифалар ўртасида ижтимоий келишув, жамиятда конун устуворлиги ва барқарорлик гарови, инсон хукукларининг кафолати сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг тўла хукукли аъзоси бўлган Ўзбекистон демократик ривожланишининг мураккаб йўлидан бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Халқ давлатдан рози бўлиши керак”, “Халқ давлат органларига эмас, балки улар халққа хизмат килиши керак”, деган фаолият тамойилларининг мазмунида ҳам давлатимизнинг **моҳияти, яъни унинг халқчиллиги** яққол намоён бўлмоқда.

## **2-§. Давлатнинг асосий белгилари**

---

Ижтимоий ҳокимиятнинг бошқа субъектларидан фаркли ўлароқ, давлат ўзига хос қатор белгиларга эга.

**Ахолининг худудий асосга кўра бирлашганлиги.** Ҳозирги замон юридик фанида давлат худуди деганда, муайян давлатнинг суверенитети татбиқ этиладиган аниқ чегараланган худуд назарда тутилади. Давлат худуди ўз ичига куруқлик, сув, ер ости ва ҳаво маконларини камраб олади. Шу худудда яшайдиган аҳоли давлатнинг фукароси ҳисобланади.

**Махсус бошқарув аппаратининг мавжудлиги.** Давлат ўз олдига кўйган вазифа ва функцияларини амалга ошириш ҳамда жамият устидан бошқарувни ташкил этиш учун мураккаб механизм (аппарат)га эга бўлади. Махсус тарзда ташкил этилган ушбу давлат механизмининг самарали фаолият юритиши учун алоҳида кишилар гуруҳи, яъни давлат хизматчилари бўлиши тақозо этилади. Ушбу шахсларнинг асосий вазифаси давлат бошқарувини амалга ошириш ҳисобланади. Жамият сиёсий тизимининг бошқа тузилмаларидан (сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат тузилмалар) фаркли ўлароқ, факат давлатгина конун чиқарувчи ҳокимият, хукумат, суд, прокуратура, куролли кучлар, ички ишлар каби орган ва тузилмаларга эга бўлади.

**Хукуқ тизимининг мавжудлиги.** Хукуксиз давлат мавжуд бўла олмайди. Хукуқ давлат ҳокимиятини юридик жихатдан расмийлаштиради, легитимлайди, яъни унга конуний тус беради. Давлат ўз функцияларини хукуқий шаклларда амалга оширади. Давлат ижтимоий муносабатларни хукуқий тартибга солиш орқали, жамиядда конунийлик, хукуқий тартибот ва ижтимоий адолат ўрнатади. Хукуқ давлат ва давлат ҳокимияти фаолиятини аниқ хукуқий тартибга бўйсундиради.

**Солик тизимиға эгалиги.** Факат давлатгина аҳолидан расмий тартибда солик йиғиш хукуқига эга. Давлат худудида яшаётган барча шахслар давлат ҳазинасига, яъни бюджетига мажбурий тартибда конунчиликда белгиланган соликларни тўлаб боришлиари шарт. Соликлардан ташқари давлат фойдасига бошқа йиғимлар ва давлат божлари ҳам ундирилади. Улар ёрдамида давлатнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган моддий-молиявий база шакллантирилади. Ушбу моддий база асосида давлат органлари фаолияти молиялаштирилади ҳамда иқтисодиёт, табиатни муҳофаза қилиш, таълим, соғлиқни саклаш ва бошқа ижтимоий соҳалар юзасидан давлат дастурларининг амалга оширилиши таъминланади.

**Суверенитетга эгалиги.** Давлат суверенитети бу – давлатнинг сиёсий-хукукий хусусияти, белгиси бўлиб, у давлат ҳокимиятининг олийлиги ва мустақиллигида ифодаланади.

Давлат ҳокимиятининг олийлиги кўйидагиларда кўринади:

– давлат ҳокимиятининг умумийлиги, универсаллиги, яъни унинг ҳокимий кучи, таъсири бутун мамлакат ҳудудига, барча аҳолига, ҳамма ташкилот ва муассасаларга, барча сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари тарқалишида ифодаланади;

– давлат ҳокимиятининг уникаллиги, яъни бутунлай ўзига хослиги ва шу боис давлат ҳокимияти органлари бошқа бирон-бир ижтимоий ҳокимиятнинг муайян ҳатти-ҳаракати конунга зид бўлса, уни бекор қилиши, ҳақиқий эмас деб ҳисоблаши мумкин. Масалан, жамоат ташкилотлари ҳақидаги конунчиликнинг бузилиши конунда белгиланган асослар мавжуд бўлганида суд томонидан ушбу тузилманинг фаолияти тўхтатилишига олиб келиши мумкин;

– давлат ҳокимиятида бошқа ҳокимият соҳиблари эга бўлмаган таъсир воситалари мавжудлиги.

Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги унинг давлат ичida ва давлат ташқарисида ҳар қандай ва ҳамма масалаларни ҳал этишга, ҳар қандай конуний фаолиятни олиб боришига бўлган мутлақ ва монопол хукукга эгалигида ифодаланади.

Шу тарика, давлат ҳокимиятининг хусусияти (атрибути) сифатида суверенитет – маълум бир ҳудудда олий ҳокимиятга эгалик, давлатнинг ички ва ташкилотларига тўла мустақиллигидир.

### **3-§. Давлат ҳокимияти – ижтимоий ҳокимиятнинг муҳим шакли сифатида**

---

**Ҳокимият деганда,** умумий маънода муайян субъектнинг (индивид, жамоа, ташкилот) бошқа субъект (индивид, жамоа, ташкилот) иродасини ўз манфаатларига бўйсундиришига оид муносабатлар тушунилади.

**Муайян ҳодиса сифатида ҳокимият қўйидаги жиҳатларга эга:**

1. Ҳокимият ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.
2. Ҳокимият жамият ривожланишининг барча босқичларига хос бўлган ҳодисадир.
3. Ҳокимият факат ижтимоий муносабатлар доирасидагина амалда бўлади.
4. Ҳокимият муносабатлари икки томонлама кўринишга эга бўлиб, унинг муайян бир субъекти ҳокимият субъекти бўлса, иккинчи томони эса ҳокимиятга бўйсунувчи субъект ҳисобланади.

5. Ҳокимиятнинг энг муҳим белгиларидан бири, бу унинг муайян кучга эгалигидадир. Бундай куч турли хил шаклда бўлиши мумкин, яъни жисмоний куч, ҳарбий куч, авторитет кучи, ишонч, эстетик таъсир ва бошк.

#### 4-§. Давлат ҳокимиятининг белгилари

---

---

**Давлат ҳокимияти** – бу давлат мажбуров кучига таянадиган, субъектлар ўртасида ҳукмронлик ва тобеликка асосланадиган оммавий-сиёсий муносабатлар тизимиdir.

Ҳокимиятни турли хил мезонлар бўйича таснифлаш мумкин. Хусусан, ижтимоий дарражаларига кўра у қуидагича таснифланади:

- а) бутун жамият доирасидаги ҳокимият;
- б) у ёки бу жамоа доирасидаги ҳокимият;
- в) икки индивид муносабатлари ўртасидаги ҳокимият.

Ҳокимият шунингдек, **сиёсий ва сиёсий бўлмаган турларга** бўлинади. Сиёсий ҳокимиятнинг шакллари сифатида давлат ҳокимияти, муайян сиёсий партиялар ҳокимияти, сиёсий лидерлар ҳокимиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳокимиятни амалга ошириш усул ва воситаларидан келиб чиқиб, унинг демократик ёки нодемократик шакллари мавжуд. Ҳокимиятнинг сиёсий бўлмаган турларидан бири, бу оиласи ҳокимият (масалан, оиласа ота-она ҳокимияти) хисобланади.

**Давлат ҳокимиятини характерловчи қуидаги белгилар мавжуд:**

- давлат ҳокимияти универсал характерга эга бўлиб, у мамлакатнинг бутун ҳудуди ва аҳолисига нисбатан татбик этилади;
- давлат ҳокимияти оммавий-сиёсий характерга эга, яъни унда ҳокимият – жамиятдан алоҳида ажратилган профессионал аппарат томонидан бутун мамлакат миқёсида амалга оширилади;
- давлат ҳокимияти умуммажбурий тусдаги юриш-туриш коидаларини, яъни ҳуққуқ нормаларини яратишда катъий ваколатга эга;
- зарур ҳолларда конунда белгиланган тартиб ва асосларда давлатнинг мажбуров кучига таянади;
- давлат ҳокимияти вакт доирасида доимий ва узлуксиз амалда бўлади.

## **5-§. Давлат моҳияти ва унинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги турли назариялар**

**Давлатнинг моҳияти** – бу унинг мазмуни, мақсади, давлат ҳокимиятининг қайси ижтимоий-сиёсий гурухларга мансублиги ва у кимнинг манфаатларига хизмат килишидир.

Собик Иттифоқ даврида давлат ва ҳуқук назарияси фанига оид чоп этилган адабиётларда давлатнинг моҳиятига бир томонлама, яъни уни ҳукмрон синфнинг куроли сифатида қаралиб, синфий нутқи назардан ёндашувлар илгари сурилган.

Фарб олимлари томонидан илгари сурилган назарияларда эса давлатнинг моҳиятини белгилашда унинг синфлардан устун турувчи тузилма, яъни синфий, ижтимоий зиддиятларни бартараф этувчи ва жамиятнинг барча аъзоларини манфаатларини ифода этувчи восита сифатидаги жиҳатларига алоҳида ургу берилади.

**Давлатнинг моҳияти ва унинг ижтимоий аҳамияти юзасидан давлат ва ҳуқук назарияси фани доирасида шаклланган назарияларни куйидагича таснифлаш мумкин:**

**Элита назарияси.** Ушбу назария XX аср бошларида вужудга келган бўлиб, (В. Парето ва Г. Моски асарлари) аср ўрталарида янгидан ривожлантирилган (Х. Лассуэл, Д. Сартори, Т. Дай ва бошк.). Мазкур назариянинг бош ғояси, гўё ҳалқ оммаси давлатни идора этишга кодир эмаслиги, шунинг учун бошқариш жамиятнинг ҳукмрон доираси – элитаси томонидан амалга оширилиши лозимлигини исботлашдан иборат. Элиталар турли белгилар (келиб чиқиши, маълумоти, тажрибаси, қобилияти кабилар)га қараб аникланади. Шу билан бирга, элита таркиби ҳалқ оммаси, яъни уларнинг энг қобилиятли вакиллари хисобига тўлдириб борилиши мумкин.

Мазкур назариянинг салбий жиҳати шундаки, унда аҳолининг муайян даражада ҳокимият ишларидан четлаштирилиши назарда тутилади. Шу билан бирга, ҳокимият ишлари амалда кишиларнинг ғоят чекланган доираси – депутатлар, давлат хизматчилари ва бошқалар томонидан олиб борилишини эътиборга оладиган бўлсак, унинг муайян даражада давлат аппаратини шакллантириш амалиётига якинрок эканлигини кўрамиз.

**Технократик назария.** Мазкур назария XX асрнинг 20-йилларида вужудга келган бўлиб, 60-70-йилларида анча кенг таркалган. Унинг тарафдорлари сифатида Т. Веблен, Д. Барнхейм, Г. Саймон, Д. Белл ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу назария элита назариясига ўхшаб кетсада, у ўзида ижтимоий воказеликни муайян даражада ҳисобга олиши билан ажralиб туради.

Мазкур назарияга кўра, давлатни, жамиятни мутахассис-бошқарувчилар, менеджерлар идора этишлари лозим. Чунки, айнан улар жамиятнинг ҳакикий эҳтиёжларини, унинг энг мақбул ривожланиш йўлларини, бунинг учун зарур воситаларни аниклашга кодирдирлар. Давлат ҳокимиятининг бундай ташкил этилиши бошқарувни иммий асосда олиб бориш имконини беради ҳамда жамиятнинг ўсиб борувчи ривожини таъминлайди.

**Плюралистик демократия назарияси.** Мазкур назария XX асрда юзага келган бўлиб, унинг намоёндалари сифатида Г.Ласки, М.Дюверже, Р.Дарендорф, Р.Даль ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу назария социал-демократларнинг ҳам, либералларнинг ҳам қарашларини ўзида ифодалайди. Унинг мазмунини ҳозирги жамиятда моҳият эътиборига кўра синфлар амалда йўқолиб кетган ва ҳокимият шу тарика, ўз синфий табиатидан халос бўлди, деган гоя ташкил қиласди. Бунда жамият – турли тоифаларнинг ижтимоий бирлашмалари йиғиндисидан иборат. Давлат ҳокимияти эса мана шу ижтимоий бирлашмаларга маълум даражада мансуб. Масалан, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, ёшлар ташкилотлари ва шу кабилар. Шу тарика, давлат сиёсий ҳокимиятнинг ягона соҳиби эмас, деган фикр илгари сурилади.

**“Умумий фаровонлик давлати” назарияси.** Мазкур назария Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган бўлиб, унинг намоёндалари давлатнинг ижтимоий ҳаётга аралашмаслигига оид бўлган таълимотларга карши чикканлар. Ушбу назариянинг асосий ғоялари XX асрнинг 30-йилларида Д. Кейнс томонидан таърифлаб берилиган. Кейинчалик Д. Мюрдал, В. Пигу, К. Боулдинг, В. Мунд ва бошқаларнинг асарларида ривожлантирилган.

Мазкур назариянинг бош ғояси шундан иборатки, давлат барча синфлардан устун тураркан, аҳолининг барча катламлари манфаатларини ифодалайди ҳамда шу асосда умумфаровонликни таъминлайди. Ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражасининг юкори эканлиги ҳамда ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда йирик давлат дастурларини амалга оширилиши ушбу назариянинг юзага келишига сабаб бўлган. Мазкур назария инсон манфаатларини давлат фаолиятининг асосига кўйиш билан ҳар бир шахс қадр-кимматига эътиборни жалб этади.

**Конвергенция назарияси.** Ушбу назария давлатнинг истиқболдаги ривожини башорат қилувчи назариялардан бири сифатида XX асрнинг 50-60-йилларида юзага келган (Д. Гэлбрейт, Р. Арон, П. Сорокин). Маълумки, XX асрнинг ўрталарида жаҳон миқёсида икки тизим, яъни АҚШ, Англия ва бошқаларни ўз ичига олган капиталистик лагер билан собиқ Совет Иттифоқи бошлилигидаги социалистик лагер шаклланган. Мазкур назария вакилларининг фикрича, ҳар иккала лагернинг ҳам

ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Шу сабабдан, келажакда давлатларнинг моҳияти юқоридаги давлатларнинг ижобий жиҳатларини ўзида мужассамлашириши лозим.

Мазкур назария муаллифларининг фикрича, мавжуд давлатлар ижобий жиҳатларининг уйғунлашиб бориши баробарида маълум вактдан кейин улар ўртасида ўзаро фарқлар йўқола бориб, ягона типдаги “постиндустриал давлатлар” – “умумий фаровонылик” давлатлари юзага келади.

**Тарихий-материалистик назария.** Ушбу назария давлатнинг моҳияти тўғрисидаги таълимотлар тизимида алоҳида ўрин эгаллади. У давлатнинг мавжудлиги ва тараққиётининг кўпгина жиҳатларини таҳлил этади. Ушбу назариянинг асосида тарихий материализм ва синфий кураш ғоялари ётади (К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин). Шунингдек, давлатга иктиносидой хукмрон синф ҳокимиятининг куроли сифатида қаралади. Унинг хусусиятлари, энг аввало, жамият тараққиётининг муайян босқичидаги шу жамият иктиносидёти билан белгиланади. Мақсад – социалистик, сўнг эса, коммунистик жамиятни куриш, охир-оқибатда эса, коммунистик жамият барпо этила бориши билан давлатнинг барҳам топишига эришишдан иборат.

## 6-§. Давлатнинг типлари

**Типология** – кенг ва жуда хилма-хил белгиларга эга бўлган кўпкіррали ходисадир. Бу эса, унинг ҳар хил тизимлари ҳамда таснифларини яратилишига олиб келди. Кўп асрлик кишилик тарихи, бири иккincinnisinинг ўрнини эгаллаган ҳолда мавжуд бўлиб келмоқда, бугунги кунда ҳам уларнинг сони кам эмас. Шунинг учун ҳам, уларнинг илмий жиҳатдан таснифи муаммоси аҳамият касб этади.

Давлатнинг тарихий ривожланишини мантиқий нуқтаи назардан ифодаловчи, уларни маълум бир мезонларга асосланниб гурухларга бирлаштиришга имконият берувчи тасниф – типология деб аталади.

Давлатнинг типи – муайян давлатларга хос бўлган бир хил, мухим ва умумий белгилар йигиндиси.

**Давлатларни типларга ажратишда цивилизацион ёндашув мавжуд.**

Цивилизацион ёндашув – бунда давлатлар типи нафакат ижтимоий-иктиносидой тузум билан, балки жамиятнинг маънавий, ахлокий ва маданий ривожланиш даражасига караб ҳам белгиланади. Ушбу ёндашувнинг муаллифлари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг

бошларидаги ижтимоий-фалсафий оқимларнинг йирик вакиллари бўлган О. Шпенглер, А. Тойнби, М. Вебер, П. Сорокин ва бошқалардир. Улар таъкидлаганлариdek, жамиятнинг ривожига иқтисодий омиллар билар бир қаторда, кўпинча маънавий-ахлоқий омиллар ҳам жиддий таъсир этиб, улар тараққиётни ё тезлаштириши ёки унга тўсик бўлиши мумкин.

Ушбу ёндашувнинг таникли вакили инглиз мутафаккири А. Тойнби жамият ва давлатни таснифлашдаги цивилизацион ёндашувни таклиф этди. Бу ёндашувга биноан, жамият ва ҳаётнинг нафакат ижтимоий-иқтисодий томонларини, балки унинг диний, психологик, маданий асосларини ҳам эътиборга олиш зарур дейилади. Унинг фикрича, дунё тарихида 21 та цивилизация мавжуд бўлган, жумладан Миср, Хитой, Фарб, Араб, Мексика, Эрон, Суря цивилизациялари ва бошқаларни кўрсатади.

Цивилизацион ёндашув ҳозирги дунёнинг бирлиги ва бир бутунлиги, умуминсоният кадриятлари устуворлиги ғояларига асосланади. Цивилизациянинг бир бутунлиги ўзаро ҳаракатлар техникасида, ижтимоий ташкилотликда, дин ва фалсафада кўринади. Аникроқ айтганда, цивилизацион ёндашувни ҳам бутунлай тўғри дейиш кийин, лекин улар маълум биргаликда таснифлашнинг илмий асосини ташкил этиши мумкин.

Давлатларни типлар бўйича таснифлаш масаласи унинг барча жиҳатлари ва томонларини тўла камраб ололмайди.

Шу боис бугунги кунда давлатни типларга ажратишда бу масалага интегратив ёндошиш, яъни формацион ва цивилизацион ёндашув ва бошқа ижтимоий фанларнинг давлатни таснифлаш борасидаги ютукларини жамланган ҳолда олиб караш мақсаддага мувофик.

## Назорат саволлари

1. Давлат нима? Уни тушуниш бўйича ёндашувларни мухокама этинг ва мазмунини изоҳланг.
2. Давлатларни типларга ажратиб таснифлашнинг назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатиб беринг.
3. Давлатларни типларга ажратиш бўйича ёндашувларни мухокама қилинг ҳамда уларнинг ижобий ва салбий томонларини ёритинг.
4. Давлатни типларга ажратишнинг ноанъанавий типларини ёритиб беринг.
5. Давлатнинг асосий белгилари каторида ахолининг худудий асосга кўра бирлашганлиги кўрсатилади. Юридик фанда давлат ахолиси ва худуди нималарни камраб олишини атрофлича мухокама қилинг.

6. Давлатнинг асосий белгилари қаторида суверенитетга эгалиги кўрсатилади. Давлат суверенитети тушунчасини атрофлича мухокама қилинг.

7. Давлатнинг асосий ва қўшимча (ёрдамчи) белгиларини ажратиб кўрсатинг ва улар асосида давлат тушунчасининг умумий тавсифини беринг.

8. Тарихан олиб қараганда давлатни дастлабки сиёсий ташкилот деб хисоблаш мумкин. Давлатнинг сиёсийлиги шундаки, у ҳукмронликка интилган ва эришган ижтимоий гурухларнинг манфаатини ифодаловчи ташкилот сифатида майдонга келди. Кейинчалик ижтимоий гурухлар, катламларнинг манфаатларини ифода этувчи бошка уюшмалар, ташкилотлар, партиялар вужудга келиб, ўзига хос сиёсий ташкилотлар йиғиндиси, мажмуи, тизими ҳосил бўлди. Бироқ шунга қарамай давлат жамиятнинг сиёсий тизимида марказий ўрин эгаллайди.

*Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрнини мухокама қилинг ва бошқа сиёсий ташкилотлардан фарқини кўрсатиб беринг.*

## IV БОБ. ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ

### 1-§. Давлат функциялари тушунчаси

Давлатнинг функциялари, унинг вазифалари ва мохияти билан узвий боғлиқ бўлиб, давлатнинг мохияти ўзгариб борган сари функциялари ҳам шунга мос равишда ўзгариб боради. Давлат функцияси тушунчаси Давлат ва хуқуқ назарияси фанида энг муҳим категориялардан бири ҳисобланади. Чунки давлат функциялари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш унинг мазмун-мохияти, жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий вазифасини янада чукурроқ англаб олишга хизмат қилади.

Ўз навбатида, давлат функцияларининг қўйидаги муҳим

Фалсафада функция деганда бирон-бир объект хусусиятларининг маълум муносабатлар тизимидағи ташки ифодаси тушунилади. **Функция** – ваколат доирасидан келиб чикувчи фаолиятдир. Чунки “функция” лотин тилидан олинган бўлиб, у “фаолият” деган маънони англатади<sup>1</sup>.

хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

– давлат функциялари унинг табакавий ҳамда умуминсоний мохиятини аниқлаштиради ва ифода этади, шунингдек, функцияларнинг мазмунида гурӯҳий, миллий ва жамият аъзоларининг хусусий манфаатлари ўз ифодасини топади;

– давлат функцияларида унинг мамлакат ичкарисидаги ва ҳалкаро майдондаги ҳар томонлама амалий фаолияти намоён бўлади;

– давлат функциялари унинг тарихий тараккиётидаги мақсад ва вазифаларига мос равишда юзага келади ҳамда ривожланиб боради;

– давлат функцияларида унинг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятлари, жамият ҳаётида рўй берадиган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар акс этади.

Шу билан бирга, давлат функциясини унинг алоҳида органлари функцияларидан фарқлаш лозим. Давлат механизмига кирувчи барча давлат органлари, давлат корхоналари, давлат муассасаси ва ташкилотларининг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида давлат фаолиятининг муайян соҳаларида ўз функцияларини амалга оширадилар ҳамда шу асосда улар давлат функциясининг муайян кўринишлари ҳисобланадилар.

## Давлат функцияларининг хусусиятлари:

давлат функциялари, унинг табақавий ҳамда умумисоний моҳиятини аниқлаштиради ва ифода этади, шунингдек, функцияларнинг мазмунида жамият аъзоларининг манфаатлари ўз ифодасини топади;

Давлат функцияларида унинг мамлакат ичкарисидаги ва халқаро майдондаги ҳар томонлама амалий фаолияти намоён бўлади;

давлат функциялари унинг тарихий тараққиётидаги максад ва вазифаларига мос равишда юзага келади ҳамда ривожланиб боради;

давлат функцияларида унинг ривожланиш хусусиятлари ва конуниятлари, жамият ҳаётида рўй берәётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар ҳамда ислоҳотлар акс этади;

хукукий ва хукукий бўлмаган (ташкилий) шаклларда амалга оширилади.

Давлатнинг функциялари бу фаолият йўналиши, бирок йўналишнинг айнан ўзи эмас. Функцияларни амалга ошириш фаолияти маълум тарихий мазмун билан тўлдирилади, бинобарин, амалга ошириш жараёнида уларнинг ўзаро нисбати (солиширма вазни, ҳар бир функциянинг бошка тизимдаги аҳамияти) орқали юзага келади<sup>1</sup>.

Давлат фаолияти соҳалари жамиятда юзага келадиган муносабатлар каби турли хил кўринишда бўлгани сабабли, давлат назарияси олдида унинг синфий ва умумисоний моҳияти ҳамда ижтимоий аҳамияти акс этувчи ва аниқлаштирувчи унинг ички ва ташки фаолиятининг асосий

<sup>1</sup> Комаров С.А. Общая теория государства и права / Учебник. 7-е изд. – СПб.: Питер, 2004. – С.95.

йўналишларини белгилаш муаммоси туради. Шу билан бирга, давлатнинг функцияларида факат унинг моҳияти акс этади деб ўйлаш ҳам нотўғри бўлади. Чунки сиёсий хукмронлик вазиятида давлатни бошқариш хусусиятидан келиб чикувчи вазифа ва функциялари пайдо бўлади. Асосий йўналишларни ажратиш бу умуман давлат фаолиятини (бироқ унинг органлари фаолиятини эмас) “майдалаш”, демакдир. Бош йўналишлар давлат фаолиятининг ижтимоий муҳим тармоқлари бўлиб, уларни амалга оширишга унинг бирор-бир алоҳида бўғинлари эмас, балки барча органлари жалб қилинади. Акс ҳолда, жамиятнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти функцияларда ўз аксини топмайди, охир-оқибатда эса “давлатнинг функцияси” категорияси ўзининг назарий ва амалий маъносини йўқотиб, мавхум (куруқ мухокамага асосланган) бир тушунчага айланади.

Хукукшунос олим С.А. Комаров давлатнинг функцияларини нафакат унинг фаолият йўналишлари, балки жамиятдаги жараёнларга таъсир кўрсатиш механизми сифатида ҳам талқин килишни таклиф этади. У давлат жамият ҳаётининг у ёки бу соҳаларида маълум функцияларни бажара бориб, бир вактнинг ўзида ўтказилаётган ислоҳотлар, турли ўзгаришлар, ижтимоий алокаларни ҳуқуқий тартибга солиш воситасида жамиятдаги жараёнларнинг ҳолатига таъсир кўрсатишига ишора килади<sup>1</sup>.

Бундан келиб чиқадики, давлатнинг жамиятдаги жараёнлар ривожланишига таъсир кўрсатиш механизмини давлатнинг функциялари тушунчасига киритиш у кадар тўғри бўлмайди, чунки бунда давлатнинг функцияларини унинг механизми фаолиятига яқинлаштириш ҳамда давлатнинг фаолиятини турли ҳуқуқий таъсир воситалари билан алмаштиришга уриниш кўзга ташланади. Ҳолбуки, фанда давлатнинг функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари деган мустакил тушунча мавжуддир.

Давлат функцияларининг асосий белгилари, уларнинг давлат моҳияти ва ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқлиги, маълум тарихий босқичларда турлича бўладиган, давлатнинг оёққа туриш, мустаҳкамланиш ва ривожланиш жараённида ўзгариб борадиган вазифаларнинг давлат максадларида ҳал килишга йўналтирилганидан иборат бўлиши умумий қабул қилинган қоида ҳисобланади.

Давлатнинг функцияларида унинг моҳияти янада аниқ ўз ифодасини топади. Албатта, давлат функциясини аниклаштириш объектив хусусиятга эгадир. Чунки давлатнинг функциялари объектив равишда жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тизимлари билан боғлиқ бўлган максад ва вазифалар ҳамда улардан келиб чикувчи ижтимоий табака, жамоа ва бутун халқ

<sup>1</sup> Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права. Учебно-методическое пособие / Краткий учебник для вузов. –М.: НОРМА, 1999. – С. 448.

манфаатларининг маълум таъсири остида шакланади. Шунинг учун давлатнинг функциялари у мавжуд бўлган бутун тарихий давр мобайнида доимий равишда хос бўлади. Агар ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучлар келса, у ҳолда давлатнинг функциялари ҳам ўзгаради. Шу билан бирга, маълум даврларда устувор манфаатларнинг ўзгариши ҳам рўй бериши мумкин. Бу, ўз навбатида, функцияларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бунда биринчи ўринга бирламчи аҳамиятга эга бўлган функциялар чиқиши мумкин. Масалан, Иккингич жаҳон уруши даврида давлатнинг ялпи мудофаа функцияси асосий ўринга чиқсан.

Давлатнинг ҳар бир функцияси сиёсий предмет таърифига эга бўлади. Чунки унинг мазмуни, фаолият предмети нимадан иборат экани, у ёки бу мақсадларга эришиш йўлида қандай воситалар кўлланишини кўрсатади.

Албатта, давлат тараккиётининг алоҳида боскичларида функцияларнинг мазмуни ҳам ўзгармай колмайди. Давлат тарзида уюшган жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги инқилоблар, радикал иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар даврида функциялар турлича кўринишга эга бўлади.

Узок йиллар мобайнида юридик адабиётларда синфий ёндашув сунъий равишида устунлик килди, давлатнинг бутун жамият манфаатлари йўлида фаолият кўрсатиш хусусиятига кам эътибор берилди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ҳар бир давлат умумижтимоий фаолиятни амалга оширади, бутун жамият, барча синфлар, ижтимоий гурухлар ва аҳоли катламлари манфаатларини ифода этувчи вакил сифатида қатнашади.

Ҳар бир жамиятнинг табиатидан келиб чиқувчи функцияларга давлат фаолияти бу жамият мавжудлигининг табиий шарт-шароитларини кўллаб-куvvatлашга доир барча йўналишлари киради ва улар ҳам ички, ҳам давлатлараро миқёсда фан-техника инқилоби шароитида айнан шу функцияларнинг аҳамияти янада ошиб бораётир. Бунга мисол тарзида экологик мувозанатни саклаш зарурати; касалликлар (шу жумладан, ОИТС)га карши кураш; алоҳида мамлакатларнинг манфаатлари доирасига сигмайдиган муаммоларни ҳал қилишда ҳалқаро маданий ва илмий-техник ҳамкорлик (коинотни ўзлаштириш, жаҳон океани ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳалқаро стандартлар ва умумжаҳон радиокоммуникация алокасини ишлаб чиқиш, транспорт воситаларини ривожлантириш ва бошқа.) кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шуни кайд этиш жоизки, инсониятни энергия манбалари ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир ҳалқаро иқтисодий ҳамкорлик, алоҳида мамлакатлар доирасидан чиқувчи илмий ҳамкорлик, ҳаликлар ўртасида мустахкам тинчликни ўрнатиш моҳият-эътибори билан синфий хусусиятга эга эмас. Бирок уларни амалга ошириш ҳам синфий, ҳам умумий манфаатларнинг ҳал қилувчи таъсирига боғлиқдир.

Давлатнинг умумижтимоий фаолияти давлат ичидаги муносабат ва алоқаларнинг маълум даражадаги турғунилиги, унинг яхлитлиги ва умумий (иктисодий, маданий, миллий ва бошк.) манфаатлар негизида бирлашишини таъминлайди. Умумижтимоий функцияларнинг солиштирма вазни нечоғлик катта бўлса, давлатнинг ихтилофларни бартараф этиш, жамиятда муросага келишиш, ижтимоий алоқаларни баркарорлаштириш воситаси сифатида тутган ўрни шу қадар юкори бўлади. Давлатнинг бундай ўрни уни ўз амалий фаолиятида куч ва зўрлик ишлатиш усулларидан воз кечишга мажбур қиласди. У кўпроқ умумдемократик, тараккӣпарвар институт ва ғояларга, жумладан, хукукий давлат ғояси, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда хукуқнинг хукмронлиги, инсон хукукларига риоя килиш, камсоюзли миллатларни ҳимоя килиш, аҳолининг давлат ва жамият ҳаётида иштирокининг турли шакллари, ўзини ўзи бошқариш асосларини қўллаб-куватлаш, матбуот эркинлиги ва ошкоралик, фукароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялашни таъминлаш ҳамда шу кабиларга мурожаат кила бошлайди.

Давлат уни қўллаб-куватловчи шахсларнинг онглилиги ҳамда турли синфий, миллий ва бошка ижтимоий манфаатларни ҳисобга ола билиши, бунда умуминсоний, инсонпарварлик қадриятларига таяниши билан кучли бўлади. Бундан бошқача бирор-бир давлатни тараккӣ этган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шуни яна бир бор эътироф этиш жоизки, давлатнинг функцияси тушунчаси масаласида олимлар ҳалигача умумий бир тўхтамга келмаганлар. Хусусан, хукукшунос олимлар А.Саидов ва У.Таджихановнинг фикрича, давлатнинг функциялари унинг моҳияти ва жамиятдаги вазифаларини ифода этувчи фаолиятнинг асосий йўналишларидир<sup>1</sup>.

З.М.Исломов функцияларга давлатнинг умумижтимоий моҳияти ва ижтимоий бурчидан келиб чиқадиган муайян мақсадларга эришиш йўлидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича давлат фаолиятининг бош (асосий) йўналишлари (томонлари, кўринишлари) сифатида таъриф берган<sup>2</sup>.

В.М.Корельский ва В.Д.Переваловнинг фикрича, давлат функциялари деганда давлатнинг асосий ҳаракат йўналишларини, мазкур йўналишлар унинг моҳияти ва ижтимоий зарурлигини, давлат томонидан жамиятни бошқаришда унга тааллукли воситалар ва усуулларга асосланган мақсад ва давлат вазифаларини тушуниш лозим<sup>3</sup>. Н.И. Матузов ва А.В. Мальколарнинг фикрича, давлат функциялари деганда, давлатнинг ташки ва ички фаолиятига хос бўлган асосий йўналишларни тушуниш керак; мазкур

<sup>1</sup> Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва хукук асослари. – Т., 1999. – Б. 25.

<sup>2</sup> Исломов З.М. Давлат ва хукуқ: умумназарий масалалари (Давлат назарияси). – Т.: Адолат, 2000. – Б. 208.

<sup>3</sup> Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И. Матузова, А.В. Малько. – М.: Юристъ, 1997. – С. 143.

йўналишларда давлатнинг синфий ва умуминсоний моҳияти асосланганлиги акс этади ва конкретлашади<sup>1</sup>.

Х.Т. Одилкориев давлат функциялари деганда, давлат органлари бутун тизимининг жамиятни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга каратилган яхлит, ўзаро боғлик фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб, улар айни вактда бошка давлатлар билан бирга алоқадорликда ва ҳамкорликда амалга оширилади деб хисоблайди<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, давлат функцияси масаласи бўйича ёндашувлар турлича, аммо уларни таҳлил этиб кўйидаги хуласага келиш мумкин:

**Жамият** – бу тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсули. Жамият – бу кишилар ўртасидаги ўзаро турли хил (иқтисодий, оиласвий, маънавий, гурухий, диний ва бошк.) муносабатлар ва алоқаларнинг мураккаб тизими.

## **2-§. Давлат функциясининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбати**

Давлат функциялари ҳакида гапирганда унинг мақсади ва вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки давлат

### **Мақсад:**

- давлатнинг фаолиятини йўналтирувчи ва тартибга солувчи, унинг бажариши лозим бўлган вазифалари кетма-кетлиги ва характеристини белгилаб берувчи бевосита мотиви бўлиб майдонга чикади;
- муайян вазифаларни бажаргандан кейин келажакда юзага келиши мумкин бўлган давлатнинг образи ва модели сифатида намоён бўлади;
- давлат фаолиятини режалаштириш ва тараққиётнинг мукобил йўналишларини танлаш имконини беради;
- давлат фаолиятини мантиқийлик ва тизимлилик асосида амалга ошишини таъминлайди;
- мақсадга эришиш амалдаги ҳаётий вазият ва мақсад ўртасидаги номувофикални бартараф этиш жараёни хисобланади.

функциялари давлат мақсади ва вазифалари билан чамбарчас боғлик бўлиб, давлат ўз олдига кўйган мақсадга эришиши учун маълум бир вазифаларни ҳал қилиши лозим, бу эса, ўз навбатида, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

<sup>1</sup> Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И. Матузова, А.В. Малько. – М.: Юристъ, 1997. – С. 61.

<sup>2</sup> Odilqoriev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. –Toshkent.: Adolat, 2018. –B.119.

## **Давлатнинг вазифалари қўйидаги жихатларга эга:**

- функциянинг мавжуд бўлишини (амалга ошишини) тақозо этади;
- унинг амалга ошишидан олдин юзага келади;
- функцияга нисбатан объектив характерга эга;
- функциянинг мазмунини белгилаб беради;
- функциянинг шакл ва методларига таъсир килади;
- функциясиз давлатнинг бирорта ҳам вазифаси ҳал этилмайди;
- битта функция оркали давлатнинг бир катор вазифалари бажарилиши ёки аксинча бўлиши мумкин;

Шуни кайд этиш лозимки, “мақсад”, “вазифа”, “функция” тушунчалари бир-биридан ажралмас бўлиб, давлатнинг мақсад ва вазифаларига мос келиш давлат функциясининг асосий белгисини ташкил этади.

**Мақсад** бу муайян давлатнинг тараққиётидаги кейинги боскичда |  
| эришмоқчи бўлган ҳолати бўлса (масалан, фуқаролик жамиятини |  
| шакллантириш, хуқукий демократик давлат барпо этиш), **вазифа** эса |  
| ушбу мақсадга эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, |  
**функция** вазифалар ечимига йўналтирилган фаолият йўналишидир. |

Давлат ва жамият тараққиётининг муайян боскичида улар олдига маълум бир вазифаларнинг қўйилиши тегишли функцияларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради, чунки давлатнинг функциялари амалга оширилмаган тақдирда унинг вазифалари ҳам амалга ошмай қолади. Вазифа бир томондан маълум хусусиятга эга бўлмаган бирор-бир мақсадга эришиш заруратини, иккинчи томондан эса маълум фаолият турини амалга ошириш заруратини тақозо этади.

Вазифа ва функцияларнинг ўзаро нисбатида функциялар эмас, балки вазифалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Давлатнинг функциялари бу унинг вазифалари эмас, гарчи улар бу вазифалар билан боғланган ва ҳатто уларга бевосита боғлик бўлса ҳам, вазифалар давлатнинг ҳамда давлат функцияларининг ривожланиши учун бош асос ҳисобланмайди, чунки уларнинг ўзлари жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий эҳтиёжларидан келиб чиқади, унинг ривожланиш конуниятлари билан белгиланади ва ҳар бир давлатнинг миллий-тарихий ҳамда бошқа хусусиятларига боғлик бўлади.

Шундай қилиб, вазифа бир томондан маълум хусусиятга эга бўлмаган бирор-бир мақсадга эришиш заруратини, иккинчи томондан эса маълум фаолият турини амалга ошириш заруратини ўз ичига олади. Давлатнинг функциялари унинг вазифаларига боғлик бўлади, чунки вазифалар функцияларнинг мавжудлигини ва уларнинг мазмунини

белгилайди, уларни амалга ошириш шакл ва усуулларига таъсир кўрсатади. Функциялар мазмуни, давлатнинг қандай фаолият олиб бораётганлиги, шу муҳитда бошқарув ҳаракатларини қай йўсинда юритаётганлиги, унинг тегишли органлари нима билан шугулланётганлигини кўрсатади.

Давлат фаолиятининг айrim боскичларидаги функция ва вазифалари ўртасидаги ўзаро боғликлек муаммоси ҳам ички, ҳам ташки функцияларга татбиқан ҳал килинади, зеро уларнинг юзага келишининг тарихий сабаблари тегишли равишда давлат ривожланишининг ички обьектив конунлари ва ташки шарт-шароитларга боғлик бўлади.

Бир ривожланиш боскичида турган ҳар қандай давлатлар бир хил мазмунли функцияларга эга бўлсаларда, уларнинг моҳияти, шакллари ва айниқса, амалга ошириш усуулларидаги фарқлар жиддий бўлиши мумкин. Бу эса шуни англатадики, ҳар бир боскичга бошқа ривожланиш боскичларидаги функцияларга ўхшамаган “ўз” функциялари хос бўлади ва давлатнинг янги боскичга ўтиши билан унинг функциялари қисман ёки тўлиқ ўзгаради. Бинобарин, янги функциялар пайдо бўлади, бироқ мавжуд функцияларнинг кўпчилик қисми шаклини ўзгартиради ва янгича мазмун касб этадики, буни Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш жараёнида (Собиқ Иттифоқ парчаланиб, Ўзбекистон мустақил давлат бўлганидан сўнг) кузатиш мумкин.

### **3-§. Давлат функцияларини турли асосларга кўра таснифлаш**

---

Юридик адабиётларда давлат функцияларини таснифлашда бир хил ёндашув мавжуд эмас. Давлат функцияларини таснифлашда бир хил ёндашувнинг мавжуд бўлмаслигига сабаб, тараккиётининг турли боскичларida турган давлатлар мавжуд обьектив шароитдан келиб чиккан ҳолда ўз олдига кўйган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятига мос равишда фаолият юритишидир.

А.Саидов ва У.Таджихановнинг фикрича, давлатнинг функцияларини икки асосий гурухга: ички ва ташки функцияларга бўлиш мумкин<sup>1</sup>.

Ички функцияларга қонунийлик асосида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини муҳофаза килиш, уларнинг tengҳукуқлиигини, жамият манфаатларини таъминлаш; мулкчиликнинг турли шаклларини teng ҳимоялаш; монополизмни истисно килувчи бозор иктисолиётининг ривожланишини таъминлаш; фуқароларнинг меҳнат шароитларини

---

<sup>1</sup> Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳукуқ асослари. – Т., 1999. – Б. 25.

яхшилаш ва муҳофаза қилиш; фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш кабилар киради<sup>1</sup>.

Ташки функцияларга ушбу олимлар тинчлик ва биргаликда тинч яшаш учун кураш, мамлакатни ташқаридан бўладиган хужумдан мудофаа қилиш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик ва сиёсий ҳамдўстлик, дунё мамлакатлари билан атроф-табиий мухитни, инсонларнинг тинчлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликнинг турли шаклларини киритадилар.

Давлат функцияларини таснифлашга З.М.Исломов бошқача ёндашган. Унинг фикрича, давлат функцияларини тўрт асосий гурухга бўлиб ўрганиш лозим: а) фаолият соҳалари бўйича; б) амал қилишининг давомийлиги бўйича; в) ижтимоий аҳамияти бўйича; г) амалга оширишнинг хукукий шакллари бўйича<sup>2</sup>. Ўз навбатида, биринчи гурухга кирадиган функциялар ички ва ташки функцияларга бўлинади. Ички функциялар давлатнинг мамлакат ичкарисидаги вазифаларини амалга ошириши билан боғлиқ. Ташки функциялар халқаро миқёсдаги фаолият бўлиб, бунда давлат халқаро-хукукий муносабатларнинг субъекти сифатида майдонга чиқади. М.И.Байтин ва И.Н.Сенякиннинг фикрича, давлат функциялари ижтимоий ҳаётнинг кайси жабҳасига қаратилгани, кайси вазифаларни бажаришда амал қилишига кўра ички (иктисод, экология, фан, маданият, таълим тизимини ривожлантириш ва бошқалар билан боғлиқ) ҳамда ташки (давлатни химоялаш, тинчлик ва баркарорликни таъминлаш) функцияларга бўлинади<sup>3</sup>.

Н.И.Матузов ва А.В.Малько эса асосий функциялар деганда, маълум бир тарихий шароитда давлат олдида турган асосий мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш жараённида юз берадиган йўналишларини тушунадилар. Асосий бўлмаган функцияларга эса улар бошқа, иккиласми вазифаларни ҳал қиласиган ва асосий функцияларга қўшимча бўлган вазифаларни киритадилар<sup>4</sup>. М.И.Байтин ва И.Н.Сенякиннинг фикрича, давлатнинг асосий ички функциялари таркибига иқтисод, фан, маданият, таълим тизимини ривожлантириш, экология, солик солиш ва уни тўплаш, мавжуд мулк шаклларини химоялаш, хукуқ-тартибот ўрнатиш функциялари киради.

Давлатнинг ички функцияси масаласига кейинги пайтда чоп этилган айrim адабиётларда ҳам кенг эътибор берилмоқда. Жумладан, айrim олимларнинг ёзишларича, Ўзбекистон давлати куйидаги ички функцияларни амалга оширади: иқтисодий функция ёки иқтисодиётда

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Исломов З. М. Давлат ва хукук: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 208.

<sup>3</sup> Теория государства и права. – М., 1997. – С. 150 – 151 .

<sup>4</sup> Матузов Н. И., Малько А. В. Теория государства и права. – М., 1997. – С. 61.

давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, ижтимоий соҳада олиб борадиган ишлари, таълим, фан, техника, маданият ва аҳолини ғоявий (мафкуравий) тарбиялаш соҳасидаги, хуқук-тартиботни кўриқлаш, фукароларнинг хуқук ва эркинликларини, мулкчиликнинг барча шаклларини оғишмай ҳимоя қилиш, хуқукбузарликка ва жиноятчиликка қарши курашиш, табиат бойликлари ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқ.<sup>1</sup>

Давлат функцияларини таснифлашда деярли барча олимлар ички ва ташки функциялар мавжудлигини тан оладилар. Лекин шунинг билан бирга, ҳар бир муаллиф давлат функцияларини таснифлашда турли хил мезонларни асос қилиб олади. Уларни умумлаштирган ҳолда давлат функцияларини таснифлаш асослари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

**Давлат функцияларини таснифлаш асослари:**

- фаолият соҳалари бўйича;
- амал қилиш давомийлиги бўйича;
- ижтимоий аҳамияти бўйича;
- амалга оширишнинг хуқукий шакллари бўйича.

Бундай таснифлаш бошқа хил мавжуд таснифлашларга қараганда давлат функцияларини тўлиқроқ очиб беришга, уни тушуниб етишга ҳамда кенг тадқиқ қилишга имконият яратади. Юкорида кўрсатиб ўтилган давлат функцияларининг таснифи ҳам, ўз навбатида, бир нечта гурӯхларга бўлинниб кетади.


Давлат функциялари **фаолият соҳалари бўйича ички ва ташки функцияларга бўлинади.**

**Ички функциялар** давлатнинг ички вазифаларини ечишга йўналтирилган бўлиб, давлатнинг жамият ҳаёти устидан раҳбарлигини амалга оширишга каратилган фаолиятининг асосий йўналишларини намоён қиласди.

**Ташки функциялар** эса ҳалкаро-хуқукий муносабатларнинг субъекти сифатида иштирок этётган давлат, давлатлашаро миқёсдаги вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

<sup>1</sup> Давлат ва хуқук назарияси / Масъул мухаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилкориев. – Т., 2000. – Б. 187 – 189.

## Давлат функциялари



Олимлар ўртасида давлатнинг функцияларини ички ва ташкига ажратиш юзасидан бир хил фикр мавжуд эмас. Жумладан, В.М. Сырых давлатнинг ички функциясига жамиятда ҳуқуқий тартибини ўрнатиш ва муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, халқ ҳокимиятини таъминлаш, маданий-тарбиявий, табиатни муҳофаза қилиш каби давлатнинг функцияларини киритади. Ташки функцияларга эса ҳимоя қилиш,

агрессив урушларни олиб бориш, икгисодиёт, маданият, маориф соҳасида ҳамкорлик ва бошқа функцияларни киритади<sup>1</sup>.

В.М.Корельский ички функцияга химоялаш функцияси, хусусий мулк химояси, хукукий тартиботни таъминлаш, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа функцияларни киритади. Ташки функцияга эса ташки хавфдан химоя қилиш, босқинчилик урушларини олиб бориш, дипломатик алокаларни таъминлаш кабиларни киритади<sup>2</sup>.

**Юкоридагилардан келиб чиқсан ҳолда давлатнинг асосий ички функцияларига қўйидагиларни киритиш мумкин:**

- иқтисодий функция;
- ижтимоий функция;
- сиёсий функция;
- хукук тартиботни таъминлаш функцияси;
- тинчлик ва тотувликни таъминлаш функцияси;
- экологик функция ва бошқалар.

Юкорида кўрсатиб ўтилган давлатнинг ички функциялари бутун мавжуд (ички) функцияларни қамраб олади, деган гап эмас. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Энди юкорида кўрсатиб ўтилган функцияларни батафсил кўриб ўтсак. **Иқтисодий Функция** – бу давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш борасида асосий йўналишларни ишлаб чикиш, бошқариб ва тартибга солиб туришдан иборатdir. Бундан ташқари, мазкур функцияning моҳиятини давлат бюджетини шакллантириш, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини аниқлаш, турли хил мулк шаклларининг тенглик шароитида амал қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлаш кабилардан иборат.

**Ижтимоий Функция** – бу аҳолини ижтимоий химоя қилиш, ижтимоий тенгиззикни камайтириш, инсонларга муносаб ҳаёт тарзинини яратиб бериш, таълим соҳасини, соғлиқни саклаш ҳамда маданиятни ривожлантириш ва бошқалар.

**Сиёсий функция** – асосий функциялардан бўлиб, бу давлатнинг (жамиятнинг) сиёсий ҳаётини бошқаришдан, давлат органларини шакллантиришдан ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишдан иборат.

**Хукук-тартиботни муҳофаза қилиш функцияси** – бу давлатнинг ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан тегишли

<sup>1</sup> Сырых В.М. Теория государства и права. – М.: Былина, 1998. – С.25.

<sup>2</sup> Теория государства и права: учебник / ред.: В.М.Корельский, В.Д.Перевалов. 2-е изд., изм. и доп. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 2002. – С.145–150.

хукук нормаларида белгиланган кўрсатмаларни аник ва тўлиқ амалга оширишни таъминлашга қаратилган фаолиятидир. Ушбу функция орқали давлат барча учун конун ва суд олдидағи тенгликни кафолатлаши, жамият хаётининг барча соҳаларида умуммажбурий характерга эга бўлган юриш-туриш қоидаларини ўрнатиши лозим бўлади. Давлат жамиятда хукукий тартибот ва хавфсизликни таъминлайди. Бунинг учун хукукни муҳофаза қилиш органлари тизимидан фойдаланади.

**Тинчлик ва тотувликини таъминлаш функцияси** – бу давлат томонидан ахолининг тинч-тотув яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, турли миллатлар ва ижтимоий гурухларни муросаю мадорада саклаб туришдан, уларнинг орасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдан иборат.

**Экологик функция.** Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси кўпроқ экологик хавфсизлик муаммоси сифатида тушунилмокда. Шундан келиб чиқиб, биз давлат экологик функциясининг куйидаги таърифини таклиф қилишни лозим топдик: давлатнинг экологик функцияси деганда, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва жамият аъзоларининг яшаш шароитлари, меҳнат ва дам олишини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш вазифаларини ҳал қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ҳамда кўпайтиришга оид фаолияти тушунилади.

- 
- Давлатнинг асосий ташки функциялари қўйидағилар  
хисобланади:
- бошқа давлатлар билан ҳамкорлик функцияси;
  - мудофаа функцияси.
- 

**Бошқа давлатлар билан ҳамкорлик** – бу ушбу давлатнинг манбаатларини барча давлатларнинг алоҳида ва умумий манбаатлари билан уйғунлаштирадиган тенгхукукли иктисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатларни ўрнатиши ҳамда ривожлантиришига қаратилган давлатнинг хилма-хил фаолиятидир. Жамият ривожланишининг замонавий даражаси барча тараққий этган давлатларнинг хўжалик, сиёсий ва маданий турмушини интеграциялаштириш, ҳар бир давлатнинг алоҳида ички муаммолари ҳамда бутун жаҳон ҳамжамияти муаммоларини янада самарали ҳал қилиш учун уларнинг умумий саъй-харакатларини бирлаштиришни объектив равишда талаб этади. Бундай ҳамкорлик интеграция масалаларига кенг ва ўзаро фойдали ёндашувни, нафакат ушбу мамлакат, балки ҳамкорликнинг бошқа иштирокчилари

манфаатларига ҳам жавоб берадиган рационал ечимларни умумий ҳаракатлар билан топа билишни назарда тутади.

**Давлатлараро иқтисодий ҳамкорлик**да халқаро меңнат тақсимоти, ишлаб чикаришни кооперациялаштириш ва ихтисослаштириш, энг янги технологияларни алмашиш, товар айланишини мувофикалаштириш, молия-кредит алоқаларини ривожлантириш мухим ўрин тутади. Халқаро иқтисодий ҳамкорликни умумий мувофикалаштириши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари амалга оширади. Жумладан, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши таркибида жаҳон ҳамжамияти миёсида давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш билан шуғулланадиган қатор органлар иш олиб боради, булар: Савдо-сотик ва ривожланиш кенгаши, Иқтисодий қўмита, минтақавий иқтисодий комиссиялар, Туар жой масаласи, қурилиш ва лойиҳалаш, табиий ресурслар, фан ва техника қўмиталари. Халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик масалалари билан БМТнинг Халқаро меңнат ташкилоти, Озиқ-овқат ва кишлек хўжалиги ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараккиёт банки сингари ташкилотлари шуғулланади.

Бугунги кунда худудий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган давлатлар ҳамжамияти доирасида иқтисодий ҳамкорлик самарали амалга оширилмоқда. Бунга Европа Иттифокини мисол килиб кўрсатиш мумкин. Бу ҳамжамиятнинг максади иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликка эришиш; барқарор ва бир маромда ривожланиш; ахоли турмуш даражасини тезрок ошириш; бу ҳамжамиятга кирувчи давлатларнинг халқлари ўртасида янада яқин алоқалар ўрнатиш хисобланади. Бу давлатлар савдо-сотик соҳасида мавжуд бўлган барча ўзаро чекловларни олиб ташлаш; учинчи мамлакатлар билан савдо-сотикда умумий божхона тарифини жорий қилиш; одамлар, сармоялар ва хизматлар эркин ҳаракат килиши учун тўсиқларни олиб ташлаш; транспорт, энергетика ва хўжалик соҳаларида умумий сиёсат олиб бориш; умумий ракобат қоидаларини ўрнатиш ва бошқа масалалар бўйича келишиб олдилар. Европа Иттифоки ўзи яқин ҳамкорлик қиласидаги бошқа китъалардаги мамлакатлар билан қатор конвенциялар тузди.

Иттифоқ доирасида вазифаси умумий иқтисодий ва ижтимоий сиёсат тадбирларини молиялаштиришдан иборат бўлган қатор кредит муассасалари (Европа инвестиция банки, Европа тараккиёт банки ва бошқалар) фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик, шунингдек давлатлар ўртасидаги икки томонлама шартномалар асосида ҳам амалга оширилмоқда. Бирок бундай ҳамкорлик факат ушбу давлатларнинг иқтисодий имкониятлари билангина чегараланади.

**Давлатларнинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлиги**, энг аввало, уруш ва тинчлик масалаларида кўзга ташланаётир. Давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг замонавий ривожланиш даражаси глобал куролли тўқнашувларга йўл кўймаслик имконини беради. Давлатлар ўргасида сиёсий ҳамкорлик давлат ҳокимиётининг барча поғоналарида: парламентлараро, ҳукуматлараро миқёсда ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари миқёсида амалга оширилади.

Европа Иттифоки умумий давлатлараро қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга бўлиб, уларнинг ваколатлари бирлашган давлатларнинг ўзаро манфаатлари билан чегараланган. Бундай давлатлараро тузилмалар конфедератив ва қисман федератив белгиларга эга, чунки уларнинг қонун чиқарувчи ва бошқарувчи органлари умумийdir.

1991 йили вужудга келган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) асосан иқтисодий ҳамкорлик тамойиллари асосига курилган. Собик Иттифоқнинг субъектлари кўп йиллик иқтисодий алоказалар билан узвий боғлангани сабабли уларнинг бу ҳамдўстлик доирасидан ташкарида фаолият кўрсатиши катта кийинчилик туғдиради. Вакт ўтиши билан улар жаҳон тараққиёти тажрибасидан унумли фойдаланиб, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда янада ўюшқок давлатлараро ҳамкорликка ўтишлари мумкин.

БМТ хозирги замон давлатларининг сиёсий манфаатларини мувофиқлаштирувчи асосий халқаро орган ҳисобланади. Низоларни, шу жумладан, куролли можароларни тартибга солиш масалалари билан БМТнинг доимий ишловчи органи – Хавфисизлик Кенгаши шуғулланади. Унга халқаро тинчлик ва хавфисизликни саклаш, давлатлараро муносабатларнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кенг ҳуқуқлар берилган.

Жаҳонда сиёсий барқарорлик ва хавфисизликни саклаш ишига минтақавий халқаро ташкилотлар: Араб Давлатлари Лигаси, Африка Бирдамлик Ташкилоти, Америка Давлатлари Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошкалар ҳам муносиб ҳисса кўшмоқдалар. Сиёсий хусусиятга эга бўлган қўпгина масалаларни давлатлар бевосита дипломатик йўл билан, икки ёки кўп томонлама музокаралар асосида ҳал қилмоқдалар.

**Маданий ва илмий-техник ҳамкорлик** ҳар хил шаклларда ва турли давлатлараро миқёсларда амалга оширилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бундай ҳамкорликни мувофиқлаштириш билан таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган муассасалар (ЮНЕСКО), Атом энергетикаси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) ва бошқа ташкилотлар шуғулланади. Маданий ва илмий-техник ривожланишининг алоҳида масалалари эса давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлари (масалан,

Жаҳон демократик ёшлар ташкилоти, Илмий уюшмалар халқаро кенгаши, Халқаро архитекторлар уюшмаси, Халқаро талабалар уюшмаси) ўртасидаги иккитомонлама ёки кўптомонлама шартномалар асосида ҳал қилинади. Халқаро ва илмий-техник ҳамкорлик доирасида илмий мъълумотлар, санъат асарлари, мусиқа ва сахна маданияти ютуқларини алмашиш, ўзаро мутахассислар тайёрлаш, фан ва маданият масалаларига доир турли конференциялар ҳамда фестиваллар, олимлар, маданият арбоблари ва спортчилар ўртасида бевосита алоқалар амалга оширилади.

**Атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик** сайёрада нормал экологик вазиятни саклаш бўйича кўпгина давлатларнинг сайдараларини бирлаштиради. Бу фаолият кенг қамровли хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг яшами ва ривожланиши учун зарур бўлган экологик шароитларни яратишни назарда тутади. У БМТнинг ихтиослашган муассасалари йўналишида ҳамда минтакавий ва бошқа давлатлараро органлар доирасида фаол амалга оширилади. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш учун давлатларнинг космонавтика, тиббиёт, биология, энергетика ва электроника соҳаларидағи энг сўнгги ютуқлари кўлланади.

Ҳозирги замон давлатларининг ташки фаолияти халқаро-хуқуқий нормаларга асосланади ҳамда жаҳон ҳамжамиятига киравчи барча халқларнинг туб манфаатлари ва миллий хусусиятларини хисобга олади.

**Мудофаа функцияси.** Давлатнинг мамлакатни ташки ҳужумдан мудофаа қилиш функцияси давлат фаолиятининг мухим йўналиши хисобланади. Мамлакат озодлиги ва эркинлиги, унинг мустакиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини ташки агрессорлардан ҳимоя қилиш зарурати давлат ва жамият ривожланишининг барча босқичларида мавжуд бўлганини тарих тасдиқлайди.

Ватан ҳимояси, давлат ҳудудини босқинчилардан озод қилиш учун урушлар халқаро хуқук нуқтаи назаридан конуний ва адолатли хисобланади. Мамлакат мудофааси функцияси иктиносий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий усуслар билан амалга оширилади. Тинчлик даврида мазкур функция мамлакатни ташқаридан қилиниши мумкин бўлган ҳужумга ҳар томонлама тайёрлашни англатади. Ҳарбий даврда бу функция душман билан бевосита қуролли кураш шаклини олади. Бу кураш жараённида мамлакатдаги барча кучларнинг ғалабага эришиш учун бирлашиши рўй беради.

Айни пайтда давлатларнинг кўпчилиги мудофаа доктринасини қабул қиласан бўлиб, унинг моҳияти бошқа давлат ёки давлатлар гурухи томонидан уюштирилиши мумкин бўлган агрессияни бартараф этиш учун мақбул даражада етарли бўлган куч ва воситаларни яратишдан иборат. Ҳарбий қаршилик масалаларига бундай ёндашув халклар ҳаётидан урушлар юз бериши эҳтимолини жиддий камайтиради ва келгусида

уларнинг секин-аста йўқолиб боришини назарда тутади. Мамлакат мудофааси функцияси тушунчаси кенг қамровли ва кўп кирралидир. У мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, тинчлик даври ва ҳарбий даврда куролли кучларнинг жанговар қурратини саклаш бўйича давлат тадбирларининг бутун тизимини ўз ичига олади.

**Давлатнинг мудофаа фаолияти** унинг ҳарбий доктринасига асосланади ва беш асосий йўналишдан ташкил топади.

**1. Мамлакатнинг мудофаа қурратини мустаҳкамлаш.** Фантехника тараққиётининг энг сўнгги ютукларига таянадиган, ривожланган ва самарали иқтисодиёт давлатнинг юкори даражадаги мудофаа қобилиятини таъминлайди. Бу факат жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча нарсаларни ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳозирги замон иқтисодиёти ҳарбий саноатнинг зарур ривожланиш даражасини, техника ва куроласлаҳаларнинг энг янги намуналарини ишлаб чиқиш, стратегик хом ашё ва озик-овқатлар заҳираси ҳамда давлат мудофаа салоҳиятининг бошка компонентларини яратиш имкониятини таъминлайди.

**2. Куролли кучларни тинимсиз тақомиллаштириш, уларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги даражасини ошириб бориши.** Ҳар бир давлат ўзининг куролли кучлари қурратли, тезкор бўлиши, замонавий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, ҳарбий техника ва куроласлаҳаларнинг барча турларини кўллай билиши, юкори даражали жанговар қобилият ва тайёргарликка эга бўлиши, конунийлик ва халкаро хукук қоидалари доирасида ҳаракат қилиши ҳакида мунтазам қайтуриши лозим.

**3. Давлат чегараларини кўриклиш.** Бу фаолият чегара кўшилнлари ёки бошқа маҳсус бўлинмалар томонидан амалга оширилади ва маълум давлатнинг қонунлари билан белгиланган чегара режимини таъминлашни назарда тутади.

**4. Фуқаролар мудофаасини ташкил қилиш.** Давлатлар ташқаридан қилиниши мумкин бўлган хужумларга каршилик кўрсатиш ва ҳарбий даврда мамлакат иқтисодиётининг баркарор ишлашини таъминлаш мақсадида тинчлик даврида катор мудофаа тадбирларини ўтказадилар. Бу фаолият оммавий кирғин куроллари билан зарба берилиш эҳтимоли катта бўлган аҳоли пунктларида яшовчиларни эвакуация қилишни назарда тутади. У маҳсус мудофаа иншоотларини барпо этиш, куткариш ва тикилаш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ.

**5. Куролли кучлар заҳирасини ҳарбий тайёрлаш.** Кўпгина мамлакатларда ҳарбий ҳисобда турган шахсларни вақти-вақти билан ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ташкил қилинади. Бу давлатлараро

харбий можаролар чиқкан тақдирда куролли кучларни тез кенгайтириш ва уларни малакали шахсий таркиб билан тұлдириш имконини беради. Давлат шунингдек, ўрта ва олий ўқув юртларida бошланғич харбий тайёргарликни ташкил қылади.

**Мамлакат мудофааси функцияси давлатнинг бошқа функциялари билан бевосита боғлиқдир.** Буни айрим мисолларда күриб чиқамиз. Мамлакат мудофааси функциясининг иқтисодий функция билан ўзаро боғлиқлиги шунда ифодаланады, самарали иқтисодий фаолият орқали давлат куролли кучларни замонавий харбий техника ва курол-аслаха билан таъминлайди, харбий иншоотлар барпо этади, мудофаа саноатини ривожлантиради, харбий-илмий тадқиқотлар ўтказади.

Мамлакат мудофаа функциясининг ижтимоий функция билан ўзаро боғлиқлиги харбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий талаб ва эхтиёжларини қондириш имконини беради (соғлиқни саклаш, уй-жой билан таъминлаш, дам олиш учун вакт бериш, коммунал хизматлар кўрсатиш, давлат микёсида пенсиялар тайинлаш ва бошк.).

Мамлакат мудофаа функциясининг хукукни муҳофаза килиш функцияси билан ўзаро ҳамкорлиги орқали куролли кучларда харбий интизомни мустаҳкамлаш, харбий мулкни саклаш, харбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг қонуний хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари муваффақиятли ҳал қилинади.

Давлат мудофаа қобилиятининг унинг ички функциялари билан бундай яқин алоқаси натижасида бир томондан мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш вазифалари муваффақиятли ҳал қилинса, иккинчи томондан мамлакат ички турмушининг барча соҳаларида тинч бунёдкор меҳнат учун кулагай шарт-шароитлар яратилади.

Бу ўринда жаҳон ҳамжамияти давлатлари мудофаа сиёсатининг ўзаро алоқасини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ҳозирги замон шароитларида бу алоқа ядрорий ва оддий куролларни кисқартириш, ҳар бир давлатнинг мудофаа воситаларидан бактериологик, кимёвий, биологик ва бошқа оммавий қыргын қуролларини чиқариб ташлашга қаратилғандир. Бу ерда гап душман мамлакатлар ўртасида маълум сабабларга кўра вужудга келиши мумкин бўлган харбий қаршиликни гуманизациялаштириш ҳақида боради. Турли мамлакатлар ўртасидаги харбий қаршилик даражасини пасайтириш барча давлатларнинг иқтисодий имкониятларига, уларда яшайдиган ҳалқларнинг маданий, маънавий ва экологик фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади.

**Давлат функциялари амал қилиш давомийлиги бўйича доимий ва мувакқат (вақтингчалик)га бўлинади.**

**Доимий функцияларга** давлат мавжудлиги ва ривожланишининг барча босқичларига хос бўлган функциялар (масалан, иқтисодий функция) киритилса, **мувакқат функцияларга** эса давлат ўз олдига кўйган муйян мақсад ва вазифаларни амалга ошириши билан ўз аҳамиятини йўқотадиган функциялар киритилади.

**Ижтимоий аҳамиятига кўра** давлат функциялари **асосий ва асосий бўлмаган** функцияларга бўлинади.

Давлат функцияларини бундай таснифлашни, яъни асосий ва асосий бўлмаган функцияларга бўлишни кўпчилик олимлар танқидий нуқтаи назардан баҳолайдилар. Жумладан, В.М.Сырых давлат функцияларини асосий ва асосий бўлмаган функцияларга бўлиб таснифлашни танқидий жиҳатдан баҳолаш кераклигини эътироф этади. Унинг фикрича, бундай ёндашув натижасида асосий бўлмаган функциялар “давлат функцияси” тушунчасининг зарур белгисидан маҳрум бўлади, чунки ҳар қандай фаолият турини эмас, балки фақат асосий фаолият турини камраб олади. Шунинг учун ё давлат функцияси тушунчасини алмаштириш, ё таклиф килинган таснифлашни номувофиқ деб тан олиш керак бўлади<sup>1</sup>.

Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, давлатнинг асосий ва асосий бўлмаган функцияси ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, давлатнинг асосий бўлмаган функцияси давлатнинг асосий функциясини амалга оширишга ёрдам беради.

Давлатнинг барча органлари томонидан ўзаро ҳамкорликда бажариладиган **функциялар асосий функциялар** дейилса, айрим давлат органларигагина хос бўлган функциялар эса **асосий бўлмаган функциялар** ҳисобланади.


#### **4-§. Давлат функцияларини амалга ошириш шакллари**

---

Давлат функциялари ҳукукий ва ҳукукий бўлмаган (ташкилий) шаклларда амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> Сырых В.М. Теория государства и права. – М.: Былина, 1998. – С. 25 – 26.



**Давлат функцияларини амалга оширишнинг хуқукий шакллари бўйича қўйидагиларга бўлиш мумкин:**

- хуқук ижодкорлиги;
- ижро этиш;
- хукукни мухофаза килиш.

**Хуқук ижодкорлиги** бу норматив-хукукий актларни тайёрлаш ва уларни қабул килиш бўлиб, бу фаолиятсиз давлатнинг бошқа функцияларини амалга ошириб бўлмайди.

**Хукукни ижро этиш** функцияси норматив-хукукий хужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган коидаларни хукукни кўллаш актлари чиқариш орқали амалга оширишга қаратилган фаолиятдир. Бунда конунчиликда белгиланган талабларни кундалик хаётда бажаришга ва бошқарув характеристига эга бўлган турли хил масалаларни ҳал килишга қаратилган ишлар амалга оширилади.

**Хукукни мухофаза қилиш** фаолиятига тартибни сақлаш, фукароларнинг хуқук ва эркинликларини химоя қилиш, конун ва коидаларга риоя этилишини таъминлаш, хукукбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора кўриш, юридик ишларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан карорлар қабул қилиш ҳамда айборларни жавобгарликка тортиш кабиларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда давлат функциясини амалга оширишнинг янги тури – шартномавий шаклнинг роли ошиб бормокда. Бу марказлашмаган давлат

бошқаруви ҳамда бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан изоҳланади<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, давлат функцияларини амалга оширишнинг хукукий бўлмаган шакллари ҳам мавжуд.

Хукукий бўлмаган шакллар давлат функцияларини амалга оширишда ташкилий-тайёргарлик ишларининг асосий кисмини қамраб олади. Бундай фаолият ҳам зарур, ҳам хукукий бўлиб, у хукукий аҳамиятли фаолиятлар билан боғлиқ эмас ҳамда хукукий оқибатларни келтириб чикармайди<sup>2</sup>.

Давлат функцияларини амалга оширишнинг ушбу шаклларига қуйидагилар киради:

1) ташкилий-тартибга солувчи – давлат органларининг хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, сайловларни ташкил этиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш ва назорат билан боғлиқ фаолиятини таъминловчи муайян тузилмаларнинг кундалик ишлари;

2) ташкилий-хўжалик – дотация, кредитлаш, таъминот, статистика, бухгалтерлик хисоби билан боғлиқ бўлган тезкор-техник ва хўжалик ишлари;

3) ташкилий-мафкуравий – янги қабул килинган норматив-хукукий хужжатларни тушунтириш, ижтимоий фикрни шакллантириш, аҳолига мурожаат килиш каби давлат органларининг турли функцияларини мафкуравий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ кундалик ишлар.

---

Давлат функциялари муайян усулларни қўллаш орқали амалга оширилади. Ушбу усуллар сифатида ишонтириш ва мажбурлов, тавсия ва рағбатлантиришларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

---

**Ишонтириш** субъектларни уларнинг иродасига мос равишда, босим ўтказмасдан ва танлаш эркинлигини таъминлаган ҳолда муайян фаолият юритишига ундаштир. Ишонтириш субъектив хукуқ, конуний манфаатлар, имтиёзлар ва бошка ижобий юридик воситалар орқали амалга оширилиши мумкин. Давлат, асосий усул сифатида аввало, ишонтириш усулидан максимал тарзда фойдаланиши лозим. Ишонтириш манфаатдорликка, конунийликнинг исботланишига ва хукуқ нормаларига мос келадиган онгли юриш-туришнинг мақсадга мувофиқлиигига асосланади.

---

<sup>1</sup> Теория государства и права. Учебник / Ред.: В.М. Корельский, В.Д. Перевалов. 2-е изд.,изм. и доп. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 2002. – С.152 – 153 .

<sup>2</sup> Теория государства и права. Учебник / Ред.: В.М. Корельский, В.Д. Перевалов. 2-е изд., изм. и доп. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 2002. –С.153.

**Мажбурлаш** – кишиларни танлов хукукини чеклаган ҳолда куч ишлатиш орқали муайян фаолият юритишга ундашни назарда тутади. Мажбуровлор тўхтатиб қўйиш, жазолаш, маҳрум қилиш каби юридик воситалар орқали амалга оширилиши мумкин.

**Тавсия қилиш** – кишиларни жамият ва давлат нуктаи назаридан исталган ва ижобий хатти-харакатни амалга оширишга йўналтиришдир.

**Рағбатлантириш** – кишиларни рағбатлантириш тизими орқали жамият ва давлат манфаатдор бўлган ижтимоий фойдали фаолият юритишга ундашдир.

Юқоридагилар билан бирга, адабиётларда давлат функцияларини амалга оширишнинг иктисодий ва маъмурий усуллари ҳакида ҳам айтиб ўтилади.

**Иктисодий усуллар сифатида** давлат бошқарувини амалга оширишда қўйидаги иктисодий воситалардан фойдаланиш назарда тутилади: муайян товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар учун соликларни камайтириш; иктисиётишнинг у ёки бу тармоғига инвестиция киритиш ва бошқалар. Иктисодий функцияни амалга ошириш орқали давлат башоратлаш (прогноз), режалаштириш, имтиёзли кредитлаш, давлат субсидияларини бериш, истеъмолчиларни химоя қилиш ва бошқаларни амалга оширади.

**Маъмурий усуллар** бўйсуниш ва давлат органларининг конуний кўрсатмаларини бажариш мажбурияти билан боғлиқдир. Бундай усуллар қаторига давлат рағбатлантируви ва ман этиш усулларини киритиш мумкин. Давлат томонидан рағбатлантиришга масалан, чет эл инвестицияларини рағбатлантириш мақсадида чет эл капитали билан фаолият юритадиган корхоналарни бир неча йилга соликлардан озод қилишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ман этишга каратилган усулни қўллаш орқали давлат у ёки бу фаолият юритишга ўзининг салбий муносабатини билдиради. Масалан, давлат наркотик ва бошқа психотроп моддаларни ноконуний ишлаб чиқариш, муайян фаолият турлари бўйича лицензия олмасдан хизмат кўрсатиш кабилар. Бунда давлат жамият манфаатлари учун зарарли ва мос келмайдиган фаолият олиб борилишига тўскинилк килади.

## **5-§. Давлат функцияларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсири этувчи омиллар**

---

Тараққиётнинг муайян босқичида турган ҳар қандай давлат бир хил функцияга (масалан, иктисиодий функция)га эга бўлмайди, лекин уларни амалга ошириш мазмуни ва усуллари бир-биридан фарқ килади. Ҳар бир босқичга қатъий белгиланган функциялар мос келади

деб ўйлаш түғри эмас. Албатта, давлат тараккиёти давомида вакти-вақти билан янги функциялар юзага келади, лекин эскилари ҳам изсиз йўколиб кетмайди. Факат уларнинг кўриниши ўзгариши, янги мазмун билан бойиши мумкин.

Давлатнинг функциялари у мавжуд бўлган бутун тарихий давр мобайнида доимий равишда хос бўлади. Агар ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучлар келса, у ҳолда давлатнинг функциялари ҳам ўзгаради. Шу билан бирга, маълум даврларда устувор манфаатларнинг ўзгариши ҳам рўй бериши мумкин. Бу, ўз навбатида, функцияларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бунда биринчи ўринга бирламчи аҳамиятга эга бўлган функциялар чиқиши табиийдир. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши даврида давлатнинг ялпи мудофаа функцияси асосий ўринга чиқкан. Давлат тарзида уюшган жамият хаётининг турли соҳаларидаги инқилоблар, радикал иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар даврида функциялар турлича кўринишга эга бўлади.

Ижтимоий ва табиий борликнинг турли соҳаларида глобал ўзгаришлар рўй бераётган бугунги кунда айрим функцияларнинг аҳамияти янада ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол тарзида экологик мувозанатни саклаш зарурати; алоҳида мамлакатларнинг манфаатлари доирасига сифмайдиган муаммоларни ҳал қилишда ҳалқаро маданий ва илмий-техник ҳамкорлик (коинотни ўзлаштириш, жаҳон океани ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, транспорт воситаларини ривожлантириш, миллий, этник ва диний низоларни ҳал этиш ва бошқа функциялар)ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

## **6-§. Глобаллашув жараёни ва давлат функцияларининг замонавий концепциялари**

---

Бугунги кунда глобализация жараёнлари давлатларнинг фаолият йўналишлари, яъни функцияларининг мазмун ва моҳиятига ҳамда уларни таснифлаш жараёнига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бунда давлатларнинг нафакат ташки функциялари, балки ички функциялари ҳам глобализация жараёнларига боғлиқ бўлиб колмокда. Бу борада илмий ва ўкув адабиётларида таъкидлаб ўтилганидек, “Ҳар кандай давлатнинг ички ва ташки функциялари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, чунки бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлар йўлини

белгиловчи ташки сиёсат ҳам кўп жиҳатдан муайян давлат амал килишининг ички шарт-шароитларига боғлиқ бўлади”<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, давлатларнинг ички функциясини ҳалкаро ҳамжамиятнинг таъсири ва манфаатини эътиборга олмасдан факат миллий манфаатларга асосланган максад ва вазифаларга таяниб, ривожлантириб бўлмаслигини кайд этиш жоиз. Бу борада З.М. Исломов таъкидлаб ўтганидек, жаҳонда интеграция жараёнлари тобора кенгайиб бораётганлиги давлатимиздан дунё микёсидаги, яъни глобал муаммоларни ҳал килиш, чунончи, ҳалкаро жиноятчиликка карши кураш, экологик ҳалокатларнинг олдини олиш, табиат ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ҳоказоларда жаҳоннинг барча давлатлари билан ҳамкорлик килишни тақозо этади<sup>2</sup>.

Глобал муаммоларни ҳал этишда эришилган ютуклар айрим олимларнинг давлат функцияларини ички ва ташки турларга ажратиш услубининг эскирганлиги тўғрисида фикр юритишлирига асос бўлмоқда. Хусусан, “хозирги шароитда давлат функцияларининг ички ва ташки функцияларга ажратиш маълум даражада ўз аҳамиятини йўқотмоқда, чунки кўпгина ички функциялар ташки функциялар тусини касб этмоқда (масалан, давлат фаолиятининг экологик йўналиши) ёки аксинча”<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Давлат ва ҳукук назарияси. Муаллифлар жамоаси. Дарслик / проф. Х.Т. Одилкориев таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.112.

<sup>2</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳукук назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.323.

<sup>3</sup> Давлат ва ҳукук назарияси. Муаллифлар жамоаси. Дарслик / проф. Х.Т. Одилкориев таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.130.

Глобаллашув шароитида давлатнинг замонавий функцияларини таснифлашнинг ягона тизимини жорий этиш, яъни уларни қўйидаги 5 та умумий функциялар гурухига ажратиш мақсадга мувофиқ:

1) сиёсий, яъни давлатнинг сиёсий ҳаётни бошкариш, давлат органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш хамда халқ ҳокимиётчилигини таъминлаш функцияси;

2) иктисадий функция бу давлат томонидан иктисадиётни ривожлантириш борасида асосий йўналишларини ишлаб чикиш, бошқарувни амалга ошириш хамда тартибга солиб туришдан иборатдир. Бундан ташқари, жамиятнинг иктисадий ривожланиш стратегиясини аниқлаш, турил хил мулк шаклларининг тенглик шароитида амал қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш кабилар хам давлатнинг иктисадий соҳадаги функцияси доирасига киради;

3) ижтимоий, бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий тенгиззикни камайтириш, инсонларга муносиб турмуш тарзини яратиш ва бошқалар;

4) мағкуравий, яъни жамият аъзоларини тарбиялаш, уларда таълим, оммавий ахборот воситалари, маданият орқали фуқаролик ва ватанпарварлик қадриятларни шакллантириш борасидаги давлат фаолиятининг йўналиши;

5) экологик функция – жамият талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва жамият аъзоларининг яшаш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва кўпайтириш борасидаги давлат фаолияти йўналиши.

Маълумки, ҳар бир давлат бошқа давлатлардан алоҳида фаолият юрита олмайди, улар ижтимоий-иктисадий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий соҳаларда ўзаро бир-бирига боғланган бўлиб, нафақат глобал муаммолар, балки мамлакат миқёсидаги муаммоларни хам биргаликда ўзаро манфаатлар келишувига таянган ҳолда ҳал этишлари мумкин. Хусусан, бугунги қунда глобализация давлатнинг сиёсий функцияси мазмунига ҳам муайян ўзгартишлар киритмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва жамиятни демократик талаблар асосида бошқариш тамойилларининг тўлаконли амалга ошишини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳозирги замон давлатлари сиёсий функциясининг мазмун-моҳиятини ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда демократик қадриятларнинг глобаллашув жараёнлари кечеётганлигини қайд этар экан, бу борада И.И. Лукашук куйидагиларни билдириб ўтади: “демократия халқаро тамойил сифатида умумбашарий аҳамият касб этмоқда. Унга бўлган хуқуқ глобал хуқуқ сифатида тан олиниб, унинг амалга ошиши халқаро ҳамжамият томонидан кенг миқёсда таъминланмоқда”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини аниқ-равшан белгилаб олган ва бу мақсад Конституциямизда муҳрлаб қўйилган. Бу йўл демократия ва эркинликнинг умумэтироф этилган ва асосий принципларига таянади. Айни пайтда мамлакатимизнинг тарихий, миллӣй ва диний хусусиятларига ва халқимизнинг дунёқарашига асосланади<sup>2</sup>.

Замонавий давлатлар сиёсий функциясининг асосий йўналиши халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш эканлиги кўпчилик олимлар томонидан муайян қоида сифатида эътироф этилган. Мазкур қоида халқ томонидан куйидаги ваколатларни амалга оширишни назарда тутади: биринчидан, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирок этиш; иккинчидан, давлат ва жамият аҳамиятига молик бўлган энг муҳим қарорларни кабул килишда иштирок этиш (масалан, референдум орқали); учинчидан, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида мазкур қоиданинг деярли барча йўналишлари бўйича зарур конституциявий-хуқуқий асослар яратилиши билан бир каторда уларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ҳам муайян ютукларга эришилди. Айниска, сўнгти йилларда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва уни амалга оширишнинг ташкилий-хуқуқий механизmlарини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар баробарида давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига нисбатан аҳолининг ишончи муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, ушбу омил давлат ва аҳоли ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг юзага келишида муҳим ўрин тутади. Бинобарин, бундай ижтимоий ҳамкорликни шакллантиришда куйидаги учта жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим: ҳокимият органлари фаолиятининг ошкора намоён бўлиши; давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш; фуқароларни жамиятдаги мавжуд институционал назорат тизимига жалб килиш. Ўз ўрнида, жамоатчилик назорати давлат

<sup>1</sup> Лукашук И.И. Глобализация, государство, право, XXI век. – М., 2000. – С. 23.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –Б.69.

органлари томонидан олиб бориладиган назоратдан фарқ қиласи. Зотан, жамоатчилик назоратини олиб борадиган субъектлар давлат органлари бўлмай, балки жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва фукаролар ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатимизда 4 та сиёсий партия, 8000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари, 10 мингга яқин фукаролар йигинлари мавжуд бўлиб, улар давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб борувчи субъектлар ҳамдир.

Глобализация жараёнларида давлат сиёсий функциясининг муҳим жиҳати ҳисобланган давлат суверенитетини таъминлаш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Айрим олимларнинг фикрича, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида давлат суверенитети феноменининг янги жиҳатлари юзага келди. Тегишли адабиётларда глобал муаммолар ва халқаро ҳуқуқий суверенитеттинг юзага келиши натижасида алоҳида давлатларнинг суверенитети йўқолиб боради деган ёндашувлар илгари сурilmоқда. Хусусан, Л.Е.Грининнинг фикрича, глобализация давлатларнинг суверен ваколатлари ўзгариши ва камайишига олиб келади. Муайян омилларнинг кучли таъсири остида кўпгина давлатлар ихтиёрий равишда ўзларининг суверенитетлари камайишига йўл кўядилар<sup>1</sup>.

Давлат суверенитетидан қисман ёки тўлик воз кечиш давлатнинг ҳудудий яхлитлиги принципидан воз кечиш билан баробардир. Зоро, давлат суверенитети ўтган даврлардан қолган архаик ҳодиса бўлмасдан, балки бугунги кун учун ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлган юридик ва сиёсий категориядир. Бу борада С.М.Адилходжаева таъкидлаб ўтганидек, юридик суверенитет бугунги кун мустакил давлатларининг энг муҳим белгиларидан бири бўлиб қолаверади<sup>2</sup>. Дарҳакиқат, бугунги кунда глобализация жараёнлари қанчалик кенг тус олмасин, ҳар бир халқнинг ўз урф-одатлари, конунлари, диний ва бошқа ижтимоий нормаларига таянган ҳолда яшаши ҳамда тараққиётининг замонавий босқичига мос келадиган давлат ва жамият қурилиши шаклини эркин танлаши ҳамда унга мос келадиган сиёсий режимни ўрнатиши доимо унинг суверен ҳуқуки бўлиб қолади. Шу билан бирга, ҳар бир давлат халқаро ҳамжамиятнинг мустакил субъекти сифатида ўз зиммасига муайян мажбуриятларни, умумисоний қадриятлар ва халқаро демократик андоузаларни ихтиёрий равишда қабул қилишга ҳақлидир.

Бугунги кунда глобализация жараёнлари, айниқса, давлатнинг иқтисодий функциясига кўпроқ таъсир этаётганлиги ҳакида фикрлар

<sup>1</sup> Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет / История и современность. – М., 2005. – №1.

<sup>2</sup> Адилходжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. – Ташкент: ТГЮИ, 2007. – С. 25.

билдирилмокда<sup>1</sup>. Ўз навбатида, мазкур ҳолат дунё бозорининг байналмилаллашуви, трансмиллий корпорациялар таъсирининг кучайиши ҳамда давлатларнинг иқтисодий интеграцияси натижасида турли хил халкаро иқтисодий институтларнинг юзага келганлиги билан ҳам боғлик эканлигини қайд этиш жоиздир. Мазкур соҳада глобаллашув жараёнларининг давлат иқтисодий функциясига ижобий таъсир ўtkазиши билан бирга кўрсатиб ўтилган жараёнлар давлатларнинг миллий иқтисодиётни бошқариш борасидаги имкониятларини муайян даражада чеклаётганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Айниksа, бугунги кунда трансмиллий корпорацияларнинг глобал иқтисодиётни тартиби солиш борасидаги ваколатлари кенгайиб бормоқда. Иқтисодий соҳадаги глобализация, шунингдек, халкаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига ҳамда халкаро бозорда ракобатнинг кескин кучайишига олиб келди. Ушбу ҳолатлар, ўз навбатида, ҳозирги замон давлатларини ўз иқтисодий функцияларини ушбу жараёнларга мослаштиришга ва иқтисодий сиёsatни амалга оширишнинг янги шаклларини излашга ундумоқда.

Иқтисодий соҳадаги глобализация кучайиши билан миллий давлатлар иқтисодий функцияларининг аҳамияти йўқолмайди, аксинча, у янгича мазмун касб этиб, бунда давлатлар иқтисодий стратегияларини белгилашда миллий манфаатларни халкаро ҳамжамият манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қиласидар. Чунки ҳар бир давлатнинг иқтисодий фаровонлиги охир-оқибат бутун инсоният фаровонлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан олганда, глобализация жараёнлари иқтисодий интеграциянинг реал вокеликка айланишига имкон бериш йўналишида кечиши мақсадга мувофиқдир.

Давлатнинг бошқа функциялари билан бир каторда глобализация жараёнлари унинг ижтимоий функцияси мазмунига ҳам муайян ўзгаришлар киритди, десак, хато бўлмайди. Чунки, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида замонавий давлатларнинг моҳияти тобора ижтимоий тус олиб бормоқда. Бугунги кунда Европадаги кўпгина мамлакатлар ижтимоий давлат сифатида эътироф этилмокда (масалан, Германия, Франция, Скандинавия мамлакатлари). Дунё миёсида ижтимоий зиддиятларни хал этишнинг маданий усул ва воситалари, шунингдек, давлатларнинг ҳар бир фуқаро муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган муайян ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва кафолатлашини тавсифловчи халкаро андозалар шаклланмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларнинг кенг кўлланилиши ҳамда меҳнат бозорида ракобатнинг кучайиши иш кучини кўллашнинг камайишига, доимий бандликдан вактинчалик иш

<sup>1</sup> Адилходжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. – Ташкент: ТГЮИ, 2007. – С 130.

фаолиятига ўтилишига ва бунинг оқибатида иш ўринларининг кисқаришига олиб келмоқда.

Глобализациянинг бандлик ва меҳнат бозорини ташкил этишга бўлган салбий таъсири куйидагиларда намоён бўлаётганинг қайд этиш мумкин: баркарор бандлик кафолатининг йўклиги; вактингчалик бандликнинг кенгайиши ва унинг янги шакллари вужудга келиши; касаба уюшмаларининг ходимларни химоя қилишдаги таъсирининг камайиши ва бошқалар. Юкорида санаб ўтилган омиллар давлатлардан ўз ижтимоий функцияларини кайта кўриб чиқиш ҳамда уни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Бугунги кунда глобализация жараёнлари давлатларининг экологик функциясига ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Дунё миқёсида қулай атроф табиий муҳитни карор топтиришда бутун ҳалқаро ҳамжамият бирдек манбаатдордир. Шу боис, экологик муаммоларни ҳал этиш тобора глобал ахамият касб этиб бормоқда. Глобал муаммоларни ҳал этишда юқори саноат ва илмий-техник потенциалга ҳамда табиий ресурсларга бой бўлган мамлакатлар муҳим ўрин тутади. Зеро, табиий муҳитнинг кенг ҳажмда ифлосланиши ва дунё миқёсида икlimнинг ўзгаришида айнан ушбу давлатларнинг хиссаси юкоридир. Бозор иктисадиётининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжлари кўп ҳолатларда табиатдан оқилона фойдаланиш, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини саклаб қолиш ва ўзлаштириш қоидаларини инкор этишга олиб келмоқда. Кўп йиллар мобайнода инсон табиатни ўзига тўлиқ бўйсундиришга уринди, табиий ресурсларни битмас-туғанмас ҳисоблаб, уларга факат истеъмол обьекти сифатида қаради. Натижада Ер куррасида, шу жумладан, Марказий Осиё минтакасида ҳам экологик жиҳатдан хавфли вазият юзага келди, айrim шаҳарлар атмосферасида заҳарли газлар миқдори ҳаддан ташқари ошиб кетди, биологик ранг-баранглик, мувозанат бузилди. Шунинг учун экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, уни ҳал этиш барча ҳалқларнинг манбаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал килинишига боғлиқдир.

Шу жиҳатдан олганда, ҳар бир давлат ўз худудида ахолисининг яшаш шарт-шароитлари муносиб даражада сакланишини ўз зиммасига олмаса, яъни инсониятнинг умумий табиий муҳитда нормал яшашини саклаб туриш борасида бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги йўлга кўйилмаса, яқин истиқболда умумбашарий коллапс, яъни глобал танглик юз бериши эҳтимолдан холи эмас.

Умуман олганда, дунёда кечётган глобаллашув жараёнлари давлатларнинг юкорида қайд этиб ўтилган функциялари билан бир қаторда инсон хукуqlари ва эркинликларини таъминлаш, мудофаа,

мафкуравий, маданий ва бошка соҳалардаги функцияларига ҳам муайян даражада таъсир ўтказади.

Инсоният олдида турган умумбашарий муаммолар уларни ҳал этишга қаратилган давлатларнинг янги глобал функцияларини юзага келтиримоқда<sup>1</sup>.

Ушбу глобал функциялар каторида инсон ҳуқуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш; демографик, хомашё ҳамда энергетик муаммоларни ҳал этиш; ҳалқаро жиноятчилик, айникса, терроризмга қарши кураш; космик фазони ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш; умумсайёравий ахборот маконини яратишда кучларни бирлаштириш каби функцияларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шу жиҳатдан караганда, давлат функциялари тизимиға глобал муаммоларни ҳал этиш борасидаги давлат функциясини киритиш мумкин. Мазкур функция умумбашарий аҳамиятга эга бўлган глобал муаммоларни ҳал этишда давлатларнинг биргаликда фаолият юритишини назарда тутади. Глобализация жараёнлари замонавий давлатлар олдига миллий ва ҳалқаро манфаатларни уйғунлаштириш тамоилии асосида ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда шу асосда ички ва ташки функцияларнинг мазмун-моҳиятига жиддий ўзгартишлар киритиш вазифасини кўяди.

## Назорат саволлари

---

1. Давлат функциялари тараккиётнинг у ёки бу босқичида жамият олдида турган асосий вазифаларга қараб белгиланади ва бу вазифаларни рўёбга чиқаришнинг воситаси сифатида намоён бўлади. Давлат вазифаларининг мазмуни эса турли хил ички ва ташки омиллардан келиб чиқкан ҳолда белгиланади. Масалан, мамлакат иқтисодий ҳаётидаги танглик ҳодисалари давлатнинг, унинг барча органларининг куч-ғайратини иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга жалб этишни талаб килади. Давлат ўз функцияларини амалга оширишда муайян шакл ва усууллардан фойдаланади. Давлат функцияларини амалга ошириш шакларининг ҳуқукий ва ҳуқукий характерга эга бўлмаган турлари мавжуд.

*Давлат функцияларини амалга ошириши шакларига ҳуқуқий баҳо беринг ва атрофлича ёритинг.*

---

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқук назарияси. Муаллифлар жамоаси. Дарслик / проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.130; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқук назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.218.

**2.** Замонавий давлатнинг экология, демография, хомашё, космос соҳаларидаги, ахборот технологиясини яратиш ва ундан фойдаланиш, инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамда бутун тараккиётга дахлдор бўлган бошқа глобал соҳалардаги фаолиятини тасдиқловчи глобал функцияларни ажратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозир давлатнинг муайян вазифаларини марказдан жойларга бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш алоҳида муаммо бўлиб, унинг бир неча жиҳатлари мавжуд. Давлат функцияларининг ривожланиш тенденциялари бу вазифалар ҳам давлатнинг моҳияти ва расмий тавсифининг таъсири остидаги, ҳам ўзгариб бораётгган ташки мухит таъсири остидаги ривожланиши ва ўзгаришини ўз ичига олади.

*Давлат функцияларини марказдан жойларга берининг асосий томонларини очиб берган ҳолда давлат функцияларининг ривожланишида ташки ва ички таъсирларни муҳокама қилинг.*

**3.** Давлат функциялари тараккиётнинг ўёки бу боскичида жамият олдида турган асосий вазифаларга қараб белгиланади ва бу вазифаларни рўёбга чиқаришнинг воситаси сифатида намоён бўлади. Давлат вазифаларининг мазмуни эса турли хил ички ва ташки омиллардан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

*Давлатнинг вазифа ва функциялари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг асосий хусусиятларини ҳамда ҳуқуқий давлат қуришида Ўзбекистон Республикасининг жамият олдида турган асосий вазифаларини атрофлича изоҳлаб беринг.*

**4.** Давлат ўз олдига кўйган мақсадга эришиши учун маълум бир вазифаларни ҳал қилиши лозим, бу эса, ўз навбатида, ушбу вазифаларни бажаришга қаратилган тегишли функцияларни амалга оширишни такозо этади. Давлатнинг тарихий ривожланиши жараёнида унинг функциялари тизимида муайян ўзгаришлар бўлиб туради: айрим функциялари йўқолади, бошқалари такомиллашиб, бошқача мазмун касб этади, учинчилари эса янгитдан вужудга келади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар жамият тараккиётининг тарихий, иктисолий ва ижтимоий-сиёсий омиллари, давлат моҳияти ва унинг ижтимоий мақсадлари билан узвий муносабатда бўлади. Шу боис, давлат функциялари ушбу давлатнинг барча муносабатлари тизимини ҳисобга олган ҳолда кўриб чикилиши лозим.

*Давлат мақсад, вазифа ва функцияларининг нисбатини ҳамда ўзаро ўхиши ва фарқли томонларини атрофлича муҳокама қилинг.*

**5.** Тараққиётнинг муайян боскичида турган ҳар қандай давлат бир хил функцияяга (масалан, иктисолий функция)га эга бўлмайди, лекин уларни амалга ошириш мазмуни ва усуллари бир-биридан фарқ қиласади. Ҳар бир боскичга қатъий белгиланган функциялар мос келади деб ўйлаш тўғри эмас. Албаттага, давлат тараккиёти давомида вақти-вақти билан янги

функциялар юзага келади, лекин эскилари ҳам изсиз йўқолиб кетмайди.  
Факат уларнинг кўриниши ўзгариши, янги мазмун билан бойиши мумкин.

*Давлат функцияларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларни атрофлича ёритиб беринг.*

## В БОБ. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ

### 1-§. Давлатнинг шакли тушунчаси


Давлат ва хукук назариясида давлат шаклари тушунчаси асосий ўринлардан бирида туради. Адабиётларда ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтилиши ҳам бежиз эмас, чунки давлат шаклининг қай даражада тушунилиши оркали давлат ҳакида ҳам тасаввурга эга бўлиш мумкин. Давлат шакли ҳар доим давлатнинг бевосита мазмун ва моҳияти ёритиб беради. У кенг умумий шаклда давлат ҳокимияти қандай принциплар асосида курилганлигини ва ҳудудий жиҳатдан қандай ташкил этилганлигини белгилайди.

Ҳар бир давлатнинг унинг яхлитлигини таъминлаб турувчи мазмуни, моҳияти ва шакли мавжуд. Унинг механизми сифатли ва уйгунлик билан фаолият юритиши учун яхши ташкилланган давлат ҳокимияти зарур бўлади. Давлат шакли масаласи унинг ҳудудий тузилиши, давлат органлари ташкил ўтилиши, уларнинг ўзаро ва аҳоли билан муносабати, давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари билан боғлиқ.

Давлат шакли тушунчаси давлат ҳокимияти ташкил этишининг энг муҳим томонларини камраб олиб, у ўз мазмунига кўра анча мураккаб ҳисобланади. У давлат ҳокимияти кайси органлар тимсолида намоён бўлиши, ушбу органларнинг вужудга келиш тартиби қандай эканлигини, ваколат муддатлари канчалиги, давлат, шу жумладан, марказий ва маҳаллий органлари ўзаро муносабатлари қандайлигини, ва ниҳоят, давлат ҳокимияти қандай усул ва йўллар ҳамда ёндашувларда амалга оширилишини кўрсатиб беради.

“Давлат шакли” тушунчаси борасида хуқуқшунос олимлар ўртасида яқдил фикр мавжуд эмас. Масалан, бир гурӯҳ олимлар “давлат шакли” тушунчасини “давлат тузуми”нинг синоними деб ҳисоблаб, давлат шакли тушунчасига давлат бошқарув шакли, давлат тузилиш шакли ва сиёсий режим киради, деб таъкидлайдилар. Иккинчи гурӯҳ олимларнинг фикрича, давлат шакли давлат бошқарув шакли ва давлат тузилиш шаклидан иборат бўлиб, сиёсий режимни қамраб олмайди. Учинчи тоифа хуқуқшунослар эса давлат шакли – давлат ҳокимиятининг тузилишидир, деб биладилар.

| Давлат шакли – бу ўз ичига давлат бошқаруви, давлат тузилиши |  
| ва сиёсий (давлат) режимни қамраб олувчи сиёсий ҳокимиятни |  
| ташкил этиш усуллари йигиндисидир. |



## 2-§. Давлат бошқарув шакллари тушунчаси ва турлари

**Давлат бошқарув шакли** – бу давлат ҳокимиятининг олий органларини ташкил этилиши ва тузилишини, шунингдек, ушбу органларнинг ўзаро ва аҳоли билан бўлган муносабатларини белгиловчи давлат шаклининг элементи.

Давлат бошқарув шаклига кўра иккига бўлинади: **монархия** ва **республика**.

Давлат бошқарувининг **монархия** шаклида давлат бошлиғи–**монарх** (кирол, киролича, император ва бошкалар) бўлади. Давлат бошқарувининг бундай шаклига Буюк Британия, Япония, Испания, Нидерландия, Саудия Арабистони каби давлатларни киритиш мумкин.

Монархия бошқарув шакли сифатида ўзининг аниқ юридик белгиларига эга. Монарх давлатнинг жонли тимсоли бўлиб, ташқи ва ички сиёсатни олиб боришда давлат бошлиғи сифатида ҳамда халқ вакили, мисливат “отаси”, фуқароларни жисплаштирувчи, уларни давлат атрофида бирлаштирувчи шахс сифатида майдонга чиқади.

**Монархия** (қадим.юнонча: монос-якка, архе-ҳокимият тушунчасини англатади) – бунда олий давлат ҳокимияти якка шахс томонидан амалга оширилади ва одатда, бу ҳокимият унга мерос орқали ўтади.

Монархиянинг белглари:

- ҳокимият мерос орқали ўтади;
- ўз ҳокимиятидан умрбод фойдаланадиган давлат бошлигининг (подшох, кирол, император, шоҳ, хон, князь, герцог ва бошка.) мавжудлиги;
- монархнинг ўз хатти-ҳаракатлари юзасидан хукукий жавобгар эмаслиги;
- монарх шахсининг дахлисизлиги;
- ички ва ташки сиёсатни амалга оширишда бевосита ўз номидан иш кўриши ва ҳоказо.

Монархия бошкарувининг кўринишлари: мутлақ (абсолют), чекланган ва дуалистик (аралаш).



**Республика** – давлат бошқарувининг шундай шаклиси, бунда давлат ҳокимияти ағоли томонидан муайян муддатга сайлаб қўйиладиган органлар томонидан амалга оширилади.

Бошқарувнинг республика шаклига хос бўлган белглар:

- давлат бошлиғи ва бошқа олий ҳокимият органларининг муайян муддатга сайлаб қўйилиши;

– давлат бошлиги ва бошка сайлаб кўйиладиган органларнинг сайловчилар олдидағи масъуллиги хамда уларнинг муайян муддатга сайланиши ва тайинланиши;

– давлат бошлигининг қонунда белгилаб кўйилган ҳолатларда юридик жиҳатдан жавобгарлиги;

– давлат ҳокимиятини давлат бошлиги номидан эмас, балки халқ номидан амалга оширилиши;

– фукаролар ҳуқук ва манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя килиниши, давлат ва шахс ўртасида ўзаро масъулликнинг мавжудлиги.

Давлат бошқаруви республика шаклининг тарихий ва социалистик кўринишларидан ташқари кўйидаги турлари ҳам мавжуд бўлиб, уларга:

– Президентлик республикаси

– Парламенттар республика

– Аралаш республикалар киради.

Президентлик республикасида давлат бошлиги президент бўлиб, унинг мамлакат ҳаётидаги ўрни парламенттар ва аралаш республика бошқарув шаклидагига караганда аҳамиятлироқ экани кўзга ташланади.

Президентлик республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқарув шакли ҳисобланади.

Президентлик республикаларида президентнинг кўйидаги ўзига хос хусусиятларини ва ваколатларини, яъни халқ томонидан сайланиши, давлат бошлиги бўлиши, ҳукуматни шакллантириши, ижро этувчи ҳокимият бошлиги эканлиги, ички ва ташки сиёсатни мустакил юритиши, вето<sup>1</sup> ҳукукига эгалиги, давлатнинг юқори органларига мансабдор шахсларни тайинлаши, олий бош қўмондон бўлиши ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирда президентлик республикаси мавжуд бўлган мамлакатларга Бразилия, Венесуэла, Колумбия, Филиппин, Жанубий Корея, Америка Кўшма Штатларини мисол тарикасида кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, президентлик республикасида қонунчилик ҳокимияти ижро ҳокимияти фаолиятига деярли, аралаша олмайди ва, ўз навбатида, ижроия ҳокимияти ҳам қонунчилик ҳокимияти фаолиятига аралаша олмайди.

Парламенттар республикаларда эса президентлик республикаларидан фарқ килувчи ўзига хос хусусиятлар мавжуд, бу хусусиятларни президентларнинг сайланиши, давлат ҳокимиятини бошқарилиши, ҳукуматни шакллантирилиши жараёнларида кўришимиз мумкин.

Сиёсий бошқарувнинг парламенттар республика шакли жорий қилинган кўпгина мамлакатларнинг аксариятида президент парламент томонидан

<sup>1</sup> Вето – давлат ҳокимиятининг бирор органи томонидан кабул қилинган карорни унинг бошка бир органи (давлат бошлиги) томонидан бекор қилиниши ёки кайтарилиши. Вето тартиби дастлаб қадимги Римда жорий этилган.

сайланади. Аммо бундан президентлик республикаларидан асосий фарки шундан иборат экан, деган хуросага келиш нотўғридир. Чунки шундай парламенттар республикалар ҳам борки (масалан, Болгария), уларда президент халқ томонидан сайлаб кўйилади.

*Парламенттар республиканинг президентлик республикасидан асосий фарқи, биринчидан, ҳукуматни шаклини тиришида бўлса, иккинчидан, ҳукумат бевосита кимнинг олдида жавобгарлигига боялиқ.*

Парламенттар республикаларда президент премьер-министрни (бош вазирни) тайинлаш тўғрисида карор қабул киласди. Бундан парламенттар республикада президентнинг ўрни катта экан, деган хуросага келиб бўлмайди. Чунки премьер-министрни тайинлаш факат расмиятчилик голос. Аслида, президент парламентнинг хоҳиши-иродасига бўйсунади.

Президент, парламенттар республикада (президентлик республикасидан фарқли равишда) вазирларни мустакил ҳолда ўз хоҳишига кўра тайинлай олмайди, у факатгина расмий жиҳатдан тасдиқлади ҳолос. президент ҳукумат бошлиғи сифатида парламентнинг ишончини қозонган шахсни тайинлашга мажбур. Акс ҳолда бу лавозимга кўрсатилган номзод парламент аъзоларининг кўпчилиги томонидан рад килиниши (кайтарилиши) мумкин.

Парламенттар республиканинг яна бир асосий жиҳати – бу ҳукумат кимнинг олдида бевосита жавобгар бўлишидадир. Парламенттар республикаларда аксарият ҳолларда ҳукумат парламент олдида жавобгар бўлади. Унинг яна бир жиҳати, агар парламент ҳукуматга ишончизилик билдиурса, у истеъфога чиқиши лозим. Лекин президент бундай вазиятда бошқача карор қабул қилиб парламентни тарқатиб юбориши ва навбатдаги сайлов муддатини белгилаши ҳам мумкин. Агар ҳукумат кенгаши президентдан парламентни тарқатиб юборишни сўраса, бу ҳолда президент парламентни тарқатиб юбориши лозим бўлади. Ҳукумат томонидан президентнинг бу ваколатини сунистельмол килиш ҳоллари ҳам кузатилиб туради.

Парламенттар республикага мисол қилиб Италия, Германия, Чехия, Венгрия, Швейцарияни келтириш мумкин.

*Аралаш республика, яъни бу турдаги республикаларни ярим президентлик республикаси ёки ярим парламенттар республика деб ҳам атасади. Унинг бундай аталишига сабаб президентлик ва парламенттар республикаларга хос бўлган хусусиятларнинг жамланганлигидадир.*

Аралаш республика шаклида президентлик республикасидаги каби давлат ҳокимиюти аник тармоқларга ажратилади. Аралаш республикада президент парламентни тарқатиб юбориш ваколатига эга.

Аралаш республика кўринишидаги мамлакатларда ҳукуматнинг ҳам президент олдида, ҳам парламент олдида жавобгар бўлишини кузатиш мумкин.

Аралаш республикада президент вице-премьерларни ҳамда вазирларни тайинлаш ҳуқукига эга. Баъзи мамлакатларда премьер-министрларни парламент билан келишиб ёки келишмасдан ҳам лавозимига тайинлаши мумкинлиги кўзда тутилган.

Бошкарувнинг аралаш республика шаклида президент ҳамда парламент доимо ҳамкорликда бўлади.

*Аралаш республиканинг диккатга сазовор томони шундаки, унда ҳам президентлик республикасига, ҳам парламентар республикага хос бўлган хусусиятлар ёки буларнинг иккаласига ҳам хос бўлмаган жиҳатлар жамланган бўлади.*

Аралаш республикаларга Руминия, Финляндия, Францияни мисол килиб келтириш мумкин.

Умуман олганда, аралаш республикаларда президентлик ва парламентар республикаларга хос бўлган хусусиятлар ўз ифодасини топган ва улардаги ижобий жиҳатлар мужассамланган.

### **3-§. Давлат тузилиши шакллари: тушунчаси ва турлари**

---

**Давлат тузилиш шакли** – бу давлатнинг сиёсий ва маъмурий –худудий тузилиши бўлиб, марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро алоқаларини тавсифлайдиган давлат шаклининг таркибий қисми.

Давлатнинг тузилиши шаклига кўра: оддий (унитар) ва мураккаб (федератив ва конфедератив) кўринишларда бўлади.

Унитар тузилишдаги давлат ягона бўлиб, таркибий қисмлари суверенитет белгиларига эга бўлмаган маъмурий –худудий бирликлардан иборат.

*Унитар давлатга хос белгилар:*

- конунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти органлари ягона тизимининг мавжудлиги;
- ягона конституция, конунчилик, солик, молия тизимларининг мавжудлиги;
- ягона фуқароликнинг жорий этилтанилиги;
- барча ташки муносабатлар марказий органлар томонидан амалга оширилади.

**Федератив тузилишга эга бўлган давлат** – бу мустақил бўлган бир неча давлат тузилмаларининг ихтиёрий асосда бирлашган ягона иштифоқи. Федератив давлатнинг миллий ва ҳудудий шаклари мавжусуд.

*Федератив давлатнинг умумий белгилари:*

- федерация ҳудуди унинг алоҳида субъектларидан – штатлар, кантонлар, республикалар, ўлкалар ва бошқа ҳудудлардан иборат бўлади;

- федерация ва унинг субъектлари ваколатлари доираси иттифок шартномасида, конституциясида, ўзаро ваколатларни чегаралаш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда белгилаб кўйилган бўлади;
- федерация субъектлари ўзларининг конституциялари ва қонунчилик тизимида, олий қонунчилик, ижро, суд ҳокимиятлари тизимида эга бўлади;
- федератив давлатда иттифоқ фуқаролиги билан бир каторда субъектларнинг ҳам фуқаролиги мавжуд бўлиши мумкин;
- федератив давлат парламенти асосан икки палатали бўлиб, юкори палата федерация субъектларининг манфаатларини химоя қиласди;
- федератив давлатнинг ташки сиёсатини, қуролли кучларга ягона қўмондонлигини, мудофаа, молия, солик тизимларига раҳбарликни асосан федерал давлат органлари амалга оширади.

**Конфедерация** – бу сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда муайян мақсадларга эришиш учун ташкил қилинадиган давлатларнинг мувакқат иттифоқи.

*Конфедерациянинг белгилари:*


- конфедерация суверенитетга эга бўлмайди, чунки бу тузилма тўла ички ва ташки суверенитетга эга бўлган мустакил давлатларнинг иттифоқидир;
- конфедерацияда марказий давлат аппарати ва ягона қонунчилик тизими мавжуд бўлмайди;
- конфедерация доирасида у ёки бу муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришга қаратилган иттифоқ органлари ташкил этилиши мумкин;
- конфедерацияга бирлашган давлатларнинг ўз фуқаролиги сақланиб қолинади, лекин бу давлатларнинг фуқаролари конфедерация ҳудудида эркин харакатланиш (виза ва бошқа расмийчиликларсиз) хукукига эга бўладилар;
- конфедерацияда ягона солик тизими, ягона бюджет ва ягона армия мавжуд бўлмайди, лекин конфедерация субъектлари муайян муддатга ягона пул тизими, божхона қоидалари, давлатлараро кредит сиёсати, конфедерация мақсадлари учун бюджет тизимини ташкил қилишлари мумкин;
- конфедератив давлатлар узоқ муддатга сақланиб қолмайди, бунда улар федерацияга айланиши ёки умуман тарқалиб кетиши мумкин.

## 4-§. Сиёсий режим: тушунчаси ва турлари

**Сиёсий (давлат) режим(и)** – бу сиёсий (давлат) хокимиятни амалга оширишда кўлланиладиган усул, услуг ва воситалар йигиндисидир.

Сиёсий режим давлат хокимиятининг аҳоли билан ўзаро муносабатлари қандай усуллар ёрдамида амалга оширилади, ижтимоий катламларнинг сиёсий соҳадаги ҳақиқий нисбати қандай намоён бўлади, турли жамоат ташкилотларининг сиёсий мақоми қандай, давлат органлари ўз ҳудудларида яшовчи ахолини бошқариш бўйича амалда қандай роль ўйнайдилар, деган саволларга жавоб беради.

Давлат ва ҳуқук назарияси давлатчиликнинг кўп асрлик тарихида маълум бўлган сиёсий режимнинг бир қатор турларини ажратиб кўрсатади. Барча сиёсий режимлар, биринчи навбатда, икки хил кўринишдаги, яъни **демократик ва нодемократик** турларга бўлинади.



## **Назорат саволлари**

---

1. Ўнта мустакил давлат иттифоқка бирлашиш ҳақида шартнома тузишди. Ушбу шартномага мувофиқ ягона парламент, умумий божхона тартиби ва ягона валюта жорий қилинган. Давлат раҳбарлари мухим масалаларни ҳал килиш учун ойига камидан бир марта учрашишга келишиб олдилар.

*Мазкур ҳолатдаги давлат тузуми шаклини аникланг.*

2. “Давлат шакли” иборасини бир гурух олимлар “давлат тузуми”нинг синоними сифатида қўллайдилар ва давлат шакли тушунчасига давлат бошқарув шакли, давлатнинг тузилиш шакли ва сиёсий режим киради, деб хисобладилар. Иккинчи гурух олимлар давлат шаклига давлат бошқарув шакли ва давлат тузилиши шакли киради деб, унга сиёсий режимни кўшмайдилар. Яна бир тоифа ҳукукшунослар давлат шакли – давлат хокимиятининг тузилиши шаклидир, дейцилар.

*Давлат шакли ўз ичига нималарни қамраб олишини атрофлича муҳокама қилинг.*

3. Демократияни амалга ошириш икки асосий шаклига – бевосита (тўғридан-тўғри) ва вакиллик демократияларига бўлинади. Ҳозирги замон жамияти ўзининг муракаблиги билан бевосита демократияни амалга ошириш бироз мураккаб. Шунинг учун бугунги кунда унинг энг кўп қўлланиладиган шакли вакиллик демократиясидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига кўра, давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат килади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулларлар. Шунингдек, Конституциянинг 32-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқариша бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукукига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаро А. Тошкент вилояти Халқ депутатлари кенгашига Тошкент вилояти Оқкўргон туманини ободонлаштириш, инфратузилмасини яхшилаш ва бунга бюджет маблағларини жалб қилиш масаласини референдумга кўйишни сўраб Оқкурғон тумани “Бобур” МФЙда истикомат киладиган фуқароларнинг имзоларини тўплаган ҳолда мурожаат этди. Халқ депутатлари кенгаши фуқарога мазкур масала уларнинг ваколат доирасига кирмаслиги тўғрисида жавоб хатини йўллади.

*Демократик сиёсий режим ва уни амалга оширишининг шаклларини муҳокама қилган ҳолда вазият юзасидан ҳукукий баҳо беринг.*

## VI БОБ. ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ

### 1-8. Давлат механизми ва унинг таркибий элементлари

Давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми мураккаб, кенг камровли категория (бош тушунча) бўлиб, у ўз ичига давлатга оид барча тузилмаларни олади. Давлат механизми таркибига нафакат давлат ҳокимияти ва функцияларини амалга оширувчи давлат органлари, балки давлат корхоналари, муассасалари, мансабдор шахслар, шунингдек, давлатга оид бошка турли тузилмалар киради.

**Давлат механизми** бу – давлат ҳокимиятини, давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга оширадиган давлат органлари, муассасалари, корхоналари, мансабдор шахслар ва бошка давлатга оид тузилмаларнинг яхлит иерархик (погонавий жойлашган) тизимиdir.

Давлат механизмининг таркибий элементлари ўртасида ўзаро иерархик бўйсуниш мавжуд, масалан, давлат органлари тизимидағи бўйгинларнинг ўринлари ҳар хил, улар бир-бiri билан субординация (бўйсуниш) ва координация муносабатларига киришади. Шу тариқа, давлат механизмини ташкил этувчи элементлар ўртасида эса қатъий ўзаро бўйсуниш, мутаносиблик хукм суради.

Давлат механизмининг ядроини давлат аппарати ташкил этиб, у эса, ўз навбатида ўз ичига давлат органларини олади. Бунинг маъноси шуки, давлат аппарати таркибиға факат давлат-ҳокимий ваколатга эга бўлган давлат органларигина киради. Масалан, Ўзбекистоннинг давлат аппарати деганда, биз Президентлик институтини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи (вазириклар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар ва бошка.), суд ҳокимияти (Конституциявий суд, Олий суд, Иктисолий суд, Маъмурий суд, Ҳарбий суд ва маъмурий-худудий бўлинмалардаги қўйи судлар (жиноий, фукаролик, маъмурий, иктисолий)), прокуратура органлари ва уларнинг таркибиға кирадиган бошка тузилмаларни тушунамиз.

**Давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми яхлит бир тизим бўлиб, у қатор характерли белгиларга эга:**

Давлат механизми бу давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик (поғонавий) тизимиdir. Давлат механизмининг яхлитлиги уни ташкил этиш ва фаолиятининг принциплари, фаолиятининг максад ва вазифалари муштараклиги, умумийлиги орқали таъминланади;

Давлат механизмининг бирламчи таркибий элементлари бўлиб, давлат органлари ва давлат муассасалари ҳисобланади ва уларда маҳсус маълумотга эга бўлган ходимлар – давлат хизматчилари ишлашади. Давлат органлари ўзаро бўйсуниш муносабатлари билан боғлангандир;

Давлат механизми ўз олдига кўйган вазифаларни бажариш учун керакли бўлган воситалар – куролли отрядлар, турма ва бошқа куч ишлатувчи тузилмалар билан таъминланган, чунки уларсиз ҳеч бир давлат нормал фаолият юргиза олмайди;

Давлат механизми орқали бевосита давлат ҳокимияти амалга оширилади, давлатнинг вазифа ва функцияларининг бажарилиши таъминланади.

**Давлат аппарати** бу – давлат механизмининг давлат-хукукий ваколатга эга бўлган ва муайян давлат функциясини амалга оширувчи давлат органлари мажмуидан иборат бўлган муҳим таркибий қисми.

Айни пайтда, давлат аппарати билан давлат муассасаларини бир-биридан фарқлаш зарур. Давлат муассасалари, жумладан, илмий, маърифий, тиббий ва бошқа ижтимоий-маданий муассасалар, шунингдек, хўжалик бирлашмалари, коммуникациялар тизими, оммавий аҳборот воситалари, транспорт, бевосита давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этишмаса-да, бирор давлатнинг ўз олдида турган вазифалари бажарилишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатади. (масалан, таълим, тиббиёт муассасалари ва бошк.)

Таъкидлаш керакки, давлат механизми таркибига кирувчи тузилмалар ҳар даврда ҳар хил бўлиши табиий. Бинобарин, давлат пайдо бўлибдики, давлат органлари ва давлатга оид бошқа тузилмалар мавжуддир. Бу тузилмалар то ҳозирга кадар узоқ ва мураккаб тарихий тараккиёт даврини бошдан кечирган. Дастлаб давлат органлари тизими оддий, тузилмавий жиҳатдан унча мураккаб бўлмаган бўлса, жамият ривожланиши билан давлат аппарати ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб, такомиллашиб бориб, ҳозирги кунда у кўп тармоқли бир тизимни ташкил этади. Агар бир давлатнинг механизмини йирик бир тизим деб оладиган бўлсак, у ўз ичига бир неча тизимларни олади. Масалан,

Ўзбекистоннинг давлат механизми яхлит бир тизим бўлса, унинг таркибига кирувчи тизим сифатида ижро этувчи, суд ёки прокуратура органлари тизимини кўрсатиш мумкин.

Шу тариқа, ҳозирги замон давлатлари механизми хилма-хил орган ва идоралардан иборат бўлиб, уларда тегишли маълумотга эга бўлган кўп сонили давлат хизматчилари муайян ҳақ эвазига фаолият кўрсатишади.

Давлатнинг механизми билан унинг функциялари ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик мавжуд. Ижтимоий муносабатларнинг шиддатли ривожи, юксак технологиялар ҳозирги замон давлат олдига янги-янги вазифаларни кўймокдаки, ушбу вазифаларнинг ижросини ташкил этиш мақсадида тегишли давлат органлари ташкил этилади. Масалан, мамлакатимизда давлат бошқарувида, ижтимоий ҳаётда инновацияларни ривожлантириш эҳтиёжи ва зарурати ушбу вазифанинг ижросини ташкил этишга масъул орган – 2017 йил Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилишига олиб келди.

Давлатнинг механизмига кирадиган давлат органлари билан бир

#### Эсда туting!

Бугунги кунда (2018 йил май ҳолатига кўра) Ўзбекистонда давлат бошқарув органлари тизими таркиби қўйидагича:

17 та вазирлик, 9 та Давлат қўмиталари, 3 та Кўмита, 7 Агентлик, 7 та Марказ ва 7 Инспекциялар мавжуд.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 декабрдаги “Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // Lex.uz, 2018.

каторда, мансабдор шахс тушунчасини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Мансабдор шахс, бу бирон-бир жисмоний шахс бўлмасдан, балки у давлатнинг амалдори, давлатнинг индивидуал элементи, ўзига хос давлат органи бўлиб, у давлат органлари тизимида ўзининг муайян ўрнига, ўзининг хукук ва мажбуриятлар доирасига эга. Масалан, Молия вазири, вилоят ҳокими ва ички ишлар бошлифи ва бошқ. Демак, давлатнинг мансабдор шахси, муайян сифат жиҳатларига жавоб берадиган ва давлатнинг маълум бир лавозимини эгаллаган, хатти-харакатлари юридик оқибат вужудга келтирадиган шахсdir.

Ҳар бир мамлакатнинг ривожи, аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси, давлатнинг олдида турган вазифаларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан давлат органлари фаолияти самарадорлигига боғлиқ. Бинобарин, ҳар бир давлат органи, бевосита давлатнинг маълум бир функциясини амалга оширади, масалан, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва унинг тизими Ўзбекистонда ахолининг соғлигини сақлаш, Таълим соҳасидаги вазирликлар эса мамлакатда ахолининг таълим олиш

хукукини амалга ошириш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширади. Демак, ҳар бир давлат органининг самарали ишлашидан давлатнинг жамиятни бошқариш, унинг бир маромда фаолият олиб боришини таъминлаш вазифаси боғлиқ бўлиб колади.

Шундай қилиб, давлатнинг вазифа ва функциялари унинг механизми воситасида амалга ошади, яъни давлат ўзини ўз органлари фаолияти орқали кўрсатади.

## **2-§. Давлат органиларининг турлари: марказий ва бошқарув органлари; олий ва маҳаллий вакиллик органлари**

Давлат органи бу давлат механизмининг бир бўғини бўлиб, у муайян хусусиятларга эга.

**| Давлат органи – бу давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга оширадиган давлат аппаратининг таркибий бўғинидир.** |

### **Давлат органи қўйидаги характерли белгиларга эга:**

Давлат аппаратининг таркибий бўғини бўлган давлат органи давлат-ҳокимий ваколатларга эгадир, яъни амалдаги конунчиликда мустаҳкамланган давлат ҳокимиётини амалга ошириш, давлат номидан юридик аҳамиятга молик қарорлар кабул қилиш ва бу қарорларнинг бажарилишини таъминлаш имкониятига эга. Давлат органини жамиятдаги бошка ташкилот ва тузилмалардан асосий фарқ килувчи жихати бўлиб, унинг давлат-ҳокимий характердаги ваколатларга эга эканлиги хисобланади.

### **Давлат-ҳокимий ваколатнинг мазмуни қўйидагиларда ифодаланади:**

– давлат органининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби, унинг ички тузилмаси, хукуқ ва мажбуриятлар йигиндиси, яъни компетенцияси хукуқ нормалари орқали мустаҳкамланган;

– давлат органи умумий ва индивидуал коидаларни ифодалайдиган юридик актлар чиқариш хукукига эга;

– юридик актлар орқали ўрнатилган коидалар, асосан, ишонтириш, тарбиялаш, рағбатлантириш чоралари орқали таъминланади, ва улар айни пайтда давлатнинг мажбуров кучини кўллаш имкониятини бузишдан кўрикланади;

– давлат органи ўзи чиқарган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш учун давлат бюджетидан маълум ҳажмдаги маблагларни олиб ишлатиш хукукига эга бўлади. Демак, давлат органининг энг муҳим белгиси – бу унинг давлат-ҳокимий ваколатга эга эканлигидир.

Давлат органи муайян иқтисодий, ташкилий алоҳидалик ва мустақиллик билан тавсифланади. Демак, ҳар бир орган учун унинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ҳажмда давлатнинг маблағи ажратиласи ва у бу маблағни қонунда белгиланган тартиб ва доирада ишлатади.

Ҳар бир давлат органи ўз компетенциясига мувофиқ тарзда юқлатилган функция ва вазифаларни адо этади, шу тариқа бевосита давлатнинг ҳам вазифа ва функциялари амалга оширилади. чунки давлат ўз органлари орқали вазифаларини амалга оширади. Масалан, Мудофаа Вазирлиги ўзининг олдида турган вазифаларини тўла адо эта борса, демакки давлатнинг мудофаа функцияси ҳам самарали амалга ошаяпти, дейиш мумкин.

Давлат органлари ўзларининг олдига қўйган мақсадларига эришиш учун тегишли моддий воситаларга, яъни “ашёвий қўшимчаларга” эга бўлади, булар сирасига турли характердаги моддий кийматликларни, турли ташкилот, корхона ва муассасаларни киритиш мумкин, улар жорий давлат ишларини амалга оширишади, бирок ўзлари давлат органи ҳисобланмайди.

Давлат органининг жисмоний ифодаси бўлиб, унда ишлайдиган инсонлар ҳисобланади. Давлат органи алоҳида шахсдан, бир гуруҳ одамлардан ёки жамоадан иборат бўлиши мумкин. Бироқ давлат органида ишлайдиган одамлар оддий ходимлар бўлмай, балки давлат хизматчилиридир. Давлат хизматчилари – бу ушбу давлатнинг фуқаролари бўлган, тегишли қонунда белгиланган тартибга мувофиқ, белгиланган ҳак эвазига давлат хизмати мажбуриятини бажараётган шахслардир.

Шундай қилиб, давлат органи бу – давлат механизмининг юридик жиҳатдан расмийлашган, давлат-хукукий ваколатларга эга бўлган ва давлат хизматчилиридан ташкил топган, давлатнинг муайян вазифа ва функцияларини ўз компетенцияси доирасида амалга ошириш учун моддий воситаларга эга бўлган ҳамда ташкилий ва хўжалик жиҳатдан алоҳида бўлган қисмидир.

Давлат органлари, давлат фаолиятининг кўп кирралигига боғлиқ ҳолда турлича ва кўп сонли бўлиб шаклланган. Шу боис ҳам, давлат органлари турлича асос ва мезонлар бўйича турли гурухларга ажралади.

Адабиётда давлат органлари қўйидаги мезонлар  
асосида таснифланади

ташкил этилиш усули бўйича

хокимий ваколатларининг ҳажми бўйича

компетенциясининг кенглиги бўйича

хокимиятлар бўлиниши принципи бўйича

карорларни кабул килиш тартибига қараб

фаолияти мазмунига қараб ва бошкалар

Давлат органлари ташкил этилиш тартибига қараб, бирламчи ва хосила, яъни иккиласмачи органларга ажралади.

Бирламчи давлат органлари деб шундай давлат органлариға

айтиладики, улар бошка биронта орган томонидан ташкил этилмайди, улар ё мерос колдириш тартиби бўйича ёки белгиланган тартибга кўра сайдаб кўйилади ва ўз ваколатларини бевосита сайловчилардан олишади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Конституцияси билан белгиланади.

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси умумхалк сайлови натижасида сайдаб кўйилади ёки масалан, меросий монархия. Хосила, яъни иккиласмачи турига шундай органлар кирадики, улар бирламчи органлар томонидан шакллантирилади. Улар сирасига Хукумат, вазирликлар ва хокимликларни киритиш мумкин.

Давлат органлари ўзларига тегишли бўлган хокимий ваколатлар ҳажмига қараб ва ушбу ваколатлар амал киладиган худудга қараб, юқори ва маҳаллий органларга бўлинади. Давлатнинг юқори органлари ўз фаолиятида бевосита давлат хокимиётини ифода этади ва буни хокимиётни бутун мамлакат миқёсида амалга оширади, маҳаллий органлар эса тегишлича маъмурий-худудий бўлинмаларда ташкил этилиб, ўз фаолиятларини ўша маҳаллий худудга тарқатади, холос. Масалан, Вилоят соғлиқни саклаш Бошкармаси фаолияти ушбу вилоят, туман хокимиёт фаолияти шу туман худудига тарқалади.

Давлат органлари компетенцияларининг кенглигига қараб,

- умумий компетенцияли давлат органлари,
- махсус компетенцияли давлат органларига бўлинади.

Умумий компетенцияга эга бўлган давлат органлари кенг масалалар юзасидан қарорлар кабул килишади, масалан Ўзбекистон Республикаси Парламенти давлат ва жамият ҳаётининг барча муҳим масалалари бўйича конунлар кабул килиш ваколатига эга бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси – Ҳукумат эса конунлар, Президент Фармонлари ва қарорларининг бажарилишини таъминлаш максадида барча соҳаларга оид норматив-хукукий тусдаги қарорлар қабул қиласди.

Давлат органларининг махсус компетенцияга эга бўлган қисми эса муайян бир тармоқ, ёки муайян бир масала юзасидан, аникроғи, давлатнинг маълум бир функциясини амалга оширишга ихтисослашади: масалан, таълим, маданият, меҳнат ва ижтимоий таъминот, мудофаа вазирликлари давлатнинг тегишлича, маърифий, маданий, ижтимоий ҳимоя, мудофаа функцияларини амалга оширишга ўз фаолиятини қаратган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги, вилоят туман молия бошқармаси ва шу кабилар.

Бундан ташкари, давлат органларини яна **сайлаб қўйиладиган** ва **тайинланадиган** давлат органларига ажратса бўлади. Ўзбекистон Республикасининг сайлаб қўйиладиган давлат органлари жумласига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – Парламенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларини киритиш мумкин.

- Давлат органларини ҳокимииятлар бўлиниши принципига мувофиқ,
- конун чиқарувчи давлат органлари,
  - ижро этувчи давлат органлари,
  - суд ҳокимияти органларига ҳам ажратилади.

Давлат органларининг ҳаракати давомийлигига қараб, доимий ва мувакқат органларга бўлиш мумкин. Давлатнинг асосий органлари доимий асосда амал қиласди, бироқ маълум бир фавқулодда ҳолатлар таъсири остида (масалан, табиий оғатлар) муайян мувакқат органлар ҳам ташкил этилиши мумкин. Бундан ташкари, давлат органларини ўз олдида турган масалаларни ҳал этиш ва раҳбарнинг масъулиятилигига кўра, яккабош ва ҳайъат тартибидагиларга ажратилади. Масалан, Вазирликлар масалаларни яккабош тарзда, Давлат қўмиталари эса коллегиал, яъни ҳайъат тарзидан ҳал этадиган органларга мисол бўлади. Айни пайтда, давлат органларини таркибига кўра ҳам жамоавий ва яккабош давлат органларига ҳам ажратиш мумкин. Кўпинча, давлат органлари жамоавий таркибида бўлишади, масалан Олий Мажлис (депутатлар ва сенаторлар), Вазирлар Маҳкамаси (хукумат аъзолари), Олий Суд (суд коллегиялари) ва бошқалар. Шу билан бирга, факат бир

шахс орқалигина ифодаланган давлат органлари ҳам мавжуд, масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош Санитария врачи ва ҳоказо.

Шундай килиб, давлат органи бу давлат механизмининг таркибий бир мустакил бўғини бўлиб, унинг фаолияти орқали давлатнинг маълум бир функцияси амалга оширилади.

Ҳар бир давлат органи қонунда белгиланган тартиб ва асосларда, тегишли ваколатлар мажмусига, яъни компетенциясига эга, ва шу компетенция доирасида у фаолият олиб боради ва давлат номидан иш юритади, ўзига юклатилган функцияларни адо этади.

### **3-8. Ҳокимиятлар бўлиниши – давлат ҳокимиятини ташкил этишининг хукуқий шакли сифатида**

---

Ўзбекистон ёш мустакил давлатнинг ҳокимият органларини янгидан ташкил этища, жаҳонда давлат ҳокимиятини ташкил этишининг самарали воситаси бўлган ҳокимиятлар бўлиниши принципини асос килиб олди. Ҳокимият бўлиниши принципининг дастлабки хукуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда қабул килинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустакиллиги асослари тўғрисида”ти қонунининг 5-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда “Ўзбекистон Республикаси Давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроя ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади”, дейилган. Бу коида ўзининг конституциявий ифодасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида топган бўлиб, унда “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”, деб мустаҳкамлаб кўйилган.

Ҳозирги кунда жаҳондаги барча демократик давлатлар ҳокимиятлар бўлиниши назариясини эътироф этиб, уни давлат ҳокимиятини ташкил этишининг асоси сифатида қабул килишган.

Ҳокимиятлар бўлиниши ўз манбасига кўра яхлит ва ягона бўлган давлат ҳокимиятининг уч тармокка – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишини, ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқаларга нисбатан мустакил ҳолда фаолият юритишни тақозо этади. Айни пайтда, ҳокимиятлар бўлиниши, ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқасинининг ўз ваколат доирасидан чиқмаслигини, бошқа тармок ваколати доирасига ўтиб кетмаслигини назорат ҳам қилиб туради, шу тариқа, ҳокимиятнинг сунистъмол қилинишини олди олинади.

Ҳокимиятлар бўлиниши чинакам бўлиши учун, унда “бир-бирини тийиб туриш ва ўзаро мувозанатда ушлаб туриш” тизими амал қилиши

керак. Бу тизим нафакат ҳокимиятлар бўлинишини, балки уларнинг бир-бирини ўзаро тийиб туришини ва бир-бирининг фаолият доирасига дахл қылмаслигини таъминлайди. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг мазмун-моҳиятини тўла тушуниш учун албатта, унинг шаклланиш тарихига бир назар ташлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳокимиятлар бўлиниши назарияси узок давом этган тараққиёт йўлини босиб ўтган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳокимиятлар бўлиниши ҳақидаги дастлабки фикрлар қадимга бориб тақалади. Давлат ва давлат ҳокимияти шароитида яшаган одамлар аста-секин давлат, салтанатнинг кучи, унинг жамиятда, инсонлар ҳаётида тутадиган ўрни ҳақида таҳлилий фикр юритиб, давлат ҳокимиятининг бир хукмдор, ёки биронта орган қўлида бутунлай тўпланиб қолиши – жамият тараққиёти, ҳалқ учун хавфли эканлигини, бу ҳолат мукаррар равишда ҳокимиятни суистеъмол қилинишига олиб келишини чўкур англаб етгандар. Ўша даврнинг илғор кишилари бундай ҳолатнинг олдини олишга каратилган механизм ишлаб чикиш зарурлигини тушуниб, бу борада мухим қарашларни илгари сурганлар.

Анъанавий тарзда ҳокимиятлар бўлиниши ғоясининг ilk замини сифатида қадимги Юнонистон ва қадимги Рим қайд этилади. Платон, Арасту ва бошқа антик олам мутафаккирлари ўzlари яшаб турган давлат тузилмалари сиёсий тузилиши ва бошқарув шаклларини ҳар томонлама таҳлил этиш асосида муайян назарий ва амалий хулосаларни шакллантирганлар.

Ҳокимиятлар бўлиниши ҳақидаги қарашлар кейинчалик инглиз файласуфи Джон Локк томонидан назарий жиҳатдан ривожлантирилган. Локк ҳокимиятлар тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрнини гарчи, мутлақлаштирумаган бўлса-да, бироқ бошқаларидан устун кўйган.

Локкнинг қарашларини Шарл Луи Монтескье ҳар томонлама ривожлантириб, уни тугал, классик бир назария даражасига кўтарган. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг ривожига, айниқса унинг “бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш” тизимининг бойитилишига, бу назариянинг ҳозирги замон қўринишидаги шаклининг ишлаб чиқилишига Т. Пейн, Т. Джефферсон, А. Гамильтон, Д. Мэдисон, Д. Джейлар ҳал қилувчи хисса кўшишган.

Ҳокимият тармокларининг “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаб” тамойилини назарий жиҳатдан янада ривожлантирган ва уни амалиётга татбик этишга катта ҳисса кўшган давлат арбоби, икки марта АҚШ Президенти бўлган Джеймс Медисон (1751 – 1836 ) ҳисобланади.

Медисоннинг хизмати шундаки, у бир-бирини тийиб ва мувозанатда ушлаб туриш тизимининг шундай бир механизмини ишлаб чиқканки, унга кўра ҳокимиятнинг ҳар бир тармоги нисбатан тенг ҳисобланади.

Медисонча бир-бирини тийиш ва мувозанатда бўлиш принципи ҳокимият уч тармоги ваколатларининг қисман бир-бирига мос келишини такозо этади.

Ҳозирги кунда ҳокимиятлар бўлиниши принципи демократик ҳукукий ривожланиш йўлидан кетаётган давлатларда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда давлатчилик тизимида амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг асосий моҳияти “бир-бирини тийиб, ўзаро мувозанатда ушлаб туриш” механизмида мужассамлашган бўлиб, унда ҳокимият тармоқларининг ўзаро мутаносиб ва мувозанатли тарзда фаолият олиб бориши таъминланади. Бунда нисбатан мустакил бўлган ҳокимият тармоқлари бир-бирининг ўз ваколат доирасида иш юритиши устидан назорат олиб бориш баробарида, зарур ҳолларда бири-бирини “тийиб” ҳам туради. Айни пайтда, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши охир-оқибат ўзаро манфаатларнинг шундай бир мувозанатини, мутаносиблигини таъминлаш керакки, натижада ҳокимиятнинг моҳиятан яхлитлиги таъминланиши керак. Ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанат – бу доимо бирдек турадиган ва ўзгармайдиган категория эмас, албатта. Бунга, ўз вактида ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг асосчиларидан бири бўлган буюк француз мутафаккири Ш.Л.Монтескье катта эътибор қаратиб, “ҳокимиятни зарур ҳолларда уйғулаштириш, тартибга солиш, тийиб кўйиш, харакатга келтириш, биронласига бошқасини тийиб тура олиши учун бироз турткни бериш” кераклигини таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Юкорида таъкидланганидек, ҳокимиятлар бўлиниши принципининг ҳакиқий амалга ошиши учун унда “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” тизимининг мавжудлиги ва реал ишлаши муҳим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” тизимининг ҳукукий асослари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятлар бўлиниши принципи шунда кўринадики, мамлакатда конун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади (76-модда); ижро ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан амалга оширилади; суд ҳокимияти – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бошлиқ қиласиган тегишли судлар тизими томонидан амалга оширилади.

Ҳокимият тармоқларининг ўзаро бир-бирини тийиб туриши механизми ҳакида гап кетганда, мисол тарикасида, “ўзаро тийиб турувчи ва

<sup>1</sup> История политических и правовых учений / Под ред. д.ю.н., проф. О.Э. Лейста. – М.: Зертало, 2006. –С.276.

мувозанатда ушлаб турувчи” механизмининг қонун чикарувчи ҳокимиятта нисбатан кандай тийиб туриш чора-воситалари борлигини қараб чиқиш максадга мувофиқ. Қонун чикарувчи ҳокимиятга нисбатан амалдаги “ўзаро тийиб турувчи ва мувозанатда ушлаб турувчи“ ташкилий-хукукий чоралар сирасига, аввало, Конституциявий Суд томонидан қонун чикарувчи ва ижро этувчи ҳокимият хужжатларининг Конституцияга мослигини текшириш ваколатини кўрсатиш жоиз (конституциявий назорат). Суд ҳокимиятининг тизимиға кирадиган ушбу суд қонун чикарувчи ҳокимият хужжатларининг конституция асосида, унинг доирасидан чикмаган ҳолда хужжатлар қабул килинишини текширади, ва шу тариқа, бу ҳокимиятни “тийиб“ туради. Бундан ташқари, қонун чикарувчи ҳокимиятга нисбатан “таъсир чоралари” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис қабул қилган қонунларига нисбий “вето“ хукукининг аҳамиятини таъкидлаш зарур.

Шу ўринда амалдаги Конституциянинг 89-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлигидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши мустаҳкамлаб кўйилган<sup>1</sup>, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташкилий жиҳатдан бирон-бир ҳокимият тармоғига бевосита мансуб бўлмасдан, балки умумдавлат манфаатлари нуктаи назаридан давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

Давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” механизмидаги муҳим воситалардан бири, Конституциянинг 95-моддаси 1-бандида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, “Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид карорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек, Қонунчилик палатаси билан Сенат, ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган карори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин”. Бу ташкилий чора, башарти қонун чикарувчи ҳокимият конституцияга зид ва юкори вакиллик органи шаънига мос келмайдиган фаолият олиб боришининг олдини олишга каратилиши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги ЎРК-89-сон Конуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда.

баробарида давлат ҳокимияти органларининг бир маромда ишлашини таъминлашга каратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ижро ҳокимияти таркибини шакллантиришга доир ваколатларини моҳиятан, ҳокимият тармоқлари ўртасида “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” механизми элементлари сирасига киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддада мустаҳкамланган конунчилик ташаббуси ҳуқукини ҳам мазмунан “Бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” тизимиға киритиш мумкин. Бинобарин, мазкур субъектлар конун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг конунчилик палатасига киритиш орқали конун ижодкорлик жараёнига таъсир этади ва бу ҳолат, охир-оқибатда конун чикарувчи ҳокимият қайси масалага доир конунни қабул килиш масаласини ҳал этишининг якка соҳиби бўлишини истисно этади, шу тариқа ҳокимиятлар ўртасида ваколатлар, манфаатлар мувозанати таъминланади. Шу тариқа, конун чикарувчи ҳокимият Конституцияда катъий белгилаб кўйилган субъектлар томонидан тақдим этиладиган конун лойиҳалари устида иш олиб боради.

Маълумки, конунларнинг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш масаласи долзарб масала ҳисобланади. Шунга боғлик ҳолда, конун чикарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида мувозанатни таъминлашга каратилган яна бир ташкилий-хукукий механизм ҳақида фикр юритиши жоиз. Конституцияга мувоғиқ конун чикарувчи ҳокимият қабул қилган конунларни ижросини ташкил ва таъминлаш ижро ҳокимиятининг зиммасига юқлатилган бўлиб, у бу вазифани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг бутун худудига барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган карорлар ва фармойишлар чиқаради (98-м., 2-хат боши, 6-б., 1 кисм.) Айтиш мумкинки, конунларнинг ижроси ижро ҳокимияти фаолиятига боғлиқ эканлиги боис, ушбу ваколат ҳокимият тармоқлари ўртасидаги муносабатга таъсир этиб, улар ўртасида мувозанатни таъминлашга хизмат қиласди, деб эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятлар бўлиниши принципи ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашга каратилган “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” механизмини такомиллаштириш давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида майдонга чикмокда.

Юкоридагилардан кўриниб туриблики, Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятлар бўлиниши принципи ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашга каратилган “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” механизмининг ҳукукий-ташкилий асослари мавжуд,

бугуни кундаги мұхым вазифа – ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалга оширишни такомиллаштиришдир.

Айтиши жоизки, умуман, ҳокимиятлар бўлиниши принципи, ва унинг ҳақиқийлигини таъминловчи “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” механизмининг реал амал қилиши, олимлар таъкидлаганидек, жуда кўп сиёсий, иктисадий, маданий, ташкилий омилларга боғлик, бироқ бир ҳолат аниқки, ҳокимиятлар бўлиниши принципи демократиянинг ажралмас бир жиҳати, унинг ҳукукий шаклидир, зеро, қаерда ҳақиқий демократия мавжуд бўлса, ўша жойда чинакам ҳокимиятлар бўлиниши мавжуд бўлади.

## Назорат саволлари

1. Давлат ва ҳуқук назарияси модулита оид айрим адабиётларда “давлат механизми” ва “давлат аппарати” синоним тушунчалар сифатида кўрсатиб ўтиладиган ҳолатлар мавжуд. Лекин фанга оид аксарият адабиётларда давлат механизми давлат аппаратидан анча мураккаб тушунча эканлиги кайд этилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, давлат механизми барча таркибий қисмларининг фаолияти унинг ўз олдига қўйган мақсад, вазифалари ва функцияларини амалга оширишга қартилгандир. Зеро, давлат механизми – давлат аппарати ва ташкилотлари тизимидан иборат бўлиб, улар воситасида давлат ҳокимияти амалга оширилади ва жамият устидан давлатнинг раҳбарлиги таъминланади.

*“Давлат механизми” ва “давлат аппарати” тушунчаларига ҳуқуқий баҳо беринг ва уларни атрофлича мұхокама қилиб, фарқли жиҳозларини кўрсатинг.*

2. Ўзбекистон Республикаси ўз мустакиллигини кўлга киритгандан сўнг, демократик ҳуқуқий давлат асосларини барпо этиш ва фукаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Бунда ҳокимиятлар бўлиниши алоҳида аҳамият касб этиб, давлат функцияларини самарали амалга оширилишини таъминлаб беради, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши лозим. Мустакиллик йилларида мамлакатимизда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш ва улар ўртасида бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш тизимини тадбиқ этиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилди ва бу борада ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

*Масалани атрофлича мұхокама қилинг.*

## **VII БОБ. ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ, МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

### **1-§. Ижтимоий муносабатлар тушунчаси**

Маълумки ижтимоий ҳаёт ва жамият миллионлаб одамларнинг оиласа, меҳнат жамоасига, худудий тузилмаларга, синфларга, иттифоқларга бирлашган ва индивидуал, якка кўринишдаги аъзоларининг ўзаро ҳаракати ва ўзаро муносабатларидан иборатdir. Шу маънода, жамият кишиларнинг ўзаро хатти-ҳаракатлари маҳсулидир.

Ижтимоий муносабатлар кишиларнинг ўзаро мавхум алоқалари эмас. У моддий ва маънавий маданиятда ўз ифодасини топган кишиларнинг бир-бирига таъсири, мулокоти, кизиқиши ва эҳтиёжларининг уйғунлашуви, фикр ва эътиқодларининг киёслашуви, фаолият ва тажриба алмашуви натижасидир. Мулокотда кишиларнинг рационал, эмоционал ва эркин тарзда бир-бирига таъсири, кайфиятлари ва қарашлари шаклланади, турмуш ва хулк-атвор тарзи, одатлар, киликлар ўзлаштирилади, аҳиллик, ҳамкорлик каби гурӯхий ёки ижтимоий фаолиятни ифодаловчи хислатлар юзага келади.

“Ижтимоий муносабатлар”, “фаолият”, “тарбия” каби фалсафий, категориялар, ўз навбатида, ҳуқук тарбияси, ижтимоийлашув каби мураккаб ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни чукур билишга ёрдам беради.

Ижтимоий муносабатлар деганда, жамиятда кишилар ўртасида юзага келадиган онгли, мақсадга йўналтирилган алоқалар тушунилади.

Жамият аъзолари ўртасидаги муносабатлар нафақат ҳуқук нормалари билан, балки бошқа ижтимоий нормалар билан ҳам тартибга солинади.

### **2-§. Ижтимоий нормалар тушунчаси ва тизими, уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари**

“Ижтимоий нормалар” тушунчаси уларнинг техник нормалардан (ишлаб чиқариш куролларидан кишиларнинг фойдаланиш йўллари ва бошқа.) фарқ қилишни ифодалайди. Техник нормалар билан ижтимоий нормалар ўртасида фарқлар сезиларли бўлиб, улардан биринчиси

кишиларнинг у ёки бу нарсаларга нисбатан муносабатларини ифодаласа, иккинчиси кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибиға солади.

*Ижтимоий нормаларнинг қуйидаги белгилари мавжуд:*

1) улар умумий қоидалардир, яъни ижтимоий нормалар жамиятда ахлоқ қоидаларини ўрнатади, ёки жамият манфаатлари нұктай назаридан субъектларнинг ахлоқи қандай бўлиши кераклигини аниклади. Бундай ижтимоий нормалар вакти бўйича тўхтовсиз ҳаракатда бўлади, кўп маротабалик ҳаракат характеристига эга бўлиб, аниқ бўлмаган шахслар доирасига ётибор қаратилган бўлади;

2) бу нормалар кишиларнинг онгли ва эркли фаолияти билан боғлик ҳолда юзага келади. Бир хил ижтимоий нормалар маълум максадли фаолият жараённида ишлаб чиқилса, бошқалари доимий тақрорланиш натижасида пайдо бўлади;

3) бу нормалар кишиларнинг ўзаро ижтимоий ҳаракатлари шаклларини тартибиға солиб туради, яъни жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ва ахлоқни тартибиға солиб туришга йўналтирилган (қаратилган) бўлади;

4) улар (ижтимоий нормалар) жамиятнинг тарихий тараккиёти ҳамда амал қилиш жараённида юзага келади. Ижтимоий нормалар жамиятнинг элементи сифатида унинг ривожланиш жараёнини ифодалайди, унинг темпи ва ҳарактерига таъсир кўрсатади. Қискаси ўзининг жамият тарихидаги ўрнига, тақдирига эгадир;

5) бу нормалар жамиятнинг ижтимоий ташкилийлик ҳарактерига ва маданияти ривожига мос келади. Маданият, аввало, ижтимоий нормаларнинг моҳияти билан ифодаланади. Шу нұктай назардан турлича маданият анъаналарига хос бўлган жамиятлардаги ижтимоий нормаларнинг фарқларини кўриш кийин эмас, европача ва шаркона анъаналар. Шунингдек, нодавлат-ташкилий жамиятларда урф-одат, анъаналар устунлик килса, давлатларда эса ахлок ва хукук устунлик килади.

*Ижтимоий нормалар* – жамиятнинг тарихан ривожланиши ва амал қилиши жараённида пайдо бўладиган, кишиларнинг эрки ва онги билан боғлик бўлган умум кўринишдаги ва етарлича кенг тарқалган этalon кўринишидаги хулқ қоидаларини ҳамда уларнинг ўзаро муносабат ва ҳаракатларини тартибиға солиб турувчи “курол”дир.

Ижтимоий нормалар – кишилар ҳамда уларнинг жамоалари

| ўртасидаги муносабатларни тартибиға солувчи умумий хулқ-автор |  
| қоидаларидир.

Келтирилган таърифдан кўринадики, юридик адабиётларда ижтимоий нормаларга асосан ижтимоий муносабатларни тартибиға солиб

турувчи регулятор сифатида қаралади. Умуман олганда, уларнинг роли фақатгина бу функциялар билан чекланиб қолмайди. Ижтимоий нормаларнинг асосий 3 та функцияси мавжуд бўлиб, уларга қуидагилар киради:

1) **Регулятив<sup>1</sup> функция** – бу нормалар жамиятда ахлоқ қоидаларини ўрнатади, ижтимоий-ўзаро ҳаракатларни тартибга солади. Жамият ҳаётини тартибга sola туриб, унинг барқарорлигини таъминлайди, ижтимоий жараёнларни зарур холларда кўллаб кувватлайди, ижтимоий муносабатларнинг тартибини саклайди.

Қисқаси, ижтимоий нормалар жамиятнинг маълум тизимилигини уни бир бутун организм сифатида амал қилиш шартларини кўллаб кувватлайди.

2) **Бахолаш функцияси** – ижтимоий нормалар жамият ҳаётида у ёки бу ҳаракатларга нисбатан бўлган муносабатларнинг мезони бўлиб, ёки муайян субъектларнинг ижтимоий аҳамиятига эга бўлган хулкларни баҳолашнинг асоси сифатида юзага чиқади.

3) **Трансляциявий функция** – ижтимоий нормаларда ижтимоий ҳаётни ташкил этишдаги қишиларнинг ютуклари мужассамлашган бўлиб, уларда авлодлар томонидан шаклланган маданий муносабатлар, тажрибалар ўз ифодасини топади. Ўз навбатида бу тажриба, маданият нафакат сакланиб колади, балки келажак учун «трансляция» қилинади, кейинги авлодга ҳам узатилади. (тарбия, билим, маданият ва бошқалар орқали).

*Ижтимоий нормаларнинг тизими:*

- 1) ахлоқ нормалари;
- 2) сиёсий нормалар;
- 3) диний нормалар;
- 4) корпоратив нормалар;
- 5) одат нормалари;
- 6) анъана нормалари;
- 7) ҳукуқ нормалари ва бошк.

*Ахлоқ нормалари* – эзгулик ва ёвузлик, шаън, қадр-киммат, адолат ва ноҳақлик, бурч ва масъулият ҳақидаги ахлоқий тушунчаларга мувофиқ равишда жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидалари.

*Сиёсий нормалар* – алоҳида шахслар ва улар бирлашмаларининг ҳокимиятга муносабати масалаларини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари.

*Диний нормалар* – диндорларнинг худога, бир-бирига муносабатини, диний ташкилотларни ташкил қилиш ва уларнинг амал қилишини тартибга солишга қаратилган хулқ-атвор қоидалари.

<sup>1</sup> “Регулятив” – тартибга солиб турувчи.

*Жамоат бирлашмаларининг (корпоратив) нормалари – жамоат бирлашмаларининг ўз фаолиятини тартибга солиш учун ва ташкилот аъзолари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун ўрнатилган хулк-автор коидалари.*

*Одат нормалари* – кишилар ўртасида кўп марта такрорланганилиги учун одатга айланган ва шу тарика, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хулк-автор коидалари.

*Анъанавий нормалар* – илғор анъаналарни асраш муносабати билан юзага келган умумлашган ва барқарор хулк-автор коидалари.

*Хукуқ нормалари* – давлат томонидан ўрнатиладиган ва муҳофаза килинадиган, умуммажбурий характердаги хулк-автор коидалари.

### **3-§. Хукуқ ва ахлоқ ўртасидаги фарқлар**

---

**Хукуқ ва ахлоқ ўртасида учта муҳим фарқ мавжуд:**

*биринчиси*, ахлоқ нормалари адолат, эзгулик, дўстлик каби категориялар орқали инсонга, унинг ички руҳий ҳаёти, онги, маънавий дунёсига таъсир этади. Бунда улар асосан ижтимоий фикрга таянади. Хукуқ эса ҳокимият томонидан ўрнатилган расмий тартибларга, конунларга итоат этишнинг ташки таъсири орқали ўз функциясини амалга оширади. Хукуқ барча учун тенг бўлган конунларга таянади;

*иккинчиси*, ахлоқ соф онгга оид воқеликдир. У кишиларнинг ички маънавий ҳаёти доирасида ҳаракат қиласи ва маънавий таъсир орқали кишиларни идора этади. Хукуқ обьектив реаллик, у ҳеч кимнинг истак ва хоҳишларига боғлиқ бўлмаган, барча учун мажбурий нормалардир;

*учинчиси*, ахлоқ моҳиятан бурчни, вазифани, масъулиятни адо этиш орқали кишилар хатти-ҳаракатларига тааллукли воқеликдир. Хукуқ эса субъектларнинг ижтимоий мавқеини, статусини, жамиятдаги хукукларини, ўзаро муносабатлардаги боғликлик мезонларини, йўлларини, хуллас, айрим кишиларнинг субъектив хукукларини белгилаб беради. Айнан хукуқ инсоннинг жамият ҳаётида юкори мавқега зга эканини, қонунларда ифода этилган нормалар давлат томонидан кафолатланганлигини, ҳамманинг, у қайси ахлоқий принципларни кўллаб-куватлашидан катъи назар, қонун олдида тенглигини белгилаб беради.<sup>1</sup>

Хукукий нормаларнинг ахлоқ ва бошқа ижтимоий нормалар билан ўзбек хукуқшунослигида батафсилроқ профессор З.М. Исломов таҳлил килган. Унинг кўрсатишича, хукуқ билан ахлоқ ўртасидаги ўзаро

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Право: азбука-теория-философия: Опыт комплексного исследования. – М.: “Статус”, 1999.-С.337.

муносабат, боғлиқлик “тўрт таркибий кисмдан: бирлик, фарқланиш, ўзаро боғлиқлик ва зиддиятлардан иборат.”<sup>1</sup>

Хукуқ ва ахлок ўртасидаги бирлик уларнинг ижтимоий нормалар, устқурма категориялар, ҳалқ ҳокимиятчилиги, демократия ва давлатчиликнинг ягона сиёсий пойдевори эканлигига умумий бошқариш обьектига эга ва бир хил одамлар, жамоаларга йўналтирилганлигига, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни уйғунлаштириш воситаси, инсон фаолиятини тартибга солувчи омил, ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ва такомиллаштириш усуслари, тарихий кадриятлар, жамият тараққиётининг ижтимоий ва маданий кўрсаткичлари сифатида келишида намоён бўлади.<sup>2</sup> Бу ўринда олим хукуқ ва ахлокни уйғунлаштирувчи умумий ижтимоий белгилардаги омиллардан, кўрсаткичлардан келиб чиқсан. Демак, хукуқ ва ахлок ижтимоий ҳаётдаги муштарак муаммоларни ҳал этишга қаратилгани учун умумий белгиларга эга. Жамият, ундаги ижтимоий муносабатлар хукуқ ва ахлокни уйғунлашиб ҳаракат қилишига даъват этади.

З.М. Исломов хукуқ ва ахлок ўртасидаги фарқларни қўйидагиларда кўради:

1. Хукуқ ва ахлок бир-биридан, энг аввало, белгиланиш, шаклланиш усуслари ва манбалари бўйича фарқ қиласи. Хукуқ ҳалкнинг, давлатнинг иродасини ифодалайди, унинг сиёсий ижодкори давлатдир. Ахлокнинг ижодкори жамоа, синф, гурӯҳ, жамиятдир.

2. Хукуқ ва ахлок уларни таъминлаш усуслари бўйича бир-биридан фарқ қиласи. Хукуқий нормалар умуммажбурий, ахлоқ эса маънавий-ихтиёрий ҳарактерга эгадир.

3. Хукуқ маҳсус юридик ҳужжатлар орқали ифода этилса, ахлоқда бундай ҳужжатлар йўқ, у баъзан юридик нормаларда ўз аксини топиши мумкин.

4. Хукуқ ва ахлок кишилар онгига таъсир этиш хусусияти ва усусларига кўра бир-биридан фарқ қиласи. Хукуқ қонунларда белгиланган моддалар ва усуслар орқали, ахлоқ эса оғзаки таъсир, панд-насихат, даъватлар, ишонтириш каби усуслар орқали таъсир этади.

5. Хукуқни бузиш юридик жавобгарликни, жазони келтириб чикаради, ахлоқ эса танбех бериш, ҳайфсан эълон қилиш, жамоадан хайдаш, жамоатчилик фикрига кулок солишга ўргатиш каби “қайта тарбиялаш”ни амалга оширади.

6. Хукуқ ва ахлок инсон хулқ-атворига нисбатан қўйиладиган талаблар даражаси бўйича бир-биридан фарқ қиласи.

<sup>1</sup> Исломов З.М. Хукуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. – Т., 2004. – Б. 29.

<sup>2</sup> Исломов З.М. Хукуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. – Т., 2004. – Б.30.

7. Хукуқ ва ахлоқ амал қилиш соҳалари бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Агар хукуқ инсон хукуклари ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим томонларини йўлга кўйса, ахлоқ барча муносабатларга тааллукли бўлиши мумкин. Бу ўринда “Зиндан азобидан виждан азоби кучли”, деган қойдага амал қиласди. Лекин ахлоқ конунлари хукуқнинг ўринини босолмайди.

8. Хукуқ давлатнинг бир қуроли, унинг мақсадларини зарур бўлса куч, тазик, мажбурлаш билан амалга ошириш усулини қўллади, ахлоқ эса ижтимоий онг шакли сифатида ҳаракат қиласди. Ахлоқий жазо жамиятнинг барча катламлари учун бирдек зарур ва қабул қилинган норма эмас.

Хукуқ ва ахлоқнинг ижтимоий-тарихий негизи, шаклланиши ва тақдири ҳар хилдир. Ахлоқ хукуқдан қадимийdir.

	<b>Хукуқ</b>	<b>Ахлоқ</b>
Шаклланиш усулларига кўра	Давлат томонидан ўрнатилади (ишлаб чиқилади)	Стихияли юзага келади
Амал қилиш шакли	Ёзма манбаларда	Кишилар онгида
Таъминлаш усуллари (услуб, йули)	Давлат томонидан таъминланади	Жамиятнинг таъсир кучи билан қўллаб-кувватланади
Таъсир этиш характеристига кўра	Тартибга солиш механизми орқали	Бевосита онг орқали
Ҳаракат қилиш доираси	Давлат назорати остида бўлган муносабатлар	Давлат назоратида бўлмаган муносабатлар

#### 4-§. Хукуқ тушунчаси, моҳияти, белгилари, тамойиллари

Хукуқ кенг мураккаб ва ижтимоий муҳим феномен (ҳодиса) бўлиб, ўзининг бутун амалдаги фаолиятида унга бўлган илмий қизиқиш ошиб бориши кузатилади.

**Хукуқ тушунчаси (юридик маънода)** – бу давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган, ўзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодалайдиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидалари йиғиндиси.

Хозирги юридик фанларда “хукуқ” терминининг бир канча аҳамиятга эгалиги ҳақида сўз юритилади ва улардан фойдаланилади.

*биринчидан*, кишиларнинг ижтимоий ҳуқуқий интилишларини ҳуқук ифодалайди, масалан, яшаш ҳуқуки, ҳалқларнинг ўз-ўзини таниш ҳуқуки ва бошқа. Бу интилиш ва боғлиқликлар кишилар ва жамиятнинг табиатидан келиб чиқиб, табиий ҳуқук деб ҳисобланади;

*иккинчидан*, ҳуқук деганда, юридик нормалар тизими тушунилади. Бу объектив маъно қуидагича тушунилиб, яъни ҳуқук нормалари баъзи бир шахсларнинг эркига боғлиқ бўлмасдан яратилади ва ҳаракатда бўлади;

*учинчидан*, бу атама орқали юридик ва жисмоний шахслар ёки ташкилотларнинг расмий тан олинган имкониятлари белгиланади;

*тўртинчидан*, «хуқук» атамаси барча ҳуқуқий ҳодисаларнинг тизимини белгилаш учун ишлатилади (жумладан, табиий ҳуқуқни, объектив ва субъектив маънодаги ҳам ҳуқуқни камраб олган холда);

Ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи максус тизимини характерловчи мухим хусусиятларни қуидагилар ташкил этади:

– нормативлик, ҳуқуқнинг интеллектуал-эркий характердалиги, давлатнинг мажбуров кучи билан таъминланиши, расмий аниқлик, тизимга эгалиги ва бошқа.

– ҳуқук мураккаб тизимли ташкилийликдан иборат бўлиб, уни тушунишнинг учта элементга бўлиниши катта аҳамият касб этади, яъни ҳуқуқни табиий, позитив (ижобий) ва субъектив ҳуқукларга бўлинишидир:

а) *табиий ҳуқуқ* – бу инсон ва жамиятнинг табиати билан боғлиқ ҳуқук ва эркинликларнинг йигиндиси. Табиий ҳуқуқнинг мухим кисмидан бири бу инсон ҳуқуқидир;

б) *позитив ҳуқуқ* – бу давлат томонидан кабул қилинган нормаларда, қонунчилиқда ва бошқа манбаларда ўз ифодасини топган ҳуқуқдир;

в) *субъектив ҳуқуқ* – бу позитив ҳуқуқ нормаларига асосан юзага келадиган, унинг эгаси манфаатлари ва талабларини қаноатлантира оладиган индивидуал имкониятлар.

Юкоридаги учта элементлардан биттасининг йўклиги ҳуқук мувозанатини бузади, ижтимоий муносабатларни ва кишиларнинг хулқини тартибга солишдаги хусусиятини йўқотишига олиб келади.

*Ҳуқуқнинг моҳияти* деганда, унинг мазмуни ва максади тушунилади.

Ҳуқуқнинг моҳиятига нисбатан фанда турли хил назариялар ва ҳуқуқ мактаблари мавжуд (норматив, социологик, фалсафий ёндашувлар).

*Ҳуқуқнинг асосий белгилари:*

– умуммажбурий-норматив характерга эга;

- давлат билан узвий боғлиқ ва давлатнинг мажбурлов кучига таянади;
- шаклан аниқликка эга.
- хуқуқ адолат, эркинлик ва тенглик ғояларини ифода этади.

*Хуқуқ тамойиллари* – бу хукукнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатидаги моҳиятини ифодаловчи энг асосий қарашлар, ғоялар ва коидалар.

Хуқуқ принциплари хуқуқ нормаларини такомиллаштириш йўлларини аниклайди, қонуншунос учун бош ғоялар кўринишида юзага чикади.

*Хуқуқ тамойиллари* таъсир этиш доирасига кўра умумхуқуқий, соҳалараро ва соҳавий тамойилларга бўлинади.

*Умумхуқуқий тамойиллар*: адолатпарварлик, фуқароларнинг қонун олдида хуқукий жиҳатдан тенглиги, инсонпарварлик, қонунийлик, демократизм, хуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги ва бошк.;

*Соҳалараро тамойиллар*: жавобгарликнинг муқаррарлиги, ошкоралик ва бошк.;

*Соҳавий тамойиллар*: масалан, фуқаролик хуқукида мулкий муносабатларда томонларнинг тенглиги; жиноят жараёни хуқукида айбиззлик презумцияси ва бошка.

*Хуқуқ мезони* (ўлчови). Агар биз позитив хукукни чекланган ҳолда мушоҳада қиласиган бўлсак, бу ижтимоий тарзда ўтмишда ва ҳозирги кунда умумий қилиб “хуқуқ” деб номлаб, умумий ўзига хослиги юқори бўлган ижтимоий ҳисобланмайдиган бошқа турларни топиш мумкин. Бу хусусият ижтимоий ҳаётда ва уни илмий ўрганиш учун бош зарурий мезондир.

Ушбу мезонлар нималар?!

**Бевосита ва билвосита рағбатлантириш.** Бу ҳар бир жамиятдаги ижтимоий тартиб функциясидир, чунки жамият бу ҳеч нарса, лекин ижтимоий тартиб инсоният ҳаётига аниқ йўналтирилган икки тарафлама муносабат ҳосил қиласиди: уларга аниқлик мужассам қиласиди, жамият учун зарарли ва фойдали бўлган ҳаракатларнинг сабаблари пайдо бўлишини таҳлил қиласиди.

Урф-одатларга кўра, ижтимоий муносабатларда турли хилдаги ижтимоий тартиблар бир-биридан кескин фарқ қилишга олиб келади. Бу ерда ифодаланаётган турлар хуқуқ тизими орқали шахсларнинг ўз

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 467 .

хохишига кўра ҳаракат қилишини рағбатлантириши ҳакида маълумот берилмоқда.

Бу ундаш бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Мазкур тартиб аниқ афзаликларга риоя қилишга ва заарли бўлган ҳодисаларга риоя килмасликка ундаши мумкин, бинобарин, бу афзаликка риоя қилишни ва ишонишни талаб килади. Заарли оқибатларни содир этганлиги учун кўркув билан таҳдид қилишга ундаиди. Тартибларнинг ўзидағи таъсир ўтказиш ушбу муносабатларга эришганликни исботлайди.

Рагбат ва жазонинг асосий принципи ижтимоий ҳаётда тўғри таъсир этишдан иборатdir ва бу жамиятнинг розилиги билан амалга оширилади, тартибда санкциядек имтиёзларга ишониш ёки ижтимоий хавфли жараёнлар учун жазо борлигини огохлантиради.

Дастлаб, шахсларни аниқ йўналтирилган мезонлар асосида бошқариш уларни ундаш учун етарли ҳисобланади. Аксарият, ижтимоий муносабатларда шахслар ҳар доим суднинг ҳукмига ўзининг розилигини билдиради, яъни бу тартибларни “адолатли” деб ҳисоблайди, ҳолбуки, қарама-қарши фикрдагилар эса бу жараёнга “адолатсиз” деб баҳо беради.

Бинобарин, тартибга асосан одатда бошқарувга мос шахс танланади, номуносиблар уларнинг номакбуллигига олиб келди. Бу таъсир натижасида тартиб билан шахснинг розилиги ёки тартибни, тартибдаги санкцияни ўзгартиришда намоён бўлади.

Амалдаги ижтимоий тартибларнинг чинакам бошқарув тартибидан қатъий фарқли жиҳати мавжуд эмас, тартибларнинг самарадор таянчи санкциялардир ва бу самарадорлик санкцияларда ифодаланмаган. Ҳар бир ижтимоий тартибда жамият аниқ таъсир чораларига мос ҳолда ёки тартиблардан бошкacha услубларда санкцияланади.

Санкциясиз ундашларнинг энг яқин турлари бу жамиятнинг ривожланган ахлоқ нормалари ҳисобланади. Уларнинг фарки факат ижтимоий тартиблар ўзларининг мутлақ санкциялар билан таъминланганлиги, ҳолбуки, бошқа санкциялар жамиятга ғайриихтиёрий равиша таъсир этишни ифода этмайди.<sup>1</sup>

**Олий ва ижтимоий уюшган санкциялар.** Санкциялар ижтимоий буюртмалар асосидаги санкцияларнинг ўзи ҳам транстентал, яъни диний ёки ижтимоий доимий белгига, хусусиятга эга бўлиши мумкин. Биринчи навбатда, буюртма томонидан тақдим этилган санкциялар доимий орган томонидан жисмоний шахсларга татбиқ қилиниб афзаликлардан ва камчиликлардан иборат. Инсонлар олий мавжудот деб ҳисобланганлик ғоясига кўра, диний ривожланиш бошланиши билан, улар атрофини ўраб турган табиат билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлганлар.

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 467.

Дуализм, яъни бу ердаги ҳаёт ва охиратдаги ҳали ҳам ибтидоий одамга номаълум. Уларнинг биринчи худолари эҳтимол дараҳтлар, дарёлар ва қирлар, айникса, айрим ҳайвонлар яшайдиган ўлик, аждодлари рухлари бўлган. Улар жиноятларни овчиликтаги омадсизлик, ўлим, қасаллик, баҳтсизлик билан жазолаш ва мукофотни ҳам шунга ўҳашаш йўл билан умр ва баҳт билан ибтидоий ижтимоий тузумни саклаб туришни кафолатлашган. Азоб, аслида илоҳийликдан келиб чиққан лекин бу ерда амалга оширилади. Бу табиат учун азоб тамойилига кўра ибтидоий одам билан изоҳланади. У табиат ҳодисаларини улар билан боғлик бўлган фойда ёки зарапга нисбатан ҳисоблайди. У мукофот сифатида манфаатли воқеиликларни, фойдасиз табиий ҳодисаларни эса улар ортида турган одамлар рухлари томонидан унга етказилган жазо сифатида фаҳмлайди.

Дастлабки ижтимоий тартиб бутунлай диний характерга эгадир. Аслида улар инсон кучидан юкори бўлган, яъни диний санкциялардан бошқа ҳеч қандай санкцияларни билишмаган. Факат кейинроқ, тор гуруҳ ичидаги трансдентал санкциялар ижтимоий доимий бўлган жазо чоралари билан ёнма-ён пайдо бўлган. Санкциялар ижтимоий тартибда белгиланилади ва шахс томонидан амалга оширилади. Ушбу тартиб қоидаларга мувофиқидир.<sup>1</sup>

Турли гурухлар ўртасидаги муносабатларда кон қасоси кўрсатилган жароҳат эвазига бошқа гурух аъзосига нисбатан ижтимоий ташкил реакция сифатида жуда эрта пайдо бўлган ва асоссиз деб ҳисобланган. Бу реакция масалалари кўрсатилган гурух кон муносабатларига асосланган жамият бўлади. Бу реакцияга ўлдирилган шахснинг руҳидан кўркиш сабаб бўлган. Агар у шахс ташкил гурухга тегишли бўлса, у қотилидан ўч олиш ҳукукига эга бўлмаган. Демак, унинг учун қасос олиш қариндошларининг мажбуриятига айланган. Шундай қилиб, ижтимоий ташкил этилган санкцияларнинг ўзи трансдентал санкция билан кафолатланади.

Агар ўлган шахснинг қариндошлари хорижий қотил устидан қасосни амалга ошира олмаса, унинг гурухи ўлдирилган одамнинг руҳи томонидан қасаллик ва ўлим билан таҳдид қилган. Бу кон қасос дастлабки ижтимоий ташкил этилган санкциядек туюлади. Бу дастлаб кабилаларро характерга эга бўлган.

Ижтимоий жамият кон муносабатларига асосланган бир неча гурухларни ўз ичига олади. Факат кон асосида бир ички қабила муассасаси бўлади.

Диний ривожланиши давомида худо бу ерда жуда кўп турли хил илоҳий иқబолни амалга ошириш охиратга тегишли бўлади. Бу иқбол

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA. The Lawbook Exchange, 2011. – P. 467.

иккита баробар белги учун, яъни жаннат ва дўзах учун баробар хисобланган. Бу боскичда ижтимоий тартиб, унинг диний характерини йўқотган. Диннинг факат ижтимоий тартибга қўшимча ва қўллаб-куватлаш каби вазифалари бўлган.

Санкциялар инсонларнинг ижтимоий уюшган тартибдаги характерини кўрсатадилар<sup>1</sup>.

**Жазо ва рагбатлантириш.** Шуни таъкидлаш жоизки, санкциялар одатда икки хил: итоатсизликдан таҳдид ахволига тушган холат (жазо) ва итоат қилган тақдирда ваъда афзаллиги (мукофот)дан иборат бўлган. Ижтимоий ҳаётда биринчиси иккинчисига караганда анча муҳим аҳамият қасб этади.

Жазо техникаси мукофотдан кўра афзал эканлиги ижтимоий тартиб ҳали ҳам аниқ диний характерга эканлиги билан қаралади, бу масалан, трансдентал санкциялар томонидан кафолатланган. Ибтидоий одамларнинг ҳулки ижтимоий тартиб деб номланган ва кўп сонли конунларга риоя қилишганлиги кўп ҳалкларнинг ҳаётида кўркув кўпроқ ҳукмрон бўлганлиги билан белгиланади.

Бу ҳокимият инсонларнинг кўркуви натижасида анъанавий урғодатларни бузишга қарши таъсир бўлган.

Баъзи этнологларнинг фикрича, ижтимоий нормалар бузилиши тараққий этган жамиятга нисбатан ибтидоий жамиятларда камрок бўлишининг сабаби у руҳлардан кўркканлиги уни қасос олиши ва руҳдан жазо олишидан кўркиш таъсири ижтимоий тартибни сақлашнинг асоси бўлган. Мукофотга умид факат ўртача аҳамиятга эга бўлган. Ва ҳатто юксак даражада ривожланган динларда ҳам илоҳий жазо нафакат шу ерда, балки охиратда ҳам жазо олиш гояси биринчи ўринни эгаллаган.

Инсоният ҳақиқий эътиқодида жаҳаннамдан кўркиш анча тирик ва жазо жойи ҳам аниқ расмлар билан тасвирланади, лекин келажакдаги жаннатдаги роҳати одатда жуда ноаниқ ҳисобланади. Шахслар орзу-фантазиялари чекланмаган ва ҳатто трансдентал тартибнинг тасаввури техникаси эмпирик жамият техникасидан бутунлай бошқача эмасdir.

Бу диний мафкура ижтимоий гурухлар ҳатти-ҳаракатларга кўзгудир. Турли ижтимоий гурухларни шакллантиришда энг асосий ғоя уларнинг жазодан кўркиш ҳисси бўлган.<sup>2</sup>

**Мажбурий тартибдаги ҳуқуқ.** Санкциялар мол-мулқдан маҳрум килишда ёвуз амаллар билан тажовуз қилган ҳамда ҳаётдан, соғликдан, озодликдан ёки мулкка эгалик килишдан маҳрум қилган. Бу мулкларни олиш шахснинг ҳоҳишига қарши олиб борилган, бу санкциялар мажбурий тусдалиги билан характерланади. Бу санкция мулкни

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 467.

<sup>2</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 369.

мажбуран олиб қўйишни ифодалайди. Бунинг муҳим жиҳати шундаки, агар ушбу вазиятда катъийликка дуч келинса, ушбу санкция қўлланилган. Биргина истисно жиҳати ишда мунособ санкция мунособ курдатга эга бўлади. Ижтимоий тартиблар шахсларнинг ҳаракатларини кидиради ҳамда мажбурий ўлчамдаги буйруқларни мажбурий тартиблар деб аташни талаб қиласди. Шу сабабдан, кўркув ижтимоий хавфли ҳаракат хисобланади, зўрликнинг ўлчами билан карорнинг мажбурийлиги бир хил бўлиши зарур. Шунинг учун бугунги кунда амалда бўлган ижтимоий тартиблар жазовий санкциялардан кўра мукофотлашни афзal кўради ва айниқса, санкция барча ҳаракатни амалга оширмай, бевосита ундаш техникасига ишонилади.

Тартиблардаги қарама-қаршиликлар санкциялардагидек мажбуриятни ўзида мужассамлаштиради, бошқа ҳаракатларнинг самараси мажбурий бўлмайди, лекин бу ихтиёрий бўйсенишдир. Қарама-қаршиликлар ҳалигача бир қарашдан фарқланмаган.

Билвосита ундаш турли жойлар ўртасида жазо орқали таъсир ўtkазади худди мажбураш техникаси, бевосита таъсир ўtkазиш техникаси ва ихтиёрий бўйсуниш техникаси каби. Ихтиёрий бўйсуниш мажбураш каби таъсир этишнинг шакли ва жумладан, бу эркинлик эмас, лекин бу мажбурий психологик сезги. Агар мажбурий тартиблар булар билан қарама-қаршиликка учраса, бу мажбурий характерда бўлмайди, бу ихтиёрий ҳарактерга асосланади, битта қийин томони шундаки, мажбурий санкцияларда ўлчамлар белгиланган бўлади ва бошкаларда бу мезон мавжуд эмас. Ва бу санкция шахснинг қаршилигига кўра сўрок қиласди агарда муҳим бўлса, моддий таъсир кўрсатади.<sup>1</sup>

**Қонун, одоб ва дин.** Қонунни ўзига хос ижтимоий техниканинг мажбурий буйруқлари йигиндиси деб идрок қилинадиган бир пайтда, биз уни қонун билан бир хил мақсадда ишлатиладиган, аммо ундан баъзи жиҳатларда ўта фарқ қилувчи бошқа ижтимоий буйруқлар билан солиштиришимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, қонун бу-бир услуб маҳсус ижтимоий-хукукий услуб, лекин у якуний чора эмас. Қонун, одоб-аҳлоқ ва дин каби устувор қоидалар котилликни ман этади. Лекин уларнинг бари инсонларга ҳар хил йўсингда таъсир этади. Яъни, бунда қонун қотилликни амалга оширган инсонни жазога тортишда қонун белгиланган хукукий жавобгарликка таянади. Ахлоқий чегара эса инсондаги ўлдиришга бўлган хоҳишни чегаралайди. Агар котил тенгдошлари туфайли ўзининг ички қонун-қоидаларига зид борса ва дўстларининг ақлий тазиёқига учрамаслик учун котилликка бериладиган қонуний жавобгарликни четлаб ўтишга ҳаракат киласа ҳам, маънавий ва

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 248.

қонуний фарқ яққолдир, яъни қонунга бўлган муносабат уни қай даражада қаттиклигига боғлик бўлиб, у ижтимоий нуктаи назардан пухта ўйланган бўлса, одоб-ахлок тушунчалари на пухта қонун-коидаларга таянади ва на ижтимоий мукаммаликка эгадир.

Динга назар ташласак, ундаги коидалар ахлоқийдан кўра кўпроқ қонунийликка ўхшайди. Диний тартиб-коидалар котилликка кўл урмокчи бўлган шахсларни мислсиз кучга эга бўлган диний худолар қаҳрига дучор бўлиш билан кўркитади.

Диний характерга эга бўлган чекловлар, ҳатто диний тартиб коидаларда белгилаб кўйилган бўлса ҳам, улар ижтимоий мукаммаликка, кенг тартиботга эга эмас. Қайсиdir маънода улар ҳуқуқий нормалардан устунроқдир. Аммо бу чекланишларнинг самарадорлиги инсонларнинг мавжуд худоларига қай даражада ишонишига боғлиқдир.

Бу мавзудаги долзарб муаммо бу турдаги тийилишларнинг самарадорлигига эмас, балки уларнинг оммага қандай таъсир этишидадир. Ижтимоий мукаммал структурага эга тақиқлар, чекловлар бу мавжуд тартиб коидаларга зид ҳатти-харакатлар амалга оширилганда уларга мос тарзда жавобгарликка тортилишидадир. Бундай хулқни биз, ўз навбатида, қонунбузарлик (деликт) деб атаемиз. Қонунбузарлик ҳам унга кўриладиган жазо ҳам қонун билан белгиланган. Жазо – бу қонуннинг ҳуқуқбузарликка бўлган реакцияси, яъни қилинган иш учун золимга кўриладиган чора қандай бўлиши керак деганидир. Жазони тайинловчи инсон эса қонун химоячисидир. Бошқачароқ айтганда, жазони амалга оширувчи шахс давлат органи ҳодими бўлиб, у давлат органи томонидан тайинланади. Жамият ва ундаги шахсларнинг хулқатворини аниқлаб берувчи қонун-коидалар жамиятдаги тартибни сақлаб колади. Айтайлик, одамлар бир яхлит жамиятга тегишли бўлсалар ёки бир жамоани ҳосил қилсалар, демак, бундан хулоса килиш мумкинки, улар бир-бирларига бўлган ўзаро муносабатларини маълум меъёрлар асносида ушлаб туришга розидир. Шунинг учун ҳам, қонуний жазода айбдорнинг жамоа қонунлари олдида жавоб бериши тушунилса, диний жазо гуноҳкорнинг ёки ўлими, ёхуд нариги дунёда жавоб беришига бориб тақалади. Бундай ҳолатда ижтимоий тузумнинг таъсири эмас, балки сифинилган худоларнинг қаҳр-газаби тушунилади.<sup>1</sup>

**Куч ишлатиш монополияси.** Ижтимоий структура борасидаги кўплаб парадокслар шуни айтадики, мажбурий тартиб бу маҳсус ускуна бўлиб, у мажбурий жазони амалга оширилишини билдирибгина қолмай инсонларни айнан шундай қонунбузарлик қилишларини олдини олади. Шу туфайли, инсонлар жиноятга кўл урсалар ҳаётдан, согликларидан,

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 329.

озодликдан ва мол-мулкидан маҳрум бўлишлари мумкинлиги билан тазикка олинадилар ва улар айнан юқорида санаб ўтилган нарсаларни сақлаб қолишлари кераклиги уткирилади. Куч жамиятда куч ишлатилмаслиги учун ишлатилади. Бир карашда бу бир-бирига ўхшаш икки нарса орасидаги фарқ (антиномия)га ўхшайди; ўз навбатида, бу ҳолатни олдини олишга килинган ҳаракат куч ишлатмасликни (хатто жазо сифатида) тарғиб қилувчи мутлак анархизм таълимотига олиб келади. Анархизм деганда, жамиятдаги тартибни факатгина шахсларнинг ихтиёрий бўйсуниши орқали бошқариш тушунилади. У нафакат мажбурий тартиб, балки қонун-коидаларни ҳам рад этади.

Қонун аниқ ва у тинчликни тарғиб киласди ва жамият аъзолари орасидаги муттасил хатти-ҳаракатлар мобайнида бўлиб ўтадиган ҳар қандай зўравонликларни тақиқлайди. Шундай экан, қонун куч ишлатишни буткул йўқ қилмайди. Қонун ва куч бир-бирига мутлак зид деб тушунилмаслиги керак. Қонун бу кучнинг тўғри ташкил этилиши. Қонун факат баъзи вазиятларда ва албатта, баъзи шахсларга нисбатангина куч ишлатади. Қонун ҳар қандай ҳолатда ҳам “тақиқланганлик” борасидаги хулкни билдиради; қонуний тақиқланганликни бузиш бу мажбурий жазога тортилиш демакдир. Бу қонунни амалга оширувчи шахс эса (қонуний йўл билан белгиланган), ўз навбатида, қандай чора кўрилиши жоизлиги ҳакида фикр юритади – жамоанинг сайланган органи бўлгани сабабли. Фақатгина айнан шу инсон, жамоанинг тайинланган бўлагигина куч ишлата олади. Шу сабабли кучдан фойдаланиш бу монополия экан, деган хulosага келиш мумкин. Яъни, шу йўсинда қонун жамиятни тинчлантиради.<sup>1</sup>

**Қонун ва тинчлик.** Тинчлик бу куч ишлатилмайдиган мавжудликдир. Бошқачароқ айтганда, ҳуқук факат нисбий тинчлик беради, мутлак эмас, куч билан индивидуал шахслар ҳуқуқларини маҳрум этади, жамиятни ривожлантиради. Қонунни мутлак куч йўқ бўлган тинчлик деб ўйламаслик керак, у давлат анархияси, бу кучнинг монопол шароитидир, яъни жамиятнинг куч монополиясидир.

Жамиятда куч узок муддат давомида сакланниб қолиши мумкин, агар ҳар бир индивидуал шахс аниқ кизикишлари бўлмиш – ҳёт, соғлик, ва бошқа ҳуқуқларини хурмат киласа, яъни шахслар ўзларини бошқа шахсларнинг кизикишларига суқулишдан тия олсалар.

Биз қонун деб атайдиган ижтимоий усул инсонларни ўзларидаги ҳулк-атвордан келиб чиқиб қиласдиган зўравонликларни маълум тарзда олдини олади: бундай ҳолатда қонун инсонларнинг олдинги ҳулк-атворларига асосланиб кейинги хатти-ҳаракатларига аралашади.

---

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 358.

Бошқаларнинг шахсий манбаатларига аралашув бир томондан ноқонуний хатти-харакат, қонунбузарлик, иккинчи томондан эса маъқуллашдир. Қонун шундай кучки, унда куч ишлатиш тақиқланади, бирок баъзи бир ҳолатларда ва баъзи бир инсонларгагина рухсат этилади. Қонунга кўра куч ишлатиш ё қонунбузарлик ёки рухсат этилганлик, яъни хукукни муҳофаза килувчи органларнинг қонунбузарликка қарши хатти-харакати сифатида тушунилади.

Ўзгаларнинг қизиқишлирига аралашиш факатгина жамиятнинг маълум бир ҳолларида шахсларнинг ноўрин хатти-харакатларига кўрсатган таъсири деб тушунилади, чунки бундай аралашув охир-окибат монополияга олиб келади, шахсларнинг факатгина маълум қизиқишлири химояланishi мумкин. Агар жамият инсонларнинг шахсий манбаатларига аралашмаса ва монополияга йўл кўймаса, аникроқ айтадиган бўлсак, жамият факатгина маълум бир ҳолатларда фуқароларнинг қизиқишлирига аралашаман деб шарт кўймаса (албатта, ноқонуний ва жазога лойик иш килинганда ва фактат индивидуал шахсларгагина), инсонларнинг барча қизиқишлири ҳар томонлама хуқукий тартибда химояланади. Бошқачароқ айтганда, бу борада ҳеч қандай давлат томонидан ижро этиладиган қонунлар бўлмайди.<sup>1</sup>

**Руҳий зўравонлик.** Қонуннинг асосий элементи бўлган мажбурлаш кўпинча иотўғри талқин килинади, яъни қонун самарали бўлиши учун куч ишлатишга йўл кўйилиши керак. Бундай чоралар самарали ҳисобланади, качонки улар ўзларини қонуний тутсалар ёки қонунбузарлик муносиб тартибда жазоланса. Бу гоя тарафдорлари кўпинча қонун бу мажбурлашдан иборат, ҳатто бутунлай баъзи ҳокимиятларни куч ишлатишидан иборат деб ўлашади.

Ҳолланднинг махсус ва машҳур ибораси мавжуд бўлиб, унда шундай дейилган: “хукукнинг атама сифатидаги бир муқобил кўриниши сифатида бу суверен сиёсий ҳокимият томонидан инсоннинг ташки умумий хукуклари мажбурланишидир”<sup>2</sup>.

Аникроқ айтганда, тегишли органлар томонидан қонунни амалга оширилишининг аҳамияти. Бундай ҳолат шахслар қонунни кўпол тарзда бузсалар ёки назар-писанд қилмаганда рўй беради. Шуниси маълумки, куч ишлатиш эркинлиги маълум бир ҳолатлардагина хукукий тартиб томонидан амалга оширилади ва шунинг учун “мажбурлаш” деб тушунилади. Албатта, бу фактат рухсат этилган ҳолатларда амалга оширилади.

Қонунга амал қиласиган ёки қилмайдиган шахслар “субъект”ларdir, розилик берувчи ва қонунни ишлатувчилар эса “орган”ларdir.

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 345.

<sup>2</sup> Ser Tomas Erskine Holland, “Huquqshunoslik elementlari” (13- nashr) 1924.

Агар инсонлар хатти-харакатига нисбатан ишлатилган конуний күч ҳакида фикр юритсак, биз субъект ва орган хатти-харакати орасидаги фаркка эътибор қартишимиз лозим. Ҳолланд ҳам ўз таърифида ҳудди организинг хатти-харакатига ургу берәтгандек туюлади. Лекин күч ишлатиш ҳакида сўйловчилар кўпинча субъект ҳакида фикр юритишиади: гўёки шахслар конунга мутлак бўйсунишлари шартдир.

Улар бундай деганда, давлатнинг мажбурий чора-тадбирлари, жазолари эмас, аксинча, субъектларнинг кўркувлари (итоаткорсизлик ва конунга зид боргандан) ҳакида фикр юритишиади. Ҳудди “мажбурлаш” руҳий бўйсуниш демакдир, ва инсонларнинг ҳукукий тартиб ҳакидаги шундай фикрларига олиб келади. “Мажбурлаш” ҳакидаги бу тушунча конуний тартиб борасидаги фикрларни ўзгартиради. Руҳий бўйсуниш давом этар экан, конун аклий ёки диний нормалардан фарқ қилмай колади. Аклий ва диний нормалар ҳам мажбурийдир, чунки улар ҳам бизни уларга мос хатти-харакат килишимизни талаб этади.<sup>1</sup>

**Конуний хулқ-атвор мотивлари.** “Руҳий мажбурлаш” терминига таъриф беришга ҳаракат қиласар эканмиз, бу – ҳукук тушунчасининг муҳим элементи бўлиб, ҳукукнинг жиддий кенг каршилигига учрайди. Қандай важ инсонни ҳукук қоидаларини бажаришга ишонтиришини биз аниқ билмаймиз. Ҳозирги кунда ижтимоий ва сиёсий муҳим муаммоларни ҳал килишнинг бизда ҳеч қандай методлари мавжуд эмасдир.

Биз кила оладиган асосий ҳаракат – бу буларни кўп ёки кам даражада чамалашдан иборат. Эҳтимолликдан келиб чикиб, шунга қарамасдан, конуний хулқ-атвор мотивлари конун нормаларнинг мажбурлаш ҳусусиятига ишонч ёки конуний санкциялардан кўркишни англатмайди. Муайян шахснинг ахлоқий ва диний қарашлари конун нормаси билан параллел тарзда шаклланади ва бундай ҳолатда унинг конунга бўлган ижобий муносабати айнан унинг ахлоқий ва диний қарашлари билан белгиланади.

Ҳеч қандай йўл билан конуний интизом оркали назарда тутилмайдиган, лекин, ўз навбатида, конуний хулқ-атвор билан боғлиқ бўлган ижобий жиҳатлар қонунга риоя килишнинг асосий омили бўлиши мумкин. Муайян шахс тез-тез бўлмаса-да, маълум ҳолатларда ўзининг конуний мажбуриятларини бажаришдан тийилади. Чунки, маълум бир шахс ўзининг мажбуриятини бажаришидан бош тортишига қарши бўлган қонунлар томонидан таъминланадиган санкциялардан сакланади. Аммо, ўз навбатида биладики, агар ўзининг бурч ва мажбуриятларини эҳтиёткорлик билан амалга оширса, унинг жамиятдаги ҳукукий макоми таъминланади. Акс ҳолда ўз мажбуриятини бажаришдан бош тортса, у

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 484.

муайян хукуклардан маҳрум бўлади. Унинг жамиятдаги мавжуд қонун нормаларига амал килиши ўзининг конуний-хукукий манфаатлари таъминланиши кафолатини беради. Бу қонунга бўлган ижобий муносабатнинг фойдали тарафидир. Конунга бўлган ижобий муносабатнинг муҳим мотиви сифатидаги ушбу фойда бу жамиятда одатдаги эришувга ҳаракат қилинадиган муҳим жиҳат ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, инсонлар хукукнинг қоидаси оркали ифодаланади. Бу қонуний интизом, яъни “самарали” қаттиқўллик факат шуни англатадики, одамлар хукукий интизомлар оркали бошкарилади. Хукукий интизомлардан келиб чикадиган руҳий мажбуриятлар ҳакида ҳеч қандай маҳсус мъалумот мавжуд эмас.<sup>1</sup>

## 5-§. Хукуқ функциялари

**Хукуқ функциялари** – бу жамиятда ижтимоий муносабатларга ва қишиларнинг юриш-туришларига хукукий таъсир килишнинг асосий йўналишлари.

Хукуқ функцияларининг белгилари сифатида қўйидагиларини кўрсатиш мумкин:

1. Хукуқ функциялари унинг моҳиятидан келиб чиқиб, жамиятда хукукнинг вазифаси билан аникланади.

2. Хукуқ функциялари – бу ижтимоий муносабатларга таъсир этиш йўналишлари бўлиб, уларни амалга оширишга бўлган талаб хукукни ижтимоий ҳодиса сифатида зарурлигини билдиради.

3. Хукуқ функцияларининг энг муҳим томонларини кўрсата туриб, хукукни ривожлантириш боскичида унинг олдида турган вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

4. Хукуқ функциялари ижтимоий муносабатларнинг мъалум турларини тартибга солишга қаратилган хукукнинг фаол фаолият йўналишидир;

5. Хукуқ функциялари ўзининг доимилиги ҳамда узлуксиз ҳаракатдалиги билан ажралиб туради.

Хукуқ функцияларини икки хил нуктаи назардан, яъни *маҳсус юридик* (тор маънода) ва *умумижтимоий* (кенг маънода) таснифлаш мумкин.

**Махсус юридик функциялар** – *тартибга солувчи* (регулятив) ва *куриқловчи*:

*Тартибга солувчи функция* – бу шундай хукукий таъсир қилиш йўналиши бўлиб, унда жамият тараққиёти эҳтиёжларига мос келадиган

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 591.

ижтимоий муносабатлар амалда бўлиши таъминланади ва ривожлантирилади;

*Кўриқловчи функция* – бу хукукий таъсир килишнинг йўналиши бўлиб, унда жамият учун ижобий бўлган ижтимоий муносабатлар кўриқланади, жамият учун зарарли ижтимоий муносабатлар эса чекланади.

**Умумижтимоий функциялар** оркали жамият хаётининг турли хил йўналишларида юзага келадиган ижтимоий муносабатларга хукукий таъсир ўтказилади.

Умумижтимоий функцияларга куйидагилар киради: **иқтисодий, сиёсий, тарбиявий, экологик** ва бошк.

## 6-§. Хукуқнинг моҳияти ҳақидаги назариялар

### Хукуқнинг моҳияти ҳақидаги назариялар

**Табиий хукуқ назарияси** (Локк, Рассо, Монтеске, Радишчев) (XVII – XVIII асрлар).

Давлат томонидан яратиладиган позитив (ижобий) хукуқ билан берига, ундан хам юкорида турдиган инсонга тугилишидан хос бўлган, ундан акралмас табиий хукуқ хам деб хисоблайдилар. (яаша хукуки, меҳнат килиш хукуки, бошона хукуки, эркин харакатланиш хукуки ва бошк.).

**Реалистик хукуқ мактаби** (Р. Иеринг).

Хукуқ бу давлат томонидан химоя килинадиган манфаат бўлиб, у давлат хокимиyatisiz xech нарса эмас. Хукуқ-химояланган давлат манбаатидир.

**Психологик хукуқ мактаби** (Петражицкий, Росс, Рейнер, Мерили)

Кишиларнинг рухияти жамият, ахол, хукуқ ва давлатнинг ривожланишини белгилаб берадиган омиллар. Бу назария вакилларининг фикрича, ҳакиқий хукуқ кишиларнинг ўз хукуқ ва маъбуриятлари тўғрисидаги турхий кечинмалапилим

**Хукуқни тушунишга тарихий ёндашув** (Г. Гуго, К. Савини, Ф. Пухта XVII аср охири, XIX аср бошлари)

Конуншунос, хукуқ нормасини ўзининг иродаси билан ўрната олмайди, балки у шакланган нормани расмийлаштириб кўяди холос. Бу назария вакилларининг фикрича, хукуқ тарихий жараён давомида худди тил ёки муйянн милят каби бироннинг кўрсатмаси ёки давлатнинг аралашувиносиз аста-секин таркиб топади ва ривожланади.

**Хукуқни гушунишда нормативлик назарияси** (Г. Кельзен, Р. Штаммлер, Новгородцев XX аср)

Бу назария вакиллари хукукнинг бутун тизими, зинапла тузилишига эга бўлиб, бу зинапоянинг бошида асосий (суверен) хукуқ нормаси туради ва кўйи погонасидаги нормалар юкорига суверен нормадан келиб чикади деб хисоблайдилар.

**Материаллистик (синфий) хукуқ назарияси** (К. Маркс, Ф. Энгельс XIX – XX аср)

Бу назария вакилларининг фикрича, хукуқ бу хукмрон синфларнинг конун дирахасига кўтарилиган эрки бўлиб, унинг мазмуни жамият хаётининг иқтисодий шароитлари билан белгиланади.

### Табиий ва ижобий хукуқ

Табиий хукуқ ва ижобий хукуқ ўртасидаги асосий дуализм оркали табиий хукуқ назарияси характерланади. Ижобий конун ўзида умумийлик ва мукаммаллик жиҳатларини акс эттиради ва шу жиҳатдан

табиий конунга якын туради. Айнан мана шу хусусиятлар позитив конуннинг даражасини яхшилади. Шу нуктаи назардан ижобий ва табиий конун ўртасидаги дуализм, табиий конуннинг ўзига хос хусусиятлари платоник гоя ва ҳакиқийлик метафизикасининг иккиланишига ўхшайди.

Платоннинг фикр маркази бу унинг ғоялари назариясидир. Бу назарияга кўра батамом иккиланишга эга бўлган дунё иккита турлича шарга бўлинади. Биринчиси, биз ҳакиқий деб атайдиган, хистайгуларимизга оид бўлган дунё ҳакидаги бир тушунчадир. Иккинчиси, бу жамиятда ғояларнинг аксини кўрса бўладиган дунё ҳакидаги тушунчадир. Бу дунёда кўриб бўладиган ҳар бир нарса ўзининг ғоявий услугуга ёки бошқа бир томондан ўзининг асл нусхасига эгадир. Кўриб бўладиган дунё назариясида мавжуд нарсалар факатгина мукаммал бўлмаган нусхалар, соялардир. Шундай килиб, бизнинг хистайгуларимизга асосланган дунё бу бошқа бир дунё назариясидир.

Бизнинг ўз хиссиятларимизни амалга ошира олмаслигимиз, табиийлик ва супертабиийлик ўртасидаги дуализм, табиийлик ва супертабиийликка оид тажриба ва ғояни очиб бериш бу Платон назариясининг муайян элементидир. Буларнинг ҳар бири метафизиканинг турлича кўринишдаги элементидир ёки дунёни диний тушунтиришга хизмат қилувчи муайян ғояларнинг жамланмасидир. Бу дуалистик ғоя оптимистик мутассибликка эга ёки пессимистик инқилобий характерга эга. Таъкидлашларича, тажрибага асосланган борлик ва ўта идеаллашган ғоялар ўртасида муайян зиддият ёки баҳс мунозаралар мавжуд. Бу метафизик караш борликни тушунтиришда аҳамиятга эга эмас. Аммо уни инкор қилиш ёки қабул қилиш учун муайян эмоцияга эҳтиёж сезилади. Бир ғоя муайян соҳага оид изоҳни танлашда ўз эркинлигига эга, яъни бунда мазкур ғоя уларнинг талқинини ўз ичига олади. Агарда инсон ғоялар дунёсини тўла-тўқис фаҳмлай олса, у дунёга мослаша олади. Шунингдек, у ўз хулк-авторини ғояларга мослаштира олса, у катта баҳтга эришади.

Инсоният ўша вактда медицина ёки табиий илм-фанга оид техника муаммоларини ҳал қилгани каби адолат ҳакидаги саволларга жавоб топа олишига имкон бўлганмиди. Агарда жамиятда ҳакқоний суд бўлганида эди, ижобий конунлар амалда бўлмас эди. Шундай килиб, бундай ҳолатда, яъни ижобий конунлар бўлмаганда эди ҳуқуқий давлат ҳам вужудга келмас эди. Аммо шуни айтиб ўтиш жоизки, биз ижобий деб номлаган конунларнинг барчаси жамиятда амал қилганида эди, баҳти ва адолатли жамият куришда инсонларнинг муайян даражада мажбуриятлари юзага келмасди. Хулоса килиб айтадиган бўлсан, жамиятда ҳақиқатдан ҳам адолатга ўхшаган ва уни таъминловчи маълум

бир ғоя мавжуд, аммо уни аниқ таърифлаб бўлмайди. Ўз навбатида, бу баҳс мунозарали жараёндир<sup>1</sup>.

## Назорат саволлари

1. Хуқуқ тамойиллари – бу хуқукнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатидаги моҳиятини ифодаловчи бошланғич норматив асослар, энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалардир. Хуқуқ тамойиллари, авваламбор, хуқуқ қонуниятларини ифодалайди, колаверса, бутун хуқукий тартибга солиш соҳасида амал қиласадиган ва барча субъектларга нисбатан қўлланадиган энг умумий нормалардан иборат бўлади. Хуқуқ тамойиллари хуқуқ ижодкори учун дастурий ғоялар сифатида майдонга чикаркан, хуқуқ нормаларини такомиллаштириш йўлларини белгилаб беради. Хуқуқ тамойиллари Конституцияда, қонунлар ва кодексларнинг муқаддима ёки умумий қоидалар кисмида маҳсус тартибда белгилаб қўйилади.

*Масалани атрофлича муҳокама қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

2. Ижтимоий нормалар кишилар, уларнинг жамоалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий хулқ-автор қоидалари бўлса, хуқуқ давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган, ўзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодалайдиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга каратилган, бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидалари йигиндиси ҳисобланади. Шу билан бирга, хуқуқ ва бошқа ижтимоий нормалар бир-биридан турли жиҳатларига кўра, хусусан, шаклланиш усуслари ва манбалари бўйича, таъминлаш усуслари ва ифода этиш шаклига кўра, кишилар онгига таъсир этиш хусусияти ва усусларига кўра, жавобгарлик моҳияти ва тартиби бўйича ҳамда амал қилиш соҳалари бўйича фарқ қиласади.

*Хуқуқ ва бошқа ижтимоий нормаларнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини муҳокама қилиши орқали вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

<sup>1</sup> Hans Kelsen. General Theory of Law and State. USA, The Lawbook Exchange, 2011. – P. 295.

## VIII БОБ. ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

### 1-§. Ҳуқуқий онг тушунчаси, таркибий элементлари (ҳуқуқий психология, ҳуқуқий мафкура)

Ҳуқук ижтимоий ҳодиса сифатида ўзига нисбатан кишиларнинг хар хил муносабатларини келтириб чикаради, бу муносабатлар, ўз навбатида, ҳам ижобий (инсон ҳуқукнинг зарурлиги ва аҳамиятини тушунади), ҳам салбий (инсон ҳуқукни фойдасиз ва кераксиз деб қарайди) бўлиши мумкин.

Кишилар ҳуқук тўғрисидаги у билан боғлик тасаввурларга, ҳуқуқий тартибга солиш билан камраб олинадиган барча муносабатларга нисбатан у ёки бу шаклдаги муносабатини билдирадилар (бу муносабатлар хар хил бўлиши мумкин: рационал, онгли ва эмоция кўринишида ёки сезиш, кайфият даражасида ва бошқ. Ҳуқук ва ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан у ёки бу муносабатлар жамиятдаги битта одамда, бир гурӯх одамларда ёки кишиларнинг бирикмаларида бўлиши мумкин).

Агарда ҳуқуқни реал (объектив) борлик экани тан олинадиган бўлса, унда кишиларнинг ҳуқукка бўлган субъектив муносабатини ҳам тан олишга тўғри келади, бу муносабат, ўз навбатида, ҳуқуқий онг деб аталади.

Ҳуқуқий онг ҳуқукнинг ажралмас кисмидир. Бу ҳуқуқ – *кишиларнинг эрки ва онги* билан боғлик муносабатларни тартибга солиши билан изоҳланади. Шунингдек, ҳуқуқни *яратиш жаравёни* – кишиларнинг онгли фаолияти билан боғлик (ҳуқук ижодкорлиги) ёки ҳуқук ушбу фаолиятнинг мөвасидир.

Ҳуқуқий онг – ижтимоий онгнинг бир шакли бўлиб, инсонлар онгидаги ҳуқук тўғрисидаги қарашлар, ғоялар, фикрлар, тушунчалар ва тасаввурларнинг акс этишидир.

Ҳуқуқий онг – жамиятдаги ҳуқуқий ҳодисаларга ва ҳуқуқка нисбатан кишиларнинг муносабатларини ифода этувчи (билдирувчи) қарашлар, туйғулар, мулоҳазалар ва тасаввурнинг йиғиндисидир.

Ҳуқуқий онгнинг тушунчаси бу билан чекланмасдан, у ўз ичига яна ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий нормаларни талабларини ҳис килиш, кишилар томонидан ўзининг хатти-харакатларини ҳуқуқий қоидаларга мос келиш-келмасликка баҳо бера олиш кобилиятига эга бўлиш каби хусусиятларни ҳам қамраб олади.

Хукукий онг амалдаги хукукий нормаларнинг ташкил топиши, ривожланиши ва уларнинг амалда татбик қилиниши учун имконият яратиб беради.

Хукукий онгнинг ҳуқуқни тартибга солиш механизмидаги хусусиятлардан бири, унинг роли хукукий таъсир этишнинг қандайдир босқичи билан чекланиб қолмайди. Хукукий онг ҳуқуқ ижодкорлиги босқичида ҳам ёки ҳуқуқни татбик этиш босқичида ҳам ишга киришади. У ёки бу кўринишда хукукий онг ҳуқуқни тартибга солиш механизмининг барча элементларида, ҳуқуқ нормаларида, хукукий муносабатларда, ҳуқуқни татбик этиш актларида катнашади.

Кўпроқ хукукий онг ҳуқуқни татбик этиш босқичида, яъни юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳайтга сингдириш жараёнида кўзга кўринарли роль ўйнайди.

Хукукий онгнинг даражаси, сифати, характеристи, мазмунидан жамиятга кишининг ҳулки – унинг ижтимоий фойдали ёки аксинча бўлиши, ижтимоий хавфли ёки заرارли бўлишига боғлик бўлади.

Хукукий онг фақат ҳуқуққа асосланган бўлиши, ҳуқуқни тушуниш, уни тасаввур қилиш, изохлаш, татбик қилиш, беками-кўст бажариш тушунчасини бермайди.

Шундай экан, ҳукукий онг нисбатан мустакил хусусиятга эга. Хукукий онг ўзига хос хусусиятларига кўра, жамиятда тутган ўрнига кўра сиёсий онгдан фарқ килади. Демак, ҳуқуқ ва ҳукукий онг биргаликда шаклланади, яъни диалектик бирликда бўлади. Ҳуқуқ ва ҳукукий онг бир-бирини яратмайди. Уларнинг иккаласи ҳам объектив шарт-шароитдан чиқкан ҳолда шаклланади, бир-бири билан ўзаро ҳаракатда бўлади.

Хукукий онг шаклланишига давлат, ҳуқуқ, сиёsat, маданият тараккиёти даражаси, сиёсий партиялар, анъаналар, миллий хусусиятлар ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Ҳукукий билим ҳукукий онгнинг ўзагидир. Ҳар бир фуқаронинг эгаллаб турган ижтимоий мавқеидан қатъи назар, маълум бир ҳукукий билимларга эга бўлиш муаммосини ўрганиш алоҳида ўрин тутади. Табиийки, ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқи ва бурчларини бажаришининг муҳим шарти – унинг ҳуқуқ нормаларида қайд этилган ҳукукий ҳулқ, хатти-ҳаракатларни билишидир. Ҳукукий хабардорлик барча жамият аъзоларининг тўлакони ишлаш, фаолият кўрсатиши шартидир. Бизнинг мамлакатимизда фуқароларнинг ҳукукий хабардорлигини таъминлаш учун барча воситалардан фойдаланилади.

*Биринчидан*, қабул қилинадиган қонунларнинг оддий, барчага тушунарли тилда ёзилишига эътибор қаратилган.

*Иккинчидан*, фуқароларга хизмат қилиш учун юридик хизмат кўрсатишнинг, янги қонунлар билан ахолини гаништириб боришнинг

кенг оммавий ахборот тизимлари ташкил этилган, расмий ахбортномалар обуначиларга юбориб турилади.

Учинчидан, кейинги йилларда хукукий ахбортларнинг ички тузилишида сифат ўзгаришлари содир бўлди, яъни хукукий маълумотларни йиғиши ва излашнинг автоматлашган тизими яратилди ва ҳоказо.

Ушбу чора-тадбирларга қарамасдан фуқароларнинг хукукий хабардорлигини таъминлаш тўла ва батафсил кафолатланган дейишга ҳали вакт эрта. Хукукий инфомация соҳасининг мураккаблиги, конун ишлаб чикишда турли тармолкларнинг мавжудлиги, кўшимча қонунларнинг кўплиги, барча давлатларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам фуқароларнинг хукукий хабардорлигини таъминлаш масаласида бирмунча қийинчилик туғдиради.

Хозирги пайтда норматив актларни чекланмаган тарзда қабул қилиш имкониятига эга бўлган компььютерларни (автоматлашган қидиув тизимларини) яратилиши туфайли хукукий ахборот имкониятларидан фойдаланиш яхшиланди. Айнан шу ўринда ғалати ҳол кўзга ташланади: бир томондан фуқароларнинг зарур ахбортларга эҳтиёжи ошиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, ахбортлар, айниқса, кўшимча қонунларнинг кўплигидан асосий қонунларнинг аҳамияти камайиб улардан фойдаланиш қийинлашиб бормоқда.

Фуқароларнинг хукукий хабардорлигини таъминлашнинг энг зарур ва амалий таъсирчан бир неча йўналишлари мавжуд, яъни:

- 1) фуқаронинг шахсий ташаббусига биноан уни матнлар билан бевосита таништириш;
- 2) қизиқкан кишилар ва муассасаларни маҳсус хатлар орқали хабардор қилиш;
- 3) оммавий ахборот воситалари орқали нормалар матнини эълон қилиш;
- 4) юридик маслаҳатхона ёки экспертларга мурожаат этиш;
- 5) хукукий ахборот марказига мурожаат этиш;
- 6) жамоат жойларида қонун матни ёки бошқа хабарларни намойиш этиш, тарғиб қилиш;
- 7) норасмий мuloқot, яъни ён-атрофдаги кишилар билан алоқалар.

Хукукнинг тарбиявий йўлга кўйиш ва бошқариш функциясининг таъсирчанлиги хукукий хабарларнинг сифати, узлуксиз ва зарур манзилга тез етказилиши билан аниланади. Бунинг учун ахборот манбаи, биринчидан, ахбортга талабгор учун кимматли бўлган хабарларга эга бўлиши, уларни доимо тўлдириб бориши; иккинчидан, етказадиган хабарни истеъмолчи учун маъкул, мос ва учинчидан, хабарлар билан таъминлашни доимий, мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ахборот манбаси бўлган ҳуқуқдан бир қатор амалий натижалар келиб чиқади. Улардан бири қуйидаги соҳада, амалий фаолиятда ҳуқуқни билиш шартлигидир: а) процедур (инструментал) характеристикинга хатти-харакатларни амалга оширганда; б) касбий, айниқса, юридик фаолиятда; в) фуқароларнинг давлат ва жамиятга нисбатан ўз ҳуқук ва бурчларини бажараётганда.

Демак, оддий фуқарога ҳуқук бир вақтнинг ўзида ҳам яқин, ҳам узок нарсадир. Яқинлиги шундаки, кишиларнинг кундалик ҳёти ва фаолияти юридик тартиблар, коидалар билан боғликлиги унга мълум. Узоклиги шундаки, кўпгина ҳолларда ҳуқук барча муаммоларни ечиш воситаси бўла олмайди ва у доимий, ўзгармас, барча даврлар учун қатъий килиб белгиланган ақида эмас. Ҳар сафар ҳуқуқни қандай ҳолатга нисбатан кўлланилаётганини билиш тақозо этилади.

Ҳамма гап ҳуқуқий асосни қабул қилинадиган қарорга хизмат килдиришдадир. Бунга осонлик билан эришилмайди. Ҳуқуқни билим ва ҳуқуқий хабардорликни амалда татбиқ этиш сиртдан қарагандагина осон кўринади. Ушбу муаммога кўпгина юристлар, тарихчилар, файласуф ва социологларнинг асарлари бағишланган.

"Қонунни билиш" категорияси қадимдан буюк мутафаккирларнинг дикқат-эътиборини ўзига жалб қилиб келади. Гражданлик актларини жорий этиш фуқароларнинг кундалик фаолияти, мулокоти ва масъуллигини таъминлашда бекиёс аҳамиятга эгадир. Масалан, у қуйидаги ҳуқуқий тамойиллар ва коидаларда бевосита намоён бўлади: "Қонунни билмаслик ўзини оклашга асос бўлолмайди", "хеч ким қонунни билмаслиги билан ўзининг ноконуний хатти-харакатини оклай олмайди", "қонунни билмаслик жавобгарликдан ҳалос қilmайди" ва ҳоказолардир. Бирор ҳуқуқий соҳанинг мураккаблиги, қонуности ҳужжатларнинг турли маҳкамалар томонидан қабул қилиниши, кўшимча қонунларнинг тез-тез эскириб туриши, инкирози, фуқароларни, жамиятнинг ҳар бири аъзосини зарур ҳуқуқий хабарлар билан етарлича таъминлашда маълум бир кийинчиликлар уйғотади. Шу ўринда савол туғилади: ҳуқуқни билиш презумпцияси унинг реал мөҳияти билан қандай муносабатда? Агар бу фикрни бошқачароқ ифодалайдиган бўлсан, илгаридан мавжуд ва кенг ишлатилаётган ҳуқуқни билиш ҳакидаги презумпцияни ижтимоий ҳаётга тадрижий сингдирилган қонуний жавобгарлик режимига кўллаш меъёрларини аниглаш долзарб муаммо хисобланади.

Ушбу муаммони анъанавий шаклда ҳам қўйиш мумкин: ҳуқуқий презумпцияларни инкор этиш мумкинми ва қандай даражада?

Бунинг учун "презумпция" ва "презумпциялаш" атамаларининг ўзини этимологик таҳлил қилиш зарур. Презумпция лотинча "presumptio" сўзидан олинган бўлиб, бир неча маънога эга. Улардан бири

"тахмин" – илмий тадқикот ва амалий фаолиятда кенг ишлатилади<sup>1</sup>. Бироқ ҳамма тахмин ҳам презумпция бўлавермайди. Масалан, об-ҳавонинг ўзгариши ёки спорт мусобакасининг якуни ҳақидаги тахмин илмий исботланган презумпцияга кирмайди. Презумпцияга оддий кузатишларга асосланган тахмин эмас, балки амалиётда синовдан ўтган фактлар ўртасидаги муҳим алоқа хос хусусиятдир. Ушбу назарий ёндашишдан шундай хулоса чиқарса бўлади: қонунни эълон қилгандан кейин белгиланган вакт ўтгач, фуқаролар уни билади ва уни бажаришлари лозим. Шу тарика, кенг тан олинган "хеч ким қонунни билмаслиги билан ўзини оқлай олмайди", деган коида келиб чиккан. Қонунни билиш презумпциясидан келиб чиққанда қонунни билмаслик билан ўзини оқлаш тақиқланади (*igretio non est arguments*). Ушбу коида Қадимги Рим юристлари томонидан ишлаб чиқилган эди.

"Хукуқни билиш" атамаси мазмунида икки хил маъно борлигини унумаслик керак, яъни хукуқ ҳақида маълумот олиш ҳамда хукуқни билиш жараёнида ранг-баранг, мураккаб омиллар ҳосиласи ўлароқ, жамиятда тўпланган хукукий билимлар даражаси тушунилади

**Хукуқий онгнинг асосий таркибий элементлари: хукуқий рухият (психология) ва хукуқий мафкура (идеология).**

Хукуқий рухият – алоҳида ижтимоий гурӯҳ, шахс ёки бутун жамиятда стихияли равишада вужудга келадиган хукукий туйғулар, хиссиётлар, кайфиятлар, фикрлар йигиндисидан иборат.

Хукуқий мафкура – бу синфнинг, жамиятнинг хукукий қарашлари, ғоялари, тасаввурлари ва талабарининг илмий тизимлаштирилган ифодасидир.

Хукукий онг хукукий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хукукий онгнинг шаклланишини ижтимоий онг шаклланишидан айрим ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Хукукий онг ижтимоий онгнинг бир шакли ҳисобланаб, нисбатан мустакиллар. Хукукий онгнинг илмий-назарий тахлилига оид ўtkазилган кўплаб тадқикотларга қарамасдан, ҳанузгача хукуқшунос олимлар унинг тушунчаси бўйича яқдил фикрга келмаганлар.

Проф. С.С. Алексеевнинг фикрича, хукукий онг бу инсонларнинг хукукка бўлган муносабатидир. Хукукий онгнинг энг муҳим жиҳати бу инсонлар томонидан хукукий кадриятларни англаш, бир вактда ҳаракатдаги позитив хукук, унинг онг ва адолат, ғоялар талабларига қанчалик мувофиқ келиши тўғрисидаги қарашларидир<sup>2</sup>. Академик В.С. Нерсесянц эса хукукий онгни инсонларнинг хукукий ходисаларга

<sup>1</sup> Қаранг: Дворецкий Н.Х. Латино-русский словарь – М., 1976. – С. 903.

<sup>2</sup> Қаранг: Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия: Опыт комплексного исследования. – М., 2001. – Б. 50–51.

нисбатан карашлари, тасаввурлари, эътиқодлари, кайфияти ва хистийгулари йиғиндиси сифатида таърифлайди<sup>1</sup>. “Хуқукий онг, – деб таъкид этади проф. Х.Т.Одилқориев, – ижтимоий онгнинг бир шакли хисобланиб, нисбатан мустақилдир. Хуқукий онг жамият аъзоларининг хуқукка, конунга нисбатан муносабати ҳамда давлат механизми фаолияти хусусидаги тасаввурлари, карашлари, таърифлар, хис-туйғу ва кайфиятларининг мужассам ифодасидир”<sup>2</sup>. Ёки “хуқукий онг – хуқукни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги хуқукка, ҳам уларнинг ўзлари истаган хуқукка муносабатини ифода этадиган тасаввур ва хистийгуларнинг мужассамидир”<sup>3</sup>. Амалдаги хуқукни маъқуллаш ёки маъқулламаслик, зарурий хуқук қандай бўлиши, у қандай принципларни шакллантирилиши кераклиги ҳақидаги тасаввур айнан хуқукий онгда намоён бўлади. Хуқукий онг, таркибий тузилишига кўра мураккаб ҳодиса сифатида, хуқукни билишни, хуқукий мафкурани, хуқукий психологияни, хуқукий йўналишни ўз ичига олади<sup>4</sup>.

Хуқукий онг таркибига тўртта баҳолаш билан боғлиқ муносабат киради. Булар – хуқук ва конун хужжатларига (унинг тамойиллари, шакллари, институтларига) нисбатан; атрофдагиларнинг хуқукий хатти-харакатига (масалан, жиноятчиликка, давлат ҳокимиюти тузилмаларининг ўзаро муносабатлари хусусиятига) нисбатан; хуқукни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолиятига нисбатан; ўзининг хуқукий хатти-харакатига нисбатан муносабатдир<sup>5</sup>. Хуқукий онгнинг тартибига солиш билан боғлиқ вазифаси хуқукий йўл-йўриклар ва ўзида хуқукий фаолликнинг барча бошқа манбаларини тахлилий текширувдан ўtkазадиган кадриятли-хуқукий йўналишлар воситасида рӯёбга чикарилади. Бу тартибига солишнинг натижаси хулқ-атворда конуний ёки гайриқонуний хатти-харакат кўринишидаги таъсирланиш намоён бўлишидир<sup>6</sup>.

Баъзи олимлар мазкур ҳодисани қуйидагича таърифлайдилар: “Хуқукий онг – хуқукий ҳиссиётлар, туйгулар, гоялар, карашлар, баҳолар, йўл-йўриклар, тасаввурлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига муносабатини кўрсатувчи, бу муносабат эса амалдаги

<sup>1</sup> Қарант: Нерсесянц В.С. Общая теория права и государства / Учебник для юрид. вузов и факультетов. –М., 2000. – Б. 213–214.

<sup>2</sup> Одилқориев Х.Т. Мустақиллик ва хуқукий кадриятлар. Хуқук-Права-Law. 2001. №3. – Б. 4–5.

<sup>3</sup> Халилов Э.Х. Ижтимоий турмушда хуқукий онгнинг ўрни. – Т., 2001. – Б. 12.

<sup>4</sup> Давлат ва хуқук назарияси / Дарсл.к. – Т., 2002. – Б. 228–237; Б.Черданцев А.Ф. Теория государства и права / Учебник для вузов. – М., 2000. – С. 330–333; Исламов З. Общество. Государство. Право. Вопросы теории. – Т., 2001. – С. 403–428.

<sup>5</sup> Гранат Н.Л. Правосознание и правовая культура // Теория права и государства / Учебник (Под ред. проф. В.В.Лазарева). – М., 1996. – С.180–181.

<sup>6</sup> Калинская Р.И. Ратипов А.Р. Правосознание как элемент правовой культуры // Правовая культура и вопросы правового воспитания. – М., 1971. – С. 57.

хукукка, хукукий амалиётга, фукаролар хукуклари ва бурчларига нисбатан, шунингдек, бошқа орзу қилинган хукукларга нисбатан бўлиши лозим ҳолатлар тизимиdir”<sup>1</sup>.

Юксак даражада шаклланган хукукий онг хукукий демократик давлат барпо этишнинг асосий омилидир. Албатта, хукукий онгнинг ривожи олиб борилаётган хукукий тарбия билан боғлиқдир. Агар хукукий тарбия самарали йўлга кўйилган бўлса, хукукий онгнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

## 2-§. Хукукий маданият тушунчаси ва хусусиятлари

Хукукий онгнинг шаклланиши ҳукукий маданият ривожининг асосидир. Хукукий онг хукукий маданиятнинг зарурий элементи сифатида ифодаланади. Қачонки, кишилар онгида хукукий карашлар, билимлар, тасаввурлар шаклланиб, амалий фаолиятга ижобий тарзда йўналтирилса, хукукий маданиятга айланади. Хукукий маданиятни юксалтириш мамлакатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу ўринда, “хукукий маданият ўзи нима?” – деган савол туғилиши табиий.

Хукукий маданият ижтимоий маданиятнинг бир шакли бўлиб, хукукни билиш, унга оғишмай риоя этиш ва ўзгаларнинг хукук ва эркинликларига хурмат муносабатида бўлишда ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир. “Маданият инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичидир. Шу билан бирга инсоннинг ўзи ҳам, пировард натижада маданият маҳсулидир. Ҳатто айтиш мумкинки, маданий муҳит кандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади”<sup>2</sup>. Демак, хукукий маданий муҳит инсонлар хукукий онгини шакллантириш билан бирга уларни хукук асосида ҳаракатланишининг бош мезонидир. “Хукукий маданият деганда, – З.М. Исломов эътирофича, хукукий билим андозалари ва унинг табиатини, хукукий тизим баҳосини, шунингдек, хукукий ҳатти-ҳаракатлар соҳасини тартибга солувчи ижтимоий қадриятлар, нормалар, анъана ва андозалар мазмун-моҳиятини тушуниш керак”<sup>3</sup>.

Жамият хукукий тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган, хукукни инсонлар ҳатти-ҳаракатида мужассамлашишини, кишиларнинг хукукка нисбатан ҳурматини, хукуқбузарликларга нисбатан муросасизлигини

<sup>1</sup> Сайдов А., Таджиханов У. Давлат ва хукук назарияси: Иккى жилди 2-жилд. Хукук назарияси. – Т., 2001. – Б. 324–325.

<sup>2</sup> Мустакиллик илмий-оммабоп лугат // А.Жалолов ва К.Хоназаровлар умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 104.

<sup>3</sup> Исломов З.М. Хукукий онг ва хукукий маданият // Хукукий онгдан – юксак хукукий маданият сари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2006. – Б. 40.

инглатувчи тушунча бу хукукий маданиятдир. Россиялик таникли хукукшунос А.Никитин хукукий маданиятга таъриф бериб, унинг моҳиятини очиб берар экан, хукукий маданият нима, у қандай бўлимлардан ташкил топганлигини билиш учун уни бино шаклида тасаввур этишни таклиф этади ва бу бинони уч қаватдан иборат деб кўрсатади. У бинонинг биринчи қаватига хукукий билимлар ва улардан фойдалана олишни жойлаштиради. Иккинчи қаватига хукуқка бўлган муносабатни ва ниҳоят учинчи қаватга хукукий мазмунга эга бўлган вазиятларда шахснинг фаолияти ва хулк-авторини киритади. Ҳар қандай бино сингари, бу уйнинг ҳам пойдевори мавжуд бўлиб, уни ахлоқий ва мафкуравий, сиёсий-хукукий карашлар, эътиодлар ташкил этади. Муаллиф бу бинони график ҳолда ифодалашга ҳаракат қиласди<sup>1</sup>.

Х.Т.Одилкориев хукукий маданиятнинг хукукий тизимга таъсирини қуидагича ифода этади: “хукукий маданият фукаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик биноси ривожи ва хукукий тизим етуклигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади”<sup>2</sup>.

Хукукий тизим ва хукукий маданиятнинг узвийлигини қуидаги фикрлар ҳам тасдиқлади: “хукукий маданият деганда, жамиятда қарор топган хукукий тизимнинг даражасини, ҳалқнинг бу хукуқ тизимидан ҳабардорлик даражасини, фукароларнинг қонунга бўлган хурмати, хукукий нормаларнинг ижро этилиш даражаси, хукуқка риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражаси тушунилади”<sup>3</sup>.

Хукукий маданият умумий маданиятнинг бир шаклидир. У хукукий борликка нисбатан маънавий ва моддий қадриялардан ташкил топади. Бунда хукукий маданият хукукий ҳодисаларда мавжуд бўлган илгор, ижтимоий фойдали ва қадрли жиҳатларнигина ўзида мужассам этади. У нафакат натижа, балки шу билан бирга фаолият усули ҳамдир. Шу маънода, хукукий маданият тафаккур шакли, хулк-автор нормалари ва талаблари сифатида тушунилади.

Шахснинг хукукий ижтимоийлашувида хукукий онг ва хукукий маданиятнинг ўрни бекиёс. Хукукий ижтимоийлашув жараёнига хукукий фаоллашувнинг бир кўриниши сифатида баҳо берсак, улар хукукий маданиятнинг таркиби сифатида намоён бўлади. Чунки, кўплаб юридик адабиётларда “хукукий фаоллик” хукукий маданиятнинг таркиби сифатида эътироф этилади. Булардан шундай хуносага келиш мумкинки,

<sup>1</sup> Қаранг: Никитин А. Что такая правовая культура? – М.: Просвещение, 1988. – Б. 23.

<sup>2</sup> Одилкориев Х.Т. Конституция ва фукаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 220.

<sup>3</sup> Қаранг: Таджиханов У.Т., Сайдов А.Х. Хукукий маданият назарияси. Т.1. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси» нашриёти, 1998. – Б. 45.

хукукий ижтимонийлашув ва хукукий маданияят ўзаро уйғун тушунчалар хисобланади ҳамда бир-бирига доимо таъсир этган ҳолда шаклланади.

Хукукий онг эса, хукукий маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Хукукий онгнинг ривожидан хукукий маданият сари борилади. Шундан келиб чиккан ҳолда айтишимиз мумкинки, хукукий онг хукукий маданиятнинг бирламчи шакли бўлиб, хукукий маданиятни юскалтиришнинг асосидир. Хукукий онгнинг шаклланиши нисбатан инсоннинг ёшлик даврига тўғри келади. Ўз навбатида, ёшларнинг хукукий онгини шакллантиришга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқдир. Хукукий онг ва маданиятни шакллантиришнинг ёшлар билан боғлиқ асосий жиҳати шунда намоён бўладики, ёшлиқда эришилган хукукий маданият, ёшлиқда шаклланган хукукий онг келажакка асос бўлади.

Кўплаб юридик адабиётларда хукукий онгнинг ўзи ҳам икки таркибий қисмлардан иборат эканлиги кайд этилади<sup>1</sup>. Улар қуйидагилар:

Бу икки элемент бир-бирини тўлдиради ва боғликларда

| хукукий руҳият – одамлар онгига ҳиссий ҳодисалар билан боғлик |  
| таъсир этувчи кечинмалар, туйгулар ва бошк. Бу нисбатан олдинрок |  
| шаклланади; хукукий мафқура – бу хукукий борлиқ тўғрисида |  
| нисбатан мукаммалрек шаклланган карашлар, тушунчалар, эътиқод, |  
| концепциялар, назариялар ва бошк.

харакатланади. Ёшлар хукукий онгини шаклланишида юқоридаги элементлар асосий роль ўйнайди. Хукукий руҳият аксарият болалик даврида (4 ёшдан – 10 ёшгacha) шаклланса, хукукий мафқура эса, ўсмирлик даври (15 ёшдан – 18 ёшгacha) ва ундан кейин шаклланади.<sup>2</sup>

Мураккаб тузилма ҳисобланган хукукий онг ва хукукий маданият хукукий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хукукий тизимни ислоҳ этиш жараёни ўз-ўзидан уларни такомиллаштириб боришни талаб этади. Чунки, мукаммал даражада ривожланган хукукий онг ва маданиятсиз фаол хукукий тизимни тасаввур этиш кийин. Хукукий онг ва маданият хукукий тизимнинг гоявий-мафқуравий

<sup>1</sup> Каранг: Исломов З.М. Хукукий онг ва хукукий маданият // Хукукий онгдан – юксак хукукий маданият сари. – Т., 2006. – Б. 37; Тожихонов У.Т., Сайдов А.Х. Хукукий маданият назарияси. Т.2. – Т., 1998. – Б. 168; Эргашева Д. Хукукий онг ва хукукий маданият ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффакияти гаровидир // Хукукий онгдан – юксак хукукий маданият сари. – Т., 2006. – Б. 191.

<sup>2</sup> Каранг: Якубов Ш.У. Ёшлар хукукий онги ва маданиятини шакллантиришнинг замонавий йўналишлари // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг хукукларини химоя килиш тизими: муммо ва ечинимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: “Konsauditinform-nashr”, нашриети, 2008. – Б. 310–317.

таркибий кисми сифатида унинг узлуксиз ҳаракатига маънавий замин яратади.

Хукукий маданият жамият ҳаётининг деярли барча соҳалари билан борлик маҳсус ижтимоий-сиёсий воеликларидир. Унда маданият ва хукук унсурлари уйғунлашиб келса-да, моҳиятан, хукукий маданият ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг, тузумнинг буюртмаларини бажарувчи тизимдир. Сиёсий маданиятнинг тамойил ва меъёрлари хукуқнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Бунга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, сиёсий тамойил ва меъёрлар ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Тўгрироғи, хукуқнинг асоси ана шу тамойил ва меъёрлардан ташкил топади.<sup>1</sup> Хукукий маданият субъектив ҳодиса сифатида хукукий онг, хукукий билим, хукукий таълим, хукукий эътиқод, хукукий хулк-атвор, хукукий мафкура каби таркибий кисмларига эгадир.

Мамлакатимизда инсон хукуклари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва хукукий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиқкан холда жамият хукукий онги ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Кенг умумназарий миқёсда олганда маданият инсон фаолиятининг барча кўринишлари ва муносабатларини акс эттирувчи даража ва йўналишларини ўз ичига олади, уларга таалукли усул, йўл-йўрик, нормалар мажмуасидир. Ушбу ёндашишдан келиб чиқканда маданият бутун ижтимоий ҳаётни бошқариш, саклаш, қайта яратиш ва ривожлантириш усули хисобланади. Бу ўринда маданиятнинг концептуал моҳиятини, шу жумладан, фаолиятининг алоҳида кўриниши сифатида хукукий маданиятнинг моҳиятини ҳам очиб бериш муҳимдир.

“Хукукий маданият жамият маданиятининг таркибий кисми, тараккиётнинг ворислик йўсини билан аста-секин, бири кетидан бири келадиган авлодлар тажрибалари ва фаолиятининг натижаси хисобланади.

Хукукий маданият маънавий-ахлокий ва хукукий бойликлар сифатида қонунга итоаткор турмуш тарзини шакллантирувчи, ижтимоий муносабатларни хукукий бошқарувчи ва мамлакатда хукукий тартибларни ўрнатувчи хукукий маконда, норматив актларда ва хукукий онгда ўз ифодасини топади<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Каранг: Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-хукукий асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 255.

<sup>2</sup> Каранг: Соколова Н.С Правосознание, правовая культура и правовое воспитание// Проблемы общей теории права и государства. – М., 1999. – С. 406-407.

Айнан, таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда ҳуқукий онгдаги нуксонлар (кризис) кўп жиҳатдан ҳуқукий маданиятнинг паст даражаси билан белгиланади.

“Жамият, ҳуқукий бўлмаган бошқарувнинг тоталитар усулларидан воз кечиб, ҳуқукий давлат қуриш йўлига қадам қўйишга интилган заҳотиёқ, олдинги тузум даврида сиёсий ва иктиносий эркинликлардан сиқилган кишилар ўзларининг ҳуқук ва эркинликларидан фойдаланишининг реал имкониятини сезишлари биланоқ жамиятда йиллар давомида устунлик килиб келган ҳуқуқка ва уни баҳолашга бўлган салбий қарашлар таъсири остида шаклланган ҳуқукий маданият даражасининг пастлигини кўрсатдилар.”<sup>1</sup>

Ҳуқукий маданият ҳаракатдаги қонуншуносликнинг асосий коидалари ибтидоси ҳакида маълум бир тасавурларга эга бўлишни ва улардан фойдаланиш кўникмасини талааб этади.

Давлат ҳуқукий тизими ва ҳаракатдаги конуншунослик ҳакида зарур билимларга эга бўлмай фукаролар ўз ҳуқук ва бурчларини адо этиб, қизиқишиларини химоя қилолмайдилар. Давлат ҳокимияти ва бошқарув лавозимларида юридик нуктаи назардан саводсиз кишилар учраса, агар шундай кишилар суд, конун ишлаб чиқиш, ҳуқуқни химоя қилиш идораларида ишласа жуда ёмон. Ҳуқукий маданиятнинг ушбу йўналишига республикамиз Президенти доимо эътиборни жалб этади. “Мен ўз бурчи, ўз хизмат вазифасига кўра кабул килинган конунларнинг бажарилишига масъул бўлган шахслар ҳакида алоҳида тўхталишни истардим. Булар – конунни муҳофаза килувчи идоралар ва маъмурий органларнинг ходимларидир. Айни шу ходимларнинг хатти-харакатларига караб кўпчилик жамиятда конун кучига қандай амал қилинаётганига, ҳуқукий механизмлар нечоғли кучли эканига, ҳуқукий жамият қай даражада етуклигига баҳо беради.”<sup>2</sup>

Ҳуқукий маданият кўп қиррали мураккаб ҳодиса сифатида қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маълум бир ҳуқукий онг даражасини, яъни ҳуқукий борликни онгли тарзда хис этиш;
- умумий маданият негизида, цивилизация даражасини, тарихий хотира, миллий-маданий анъана ва урф-одатлар;
- аҳоли томонидан мавжуд конунларни билиш ва ҳуқук нормаларини юксак даражада ҳурмат қилиш;

<sup>1</sup> Туманов В. А. Правовой нигилизм в историко-идеологическом ракурсе // Государство и право. – М., 1993. №8. – С. 52.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ҳалқимиз жипслиги – тинчлик ва тараққиёт гарови // Биз келажагимизни ўз кўлнимиз билан курамиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 159.

– юкори даражадаги конунлар ишлаб чиқиш ва уларни хаётга татбик этиш;

– конун ишлаб чиқиш, хуқукни химоя килиш, бошқарув каби идоралар фаолиятининг самарали ишлаши;

– мансабдор шахслар ва фукароларнинг қонунга итоаткорлиги.

Хуқукий маданиятнинг хусусиятларини ўрганганда унинг нафақат "горизонтал", шу билан бирга, жамият – ижтимоий гурух (миллат, меҳнат жамоалари, аҳоли катламлари) – шахс (фуқаро, мансабдор шахс) тизимини ўз ичига олувчи "вертикал" йўналишини ҳам назарда тушиб зарур. Ҳозир фанда ушбу йўналишларни эмпирик тадқик этиш етарли даражада чукур олиб борилмоқда. Хуқукий маданиятни англаш бир даражадан ёки йўналишдан, иккинчи даражага ёки йўналишга ўтганда ўзгаради, яъни тадқик этиш тепадан пастга қараб тушгани сайин обьект ҳолати аниқлашиб, ҳатто майдалашиб боради; тадқик этиш қанчалик юкори даражага қаратилса, обьектнинг моҳияти ва ўрни шунчалик аниқлашади, бироқ бу ўринда обьектдаги индивидуал ўзига хосликлар, гурухий фарклар йўқолиб, улар текислашади.

Агар гап маданиятнинг маълум бир ташкилот, ижтимоий, худуд доирасида амал килиши устида кетадиган бўлса, ушбу маконлардаги гурухий онг алоҳида аҳамият қасб этади. Шу билан бирга, ижтимоий гурухлар (қасб-кор, ёшлар ва бошк.)нинг ҳам онги мавжудлигини, унинг хусусиятларини назардан қочирмаслик керак. Дарвоқе, ушбу хусусиятларни ўрганиш ижтимоий муҳитлар маданиятини ривожлантиришнинг қулай йўлларини топишга имкон беради. Ва ниҳоят, профессионал сиёsatчилар ва бошқарувчилар онгининг ҳолати тамойили аҳамиятга эга, аммо бу масала алоҳида ўрганишни такозо этади. Хуқукий маданиятнинг юкори катламларини сон-саноқ усулида (ракамлар асосида) баён этиш кийин, айни пайтда бундай усул кўйи катламни ўрганишда кенг ишлатилади. Ижтимоий онг узоқ давр муқим, ўзгармай колишга мойил, онгнинг индивидуал шакли эса кескин ўзгаришларга учраши мумкин.

**Хуқукий маданият** – бу кишиларнинг хуқуқий билим даражаси, хуқуқка нисбатан онгли муносабати, хуқуқни ҳурмат қилиши ва унга риоя қилиши.

Жамиятнинг хуқукий маданияти авваламбор аҳолининг хуқукий онгини ривожланиш даражасига боғлик бўлади, яъни аҳоли томонидан хуқук ҳақидаги билимларнинг ўзлаштирилганлиги, бу ҳақда маълумотга эга эканлиги, уларнинг қонунга, хуқукни муҳофаза қилувчи органларга, судга нисбатан муносабатлари ёки фукароларнинг хуқукий кўрсатмаларга бўлган (бажариш ёки бажармаслик ҳолатлари) карашлари

ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бу хуқукий маданиятнинг биринчи элементи хисобланади.

Хуқукий маданиятнинг иккинчи элементи бўлиб хуқук фаолиятининг ривожланиш даражаси хисобланади. Бу эса, олим хуқуқшуносларнинг назарий фаолиятидан, талаблар ва юридик ўкув юртларининг тингловчилари фаолиятидан, қонун ижодкорлиги ва хуқукнинг татбиқи билан боғлиқ амалий фаолиятидан ёки хуқукни кўллаш фаолияти ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлади.

Жамиятнинг хуқукий маданиятига давлатнинг ҳокимлик (хуқукни кўллаш) фаолияти сезиларли таъсирини кўрсатади, яъни конунга биноан уни татбиқ килиш мақсадида ижтимоий муносабатларни тартибига солишини амалга оширади.

Хуқукий маданиятнинг учинчи элементи бўлиб юридик актлар бутун тизимнинг ривожланиш даражаси хисобланади, яъни ушбу жамиятнинг хуқукини ифода этувчи ва мустахкамловчи хужжатларнинг матни (тексти) жамиятнинг хуқукий маданиятини баҳолашда конунчилик тизими (унинг асоси бўлган конституция) кўпроқ аҳамиятга эга бўлади. Умуман олганда, норматив-хуқукий актларнинг бутун тизими-конунлардан тортиб маҳаллий ҳокимият бошқарув органларининг актларигача ривожланиш даражаси муҳим роль ўйнайди.

Жамиятда аҳоли хуқукий маданияти даражасининг юксаклиги – демократик хуқукий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бири хисобланади. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолининг хуқукий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жихатдан аҳолининг хуқукий онги ҳамда хуқукий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик хисси ва хуқукий фаоллиги давлатимиз ўз олдига кўйган буюк мақсадларга еришишнинг муҳим омилидир.

Хуқукий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас тарқибий қисми. Инсонлар онгига шундай ишонч карор топиши керакки, хуқукий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб хисобланishi мумкин.

| **Хуқукий маданият** фуқаролар томонидан амалдаги қонунчиликка |  
| юксак ҳурмат, уларга тўлиқ риоя этиш, бошқаларнинг хуқуқ ва |  
| эркинликларига ҳурмат муносабатида бўлишда ифодаланадиган |  
| ижтимоий маданиятнинг ўта муҳим шаклларидан биридир. |

Айникса, ҳукукий давлатни барпо этиш, биринчи навбатда, ахолининг ҳукукий онги ва маданиятини юксалтиришдан бошланади.

Жамият ва давлат тараққиётининг хозирги ҳолати ҳукукий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳукукий маданиятини, ҳукукий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб килмоқда. Ҳукукий маданият ҳукукий билим, ҳукукий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффакиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Ҳукукий онг ва маданият жамият ҳукукий тизимининг зарурий таркибий қисмидир. Ҳукукий тизимнинг самарали ҳаракати юксак ҳукукий онг ва маданиятга таянади. “Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳукукий онги ва ҳукукий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳукукий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳукукий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир”<sup>1</sup>.

Ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятни юксалтириш масаласи ҳукукий демократик давлатда доимо устувор вазифа хисобланади. “Юксак ҳукукий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳукукий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гурухларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир”<sup>2</sup>.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, ўз олдига демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишини асосий максад килиб кўйди. Бунга эришиш учун, аввало, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо килинади, иккичидан, “аҳолига чукур ҳукукий билимлар беришни йўлга кўйиш, бу оркали ҳукукий маданиятни оширишга эришиш, ... том маънодаги ҳукукий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун зарурдир”<sup>3</sup>.

Ҳукукий онг ва маданиятни юксалтирмасдан туриб, ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиб бўлмаслигини ўз вактида англаган давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда тараққиётининг дастлабки босқичларидан бошлаб ушбу масалага давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 27.

<sup>2</sup> «Жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш милий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 1997. №9. 227-модда.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 26.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришнинг илк босқичида бу йўналишдаги ислохотларни хуқуқий таъминлашга алоҳида ёндошилди ва ушбу мақсаддан келиб чиқиб, хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг хуқуқий баъзаси яратилди ҳамда амалиётга жорий этилмоқда. Улар жумласига “Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги ПФ-1791-сонли Фармон<sup>1</sup> (1997 йил 25 июнь), унинг асосида ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги “Хуқуқий маърифат тарғибот марказини ташкил килиш ва хуқуқий адабиётларни ахолига етказиб беришни йўлга кўйиш тўғрисида”ги Қарор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 27 августда кабул қилинган “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастур”<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши<sup>3</sup> киради. Лекин вакт ўтиши инсоният онги ва тафаккурининг ривожи, бугунги хуқуқий модернизация даври ушбу хуқуқий асосларни янада такомиллаштириш жоизлигини тақозо этмоқда.

Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш хусусида фикр юритганда, биринчи навбатда, эътиборни «хуқуқий онг» ва «хуқуқий маданият» тушунчаларига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Хуқуқий онг ва хуқуқий маданият тушунчалари ҳамда улар ўртасидаги уйғунлик тўғрисида фикр юритамиз.

Юксак хуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда хуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони асосида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Мазкур “Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари иили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 97 ва 98-бандларида, “фукаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг хуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январигача. – Тошкент: Адолат, 2000. – Б. 153–157.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 1997. №9. 227-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 2001. №1.

шахслар ва фуқароларнинг хуқукий саводхонлигини ошириш самарадорлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш ва бу борадаги муносабатларни тартибга солиш имконини берадиган янги Миллий Дастур лойиҳасини тайёрлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқиши вазифалари белгиланган”<sup>1</sup>.

### **3-8. Хуқукий тарбия – хуқуқий онг ва хуқукий маданиятни юксалтиришнинг зарур шарти**

*Хуқукий тарбия воситаларига: хуқукий тарғибот, хуқукий таълим, юридик амалиёт, ўзини ўзи тарбиялаш киради.*

**Хуқукий дунёқараш** – бу жамиятда кишилар томонидан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бош ролни хуқуқ бажаради деб тан олинини.

**Хуқукий тарбия** – бу жамият аъзоларининг юриши-турини маданиятига ва онгига ҳуқуқ ҳақидаги билимларни доимий равишда мақсадга мувофиқ таъсир этиши орқали сингдириб бориши жараёни.

Хуқукий онг ва хуқукий маданиятни юксалтиришда хуқукий тарбия, хуқукий таълим ва хуқукий тарғибот тўғри йўлга қўйилиши ва самарали амалга оширилиши лозим. Ўзбекистонда бу масалага айникса, мустакиллик даврида эътибор кучайтирилди. Хуқукий маданиятни ривожлантиришда хуқукий таълим ва тарбия ўрнининг юксаклигини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда ёшларнинг хуқукий тарбияси самарали йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хуқукий тарбиянинг бош мақсади инсоннинг хуқукий онги ва маданиятини ривожлантириш ва юксалтиришдир. Ўз навбатида, хуқукий тарбия қўйидаги катор мақсадларни ўз олдига қўяди:

- фуқароларнинг амалдаги қонунчилик, хуқуқ ва эркинликлар ҳамда мажбуриятлар ҳакида етарли ва чукур билим ҳамда маълумотларга эга бўлишларини таъминлаш;
- инсонларда қонунчиликка нисбатан хурмат хиссини шакллантириш, унинг нуфузини кўтариш, хуқукий нигилизм кўринишлари билан муросасиз кураш олиб бориши;

<sup>1</sup> Каранг: 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” (ЎзР Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова); 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”ни “Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга онд Дастурни таъсир этиши орқали сингдириб бориши (ЎзР Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сонли Фармонига 8-илова). [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

- инсонларда ҳуқукка итоаткорлик ҳиссини тарбиялаш, ҳуқукий хулкнинг афзалликларини аҳоли онгига сингдириш, ҳуқуқбузарликка нисбатан салбий муносабатни мустаҳкамлаш, юридик фаолиятда иштирок этишнинг кўнімка ва йўлларини шакллантириш;

- ҳуқуқбузарликлар учун жазонинг мукаррарлигига ишонч ҳиссини шакллантириш ва бошқалар.

“Жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш миллий дастури”да кайд этилишича, “ҳуқукий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ ҳулқ-автор коидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқукий нормалар тўғрисида бошлангич тушунчалар олиши, келгусида ўкув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аник ифодаланганд ҳуқукий хусусият касб этиши зарур”<sup>1</sup>.

Ҳуқукий давлатдаги муҳим мезон, яъни қонун устуворлиги тамоилини ёшларнинг онгига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳалқимиз тилидаги “ёшлиқда олинган билим – тошга ўйиб битилган нақш кабидир” ҳикмати бежиз бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмайди. “Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациининг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5 – 7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсан, айнан шу даврда унинг қалбida оиласидаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди”<sup>2</sup>. Буни ўз вактида англаган мамлакатимиз раҳбарияти ёшларнинг ҳар томонлама етук, билимли ва доно бўлишига юксак даражада эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқукий тарбияси учун етарли шартшароитлар, ташкилий-ҳуқукий ва институционал механизмлар яратиб берилмоқда.

Ёшлар онгидаги ҳуқуққа оид илк карашлар, тасавурлар айнан оиласида шаклланади. Оиласидаги ҳуқукий маданият даражаси фарзандлар ҳуқукий онгини шаклланишида бирламчи асос бўлади. Вояга етмаганларни ҳуқукий тарбиялашда “оила-маҳалла-мактаб” концепциясига таянган ҳолда олиб бориш максадга мувофиқидир. Президентимиз қайд этганларидек, “оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан – бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллажлар ёки олий ўкув юртлари бўладими – ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур”<sup>3</sup>. Бугун бу

<sup>1</sup> Жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й. 29 августдаги карорига биноан тасдикланган //«Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 52.

<sup>3</sup> Ўша жойда – Б. 52.

масалада ҳам ўзига хос механизм шаклланмоқда. Унга асосан отоналарнинг ўз фарзандлари хукукий тарбияси хусусида мактаб, маҳалла фаоллари билан доимо маслаҳатлашиб борадилар. Бу ўз-ўзидан ёшлардаги ижобий фазилатларни шаклланишига асос бўлади.

Ахолини хукукий тарбиялаш амалдаги конун хужжатларини улар онгига сингдиришдан, хукукий меъёрлар асосида ҳаёт кечиришга ўргатишдан бошланади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг асосий конуни – Конституцияни ёшларга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Хукукий таълим ва тарбияни амалга оширишда оммавий аҳборот воситалари етакчи ўрин эгаллайди. Уларнинг фаолиятисиз, хукукий маданиятнинг шаклланишини тасаввур этиш кийин. Хукукий билимларни оммавий аҳборот воситалари орқали тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш хукукий маданиятни оширишга қўмаклашади. Айникса, юридик ўкув юртлари ҳамда хукуқ соҳасида илмий муассасалари бўлмаган шаҳарларда ва кишлоқ жойларда хукукий таълимни ташкил этишда уларнинг роли алоҳида аҳамият касб этади. Демак, оммавий аҳборот воситаларининг хукукий маданиятни юксалтириш борасидаги фаолиятини янада жонлантириш давр талабидир.

“Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш Миллий Даствури”<sup>1</sup> да қайд этилганидек: “авваламбор, инсоннинг касбий тайёргарлигини оширишга интилиш керак. Турли касбдагилар ўз фаолиятларида оқилона қўллай оладиган тарзда хукукий билимга эга бўлсинлар. Давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига кўйиладиган талаблар ва малака тавсифномалари, даставвал инсон хукуклари ва эркинликларига оид хукукий билимларнинг зарур даражасини назарда тутиши керак”<sup>1</sup>.

Шу ўринда хукукий маданиятнинг, фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида, концептуал аҳамиятини очиб берувчи бир йўналишини айтиб ўтиш зарур. У ҳам бўлса, хукукий маданиятнинг ўзига маълум бир билимларнинг шунчаки йигиндисидан иборат эмас, унга эрк ва гоявий максадлар, фуқаронинг фаоллиги, хулкнинг муҳим томонлари ҳам киради.

Хукукий маданият шахс ривожининг сифатини билдириб ўз ичига гоявий даражани (билиш ва фикрлаш маданияти, ижтимоий тажрибани умумлаштириш ва таҳлил қилиш, илгари эгалланган билимларга таяниб янги ижтимоий ҳодисаларни англаш), руҳий эмоционал даражани (билимнинг ҳақиқийлигига чуқур ишониш) ва фаол хулк-атвор

<sup>1</sup> Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й. 29 августдаги қарорига биноан тасдиқланган // «Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

даражасини (сиёсий ва хукуқий қарорларни амалга оширишга шайлик ва қодирлик) олади.

### **Хукуқий нигилизм түшүнчеси, унинг өчимлари**

**Хукуқий нигилизм – бунда (лат. “*nihil*” – “*хеч нарса*”) хукуқ субъект(лар)ининг амалдаги хукуқ нормаларини месимаслиги, уларга ҳурматсизлик муносабатида бўлиши ёки инкор қилиши түшүнлади.**

*Хукуқий нигилизм қўйидаги кўринишларда намоён бўлади:*

- *назарий шакли* (олимлар, мутафаккирлар, сиёсатшунослар томонидан муайян манбаларда хукукни инкор қилиниши);
- *амалий шакли* (фаол ва суст (пассив));
- *фаол хукуқий нигилизм* – ижтимоий муносабатларда хукукни очикдан очик инкор қилиш;
- *суст хукуқий нигилизм* – жамиятдаги кишилар томонидан амалдаги хукуқ нормаларини месимаслик.

Хулоса килиб айтганда, хукуқий онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш орқали сиёсий-хукуқий фаол шахсни шакллантириш ҳамда жамиятда хукукий нигилистик тенденцияларга барҳам бериш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда хукукий давлатни барпо этиш ва фукаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффакиятини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат киласди.

### **Назорат саволлари**

1. Жамиятда хукуқий онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш қатор омилларга боғлиқ бўлиб, бунда хукуқий тарбия ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хукукий тарбия хукуқий онг ва хукукий маданиятнинг шаклланиши ва ўзгаришида асосий воситалардан бири саналади. Хукукий тарбия жамият аъзоларининг юриш-туриш маданиятига ва онига хукуқ ҳақидаги билимларни доимий равишда мақсадга мувофиқ таъсир этиш орқали сингдирив бориш жараёни ҳисобланиб, ўзининг муайян воситаларига эга. Ушбу воситалар хукуқий онг ва маданиятни шакллантиришга хизмат қиласди.

*Масалани атрофлича муҳокама қилинг.*

2. Адабиётларда хукуқий маданият хукуқий онг билан биргаликда келтирилади. Бунда хукуқий онгнинг юксак бўлиши хукуқий

маданиятнинг ҳам юкори даражада бўлишига хизмат килади. Ҳукукий маданият деганда, кишиларнинг ҳукукий билим даражаси, ҳуқукка нисбатан онгли муносабати, ҳуқукни хурмат килиши ва унга риоя қилиш тушунилади. Аксарият ҳолатларда ҳукукий онг ва ҳукукий маданият бир биридан фарқланмайди, лекин мазкур тушунчалар даражалари, таркибий қисмлари ва бошқа хусусиятларига кўра фарқ килади.

*Масалани атрофлича муҳокама қилинг.*

3. Ҳукукий нигилизм жамият ҳукукий тараққиётининг тизимли ҳамда мақсадга мувоғик ривожланишига жиддий хавф туғдирувчи ҳамда ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятнинг юксалишига тўсик бўлувчи салбий ҳодисалардан биридир. Ҳукукий нигилизм шахсларнинг, ижтимоий гурухларнинг муайян ҳукукий кадриятларга, нормаларга, белгиланган тартиб-коидаларга салбий муносабатини, менсимаслик ва ишончсизлик кайфиятини ифодалайди. Ҳукукий нигилизмнинг назарий ва амалий шакллари ҳамда фаол ва суст кўринишлари мавжуд.

*Масалани атрофлича муҳокама қилинг.*

4. Ҳукукий идеализм – ҳукукнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборилиши билан ажralиб турадиган ҳукукий онг ҳолатидир. Ҳукукий нигилизм ва ҳукукий идеализм битта илдиздан, яъни ҳукукий билимсизликдан, ривожланмаган ва бузилган ҳукукий онгдан, сиёсий-ҳукукий маданият этишмаслигидан келиб чиқади.

Ҳукукий нигилизм ҳолатида конунлар назар-писанд қилинмайди, улар очик-ойдин бузилади, ижро этилмайди, кадрланмайди, иззат-хурмат қилинмайди. Ҳукукий идеализмда эса аксинча, конунларга барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишга кодир мўъжизакор кучга эга бўлган хужжат сифатида каралади.

*Масалани атрофлича муҳокама қилинг.*

## **IX БОБ. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ**

### **1-§. Ҳуқуқ нормалари тушунчаси ва белгилари**

Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи восита сифатида доимо, муайян хулк-атвортар, ҳатти-харакат қоидаси сифатида ўзини намоён этиб, у тегишили ҳаётий холатларда ҳуқуқ субъектлари томонидан қайта-қайта кўлланишга мўлжаллангандир.

Ҳуқуқ ўз ички тузилишига эгадир. Яхлит бир тизим сифатидаги ҳуқуқ тизими ўз ичига ҳуқуқ тармокларини, ҳуқуқ институтларини олади. Ҳуқуқ тизимининг энг кичик, бирламчи структуравий элементи бўлиб, ҳуқуқ нормаси хисобланади. Агар ҳукукни, ҳуқуқ тизимини бир бино деб карайдиган бўлсан, ҳуқуқ нормаси унинг бир гишти сифатида, ёки бир жонли организмнинг энг кичик бир хужайраси сифатида намоён бўлади. Шу боис, унда ҳукукка хос бўлган муҳим белгилар жамланган бўлади. Ҳуқуқ нормаси хокимият тепасида турган сиёсий кучларнинг амири-иродасини ифодалайди; давлат томонидан ўрнатилган ёки санкцияланган бўлади; барча ҳуқуқ субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий; акс ҳолда, давлатнинг мажбурлов кучи билан ижроси таъминланади; норматив актларда ва бошқа ҳуқуқ манбаларида шаклланган бўлади.

Айни пайтда, ҳуқуқ нормасига яхлит бир тизимнинг энг кичик бўлакчasi сифатида ўзига хос жиҳатлар ҳам тегишилдири.

Аслида “норма” сўзи лотинча бўлиб, у ўзбекчада “коида”, “намуна” маъноларини англатади. Дарҳакиқат, ҳар бир норма ўзида бирон-бир ҳатти-харакат, хулк-атвортар қоидасини, муайян юриш-туриш моделини ифодалайди, масалан: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасига биноан, фукаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат килишга мажбурдирлар, – бу ҳуқукий норма фукароларнинг амалдаги қонунчиликка нисбатан қандай ҳатти-харакат килиши тўғрисидаги қоидаларни ўзида мустаҳкамлаган.

**Ҳуқуқ нормаси** – давлат томонидан ўрнатиладиган, маъкулланадиган, муҳофазаланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибига солишига қаратилган умуммажбурий юриш-туриши (хулк-атворт) қоидаси.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ мазмунининг бошланғич нуқтаси хисобланади. Шу сабабли унда, авваламбор, умуман ҳуқуқ мазмунининг асосий хусусиятлари ифодаланади. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий нормалар сифатида кишиларнинг ўзаро муносабатларида (ижтимоий

муносабатлардаги) хулк-автор нормалари жумласига киради. Бу рухсат бериш, чеклаш, тақиқлаш ёки позитив ҳукукка хос мажбуриятлар коидасини ўз ичига олувчи коидадир. Ҳукуқ нормаси – ижтимоий ходиса сифатида ҳукуқнинг асосий, муҳим қисми, бутун ҳукукий тизимнинг бош тушунчасидир. Ҳукукнинг шакланиши ва амалга оширилиш жараёни, қонунлар, барча юридик тушунчалар ва тузилишлар, ҳатто назария ҳам ўз замирида бевосита ёки билвосита ҳукуқ нормасига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуқ нормасининг белгиларини аниқлашда ўқув адабийётларида ҳар хил ёндашувни кузатиш мумкин. Масалан, Р.А. Ромашовнинг ёзишича, ҳукуқ нормасининг асосий белгилари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

**Ҳукуқ нормасининг белгилари:**

давлат томонидан ўрнатилади, ҳалқнинг иродасини ўзида акс эттиради;

давлат томонидан муҳофазаланади;

умуммажбурийлик характеристига эга;

расмий аниқликка эга;

норматив (ваколат берувчи ва мажбурият юкловчи) характеристига эга.

**Умум аҳамиятлилик.** Ҳукуқ ёрдамида кишилик жамияти учун энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Шу боисдан ҳукуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар умум аҳамиятга эга дейилади. Ҳукуқ нормалари барча ҳукуқ субъектлари учун умумий ва бир хил бўлган доира, рамкани белгилаш оркали улар ўртасидаги ўзаро муносабатни таъминлайди ва жамиятдаги кўпчилик ижтимоий индивидлар ўртасидаги алокани мустаҳкамлайди.

**Давлат билан алокадорлик.** Ҳукуқ нормаси давлат номидан ўрнатилади, давлатнинг кафолатлари ва санкциялари тизими билан таъминланади, зарур ҳолларда мажбуровлов чораси кўлланилади. Бу ҳолат айни пайтда, асосан, ҳукуқ нормалари инсонлар томонидан онгли ва ихтиёрий равища амалга оширилишини истисно этмайди, тарбиялаш ва ишонтириш оркали максадга эришилмаган ҳоллардагина давлат мажбуровлов чораларини кўллайди.

**Ҳукуқ нормаларининг типиклиги (нормативлиги)** – ҳукуқ нормалари инсоннинг жамиятдаги хулқи ҳақида намунавий (ҳамма учун бир хил умумий) андоза (стандарт)ни ўрнатади, улар якка ҳолатларни эмас, балки ижтимоий муносабатларининг кайтарилиб турадиган кўринишларини тартибга солишга қаратилган. Шунга кўра, ҳукуқ нормаси аник инсонга, адресга (ношахсий) қаратилмаган, у ҳамма учун ва ҳар бир шахс учун қаратилган.

**Хукуқ нормасининг расмий-юридик мустаҳкамланганилиги.** Хукуқ нормаси доимо бирон-бир формал-юридик манбада: норматив-хукукий актда, хукукий одатда, суд прецедентида, норматив-хукукий шартномада мустаҳкамлаб кўйиладики, бу икки маънода тушуниш ва ҳар бир шахснинг ўзича тушунишини истисно этади. Хукуқ нормасининг шакли унинг баркарорлигини таъминлайди ва унинг мазмунига қайта тасъир этади.

**Микротизимлилик.** Хукуқ тизимининг дастлабки элементи бўлган хукуқ нормаси, ўз навбатида, ўз ички тузилишига эгадир. Гипотеза, диспозиция ва санкция булар ўзаро боғлик элементлардир.

Таъкидлаш жоизки, ўкув адабиётларида хукуқ нормаси категориясига анча кенг, умумижтиомий маънода ёндашувлар ҳам мавжуд. Бинобарин, хукуқ нормаси бу инсоннинг эркин ҳоҳиш билдириши ва хулк-автори ўлчовидир. **Хукуқ нормасини қўллашда энг катта самарага шунда эришиладики, качонки, алоҳида шахс билан жамиятнинг манфаатлари уйғун келса.**

**Хукуқ нормаси – бу хукуқ ва мажбуриятларни белгилаш ва мустаҳкамлаш шаклидир.** Хукуқ ва мажбуриятларнинг мустаҳкамланиши, ўз навбатида, хукуқ субъектларининг хатти-харакати доирасини белгиловчи ориентир (мўлжал) сифатида намоён бўлади, чунки инсонлар ва уларнинг ўргасидаги муносабатларни тартибга солиш бевосита уларга тегишли хукуқ ва мажбуриятлар бериш орқали амалга ошади. Бу ҳолат, нормада хатти-харакатда хукуқ бериш ва мажбурият юклаш характеристига эгалик, айниқса, тартибга соловчи нормаларда кўпроқ, декларатив, дефинитив нормаларда камрок кўринади. Хукукий муносабатларнинг иштироқчилари одатда бир талай хукуқларга эга бўлишади ва кўплаб мажбуриятларни зиммасига олади. Бинобарин, хукуқсиз мажбурият, мажбурияtsиз хукуқ бўлмайди. Бу ҳолат ҳар кандай хукукий тизимнинг тузилиши ва амал килишининг муҳим тамойилларидан биридир.

Хукуқ нормаси – бу умуммажбурий характеристдаги хатти-харакат, хулк-автор коидаси бўлиб, у:

- у ёки бу хукуқ субъектига кай тарзда, қайси йўналишда, қанча вақт давомида ва қайси жойда ҳаракат килиши кераклигини кўрсатади;
- алоҳида хукуқ субъекти учун жамият нуктаи-назаридан тўғри бўлган ва шу боис, умуммажбурий тусга эга бўлган хатти-харакат тарзини ўрнатади;
- ҳамма ва ҳар бир инсон учун тенг ва бир хил ўлчов сифатида майдонга чиқади.

**Хукуқ нормаси** – бу расмийлашган, аниқ белгиланган хатти-харакат, хулк-автор коидасидир. Хукуқ нормасининг ички аниқлиги

унинг мазмунида, хуқук ва мажбуриятлар ҳажмида, уни бузганлик учун аниқ оқибатлар белгилаб кўйилганлигида ифодаланади.

Хуқук нормасининг ташки аниқлиги эса ҳар бир хуқук нормасининг муайян норматив-хуқукий ҳужжатнинг бирон-бир боби, бўлими ва моддасида жойлашганлиги билан белгиланади.

**Хуқук нормаси** – бу давлат томонидан кафолатланган хулқ-автор коидасидир. Мабодо инсон хуқуқлари ва хуқуқий тартибот бузилганида давлат мажбурловини кўллаш эҳтимоли (имконияти) хуқуқнинг хакиқийлиги ва хаётийлигини таъминлаш кафолатидир.

Хуқук нормаси тизимилилар характеристига эга бўлиб, бу жихат унинг ички тузилишида, турли хуқук тармоклари ва институтларининг ихтисослашуви ва бирлашувида ўзининг ифодасини топади.

Шу ўринда хуқуқий норманинг вужудга келиши ва амал қилишига қатор омиллар таъсир этишини таъкидлаб ўтиш зарурдир.

Ушбу омилларни бир неча гурухга ажратиш мумкин:

**хуқук нормасининг табиатан белгиланганлиги.** Чунки, кенг маънода нормативлик материянинг, хусусан, ижтимоий материянинг хоссаси ҳисобланади. Моддий оламнинг сертузилма ва босқичлилиги маълум дараражада ижтимоий алоқалар ва муносабатлар, ҳодиса ва жараёнларнинг, хусусан, хуқуқий ҳодисаларнинг ўлчовлилиги ва нормативлигини белгилаб беради. Шу нуктаи назардан караганда, хуқук нормаси инсон борлиғида моддий ва руҳий оламнинг қандайдир бир заррасини ўзида акс эттириб, (биологик жихат) гўёки табиатни ўзлаштириш ўлчови, борлиқнинг инсон хис-туйгулари, руҳий кечинмалари билан нисбатланганлигининг ўлчовини (руҳий жихат) белгилайди.

Шу билан бирга, табиий омиллар билан белгиланган хуқук нормаси соғ ижтимоий феномен (ҳодиса) ҳамдир, бунда инсоннинг онги ва иродаси иштирок этади (руҳий жихат). Инсон тўқнаш келадиган реал жараён ва ҳодисаларнинг норматив тавсифи – инсон ижтимоий оламининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Ваҳоланки, онгимизда ҳанузгача ҳалкимиз ишлатадиган турли ўлчовлар сакланиб қолган (масалан, “инсонни билиш учун у билан бир коп туз ейиш керак” ёки “келиннинг яхши-ёмонлигини билиш учун бир киш ва бир ёз ўтиши керак” ёхуд “Ётиб еганга тоғ чидамас” ва бошк.).

Хуқук нормасининг **умумижтимоий** нуктаи-назардан кўриб чиқиши мумкинки, бунда у:

– инсонларнинг жамиятда қилиши керак бўлган ҳамда тўғри ҳатти-харакатлар ҳақидаги тасавурларининг ижтимоий нуфузи, кучи, жамоатчилик кучи, жамоатчилик кучи билан таъминланган хулқ-авторининг адолатли ўлчови, доираси сифатида намоён бўлади.

– жамиятдаги кўпчиликнинг манфаатларини ифодалаш шакли сифатида.

Хукук нормаси индивидуал (якса) ижтимоий нуктаи назардан шахснинг манфаатлари, хукук ва эркинликларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади (эркинлик ўлчови).

Айни пайтда, хукукий норма инсоннинг онгли **интеллектуал фаолияти** натижаси бўлиб, бунда унинг тафаккури ва иродаси ҳал қилувчи роль ўйнайди (интеллектуал-ғоявий жихат). Шунга кўра, хукук нормасини оламдаги мавжуд тартиботнинг бир зарраси ёки ижтимоий муносабатларнинг бир нусхаси деб бўлмайди. Хукук нормасининг пайдо бўлиши тафаккурли-фаолиятили жараён бўлиб, унда аник шахслар ва турли ижтимоий гурухларнинг манфаатлари тўкнашувини келтириб чиқаради (иктисодий, сиёсий, ғоявий, диний):

Ушбу зиддиятларни англаш ва уларни ҳал этишга интилиш охир – оқибатда куйидаги сифатларда хукукий норманинг ишлаб чиқилишига олиб келади:

а) инсонларнинг бир маромда ҳаёт кечиришини таъминлай оладиган ижтимоий муносабатларни тартибига солишнинг ушбу давр ва ушбу жамият учун учун маъкул бўлган ва келишувга олиб келадиган варианти сифатида;

б) ижтимоий борлик ҳакида умумлашган ахборот сифатида;

в) билиш фаолияти воситаси сифатида;

г) инсонлар ўртасида зиддиятларни ҳал этишнинг аник бир воситаси сифатида.

Яна бир ҳолатни эслаш зарур. Давлат пайдо бўлиши билан жамиятдаги мавжуд норматив тартибига солиш тизими ўзгарида. Ижтимоий муносабатларнинг кўплаб йўналишлари давлат томонидан чиқариладиган хукукий нормалар асосида тартибига солина боради.

Хукукий норма **ижтимоий-юридик** (давлат) нуктаи назардан куйидаги сифатда майдонга чиқади:

а) давлат томонидан таъминланадиган ва расмий ҳужжатларда (норматив-хукукий ҳужжат) мустаҳкамланадиган формал-аник бажарилиши шарт бўлган хатти-харакат қоидаси сифатида;

б) ижтимоий муносабатларни ижтимоий тартибиға солувчи сифатида;

Шу тариқа, хукукий норма табиий-тариҳий илдизларга эга бўлиб, у ижтимоий жихатдан белгиланган бўлиб, у инсон фаолиятининг маҳсулоти ҳисобланади.

### **Хукук нормаси:**

жамият эркинлиги билан индивид эркинлиги ўлчови ўртасидаги мувофиқликни ўзида акс эттиради, ижтимоий муносабатларнинг модели ва тартибиға солувчиси сифатида майдонга чиқади;

бутин аҳоли ёки унинг кўпчилик қисмининг манфаатларини ифода

этади, Конституцияда кўзда тутилган умумхалқ овоз бериши (референдум) оркали кабул килинади;

давлатнинг конституцияга мувофик сайлаб қўйилган ёки тайинланган легитим органлари томнидан кабул килинган ва инсоннинг табиий хуқукларини мустаҳкамловчи халқаро-хуқукий актларга мос келади;

хукуқ субъектлари ўртасида амалдаги қонунчилик ва халқаро хукуқ нормаларига мос тузилган шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилади.

## **2-§. Хукуқ нормасининг тузилиши: гипотеза, диспозиция ва санкция**

**Хукуқ нормасининг тузилиши** – бу хукуқ нормасининг ички тузилиши, унинг таркибий элементларга ажралиши ва улар ўртасидаги ўзаро алокадорлигидир. Таъкидлаш жоизки, бундай бўлиниш ўзида хатти-харакат коидасини ифодалайдиган хукуқ нормалари учун хос.


Бундай нормалар тузилиши ижтимоий хулк-атворнинг тегишли тури хусусиятини ўзида ифодалаishi керакки, у,

Биринчидан, ушбу хатти-харакат уни ҳаётга “чақирган” ҳаётий ҳолатлар билан боғлиқ;

Иккинчидан, бу доимо ёки бўлиши мумкин бўлган ўлчови, бўлиши шарт бўлган ўлчови, ёхуд ман этилган хатти-харакат ўлчовидир;

Учинчидан, бажарилиши керак ёки шарт бўлган хатти-харакатни содир этмаслик мажбурлов билан таъминланади. Шунга боғлиқ ҳолда, хукукий норманинг тузилиши ўзаро боғлиқ унсурлар бўлган гипотеза, диспозиция ва санкциялардан иборат.

Хукукий норманинг мантикий тузилиши унинг уч унсури ўртасидаги ўзаро боғликларни кўрсатиб, “агар... бундай бўлса... “шундай бўлади”, деган формулада акс этади. “Агар” – бу хукукий норманинг харакат килиши шартини ифода этса, “-бундай бўлса” хатти-харакат коидасининг ўзини, “-шундай бўлади” хатти-харакатни бажарганилиги ёки бажармаганлиги учун тегишли оқибатнинг вужудга келишини ифодалайди.



**Гипотеза** – хукуқ нормасида белгиланадиган коида қандай шароит ва ҳолатда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатилади. Гипотеза хукуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган муайян аниқ ҳаётий ҳолатлар (воеа, харакат, ҳолатлар) ўзининг ифодасини топади.

Бошқача килиб айтганда, гипотезада шундай ҳаётий ҳолатлар мустахкамланадики, улардан у ёки бу харакатни содир этиш имконияти, шарт ва мажбурийлиги ёки ман этилиши келиб чиқади. Шундай юридик аҳамиятли шароитларга туғилиш ва ўлиш, муайян ёшга етиш, табиий оғфатлар кабилар киради.

Хукуқ нормаларининг амал килиши билан боғлик бўлган битта шарт-шароит акс этган гипотеза **оддий гипотеза** хисобланади. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 148-моддасига кўра, судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан қўзғатилади, деб белгилаб кўйилган.

**Мураккаб гипотезада** эса хукуқ нормасининг амал килиши икки ёки ундан ортиқ ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлик эканлиги кўрсатилади. Масалан, жиноят жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш тўғрисидаги нормаларни қўллаш учун куйидаги шарт-шароитлар талаб этилади: 1) жазони ўташ режими талабларини бажарганлик ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш; 2) жазонинг муайян микдорларини ўтаб бўлганлик.

**Альтернатив (муқобил) гипотеза** эса хукуқ нормаларининг амал килиши санаб ўтилган шарт-шароитлардан бирiga боғлик эканлигини баён этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 322-моддасида жиноят ишини қўзғатиш асос ва сабаблари баён килинган бўлиб, жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги тўғрисидаги мажбуриятни бажариш санаб ўтилган сабаб ва асослардан бирининг мавжудлиги билан амалга оширилиши мумкин.

Гипотезалар ўзида мустахкамланган юридик фактларнинг мавжудлиги ёки йўклигига боғлик ҳолда, ижобий ва салбий гипотезаларга ажратилади.

Ижобий гипотезалар нормада белгилangan қоиданинг амалга ошишини муайян шароитларнинг мавжудлиги билан боғлайди. Масалан, Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш учун зарур шарт-шароитлар мустахкамланган.

Салбий гипотезалар хукуқ нормасини қўллаш – гипотезада кўрсатилган шарт-шароитларнинг йўклиги ҳолатида қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддасида мустахкамланганидек, “Ишда иштирок этувчи

шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган тақдирда, унга чакирув қоғози топширилганилиги тўғрисида маълумот бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга колдиради”.

Гипотезада ифодаланадиган ҳаётий ҳолатларнинг ҳуқук субъектлари хоҳиш-иродаси билан алокадор эканлигига боғлиқ ҳолда, улар харакат ва ходисаларга ажратилиди:

**Харакат** – бу гипотезада мустаҳкамланган шундай ҳаётий ҳолатки, у инсоннинг истаги, иродаси билан боғлиқ (шартнома тузиш, ҳуқукбузарлик содир этиш).

**Ходиса** – инсоннинг хоҳиш-иродаси билан боғлиқ эмас.(масалан, табиий оғатлар).

**Диспозиция** – лотинча, “dispositio”-жойлашув. Диспозиция ҳуқук нормасининг бир қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқук субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-харакат коидаси (ҳуқук ва мажбуриятлари) ифодаланган бўлади. Бу юридик норманинг ўзаги, ҳуқуқка мувофиқ хулк-автор намунаси, моделидир. Бироқ диспозиция тартибга солиш хусусиятларини гипотеза ва санкция билан биргаликдагина намоён эта олади, ҳаракатда бўлади. Юриш-туриш коидасининг ифодаланишига кўра диспозициялар оддий, мураккаб ва муқобил ҳамда хулк-автор коидаларини баён қилишининг тўлалиги бўйича тавсифловчи, бланкет ва ҳавола этувчи диспозицияларга бўлинади.

**Оддий диспозиция** хулк-автор, юриш-туришнинг конкрет вариантини унинг мазмунини тўла очиб бермаган ҳолда кўрсатиб ўтади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддаси мазмунига биноан, Ўзбекистон Республикаси халки номидан фактат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

**Мураккаб диспозиция** эса юриш-туришнинг барча асосий белгиларини кўрсатади ва санаб ўтади. Масалан, “Ижара тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 11-моддасида ифодаланган ҳуқук нормаси диспозицияси ижарага олинган мулкни яхшилаш юзасидан ижаарачининг ушбу мол-мулк таркибига унинг кийматини оширадиган ўзгартиришларни мустакил равишда киритиш, мол-мулкни реконструкциялаш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга ҳакли эканлигини кўрсатиб ўтади.

**Муқобил диспозиция**да хулк-автор, юриш-туришнинг бир нечта варианлари кўрсатиб ўтилади ва муносабат иштирокчилари улардан бирига амал қилишлари мумкин ёки шарт. Масалан, Жиноят процессуал Кодексининг 385-моддасига биноан, прокурор ёки унинг ўринбосари айлов хulosаси билан келган жиноий ишни кўриб чиқиб, куйидаги қарорлардан бирини чиқариши мумкин: 1) айлов хulosасини тасдиқлаш

ва судга юбориш тўғрисида; 2) айблов хулосасини жиддий бўлмаган ўзгартиришлар билан тўлдириб, тасдиклаш ва судга юбориш тўғрисида; 3) кўшимча терговга қайтариш ҳакида; 4) иш юритишни тўхтатиш ҳакида; 5) ишни тугатиш ҳакида.

**Тавсифловчи диспозиция** – хукуқбузарлик белгиларининг тўлиқ баёнини ўз ичига олади (масалан, ЖК нинг 169-моддаси: ўғрилик – ўзгалар мулкини яширин равишда эгаллаб олиш (конунда, гарчанд бу мантиқан ўринли бўлмаса-да, талон-торож килиш, деб ёзилган). Бунда норма диспозицияси ҳаммага тушунарли бўлиши учун маълум бир маънода, киска шаклда изоҳ берилади.

**Бланкет диспозиция** хукуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун шу конунда ёки конунчиликнинг бошқа соҳалари нормаларида белгиланган тегишли коидаларга ҳавола киласди. Масалан, Жиноят кодексида ёнгин ҳавфсизлиги, техника ҳавфсизлиги, санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза килишининг бошқа коидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу коидаларнинг мазмуни Жиноят кодексида эмас, балки ЖКнинг моддаларини кўллашда мурожаат килиш зарур бўлган бошқа норматив хужжатларда очиб берилади.

**Ҳавола этиувчи диспозиция** деганда, хукуқбузарлик белгиларига эга бўлмаган, балки ўша қонуннинг бошқа нормасига ёки бошқа хукукий хужжатга мурожаат этишни назарда тутувчи диспозиция ҳавола этиувчи диспозиция сифатида тушунилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг “Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, касдан баданга шикаст етказиш”ни назарда тутувчи 107-моддаси диспозицияси ушбу кодекснинг “Зарурий мудофаа” тушунчасини ифодаловчи 37-моддага мурожаат этишни такозо этади.

Диспозицияда мустаҳкамланган қоиданинг ҳокимий характерига караб, диспозиция кўйидагиларга бўлинади:

**Ваколат берувчи** диспозицияларда хукуқ субъектининг ҳохиш-иродаси билангина амалга ошадиган коида мустаҳкамлаб кўйилади. Масалан, шахс сиёсий партияларга аъзо бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

**Мажбурият юкловчи** диспозицияда мустаҳкамланган қоидани субъект ўз ҳохишидан катъи назар бажариши керак. Масалан, солик тўлаш мажбурияти.

**Ман этиувчи** диспозицияда йўл кўйилмайдиган, ман этилган хатти-харакат (ёки ҳаракатсизлик) мустаҳкамланиб, субъект уни содир этишдан ўзини тийиши керак. Бунга мисол килиб, Жиноят Кодексининг маҳсус кисмида мустаҳкамланган қилмишларни хукуқ субъектлари содир этишдан ўзларини тийишлари кераклигини келтириш мумкин.

Санкция хукуқ нормасининг бир кисми (якуний) бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган галабларни бажармаганлик (ёки тегишли

даражада бажармаганлик) учун берилиши мумкин бўлган таъсир чораси, жумладан, жазонинг ёки тавсия этилган харакатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ифодаланган бўлади. **Санкция** – диспозицияда кўрсатилган қоидани бузган шахсга нисбатан тегишли давлат органлари томонидан қўлланилиши мумкин бўлган таъсир чораларини белгилайди.

Санкцияларда ифодаланган салбий оқибатларнинг аниклигига қараб, мутлак аник, нисбатан аник ва кумулятив санкцияли нормалар ажратилади. **Мутлак аник санкцияли** хукуқ нормаларида давлатнинг аник битта мажбурлов чораси кўрсатилади. **Нисбатан аник санкцияли** хукуқ нормалари эса турли хил жазо турларидан бирини ёки хукукий таъсир чораларидан бирини қўллашни назарда тутади. Масалан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 131-моддасида ифодаланган хукуқ нормасининг ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголи ичимликдан, гиёхванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши тўғрисидаги такиқидан иборат диспозицияси бузилганда маъмурий жарима ёки транспортни бошқариш хукувидан маҳрум қилиш каби жазоларнинг бирини қўллашни назарда тутувчи санкциясига мурожаат этилади.

**Кумулятив санкцияли** хукуқ нормалари ўзида асосий жазодан ташкари қўшимча жазо берилишини ҳам назарда тутади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасида “Жазо тизими” белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан муайян хукуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

**Санкциялар** хукуқ тармоғи мезони бўйича қуйидагиларга бўлинади:

**Жиноий-хукукий санкциялар** – жиноят содир этган шахсларга нисбатан фақат судлар томонидан давлат мажбурловини қўллашда ифодаланадиган санкциялардир.


**Маъмурий-хукукий санкциялар** – маъмурий судлар, конунда белгиланган ҳолларда давлат органлари томонидан маъмурий хукукбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қўллашда ифодаланадиган санкциялардир.

**Фуқаровий-хукукий санкциялар** – фуқаролик хукукбузарлиги содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиб, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун етказилган заарни коплаш ёки неустойка тўлашда ифодаланадиган санкциялардир.

Хукуқ нормаларининг гипотеза, диспозиция ва санкцияга бўлиниши улар ўртасидаги узвий мантикий боғликлликка эришишга ва ушбу хукуқ

нормаларининг ҳаётйилигини, барқарорлигини таъминлашга хизмат килади.

### 3-§. Ҳуқук нормаларини турли асосларга кўра таснифлаш



Таъкидлаш жоизки, ҳуқук нормаларининг мажмумини умуммажбурий хатти-харакат (ёки ҳаракатсизлик) коидаси сифатида икки турга ажратилади:

хатти-харакат (ёки ҳаракатсизлик)коидалари;  
бош, асос нормалар.

Хатти-харакат (ёки ҳаракатсизлик) коидаларини ўзида ифодалаган нормалар ҳуқук нормаларининг асосий қисмини ташкил этади. Ушбу нормалар мазмуни – ваколат бериш-мажбураш характеристига эга бўлишади ва ижтимоий муносабат иштирокчиларининг мумкин бўлган ёки бажарилиши шарт бўлган хатти-харакат доирасини, уларнинг ўзаро субъектив ҳуқуки ва мажбуриятларини кўрсатади. Бундай нормалар бевосита тартибга солувчи нормалар ёки тўғридан-тўғри тартибга солувчи нормалар деб аталади.

**Бош-асос нормалар** ўз ичига норма-принципларни, норматирифларни, норма-вазифаларни олиб, улар субъектларнинг бевосита ҳуқук ва мажбуриятларини белгиламайди. Лекин шу билан бирга, улар ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий коидалари ва йўналишларини белгилаб беради, норма-коидалар билан боғликликда, биргаликда ҳаракат қиласида ва улар орқали амалга оширилади.

Ҳуқук нормаларини қўйидаги белгиларга караб таснифлаш мумкин:

**1. Функционал аҳамиятга қараб бошланғич нормалар, умумий нормалар ва маҳсус нормаларга бўлинади:**

-бошланғич нормалар – ижтимоий муносабатларни тартибга солишинг асосини, уларнинг мақсади, вазифаси, чегараси ва йўналишини ифодалайди;

-умумий нормалар – у ёки бу соҳа ҳуқукининг умумий кисмига тааллукли бўлиб, тегишли ҳуқуқ йўналиши институтларининг бутун ёки кенг кисмига жорий килинади;

-маҳсус нормалар – у ёки бу ҳуқуқ соҳаси йўналишининг алоҳида институтга тегишли бўлиб, маълум бир ёндош (яқин) ижтимоий муносабатларни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тартибга солади.

**2. Ҳуқуқ соҳасига тегишлилигига қараб конституциявий, фукаролик, жиноят, маъмурӣ ва бошк;**

**3. Ҳарактерига қараб моддий, процессуал (жиноят процесси, фукаролик процесси);**

**4. Ҳуқуқни тартибга солиш усулига қараб императив (ҳокимиятлилик ҳарактерига эга фармойишларни мужассамлаштирувчи);**

**диспозитив (мустақил қарашларни мужассамлаштирувчи);**

**рағбатлантирувчи (ижтимоий фойдали юриш-туришларни);**

**тавсиянома кўринишидаги нормаларга бўлинади.**

**5. Ҳаракат қилиш вақтига қараб доимий ва вақтинчалик (Президент фармонлари фавқулодда ҳолат ҳакида).**

Ҳар кандай ҳуқуқ нормалари шахсга маълум ҳаракат (хулк) шаклини кўрсатиб беради, шунга кўра, уларни мажбурият юкловчи, тақиқловчи, ваколат берувчи (баъзи хатти-ҳаракатларни, юридик оқибатларни бажаришга имконият яратувчи) нормаларга ажратиш мумкин.

**Ҳуқуқ нормалари уларда мустаҳкамланган қоидаларнинг ҳарактерига қараб ҳуқуқ ва ваколат берувчи, мажбурият юкловчи ва тақиқловчи (ман қилувчи) нормаларга ажратилади:**

1) ҳуқуқ субъектига муайян ҳаракатларни содир этиш мумкинлигини кўрсатувчи ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ ва ваколат берувчи нормалар дейилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига биноан, “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқукига эга...”;

2) ҳуқуқ субъектига муайян ҳаракатларни содир этиш лозимлигини (шартлигини) кўрсатувчи ҳуқуқ нормалари **мажбурият юкловчи нормалар** дейилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида “Фукаролар қонун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурдирлар”, дейилган ва бу қоида мажбурият юклаш ҳарактерига эга.;

3) хукук субъектига муайян хатти-харакатларни содир этишни ман күлтүвчи нормалар **такиқловчи нормалар**, деб аталади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “...Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди”, деган коида такиқловчи норма хисобланади.

Булардан ташкири, хукук нормалари бошқа бир қатор мезонлар асосида ҳам таснифланади. Жумладан, хукук нормалари ўзида хатти-харакатни шакллантиришининг мавхумлигига қараб абстракт (мавхум) ва казуистик нормаларга, гипотезада мустаҳкамланган ҳолатнинг фактик жиҳатлари аниқ ёки нисбий эканлигига қараб аниқ ва нисбий аниқ нормаларга, гипотезанинг ҳажмига қараб оддий, мураккаб ва альтернатив нормаларга, диспозициянинг аниқлигига қараб мутлақ аниқ, нисбатан аниқ ва бланкет нормаларга, хукукий тартибга солиш усулига қўра императив ва диспозитив нормаларга, субъектларига қараб умумий ва маҳсус нормаларга, ҳаракатланиш ҳудудига қараб умумий ҳаракат қўйилади. Шунингдек, хукукни қўриқловчи нормалар санкцияларнинг аниқлигига қараб мутлақ аниқ ва нисбатан аниқ нормаларга ҳам бўлинади. Хукук соҳаларида эса хукук нормаси ҳалқаро, конституциявий, маъмурий-хукукий, фуқаровий-хукукий, жиноий-хукукий ва бошқа турларга ажратилади.

#### **4-§. Хукук нормасининг норматив-хукукий ҳужжатларда ифодаланиш усуllibari**

Одатда ҳар қандай хукук нормаси муайян бир норматив-хукукий акт моддаларида ўзининг расмий ифодасини топади, мустаҳкамлаб қўйилади. Айни пайтда хукук нормаси доимо норматив акт моддаси билан мос келавермайди. Бошқачароқ айтганда, ҳамма моддада ҳам хукук нормасининг ички тузилиши бўлган гипотеза, диспозиция ва санкцияси аниқ-тиник ифодаланавермайди. Сабаби шундаки, юридик техника талаблари ва коидалари юридик матнларни қиска, лўнда ва тежамкор ифодалашни талаб этади. Мабодо, бир неча нормаларининг диспозициялари факат иккинчи даражали белгилари билан фарқланибгина қолмай, қолган ҳолларда бир-бирига мос келса, бундай нормалар битта моддада бирлаштирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг “Касдан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш” деб номланган 105-

моддасининг иккинчи кисмида бундай шикаст етказишнинг усуллари саналган:

“... Қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиши”:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариш муносабати билан шахсга ёки унинг яқин кариндошларига нисбатан;
- г) ўта шафқатсизлик билан;
- д) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- е) тамагирлик ниятида;
- ж) миллатлараро ёки иркий адоват замираидা;
- з) диний таассублар замираидা;
- и) бир гурух шахслар ёки уюшган гурух аъзоси томонидан ёхуд шу гурух манфаатларини кўзлаб;
- к) тақроран, хавфли рецидевист ёки илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан;
- л) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади”.

Модда матнидан кўриниб турибдики, бу жойда ягона, битта умумий диспозиция бўлиши баробарида, бироқ баданга ўртача оғир шикаст етказиш усуллари (гипотеза) эса ҳар хил. Агар бу жойда юридик техника талабларига риоя этилмасдан иш тутилса, баданга ўртача оғир шикаст етказишнинг ҳар бир кўриниши алоҳида моддада ёзib чиқилган ва ўнта моддада ифодаланган ва уларнинг ҳар бирида юқоридаги диспозиция қайтарилар эди. Шу сабабли, тежамли ва ихчам ифодалаш мақсадида, бир хил диспозицияни қайтармаслик мақсадида, улар битта моддада жамланган. Юқоридаги холат хукуқ нормасининг бошқа таркибий кисмлари бўлган санкция, гипотезаларнинг ўзаро мос келиши ҳолатида ҳам кўлланилади. Бундай вазиятда, хукуқ нормаси тузилишининг мос келадиган кисми, ёки бир неча хукуқ институтларига тааллукли бўлган нормалар Кодексларнинг умумий кисмларида мустаҳкамлаб кўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 18-моддасида мустаҳкамланган “Ақли расолик” тушунчasi ушбу Кодекснинг Махсус кисмидан жой олган барча жиноят субъектлари учун тааллукли, шу боис, у Умумий кисмда мустаҳкамлаб кўйилган. Ёки Фуқаролик кодексининг 22-моддасида мустаҳкамланган “Фуқаронинг муомала лаёкати” ушбу Кодексда мустаҳкамланган фуқаролик-хукукий муносабат иштирокчилари учун умумий тарзда тааллуклидир.

Конуннинг мазмуни ва шакли, “руҳи” ва “харфи” ўзаро бир-бирига мос келиши, яъни конун чиқарувчининг нима демокчи эканлиги модда матнида

ўзининг айнан, тўла ифодасини топиши зарурлиги. Бирок вакт ўтиши билан модда матни бироз эскириши мумкин, шу боис уларни ҳар бир таркибий кисмини алоҳида-алоҳида қилиб, вакти-вакти билан шархлаб, таҳлил этиб туриш керак бўлади. Модда матнида гипотеза, диспозиция ва санкцияни топа олиш, айни пайтда, тўғри таҳлил этишга ва тегишлича айнан, кенгайтирилган ёки чекланган шархлашларни қўллаш имкониятини беради.

Маълумки, кабул қилинган ҳар қандай норматив-хукукий ҳужжат кўлланилиши керак. Шу боис, ушбу ҳужжатлардан фойдаланишинг ўнгайлиги, қулагилгини таъминлаш – муҳим масаладир. Шу сабабли, маълум норматив-хукукий ҳужжатнинг битта моддасида бир неча норма ёки аксингча, биттагина норма бир неча моддаларда жойлашган, расмийлаштирилган бўлади. Шу тариқа, хукуқ нормаларини норматив-хукукий ҳужжат моддаларида ифодалашнинг бир неча усулари мавжуд: тўғридан-тўғри; ҳаволаки (ҳавола этаувчи); бланкет.

Хукуқ нормасини норматив актда ифодалашнинг **тўғридан-тўғри** усулида битта модда ўзида битта нормани ифодалаши баробарида, ўзида хукуқ нормасининг уч унсурини акс эттиради. Бундай хукуқ нормаси хукукни қўлловчиларга осонлик тутдиради.

Хукуқ нормасини норматив актда ифодалашнинг ҳаволаки усулида модда хукуқ нормасининг уч таркибий унсурини ўзида ифода этмайди, бирок модда матнида ушбу ҳужжатнинг бошка моддасига ҳавола киласди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 117-моддасида “**Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги**”, деб номланган 117-моддасининг иккинчи қисмида “Бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарсани иккинчи тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса – унинг кийматини пул билан тўлаши шарт. Бундан ташкари, муомалага лаёкатли тараф, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёкатлизигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, иккинчи тарафга у кўрган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт”, деб мустаҳкамлаб қўйилган. 117-модданинг ушбу қисмига, Кодекснинг 118, 119, 120, 121-моддаларида ҳаволалар мавжуд. Бундай усул, 117-модданинг иккинчи қисмида мустаҳкамланган коиданинг яна тўрт марта қайтарилмаслигини таъминлаган.

Хукуқ нормасини норматив-хукукий ҳужжатда ифодалашнинг **бланкет усулида** муайян коидаларнинг бузилиши учун жавобгарлик белгиланади, бирок ўша коидалар ушбу ҳужжатда эмас, балки бутунлай бошка ҳужжатда жойлашган бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг “Радиоэлектрон воситалар ва юкори частотали курилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш”, деб номланган 152-моддасида белгиланган жавобгарлиқдаги коидалар ушбу кодексда эмас, балки бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланган. Ёки яна бир мисол: ушбу

кодекснинг “Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи хужжатларсиз шуғулланиш” деб номланган 165-моддасида назарда тутилган қоидалар ушбу фаолиятга доир норматив-хуқуқий хужжатларда мустаҳкамланган.

Хуқуқ нормасини ифодалашнинг бланкет усули ҳаволаки усулдан фарқ килади. Ҳаволаки усулда мурожаат килинадиган аниқ модда кўрсатилади, мухими ўша модда шу хужжатнинг ўзида ифодаланади. Хуқуқ нормасини ифодалашнинг бланкет усулида эса конкрет аниқ моддага ҳавола килинмайди, бунда хуқуқ нормасининг етишмайдиган қисми бошқа норматив-хуқуқий хужжатдан тўлдирилади.

Айrim ҳолларда норматив умумлашиш натижасига кўра хуқуқ нормаларини ифодалашнинг мавхум ва казуистик усуллар ажратилади.

Хуқуқ нормаларини ифодалашнинг мавхум усулида моддадаги норма у ёки бу ҳаракатни мавхум бир тушунча сифатида модельлаштиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 5-моддасининг 2-қисмида “Кўрсатиб ўтилган ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг хуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун хужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (хуқуқ ўхшашлиги)га ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади”, деб кўрсатилган. Бунда қонун аналогияси (ўхшашлиги)ни кўллашнинг қоидаси акс эттирилган.

Хуқуқ нормаларини ифодалашнинг казуистик усулида эса модельлаштириладиган хатти-ҳаракат бевосита санаб ўтилади ёки уларнинг индивидуал, ўзига хос белгилари кўрсатиб ўтилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг “Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар” деб номланган 16-моддасида куйидагилар санаб ўтилган:

Никоҳ тузишга:

- лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;
- насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишиган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;
- лоақал биттаси рухият бузилиши (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл кўйилмайди<sup>1</sup>.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам хуқуқни кўлловчи хуқуқ нормаси матнидан хуқуқий муносабат иштирокчилари учун қандай хатти-ҳаракат ёки хулк-автор назарда тутилганлигини аниқ билиши керак.

<sup>1</sup> Морозова Л.А. Теория государства и права. Изд.2-е, перераб., доп. – М.: Эксмо, 2007. – С. 234–236.

## **Назорат саволлари**

---

1. Ҳуқук нормаси давлат томонидан ўрнатиладиган, маъқулланадиган, муҳофазаланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриш-туриш (хулк-атвтор) коидаси бўлиб, ҳуқук мазмунининг бошлангич нуктаси ҳисобланади.

Ҳуқук нормаси ҳакида гап борганда, айрим ҳуқуқни қўлловчи шахслар уни норматив-ҳуқуқий хужжат билан тенг тушунча деб ҳисоблашса, бошқалари ушбу тушунчалар турли мазмун ва аҳамият каб этишини таъкидлайдилар.

*Ҳуқук нормасини атрофлича муҳокама қилиб, масалага ҳуқуқий баҳо беринг.*

2. Ҳуқук нормаларининг гипотеза, диспозиция ва санкцияга бўлениши мантикий норма сифатида кўрсатилади. Мантикий норма элементлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган турли хужжатларда ҳам акс этиши мумкин. Ҳуқук нормалари ички таркибий элементлари ўртасидаги узвий мантикий боғлиқликка эришиш ўз ўрнида ушбу ҳуқук нормаларининг ҳаётйлигини, баркарорлигини таъминлашга хизмат килади.

Шу билан бирга, айрим манбаларда гипотеза, диспозиция ва санкциянинг ҳуқук нормасида биргаликда учраши доимо ҳам кузатилмаслиги қайд этилади.

*Масалани атрофлича муҳокама қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

3. Ҳуқук нормасининг диспозициясида ҳуқук субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат коидаси (ҳуқук ва мажбуриятлари) ифодаланган бўлади. Бу юридик норманинг ўзаги, ҳуқуқка мувоғик хулк-атвтор намунаси, моделидир. Бирор диспозиция тартибга солиш хусусиятларини гипотеза ва санкция билан биргаликдагина намоён эта олади, ҳаракатда бўлади. Юриш-туриш коидасининг ифодаланишига кўра диспозициялар оддий, тавсифловчи, бланкет, ҳавола этувчи диспозицияларга бўлинади. Улар, ўз навбатида, ўзига хос хусусиятларга эга.

*Масалани атрофлича муҳокама қилинг.*

## **Х БОБ. ХУҚУҚ ШАКЛЛАРИ (МАНБАЛАРИ)**

### **1-§. Хуқуқ шакли (манбаси) тушунчаси ва турлари**

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда янги миллий хуқукий тизим шакллантирилди. Бунда хуқуқ ижодкорлиги фаолияти тарихий хуқукий тажриба, хорижий мамлакатлар юридик тажрибаси ҳамда халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва меъёрларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Энг муҳими, норматив-хуқукий хужжатларнинг мазмунида янги хуқукий тизимнинг асосий гоя ва тамойиллари ўзининг амалий ифодасини топиб бормоқда.

Шу жиҳатдан караганда, давлат ва хуқуқ назариясининг энг муҳим ва асосий категорияларидан ҳисобланган “хуқуқ манбаси” тушунчасини ҳам янгича талқин килиш зарурати туғилмоқда. Зеро, юридик адабиётларда ушбу тушунча билан бирга “хуқуқ шакли” атамаси ҳам кенг ва ёнма-ён кўлланилади. Эътиборли томони щундаки, ушбу атамаларнинг кундалиқ, илмий ва профессионал доирада бир хил мазмунда тушунилиши ва шу асосда қўлланилиши, улар ўртасидаги фарқли ҳолатларни англамасликка ҳамда бу тушунчаларни синоним сифатида қабул килишга олиб келмоқда.

“Хуқуқ манбаси” ва “хуқуқ шакли” категорияларининг юридик табииатини ёритишда, аввало, “манба” ва “шакл” сўзларининг лугавий маъносига эътибор қаратиш зарур. Жумладан, “манба” (арабча-бошланиш; ибтидо) – кўчма маънода эса бирор нарса, иш-харакатнинг юзага келиши, фаолият учун асос-омил бўлган нарса; сабаб, деган маъноларни билдиради<sup>1</sup>. Шунингдек, “шакл” сўзи (арабча-кўриниш, расм; тарз) нарсанинг ташки кўриниши, сиртки киёфаси, ифодаси ҳамда мазмуннинг ифода томони, ташки кўриниши, ифодаланиши каби маъноларни ифодалайди<sup>2</sup>.

Хуқуқ назариясига оид илмий ва ўкув адабиётларида хуқукий тизимнинг мазкур элементи анъанавий тарзда “Хуқуқ манбалари (шакллари)” деб номланади. “Манба” ва “шакл” тушунчаларининг муаллифлар томонидан деярли, ягона атама сифатида ёнма-ён қайд этилиши (“Хуқуқ манбалари (шакллари)”) уларнинг ўзаро келиб чиқиши ва функционал хусусиятлари билан боғлиқ. Аммо масаланинг моҳияти

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортик, сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. Е-М/Тахрир хайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошк.; ЎзРФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.535.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортик, сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот – Шукр /Тахрир хайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошк.; ЎзРФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.537.

чукуурроқ ўрганилганда мазкур хукукий ҳодисанинг турли маъноларда тушунилишини кўришимиз мумкин (масалан: моддий, мафкуравий, формал ва шу каби). Бошкачарок айтганда, ушбу тушунчаларни турли хусусиятларига кўра (масалан: келиб чикиши, функционал вазифалари, юридик кучи ва бошк.) бир биридан “ажратиш” лозим бўлади. Албатта, хукукнинг барча шакллари ҳал килиниши керак бўлган муайян юридик ишлар бўйича манба ҳисобланисини инкор этиб бўлмайди. Аммо шу билан биргаликда, ҳар бир манба ҳам расман хукукнинг шакли ҳисобланмаслигини ҳам эътиборга олмок лозим. Хукук манбаси муайян расмий бир шаклга эга бўлиши учун албатта бундай манба давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда тегишли хукук ижодкорлигини амалга оширувчи давлатнинг ваколати органлари томонидан расман эътироф этилиши, яъни мустаҳкамлаб кўйилиши керак.

Хукук манбалари масалалари хукукнинг ўзини, шунингдек, бошқа барча хукукий институтларни тушуниш жараённада жуда муҳим йўналтирувчи асос ҳисобланади. Хукуқ назарияси ҳамда амалиёти учун энг муҳим жиҳатлар эса хукук манбалари тушунчаси, уларнинг тузилиши ҳамда таркиби, хукукнинг бошқа шакллари билан ўзаро муносабати, хукук манбалари таснифи ҳамда уларнинг тизимли-иерархик қурилиши, турли хукук манбаларининг юридик табиати ҳамда уларнинг бошқа хукук манбалари билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалардан иборатdir.

Хукук фанининг умумназарий муаммолари орасида хукукий нормаларни ифодалаш ҳамда мустаҳкамлаш шакллари расман-юридик мазмундаги хукук манбаси сифатида белгиланади. Хукук манбанинг бундай талқини маълум даражада шартли бўлиб, ушбу тушунча бошқача маънога ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, хукук манбаси деганда, хукукий нормалар мазмунини белгиловчи ижтимоий омилларни; хукукни бевосита ижод қилувчи куч бўлган давлатни; хукук тўғрисидаги ахборот манбаларини (конунчилик асослари, хукук фани бўйича дарслилклар ва бошқа шу кабиларни) тушуниш мумкин<sup>1</sup>.

Хорижлик хукуқшунос олим Г.Келзен ўзининг назарий қарашларида хукук манбасига оид қуйидаги фикрларини билдирган. Яъни, “хукук манбаси” бу катта тассавурли тушунча. Хукук манбаси тушунчаси мутлақо “nonjurist ic” маънода фойдаланилади. Шу билан бирга, бу тушунча одоб-ахлоққа оид меъёрлар, сиёсий принциплар, хукукий доктриналар, хукуқшунос мутахассислар фикрларини билдиради<sup>2</sup>.

Хукук шакли (манбаси) тушунча сифатида хукукнинг давлат билан алоқасини англатади, зеро, давлат иродаси хукукнинг мавжуд объектив

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва хукук назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.649.

<sup>2</sup> Қарант: Kelsen H. General theory of law and state. The Lawbook Exchange, Ltd., 2009. – P.131.

ижтимоий муносабатлар билан алоқасида воситачидир. Ҳукуқнинг ташки ва ички шаклари фарқланади. Ҳукуқнинг ички шакли – унинг таркиби ва алоқаларидир. Ҳукуқ тизими, унинг барча қисмлари тенг асосларда бўйсундирилишидан иборат горизонтал ва вертикал таркиби ҳукуқнинг ички шаклига дахлдордир. Ҳукуқнинг ташки шакли муайян иктиносидий ва сиёсий ҳукмрон гурӯҳ қонунни ўз иродаси даражасига кўтаришини ва шунга монанд равишда ҳукуқий нормани ифодалаш шаклига айлантиришини назарда тутади. Ҳукуқ ҳамиша муайян шаклларда гавдаланиб, расмийлашган бўлади<sup>1</sup>.

Юкоридагилардан келиб чиқсан ҳолда шуни айтиш мумкинки, “ҳукуқ шакли” ва “ҳукуқ манбаси” тушунчалари турли хил маъноларни ифодалайди. Зоро, ҳукуқ манбасини муайян бир ҳукуқий ҳодиса сифатида тавсифлайдиган бўлсақ, бунда унинг қўйидаги уч хил маънода тушуниш мумкинлигини эътироф этишимиз лозим бўлади, яъни биринчидан, ҳукуқ манбаси моддий мазмунда жамият ҳаётининг моддий шарт-шароитлари, мулкчилик шакллари, кишиларнинг манбаатлари, эҳтиёjlари ва бошқаларни ўзида ифода этади; иккинчидан, ҳукуқ манбаси мағкуравий маънода турли хил ҳукуқий гоялар, доктриналар, ҳукуқий онг ва бошқа ҳукуқий ҳодисаларни назарда тутади; уччинчидан, ҳукуқ манбаси формал юридик мазмунда бевосита ҳукуқ шаклини ифодалайди.

Ўз навбатида, ҳукуқ шакли деганда, давлат иродасини ифода этиш усусларини тушуниш лозим. Яъни, ҳукуқни ифода этиш усуслари сифатида ҳукуқий одат, ҳукуқий прецедент, норматив-ҳукуқий хужжатлар ва норматив шартномаларни кўрсатишимиш мумкин. Ҳукуқий одат – узок давр мобайнида амалда бўлиш натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган юриш-туриш қоидасидир. Ҳукуқий прецедент, – лот. “praecedens” – “аввалгиси, олдингиси” маъносини англатади. Суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал килиш учун асос бўладиган намуна, этalon, норма сифатида кабул килинса, у прецедент бўлади. Норматив-ҳукуқий ҳужжат – давлат ваколатли органлари томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳукуқий актдир. Норматив шартнома норматив-ҳукуқий хужжатга ўхшаса ҳам, ташкил топиш хусусиятига караб ундан фарқ киласди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда нафақат роман-герман ҳукуқ оиласида балки, бошқа ҳукуқий оиласарда ҳам норматив ҳукуқий хужжатлар ҳукуқнинг асосий манбаси сифатида майдонга чиқмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳукуқий хужжатлар ҳукуқнинг асосий шакли ҳисобланади. Бу борада, мамлакатимиз

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳукуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.649.

олимлари А.Х.Саидов ва Ш.Н.Кўчимовлар тўғри таъкидлаб ўтганларидек, инсонларнинг хар кандай фаолиятини қонун ва норматив-хукукий хужжатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қонунлар шу жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатларни бошқариб боради. Норматив-хукукий хужжатлар инсонларнинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилаб, жамият ҳётида ижтимоий адолатни таъминлайди, инсонларга содир этилган ва этилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли томонларини тушунтиради, жиноятчилик ва хукукбузарликнинг олдини олади. Шу боис, қонун жамиятда умумижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг, тартиб-интизомни, хукукий тартиботни таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади<sup>1</sup>.

## 2-§. Хукуқий одат – хукуқнинг манбаси сифатида

Тарихан хукукнинг дастлабки манбаси (шакли) бўлиб хукукий одат ҳисобланади. **Хукуқий одат** – узок давр мобайнида амалда бўлиш натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий коида сифатида тан олинган юриш-туриш коидасидир. Ҳар кандай одат ҳам хукукий одатга айлана олмайди, балки маълум бир грух, тоифа ёки бутун жамиятнинг манбаатларига жавоб берса оладиган ва давлат томонидан санкцияланган одатгина хукуқий одат бўлиши мумкин. Хукуқнинг манбалари тизимида хукуқий одатнинг роли ва ўрни турли давлатларда турлича бўлган. Ҳозирги даврда хукуқий одатнинг роли ва аҳамияти унча катта эмас ва у камдан-кам ҳолатлардагина қўлланилади. Кўйидаги хукуқий ёдгорликларни хукуқий одатга мисол тарикасида келтириб ўтиш мумкин: Ҳаммурапи қонунлари, Ману қонунлари, XII жадвал қонунлари ва бошқалар.

Ҳозирги замон хукукий таълимоти урф-одатни ноҳукукий ва хукукий турларга ажратади. Ноҳукукий урф-одат шундай урф-одатки, ё хукуқ ҳали тарихан таркиб топмаган жойда (уруг қабиласи урф-одати), ёхуд давлатга уюшган ёки унга ўтаётган жамиятда амал киларкан, ноҳукукий соҳани (масалан, одоб-ахлок соҳасини) тартибга солади. Давлат санкциясини олган ва шунинг оқибатида хукуқ манбаси сифатида эътироф этилган урф-одат хукуқий урф-одат деб тушунилади.

Дарҳакиқат, давлат юзага келиши билан “қонунлар, маъмурий фармойишлар, суд прецедентлари, маъкулланган урф-одатлар ва ҳоказолар кўринишида ўрнатилган позитив хукуқ тизимини шакллантиради. Лекин маҳсус сиёсий ташкилот сифатида давлатнинг

<sup>1</sup> Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Конунчилик техникаси асослари – Т.: Адолат, 2001. – Б.9.

пайдо бўлгунинг қадар ҳам инсоният одатий хукуқ нормалари билан ижтимоий алоқаларни тартибга солишининг маълум хукукий тажрибасини тўплашга улгурганди. Бу ижтимоий алоқалар синифлар пайдо бўлаётган даврларда вужудга келиб, шаклланиб, муайян давлатгача бўлган ёки давлатдан олдинги боскичнинг мураккаб, чигал ва узок тажрибасини акс эттиради”<sup>1</sup>.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ахлок, одат, анъана, расм-руsum ва хукуқ каби турли хил нормалар асосида тартибга солинади. Одат нормалари асосида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади. Одат – бу доимий тақоррланиши натижасида кишилар онгида шаклланган хулк-автор қоидасидир. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи манбалар тизимида одат ва хукукий одатни фарқлаш лозим. Кундалик турмушдаги барча одатий қоидалар ҳам хукукий одат сифатида шаклланавермайди. Маълумки, ибтидоий жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда одат нормаларидан кенг фойдаланилган ва даврлар ўтиши билан одат ўз ўрнини хукукка бўшатиб бера бошлади.

Бу даврни шартли равишда уч боскичга бўлиш мумкин:

*биринчи босқич* – одатнинг мутлақ хукмронлик даври. Бу даврда одат орқали жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар тартибга солинган, яъни бу даврда хукуқ умуман мавжуд бўлмаган, чунки бунда хукукни юзага келтирувчи давлат ҳам бўлмаган;

*иккинчи босқич* – одат ва хукукнинг биргалиқда амал қилган даври. Бу даврда давлат пайдо бўлиб, аста-секинлик билан хукуқ нормалари вужудга кела бошлаган, яъни хукуқ ўз-ўзидан, пайдо бўлиб, зудлик билан одат асосида тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларни камраб олган эмас, аксинча, боскичма-босқич, аста-секинлик билан одат ўрнига, давлат томонидан яратилган хукуқ нормалари кела бошлаган;

*учинчи босқич* – хукукнинг мутлақ хукмронлик даври. Бу даврда одат ўз ўрнини давлат томонидан яратилган хукукка бўшатиб берган ва хозирга қадар хукуқ тўла хукмронлик кильмокда<sup>2</sup>.

Хозирги вақтда одат факат хукуқ етарли тарзда тартибга sola олмаётган бўшликларни тўлдириш мақсадида кўлланилмоқда. Хукукий одат, бошка ижтимоий нормалардан ўзининг давлат томонидан тасдиқлангани, бажарилишининг мажбурийлиги ва давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланишига караб ажralиб туради. Одат ўтмиш билан бугунги кунни боғлаб туради.

<sup>1</sup> Каранг: Проблемы общей теории права и государства. М.: Изд. НОРМА, 2002. – С.98.

<sup>2</sup> Davlat va huquq nazariyasi / X.T. Odilqoriyev va boshq.; X.T. Odilqoriyevning umumiy tahriri ostida. –T.: O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010. – В.187–188.

Хукукий урф-одатни ахлоқ нормалари, диний қоидалар, расм-русумлардан фарклай билиш керак. Урф-одатни тасдиқлаш унинг суд, ҳакамлик ёки маъмурӣ амалиётда ўзлаштирилиши орқали амалга оширилиши мумкин. Давлат органининг урф-одат қўлланилган қарори ана шу давлат томонидан эътироф этилади ва мажбурий тарзда ижро этилиши мумкин. Албатта, давлат тақиқлаш у ёқда турсин, рағбатлантириб, ривожлантирадиган урф-одатлар (масалан, мамлакатимизда урф бўлган ҳашарлар) ҳам мавжуд. Ўзбекистонда хукукнинг ривожланиши манбалар тизимидан урф-одатларни расмий куч билан чиқариб ташлаш йўлидан бормаслиги зарурлиги аниқдир. Аксинча, яқин орада янги бозор урф-одатлари юзага келиши, улар юридик нормалар билан биргаликда ўзаро муносабатларни тартибга солища иштирок этишини кутиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қатор қонун хужжатларида тегишли ижтимоий муносабатларга одат нормаларини қўллаш мумкинлиги ҳакида сўз боради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 6-моддаси “Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар”, деб номланади. Унга кўра Тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун хужжатларида назарда тутилмаган хулқ-автор қоидаси, бирон-бир хужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб хисобланади. Фукаролик қонун хужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солища маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади. Тегишли муносабат иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун хужжатлари нормаларига ёки шартномага зид бўлган иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилмайди<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 8-моддасида оиласвий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши билан боғлиқ қоидалар ўз ифодасини топган. Хусусан, қонун хужжатларида оиласвий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон мишлий хукуқ тизимида норматив-хукукий хужжатлар хукукнинг асосий шакли сифатида ҳаракатда бўлса-да, хукукий одат ҳам хукуқ манбаси сифатида муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солища ўзига хос ўринга эгадир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова.

### 3-§. Хукукий прецедент тушунчаси ва турлари

Хукукий прецедент (лат. praecedens – аввалгиси, олдингиси). Хукукий прецедент – суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки карори бўлиб, бу карор келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чикиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна нормадир. Хукукий прецедентнинг суд ва маъмурий прецедент шакллари мавжуд. Хукукий прецедентнинг суд прецеденти шакли АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Канада ва Янги Зеландия каби умумий хукуқ амалда бўлган давлатларда хукукнинг манбаси сифатида кенг кўлланилади.

Англия қонунчилиги қанчалик мукаммалликка даъво қилмасин, барибир унинг нормаларидағи қоидалар кўпинча аниклаштирилмаганлиги сабабли, амалиёт талабларини кондира олмаган. Шу сабабли, судлар томонидан қонунчилик хужжатлари қоидаларининг кўлланилиши қонуллар мазмунини тушунтириш ва шарҳлаш зарурияти билан бирга олиб борилган.

Бу, ўз навбатида, қонунчилик йўли билан хукукий тартибга солишининг имкони бўлмаган ҳолларда судларни хукукнинг бошка манбаларига мурожаат қилишга мажбур килган. Хукукнинг бундай манбалари қаторига эса суд прецедентини киритиш мумкин.

Инглиз хукукнинг асосий манбаси сифатида суд прецедентини тан оловчи умумий доктрина факат XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган. Бунга кадар эса, судьялар ўз қарорлари билан хукуқ нормаларини ўрнатишлари мумкинлиги ҳакида тасаввур қилиш аклга сизмайдиган ҳолат санаған, чунки жамият хукукий онгига хукукнинг манбаси сифатида мамлакат одатлари ва анъаналарини тан оловчи ва суд прецедентини хукуқ манбаси қаторига киритишни истисно килувчи караш хуқм суреб келган.

Хукукка бундай ёндашувга қўра, судьялар хукуқ қандай мавжуд бўлса, уни шундай қабул килишлари лозим бўлган. Шу сабабли, судлар ўз қарорларига – прецедентларга мажбурий прецедент, яъни хукуқ манбаси (*binding precedent*) сифатида эмас, балки факат хукуқ нормасининг мавжудлигини муайян ишлар бўйича чиқарилган қарорда қандай шаклланган бўлса, шундай кўринишда тасдиқловчи қатъий исбот сифатида (*persuasive precedent*) караганлар.

Маълумки, илмий адабиётларда Англия прецедент хукукнинг ватани, деган фикр кенг тарқалган. Ҳакикатан ҳам шундай. Англо-саксон хукуки сифатида умумлашган кўринишда кенг тарқалган умумий хукуқ ҳозирги Англия худудида жойлашган инглиз-сакслар суд амалиётида прецедент хукуки етарли мустаҳкам ўрин эгаллаганидан сўнгина намоён бўлиши мумкин. Махаллий даражада хукукий одатларга қарама-

карши бўлган хукук нормалари тизими сифатида умумий хукуқнинг қарор топишига қадар прецедент ҳукуки аллақачон шаклланиб бўлган ва анъянага айланга бошлаган тизим сифатига эга бўлган, сезиларли ривожланган ва ҳудудларга тарқалган.

Энг кенг маънода прецедент, деб аввал бирон-бир вазиятда содир бўлган нарса ўхшаш вазият яна юзага келганда қандай йўл тутиш лозимлигини англатади ва ўзига хос намуна сифатида қабул қилиниши тушунилади. Суд ишлари билан боғлик прецедентга суд прецеденти, деб қаралади. Шундай қилиб, суд прецеденти – бу муайян иш бўйича суднинг шундай қарорики, у бошқа судьяларга келгусида шунга ўхшаш ишларни ҳал қилишда қандай қарор қабул қилиш лозимлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

Юкорида таъкидланганидек, суд қарори билан боғлик шаклланган хукук нормаларини инглиз хукуқида прецедент ҳукуки (*case law*) га киритадилар. Шу маънода “прецедент” атамаси суд ишидан бошқа нарсани англатмайди, яъни бу суд томонидан тугатилиши мумкин (фуқаролик ишида) ёки лозим (жиноят ишида) бўлган процессуал иш юритиш ёхуд у ёки бу ишнинг бевосита суд мажлисида мухокама этилишидир. Шу боис суд қарорларига прецедент ҳукуки сифатида ҳам қаралади.

Прецедент принципи судьяларнинг тегишли юкори турувчи судлар қарорларига риоя қилишлари мажбуриятини белгиловчи вертикал тартиб асосида амал қиласди. Юкори турувчи судлар қарорлари барча қуий турувчи судлар учун мажбурий, бироқ улар юкори турувчи судларни бир-бирига боғлик қилиб кўймайди. Масалан, инглиз Лордлар Палатаси (инглиз судларига бошчилик килувчи Олий суд) нинг қарорлари барча қуий турган судлар учун мажбурий. Апелляция судининг қарорлари (кассация суд инстанцияси) Лордлар Палатасидан ташқари барча судлар учун мажбурий ҳисобланади.

Суд прецеденти қоидаларига кўра судья ишларни кўра туриб судлар томонидан аввал кўрилган ишларга мурожаат қилиши лозим бўлади. Бироқ қарор қабул қилиш учун фақат биргина моддий хукук нормаларининг ўзи кўпинчча етарли бўлмайди ва улар алоҳида қоидалар, талаблар ва принциплар билан тўлдирилади.

Прецедент қоидаси анчагина мослашувчан. Шу сабабли, амалиётда уларга риоя қилиш хукуқнинг умумий ривожланиши ва унинг тизимини жамият ва инсонлар хаётидаги ўзгарувчи ижтимоий ва иқтисодий шароитларга мослашуви йўлида енгиб бўлмас тўсиқни келтириб чиқармайди. Прецедентдаги ички зиддият хукуқнинг аниқлашганлик

<sup>1</sup> Каранг: Ҳайитбоев Ф.П., Нажимов М.К. Ҳозирги замон асосий хукукий тизимлари / Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. Ўкув кўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.67.

даражаси билан унинг ўзгарувчанлиги ўртасидаги мувозанат хисобига бартараф этилади.

Суд прецедентининг юридик кучи куйидаги икки ҳолат билан белгиланади: Биринчидан, у кайси суд томонидан қабул қилинганига, ва иккинчидан, кайси судга нисбатан прецедент ҳаракати баҳоланишига караб боғлик бўлади. Масалан, юкори турувчи судлар қарорлари барча кўйи судлар учун юридик мажбурий хисобланади ва қонунга тенглашади.

Шу билан бирга, ҳатто юкори турувчи суднинг қарорини қонун кучига эга эмас, деб баҳолаш мумкин, уни факт обрўга ёки эътиборга лойик, деб баҳолаш мумкин, масалан, агар қарор суд томонидан тегишли статутларга ёки мазкур қарорни чиқарган судга нисбатан юкори бўлган судларнинг бошқа қарорига ҳавола қилинган ҳолда чиқарилган бўлса, юкори турувчи суднинг қарорини қонун кучига эга бўлмаган ва факт обрў ёки эътиборга лойик баҳоланиши мумкин.

Суд прецедентининг амал қилиши вакт билан чегараланмаган ва агар у суд кўраётган масалаларга алокадор бўлса, у шаклланган вактдан канча вакт ўтганилигидан қатъи назар, ҳуқук манбаси сифатидаги аҳамиятини сақлаб колади. Англия умумий ҳуқукининг кўпгина бош принциплари шахсий эркинлик, шартномаларни тузиш эркинлиги, рақобат эркинлигини ифодалаган жуда қадимий прецедентларга асосланган. Аммо уларнинг ҳаммаси кейин қабул қилинган суд қарорларида янгиланиб замонавийлашган, уларнинг ичida энг мукаммали бўлиб, Лордлар Палатасининг қарорлари хисобланади. Шу сабабли, дастлабки тарихий прецедентларга мажбурий мурожаат қилишга алоҳида зарурят бўлмайди.

Ҳар бир муайян аниқ ҳолда кайси қонун ёки прецедентни иш бўйича қўллаш масаласини ҳал қилиш судья ихтиёрида бўлади. Бирок агар суд бундай йўл тутмаса, унинг чиқарган қарори кейинчалик ўхшашиб ишни кўраётган суд томонидан оддий тарзда четлаб ўтилади. Бу ҳолда суднинг аввалги қарори лозим даражада қабул қилинмаган, деб хисобланади.

Хозирги вактда зарур статутлар ёки прецедентларни излаб толиш мажбурияти ишдаги ҳар қайси тараф адвокатларининг функцияларига киради. Бундай изланиш натижалари судга тарафлар томонидан тақдим этилиши лозим. Аммо судьялар бошқа обрўли ҳуқук манбаларига, шу жумладан, ишда иштирок этувчи адвокатлар маълум килмаган манбаларга ҳам асосланишлари мумкин. Айниқса, бу хусусият билан Лордлар Палатаси судьялари ажralиб турадилар. Бундай ҳолларда суд мажбурий тартибда процессда тарафлар номидан чиқаётган адвокатлар фикрини эшишиб кўради.

Кейинги вактда ҳукуматнинг ижтимоий соҳани, бандлик, истеъмолчилар ҳукуклари соҳаларини, соғликни саклаш муаммолари ва

бошқаларни тартибга солишига аралашуви заруриятининг ортиб бориши билан Парламентнинг қонун ижодкорлик фаолияти кучайди. Статутлар билан тартибга солиш ҳажмининг кенгайиши бир караганда гўё ҳозирги шароитларда ҳуқук манбаси сифатида прецедентнинг ролини камайишига олиб келиши керак. Бироқ Англия ҳуқуқий тизимига нисбатан олганда бу ҳолатдан бевосита қарама-карши хулоса келиб чиқади: қонунлар қанчалик кўп қабул қилинса, уларнинг коидалари шунчалик мураккаб ва майдалашади, шу сабабли, судьялар бу нормаларни шарҳлашлари, ва демак, прецедентларни яратишлари лозим бўлади. Судьялар факат ҳуқук нормаларини кўллашлари лозим, деган кенг таркалган анъанавий караш Британ конституциявий қонунчилигининг Парламент сиёсий ҳокимиятининг суверенитетидан иборат асосий хусусиятини кўрсатишга хизмат килади. Бироқ бу юрисдикциявий фаолият соҳасидаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатидан йирок, айниқса, бу судья бирон бир вазият билан биринчи марта тўқнаш келган ҳолларда очик кўринади. Бунда суд прецедентга ҳам, қонун кўрсатмасига ҳам оддий сабабга кўра, яъни уларнинг мавжуд эмаслигига кўра асослана олмайди. Гап суд амалиётида прецедентга эга бўлмаган ишлар ёки суд амалиётида биринчи кўрилаётган прецедентлар тўғрисида боради. Бундай ҳолларда инглиз суди асосий бош конституциявий талаблардан келиб чиқиб одилсудловдан бош торта олмайди. У прецедент бўлмаган ишни кўриши шарт, қонунда эса бу ҳақда ҳеч нарса кўрсатилмаган. Амалда судга ҳуқук ижодкорлиги мажбурияти юкланади. Буларнинг ҳаммаси бугунги кунда прецедент Англия ҳуқуки ва ҳуқуқий тизимини шакллантиришда муҳим роль ўйнаши тўғрисида хулоса килишига имкон беради. Бу маънода у қонун билан бир каторда ҳуқук манбалари тизимида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

#### **4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат – ҳуқуқнинг манбаси**

---

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқук манбалари тизимида алоҳида ўринга эга. Аввало, у роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб мамлакатларда ва шу жумладан, Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳам асосий ҳуқук манбаси ҳисобланади. Шунингдек, бошка ҳуқук манбаларидан фарқли ўлароқ, у ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун маҳсус яратилганлиги боис, унга шундай хусусиятлар баҳш этилганки, бунинг натижасида у самарали ҳуқук шакли сифатида намоён бўлиш учун барча имкониятларга эга. Бу борада З.М.Исломов ҳақли равища таъкидлаб ўтганидек, “Ҳозирги замон барча цивилизациялашган давлатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шунинг учун ҳуқуқнинг асосий, ҳукмон шакли сифатида эътироф этиладики,

биринчидан, унинг ёрдамида хуқук нормаларининг энг аниқ ва тўлиқ акс этишига, реал фаолият ва тараккиёт истиқболлари тўғри ифодаланишига эришилади. Иккинчидан, айнан норматив-хуқукий хужжатлар амалдаги хуқукнинг доимий янгиланиб боришига энг кўп даражада мослашгандир”<sup>1</sup>.

Шу ўринда бошка хуқук манбаларига нисбатан норматив-хуқукий хужжатларнинг қуидаги афзал жиҳатларини кўрсатиб ўтиш жоиз:

**Биринчидан**, норматив-хуқукий хужжатлар баён этишнинг муайян қоидаларига асосланиб яратилганлиги боис, уларда хуқук нормалари аниқ ифода этилади. Бу эса, ўз навбатида, норматив-хуқукий хужжатлардаги қоидаларни турли маъноларда тушунишнинг олдини олади ва уни бир хил қўлланилишини таъминлайди. Айнан шу жиҳат хуқукнинг расман аниқлик хусусиятига мос келади.

**Иккинчидан**, норматив-хуқукий хужжатлар биргаликда қонунчиликнинг яхлит бир тизимини ташкил килади. Ҳар бир норматив хужжат қонунчиликнинг иерархик тизимида ўзининг белгиланган ўрнига эга бўлиб бошка хужжатлар билан бирга муайян муносабатларни комплекс асосда тартибга солишига каратилгандир. Норматив-хуқукий хужжатлар хукукнинг муайян соҳаси доирасида қабул қилинади. Бу эса, зарур ҳолатларда тегишли норматив хужжатларни излаб топишни осонлаштиради. Хуқук соҳаси доирасидаги хужжатлар ўртасида бўшлиқ ва зиддиятлар бўлишини олдини олади. Норматив-хуқукий хужжатларнинг ушбу жиҳати хукукнинг тизимлилик хусусиятига мос келади.

**Учинчидан**, норматив хужжатларни бошка хуқук манбаларидан фарқли ўларок тез ва қиска муддатларда қабул қилиш, ўзгартиришлар киритиш ёки зарур ҳолатларда бекор қилиш мумкин. Бунинг натижасида норматив-хуқукий хужжатлар бошка хуқук манбаларига нисбатан ижтимоий тараққиётнинг эҳтиёжларига кўпроқ мос келади. Норматив-хуқукий хужжатларнинг ушбу жиҳати тезкорлик деб номланади ва у хукукнинг ўзгарувчанлик (динамизм) хусусиятига мос келади.

Шу ўринда тегишли ўкув ва илмий адабиётларда ҳамда қонунчиликда норматив-хуқукий хужжатлар тушунчасига деярлик бир хил таъриф берилганлигини таъкидлаш лозим. Айтиш жоизки, ушбу ҳолат муайян юридик атама ва терминлар юзасидан хукуқшунос олимлар ўртасида жуда кам учрайдиган яқдилликка мисолдир.

Норматив-хуқукий хужжат деганда, давлат ваколатли органи ёки мансабдор шахснинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишига каратилган, умумий мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи хуқук ижодкорлик хужжати

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва хуқук назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.653–654.

тушунилади. Ўз навбатида, давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан чикарилган барча ҳукукий хужжатлар ҳам норматив-хукукий хужжат бўла олмайди. Факатгина умумий ҳукуқ ва мажбуриятларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор килувчи хужжатларгина норматив-хукукий хужжат сифатида эътироф этилади.

Норматив-хукукий хужжат тушунчасига берилган таърифларни таҳлил килиш баробарида унинг куйидаги **хусусиятларини** кўрсатиш мумкин:

давлат номидан конунда белгиланган тартибда кабул килинади; ваколатли субъектларнинг ҳукуқ ижодкорлиги фаолияти маҳсули ҳисобланади;

барча учун умуммажбурий коидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор килади;

махсус процессуал тартибда амалга оширилади; муайян хужжатлаштирилган шаклга эга (конун, фармон, карор ва бошк.);

муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиша қаратилган;

уларда ҳукукий коиданинг мазмuni, яъни ҳукукий муносабат иштирокчиларининг ҳукуқ ва бурчлари баён этилади;

унда мустаҳкамланган коидалар бажарилмаган ёки бузилган тақдирда муайян ҳукукий оқибатлар келиб чиқади ва қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади.

## 5-§. Норматив-хукукий хужжатларнинг турлари

---

Давлат ва ҳукуқ назарияси оид адабиётларни ўрганар эканмиз, уларда норматив-хукукий хужжатларни таснифлаш турли асослар яъни, юридик кучи, мазмuni, ҳажми ва амал килиш хусусияти, уларни чиқарувчи субъектлар доираси нуқтаи назаридан амалга оширилишини кўрамиз<sup>1</sup>. Шунингдек, Ҳ.Т.Одилкориевнинг фикрича, норматив-хукукий хужжатлар куйидаги мезонлар бўйича туркумланиши (тасниф килиниши) мумкин: ҳукукий тартибга солиш предмети ёки тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг тури; ҳукуқ ижод этувчи субъект; ҳукукий хужжатнинг юридик кучи; ҳукукий хужжат амал қиладиган худуд; норматив-хукукий хужжатнинг юридик номланиши<sup>2</sup>.

Ўз навбатида, норматив-хукукий хужжатлар муайян бир тизим бўлиб, ушбу тизим уларнинг юридик кучига асосланган ҳолда ташкил

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳукуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.653–654.

<sup>2</sup> Одилкориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошк. Давлат ва ҳукуқ назарияси: Дарслик / Х.Т. Одилкориев, И.Т. Тультеев ва бошк.; проф. Ҳ.Т.Одилкориев таҳрири остида. – Тошкент: Узбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б.220.

топади. Демак, норматив-хукуқий хужжатлар тизими бу юридик кучи асосида бирлашган давлат ҳокимияти кўрсатмаларининг субординацион алоқалари йифиндисидир.

Норматив-хукуқий хужжатларнинг фарки қуйидаги учта жиҳат билан боғлиқ: норматив-хукуқий хужжатлар томонидан ҳал этиладиган масалаларнинг мазмуни ва турли хиллиги; юридик табииати ёки юридик кучига кўра бир-биридан фарқ қилиши; норматив-хукуқий хужжатларни кабул қилиш жараёни ва тартибининг турличалиги ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хукуқий хужжатлар тўгрисида”ги Конунининг 5-моддасида норматив-хукуқий хужжатларнинг қуйидаги турлари кўрсатиб ўтилган: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг конунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруклари ҳамда қарорлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари<sup>1</sup>.

Шунингдек, мазкур конуннинг мазмунидан норматив-хукуқий хужжатларнинг икки турга, яъни конун ва конуности хужжатларига бўлиниши кўриниб турибди. Хусусан, Конуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари қуйидагича ифодаланган: “Норматив-хукуқий хужжатлар конун хужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари мажмуини ташкил қиласи. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари конунларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруклари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари конуности хужжатларидир”<sup>2</sup>.

## **6-§. Норматив шартномалар – хукуқнинг маҳсус манбаси сифатида**

---

Хукуқ манбалари тизимида ижтимоий муносабат иштирокчилари ўтрасида ўзаро алоқаларни тартибга солувчи хукуқнинг шакли сифатида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.

норматив шартномалар алоҳида мавқега эгадир. Икки ёки ундан ортиқ мустақил ҳуқук субъектлари ўргасида тузиладиган ҳамда уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгарирадиган ёки бекор киласидиган оғзаки ёки ёзма шаклда ифодаланадиган ва тузиладиган битимларга норматив шартномалар дейилади. Норматив шартномалар ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, норматив шартномалар икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўргасида ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва бошқа муайян бир соҳаларда тузилади.

Ўз навбатида, норматив шартномаларни турли хил мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Хусусан, иштирокчилар сонига кўра оддий ёки мураккаб турлардан иборат бўлади. Оддий шартномада иштирок этувчи тарафлар факатгина иккита субъект қатнашувини талаб этади, холос. Мураккаб шартномада эса, бирор-бир масала юзасидан кўпчилик иштирокчиларнинг сони талаб этилади. Масалан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Шанхай ҳамкорлиги каби ташкилотларга ўюшиш мураккаб шартномалар асосида тузилган. Хусусиятига кўра норматив шартномалар норма ўрнатувчи ва таъсис этувчи турларга бўлинади.

Шунингдек, шартномалар ифодаланиш шаклига кўра ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин. Жамиятдаги муҳим ва расмий муносабатлар факатгина ёзма шаклдаги шартномалар асосида амалга оширилади. Давлатлараро шартномаларнинг барчаси ёзма шаклда тузилади. Шартномалар тузилиш муддатининг давомийлигига кўра киска муддатли ва узоқ муддатли шартномаларга ҳам бўлинади.

Халқаро муносабатларда ҳуқук манбаси сифатида шартнома майдонга чиқади. Халқаро шартнома – давлатлараро ёки бошқа шахслар ўргасида ўзаро келишув бўлиб, халқаро ҳуқук асосида тартибга солинади. Халқаро шартномалар тузилган вактда ёки тан олинганда (ратификация қилинганда) унинг матнида ифодаланган мажбуриятларни тарафлар бажариши шартлиги белгилаб кўйилади. Айрим ҳолатларда давлатлар ўргасида тузилган шартномалар амал қилиш муддати тугамасдан ҳам бекор қилиниши мумкин. Буни халқаро ҳуқуқда денонсация қилиш, деб номланади. Вена Конвенциясининг 2-моддасида халқаро шартнома ҳуқуки ҳакида тушунча берилган: “Шартнома – бу давлатлар ўргасидаги келишув бўлиб, ёзма равишдаги халқаро ҳуқук билан тартибга солинади”<sup>1</sup>.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида бевосита инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро шартномалар, шу жумладан, БМТнинг б та асосий шартномаси иштирокчиси хисобланади<sup>2</sup>. Бу борада Ўзбекистон

<sup>1</sup> Қаранг: [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/law\\_treaties.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/law_treaties.shtml)

<sup>2</sup> <http://www.minjust.uz/uz/publications/newspaper/1/1348/>.

Республикаси Конституцияси ва қонунларида халқаро ҳуқук нормалари устуворлиги принципининг мустаҳкамланганлиги халқаро ҳуқук ва миллтий ҳуқукий тизимнинг ўзаро самарали ва таъсирчан ҳуқукий алокасига замин яратди. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси – республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқук ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир.

Халқаро шартномалар: шартнома, битим, конвенция, протокол, пакт, акт, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши ва шундай кўринишида тузилиши, шунингдек, бошқача номланиши мумкин. Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига караб иккитомонлама ва кўптомонлама шартномалар бўлади. Халқаро шартномалар мазмунига караб иктисолий, сиёсий, ҳуқукий шартномалар бўлиши, шунингдек, бошқа масалалар бўйича тузилиши мумкин. Муддатига караб шартномалар муддатли ва муддатсиз бўлади. Халқаро шартномалар бошқа турларда ҳам тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ҳукуки давлатга тегишилди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари кўйидагича тузилади: Ўзбекистон Республикаси номидан – давлатларо шартномалар; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан – ҳукуматларо шартномалар; Ўзбекистон Республикаси вазирлклари ва идоралари номидан – идораларо шартномалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация килинади.

## 7-§. Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари

Диний ҳуқукка киравчи ислом давлатларида асосан икки йўналиш: суннийлик (Ахли сунна вал-жамоа - суннат ва жамоат ахли) ва шиалик (шият Али – Али тарафдорлари) мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида турли масалалар бўйича бир канча мазҳаблар мавжуд. Учинчи йўналиш хорижийлар (хавориж – ажралиб чиққанлар) VII асрнинг иккинчи ярмида деярли йўқ бўлиб кетган. Суннийлик кўпгина араб ва мусулмон мамлакатларнинг давлат мафкурасини ташкил килади. Эрон Ислом Республикасида шиаликнинг имомий-жъаъфарий мазҳаби давлат ҳуқуқининг асосидир. Суннийликда фикхий мактаблардан ташқари ақидавий муаммоларда ихтилофга борган кўпгина мазҳаблар мавжуд бўлиб, улар асосан кўйидаги масалаларда бир-биридан фарқ қиласиди: олий ҳокимият

(имомат, халифалик); иймон; қазо ва қадар; Оллоҳнинг зоти ва сифатлари масаласи; фикхий масалалар.

Ҳар кандай мусулмон фиксда маълум мактаб ёки мазҳабга (масалан, ҳанафийликка) эргашган бўлиши билан бир вақтда, иймон масаласида ашъарий, тақдир масаласида қадарий, сифат масаласида эса мўтазилий ақидасида бўлиши мумкин. Албатта, бундай ҳолат кам учрайди. Чунки иирик мазҳаб соҳиблари нафакат бир йўналишда, балки исломдаги барча масалалар бўйича ўз фикрларини билдирганлар.

Азалдан бизнинг юртимида фиксда ҳанафийлик, ақидада эса мотуридия таълимотига риоя қилиб келинган. Лекин усул (асосий масалалар)да юкорида санаб ўтилган суннийлик мазҳаблари орасида ҳеч кандай ихтилоф, қарама-каршилик йўқ. Уларнинг барчаси “тўғри йўлдан борувчи” деб эътироф этилган.

Суннийлик йўналиши “Ахли сунна вал-жамоа” деб аталади ва 4 та фикхий мазҳабдан иборат: ҳанафий, шофий, моликий, ҳанбалий. 2 та ақидавий: ашъарий ва мотуридий таълимотига амал қилади. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,3 миллиард мусулмон аҳолисининг 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича куйидаги нисбатда бўлинганлар: ҳанафийлар – 47 %, шофийлар – 27 %, моликийлар – 17 %, ҳанбалийлар – 1,5%.

Шиа йўналиши исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий мазҳабларини ўз ичига олиб, дунёдаги мусулмонларнинг 7,5 фоизини ташкил қилади.

Фикх “Оллоҳ таоло ўз пайғамбари Мұхаммад алайхиссалом орқали нозил қилган шариатни теран фахмламок” маъносини билдиради. Бошқа таърифда: “Фикх – шаръий далиллардан фаръий ҳукмлар чиқаришдир” дейилади. Бу таърифдаги “шаръий далил” Куръони Карим ва Ҳадиси шарифдир. “Фаръий ҳукм” эса умумий ҳукмдан келиб чиқадиган хусусий фикрdir. Шариатда фаръий ҳукмлар асосан ибодат ва муомалотларда намоён бўлади. Ҳар бир факих олим ҳукм чиқаришда асосан куйидагиларга таянмоғи шарт ҳисобланади: *биринчиси* – Куръони Карим. Агар факих исломда бирор нарсанинг ҳукми қандай эканлигини билмоқчи бўлса, аввало, Куръонга мурожаат қилади. Унда нима ҳукм бўлса, ҳеч иккисинамасдан уни қабул қилади. *Иккинчиси* – Мұхаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб, улар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан танлаб олинishi зарур. *Учинчиси* – Ижмоъ, ўз даврининг ижтиҳод диний манбалардан мустакил ҳукм чиқариш даражасига етган уламоларнинг яқдиллик билан бирор масалани қабул килишларидир. *Тўртинчиси* – Қиёс. Яъни, ҳукми ворид бўлмаган масалани Куръон ва ҳадисда шунга ўхшаш ва ҳукми келган нарсага қиёслаб фатво чиқариш. Кейинчалик ижтиҳод килиш натижасида қатъий далолат килишнинг иложи бўлмаган масалалар хусусида ижмоъ, яъни уламолар бир фикрга келиб ҳаракат қила бошладилар. Шундай килиб, қиёслаш орқали ва юкорида айтилганлар билан бирга янги бир фан – усули фикх, яъни

мусулмон ҳуқуқшунослиги вужудга келди. Натижада, фикъ 2 нарсани ўз ичига қамраб олди: ибодат ва инсон билан инсон орасидаги муносабатлардан иборат муюмалат. Исломда ҳуқукий масалалар муюмалат қисмiga тегишилдири.

Ислом ҳуқукиниң шаклланишида Куръон оятларининг Пайғамбар, саҳобалар, уламолар томонидан талқин этилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Ислом ҳуқуқшунослари бўлган факихларнинг меҳнатлари асрлар давомида мана шу улкан масъулиятли ишга сарфланган. Уларнинг сайд-ҳаракатлари янги ҳуқукни яратишга эмас, балки Оллоҳ томонидан берилган ҳуқукни амалда фойдаланишига мослаштиришга йўналтирилган.

Ислом ҳуқукини белгиловчи фикъ соҳаси фақаттина Оллоҳнинг инсонларга кўйиган ўзаро ҳуқукий қонун-коидаларини акс эттириш билан чекланиб қолмай, балки ижтимоий ҳайётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Масалан, мусулмон кишига фарз бўлган намозлар, закот, рўза, ҳаж каби ибодатларнинг қонун-коидаларини белгилаш фикъ илми соҳасига киради. Давлатни ўрганиш ислом ҳуқуқшунослик фанининг бир қисми хисобланмайди. Фикънинг асосий функцияси мусулмон давлати қонунчилиги билан унинг бирламчи манбалари ўртасидаги узвий алоқаларни саклаб қолишдан иборатдир.

### **8-§. Халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликда имплементация қилиш масалалари**

---

Миллий ҳуқукий тизимда халқаро ҳуқуқ нормаларини тизимлаштириш, унификация қилиш, туркумлашнинг режа ва дастурларини ишлаб чиқиши, ратификация ва денонсация килинган ҳужжатларни белгиланган тартибда кучга киргандан сўнг, миллий қонунчиликка тегиши ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун ижодкорлиги билан шуғулланиш, улар нормаларини миллий қонунчилик орқали бажариш механизmlарини ижтимоий ҳайётга татбик этишида муҳим омил бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, имплементация – қонун ижодкорлик фаолиятининг устувор соҳаси бўлиши билан бир қаторда, ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуки сифатида уни амалга оширишнинг миллий-ҳуқукий ва ташкилий механизмларининг самараదорлигига эришиш истикబолли вазифадир.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш учун “имплементация” (ўйгунаштириш) атамасидан кенг фойдаланилади. Ўзбекистон миллий ҳуқукий тизимида имплементация нисбатан янги тушунча ва ҳуқукий категориядир. Чунки, мустакилликка эришилгандан сўнгтина халқаро ҳуқукнинг умумъетироф этилган коидалари устунлигини таъминлашга шароит яратилди.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халкаро хуқукнинг умумэътироф этилган коидалари устунилигини тан олиш асослари мустаҳкамланганлигини алоҳида кайд этиш жоиздир. Хусусан, 1992 йил 8 декабря кабул килинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халки ... “халкаро хуқукнинг умумэътироф этилган коидалари устунилигини тан олган ҳолда...ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини...” кабул килганлиги ушбу фикрнинг ёрқин ифодасидир. Шу ўринда, ушбу нормани имплементациянинг конституциявий алифбоси десак, муболага бўлмайди. Юкоридаги конституциявий тамойилнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси халкаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномалари халкаро хуқук нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси томонидан оғишмасдан ва мажбурий риоя қилинади”, деб белгилаб кўйилган<sup>1</sup>.

Мазкур конституциявий-хуқукий нормалар моҳиятидан англашилишича, халкаро хуқук нормаларининг тан олиниши ва миллий хуқук тизимини шакллантиришда уларга асосланиши унинг устуворлигидан ҳамда устувор хуқукий категория сифатида муҳим ўрин тутишидан далолат беради. Имплементация тушунчасига юридик маънода кайси жиҳатдан таъриф беришдан қатъи назар, энг аввало, халкаро хуқук нормалари устунилиги, оғишмай ва мажбурий риоя этиш назарда тутилади. Миллий хуқукий тизимда халкаро хуқукнинг умумэътироф этилган коидалари ифодаланиши Ўзбекистоннинг бу борадаги мажбуриятлари бажарилшининг кафолатидир. Ўтган йиллар мобайнида миллий қонунчилигимизга халкаро хуқук норма ва коидаларининг сингдирилиши ёки ратификация ва денонсация қилиниши халкаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистоннинг нуфузи ошаётганлиги эътироф этилаётганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, халкаро шартномаларни миллий хукукка имплементация килиш турли мамлакатларда турлича усулларда амалга оширилади. Баъзи мамлакатларда халкаро шартномалар уларнинг хуқукий тизимларининг узвий қисми деб эълон қилинади (АҚШ, Голландия, Россия). Хусусан, Россия Федерацияси Конституциясида белгиланишича, “халкаро хуқукнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари ва Россия Федерациясининг халкаро шартномалари мамлакат хуқукий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади” (15-модданинг 4-банди); Франция ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995. –№12. –262-модда.

Италияда халқаро хукуқ нормалари мамлакат миллий ҳуқуқидан устувор деб тан олинади; учинчи тоифа мамлакатларда (Буюк Британия, Ҳиндистон) халқаро шартномалар парламентнинг янги ёки кўшимча норматив-хукукий хужжат кабул килиши орқали имплементация қилинади.

## Назорат саволлари

1. Мълумки, тегишли конунчилиқда норматив-хукукий хужжатларнинг турлари ва уларни кабул килиш ваколатига эга бўлган субъектлар катъий белгилаб кўйилган. Шу билан бирга, норматив-хукукий хужжатлардаги хукуқ нормалари тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан муайян ишга нисбатан қарор чиқариш (кўллаш) жараёнида ҳаётга татбиқ этилади. Мазкур жараёнда хукуқ нормасининг мазмунида кўрсатилган қоидалар бальзан реал ҳаётий вазиятларга ёки ижтимоий муносабатларга муайян маънода мос келмаслиги ҳам мумкин.

Шундай вазиятда айрим хукукни кўлловчи субъектлар хукукни кўллаш хужжатида акс этган (казуал) шарҳ ва хукуқ ижодкорлиги субъекти яратган хукуқ нормаси мазмуни ўргасида тафовут юзага келса қай бири устувор хукукий аҳамиятга эгалиги бўйича тасаввурга эга эмас.

*Вазиятга ҳукуқий баҳо беринг. Ҳукуқий асосларни атрофлича муҳокама қилинг.*

2. Норматив-хукукий хужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким хукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Норматив-хукукий хужжат баён тарзида расмий эълон қилинишига йўл кўйилмайди. Норматив-хукукий хужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

*Норматив-хукуқий ҳужжатларни эълон қилиши, уларнинг кучга кириши ва амал қилишини қонун ҳужжатлари асосида таҳтил қилинг.*

3. Хукуқ фанининг умумназарий муаммолари орасида хукукий нормаларни ифодалаш ҳамда мустаҳкамлаш шакллари расман-юридик мазмундаги хукуқ манбаи сифатида белгиланади. Хукуқ манбасининг бундай талқини маълум даражада шартли бўлиб, ушбу тушунча бошқача маънога ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, хукуқ манбаси деганда, хукукий нормалар мазмунини белгиловчи ижтимоий омилларни; хукукни бевосита ижод қилувчи куч бўлган давлатни; хукуқ тўғрисидаги ахборот манбаларини (конунчилик асослари, хукуқ фани бўйича дарслклар ва ҳоказоларни) тушуниш мумкин.

*Ҳукуқ манбасининг ўзига хос ҳусусиятлари атрофлича муҳокама қилинг, мисоллар ёрдамида ёритиб беринг.*

## XI БОБ. ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ

### 1-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги: тушунчаси, тамойиллари ва турлари

Мамлакатимизда мустаҳкам қонунийлик ва барқарор ҳуқукий тартиботни таъминлаш демократик ислоҳотларнинг марказий масаласидир. Фукаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган бунёдкорлик фаолияти ва модернизациялаш жараёнлари кечеётган шароитда кенг кўламли ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг ҳуқукий асослари шакллантирилиб, моҳиятан янги ҳуқукий тизим вужудга келди.

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва коидалар негизида юртимизда миллий конунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислоҳотларга асос бўлди. Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит конунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқукий тартибга солиш билан бирга, фукароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев ҳақли равищда эътироф этганидек, қонунларнинг тўликлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизmlарига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини, афсуски, хозирги кунда конунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда<sup>1</sup>.

| Ҳуқуқ ижодкорлиги – бу, энг аввало, ваколатли давлат |  
| органлари ва мансабдор шахсларнинг норматив-ҳуқукий |  
| ҳужжатларни яратиш, уларга қўшимча ва ўзgartишиш киритиш ёки |  
| уларни бекор қилишга қаратилган фаолияти. |

<sup>1</sup>Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараккиёти ва ҳалк фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // [www.uzo.uz](http://www.uzo.uz)

Шу ўринда хуқук ижодкорлиги жараёни ҳам тобора мураккаблашаётганилигини ҳамда ижтимоий муносабатларнинг турли жабҳаларини тартибга соладиган норматив-хуқукий ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам замонга мос ҳолда такомиллашиб бораётганилигини таъкидлаш жоиз.

Хуқук ижодкорлиги хуқук нормаларини яратиш, такомиллаштириш, ўзгартириш ёки бекор килишга қаратилган давлат фаолияти шакли сингари ўзига хос жараён сифатида асосий қоидалар – принципларга эгадир.

**Принцип** – бирор назария, таълимот, дунёкараш ва шу кабиларнинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос килиб олинадиган бош ғоя, қонун-қоида<sup>1</sup>.

Хуқук ижодкорлиги жараёнининг устувор қоидалари, аввало, мамлакатнинг Конституцияси ва қонунларидан келиб чикади ҳамда хуқук назарияси ва юридик техникага таянади.

Хуқук ижодкорлигининг предмети ҳалк ҳоҳиш-иродасини акс эттирган умуммажбурий хулк-атвор қоидаларини яратиш хисобланади. Ўз навбатида, ушбу фаолият давлат ва жамият қурилишининг конституциявий асосларига таяниб, маълум бир тамойилларга риоя килган ҳолда амалга оширилиши зарур. Мазкур тамойиллар каторида илмийлик, професионализм, қонунийлик, демократизм, ошкоралик ва тезкорлик кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Илмийлик принципи ҳақида гап борганда, камида икки жиҳат назарда тутилади. Биринчидан, хуқук ижодкорлиги пухта илмий стратегияга таяниши зарур. Бундай стратегия умумдавлат миқёсида шакллантирилади. Уни, одатда, давлат юкори ҳокимият органлари ҳузуридаги тадқиқот институтлари амалга оширади. Иккинчидан, муайян норматив-хуқукий ҳужжат матни устида иш борганда, хуқук нормасини яратиш ва ифодалашда (мазмунан ҳамда юридик техника нуқтаи назаридан) аввало, илмий тавсиялар инобатга олиниши лозим. Бундан максад – ижтимоий муносабатларни тартибга солишида мумкин қадар кўпроқ самарага эришишдир.

Хуқук ижодкорлигининг принциплари билан бир қаторда унинг субъектлари ва турлари ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиш мухим аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.309.

идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хукукий хужжатларни қабул қилиш хукукига эга бўлган субъектлар хисобланади.

Норматив-хукукий хужжатларни қабул қилиш хукукига эга бўлган субъектларга мос равишда хукуқ ижодкорлигининг турларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар куйидагилар: бевосита хукуқ ижодкорлиги (умумхалқ референдуми); давлат органларининг хукуқ ижодкорлиги (Олий Мажлиснинг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари); мансабдор шахсларнинг хукуқ ижодкорлиги (Ўзбекистон Республикасининг Президенти, вазирлар, ҳокимлар).

## 2-§. Қонун ижодкорлиги жараёни босқичлари

Қонун ижодкорлиги моҳиятан кўпгина юридик адабиётларда хукуқ ижодкорлигининг муайян йўналиши сифатида эътироф этилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, қонун ижодкорлиги билан хукуқ ижодкорлиги тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим, чунки, хукуқ ижодкорлиги хукукни ўзида акс эттирган ҳар қандай норматив-хукукий хужжатни қабул қилиш жараёнини англатса, қонун ижодкорлиги эса айнан қонунлар қабул қилиш билан боғлиқ жараённи ифодалайди.

Қонун ижодкорлиги ваколатли давлат органининг қонунларни ишлаб чиқиши ва қабул қилишга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. Мазкур фаолият ижодий жараён бўлиб, бунда халқнинг иродаси аниқланади, шакллантирилади ва белгиланган тартибда қонун даражасига кўтарилади.

Қонун ижодкорлиги давлатнинг хукукий нормаларини яратишга қаратилган энг муҳим фаолият йўналишларидан бири хисобланади. Қонун ва қонун чиқариш фаолияти билан боғлиқ фаолият жамият тараккиётининг барча босқичларида муҳим ўрин тутган.

Қонунларнинг энг асосий ижтимоий вазифаси – жамиятда тартиб, интизом ва баркарорликни таъминлашдан иборат.

Конун – бу ваколатли давлат органи томонидан ёки референдум |  
| ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда қабул қилинадиган, олий |  
| юридик кучга эга бўлган, энг муҳим ва баркарор ижтимоий |  
| муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-хукукий |  
| хужжат.

Қонунчилик сиёсати – давлат сиёсатининг мухим йўналиши бўлиб, унда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий принциплари ва мақсадлари ўз ифодасини топади.

Буюк француз мутафаккири Монтескеъ ўзининг “Қонунлар руҳи ҳакида” номли асарида ҳуқук мазмунига таъсир этувчи ва конун ижодкорлиги жараёнини белгиловчи омилларни қонунлар руҳи деб атаган эди. Қонун чиқарувчи органнинг маҳорати ва санъати ана шу омилларни оқилона аниқлаш ва қонунда акс эттиришдан иборат. “Қонун чиқарувчи, аввало, оқил-олим, изланувчи, жамиятда амал килувчи объектив қонуниятларга риоя қиласди... У позитив ҳуқуқда жамиятда шаклланган ижтимоий муносабатларни ифода этади”<sup>1</sup>.

Хорижий мамлакатларда конун чиқариш фаолияти, анъанага кўра, алоҳида сайлаб қўйиладиган орган томонидан амалга оширилади. Бундай орган турли мамлакатларда турлича номлар билан (АҚШда – Конгресс, Францияда – Миллий Мажлис, Англияда – Парламент, Германияда – Бундестаг, Эронда – Мажлис, Россияда – Федерал Мажлис, Польша, Литвада – Сейм, Швецияда – Риксдаг ва бошқалар) аталиб умумий кабул килинган ягона номи парламент ибораси билан ифодаланади.

Қонун ижодкорлиги фаолияти ўзининг масъулиятлилиги ва мураккаблиги билан ҳуқук ижодкорлигининг бошқа турларидан фарқ қиласди. Қонун кучга киргач у муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишида қатъий кучга айланади. Бу жараён мунтазам ва мувофиқлаштирилган кетма-кетликда рўй берувчи босқичларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўладиган муайян ҳуқуқий механизmdir.

Қонун ижодкорлиги, аввало, тегишли ижтимоий муносабатлар соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини ўрганишдан ва муаммоли вазиятни атрофлича таххил этишдан бошланади. Сўнгра тажриба умумлаштирилиб, илмий асосланган материаллар тўпланади, навбатдаги вазифа режалаштирилаётган қонуннинг илмий гоя (концепцияси) ва дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқишидан иборат бўлади, қонун лойиҳаси қонун чиқарувчи орган томонидан ўрганилади, муҳокама этилади ва ниҳоят қонун қабул килинади.

Қонун ижодкорлиги жараёни – давлат олий вакиллик органининг Конституцияда белгиланган тартибда янги қонунларни яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишга қаратилган, шунингдек, эскирган қонунларни бекор килиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул килишни ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Қаранг: Политико-правовые идеи и институты в их историческом развитии. – М., 1980. – С. 41.

Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёни, биринчидан, қонунни мазмунан тайёрлашни таъминловчи ўзаро алокадор институтлар тизимини белгилашдан; иккинчидан, ҳалқ иродасини, жамоатчилик фикрини ифодалашнинг қатъий демократик шаклларини мустаҳкамлашдан; учинчидан, қонунни яратиш ва қабул қилиш жараёнида давлат хокимияти олий вакиллик органи фаолиятининг турли шакллари кўлланилишини акс эттиришдан иборат<sup>1</sup>.

Конунчилик жараёни ташкилий-хукукий тадбирларнинг мураккаб тизими бўлиб, уларнинг натижасида қонун яратилади<sup>2</sup>.

Муайян қонунни яратиш устида иш бошланар экан, ҳар сафар юридик амалиётда ўзига хос анъанавий қоида тулага кирган бир бутун жараён такрорланади. Ушбу жараён кетма-кетликда амалга ошириладиган босқичлар йиғиндиси сифатида мавжуд бўлувчи аниқ механизмдир. Мазкур механизм юридик адабиётларда қонун ижодкорлиги жараёни тушунчаси орқали ифода этилади<sup>3</sup>.

Адабиётларда қонун ижодкорлиги жараёни босқичлари, уларнинг турлари, номланишини талқин этиш бўйича турли хил фикрлар келтирилади. Аксарият ҳолатларда қонун ижодкорлиги жараёни конунчилик ташаббуси, қонун лойиҳасини мухокама қилиш, қонунни қабул қилиш ҳамда имзолаш ва эълон қилиш каби тўрт босқичдан иборат, деб эътироф этилади<sup>4</sup>.

Айрим адабиётларда мазкур жараён беш босқични ўз ичига олиши кўрсатилиб, юкоридаги босқичларга қўшимча сифатида қонун лойиҳасини тайёрлашдан олдин мазкур қонунга бўлган ижтимоий эҳтиёжни ўрганиш босқичи киритилган<sup>5</sup>. Кўпчилик мутахассислар ушбу босқични биринчи босқич деб эмас, балки лойиҳа олди босқичи деб атаган ҳолда, босқичлар сонини тўртта деб кўрсатадилар<sup>6</sup>.

Айрим хукушунос олимлар қонун ижодкорлиги жараёнини бирмунча кенгрок тушунча сифатида талқин қиласидилар. Масалан, Ҳ.Т. Одилқориев юкорида санаб ўтилган қонун ижодкорлиги жараёни босқичларига қўшимча равиша дастлабки босқич сифатида “муайян

<sup>1</sup> Одилқориев Ҳ.Т., Якубов Ш.У. Миллий хукукий тизим ва хукукий кадриятлар. Монография – Тошкент: SMI-ASIA, 2010. –Б. 253.

<sup>2</sup> Бу ҳакда қаранг: Законодательный процесс. Понятие. Институты. Стадии: Научно-практическое пособие – Отв. ред. Р.Ф. Васильев. – М.: Юриспруденция, 2000. – С. 320.

<sup>3</sup> Гафуров М. Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги жараёни босқичлари// Қонун ижодкорлиги ва конунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. –Тошкент: ТДҶОИ, 2005. – Б.34.

<sup>4</sup> Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: – М., 2001. –С.302–306; Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 1995.–Б.73–104.

<sup>5</sup> Общая теория государства и права. Акад. курс. Отв.ред. М.Н. Марченко. Том 2. – М., 2001. – С.260.

<sup>6</sup> Теория государства и права. Под. Ред. В.М. Корельского и В.Д.Перевалова – М., 1997. –С.292.

конун яратилишига бўлган объектив эҳтиёжни аниқлаш” босқичи мавжуд эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Мазкур фикр ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, кенгрок маънода қаралганда, конун ижодкорлиги фаолиятини факат қонун чиқарувчи орган доирасидаги ҳаракатлар билан чегаралаб бўлмайди. Мазкур фаолият қамровига муайян турдаги ижтимоий муносабатларни қонун ёрдамида хуқукий тартибга солишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва қонунчилик ташаббуси субъектлари, парламентнинг шу йўналишда олиб борадиган ишлари ҳам киради.

Шу жиҳатдан олганда, қонун яратишга бўлган объектив эҳтиёжни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан ушбу масала 2012 йилнинг 24 декабридан Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқукий хужжатлар тўғрисида”ги қонунида хуқукий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, унга биноан норматив-хуқукий хужжат лойиҳасини тайёрлашда ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини хуқукий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёж аниқланиши лозим. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонунда ҳам қонун яратишга бўлган объектив эҳтиёжни аниқлаш масаласига оид нормалар мустаҳкамланган. Хусусан, мазкур қонуннинг 12-моддасида қонун лойиҳасининг концепциясида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти асослари кўрсатилиши лозимлиги қайд этилган.

Қонун ижодкори норматив-хуқукий хужжат лойиҳасини тайёрлашда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, фукароларнинг таклифларини, оммавий аҳборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари асосида олинган маълумотларни умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади.

**Қонунчилик ташаббуси** – қонун чиқариш жараёнининг муҳим босқичи хисобланади. Ушбу жараён натижасида қонун чиқарувчи органга қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан лойиҳа орқали тегишли таклифлар киритилади, парламент эса уни кўриб чиқиш натижасида янги қонун қабул қиласи, амалдагисига ўзгартиш киритади ёки бекор қиласи.

Қонунчилик ташаббуси хуқуки Конституцияда белгиланган ваколатли субъектлар томонидан янги қонун қабул қилиш тўғрисида, шунингдек, амалдаги қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш

<sup>1</sup> Қаранг: Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.73.

тўғрисидаги муайян қонун лойиҳасини Олий Мажлис эътиборига тақдим этилиши ва парламентнинг бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиши ҳакида тегишли қарор қабул қилишидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қонунчилик ташаббуси хукуқи субъектларининг анча кенг доираси белгиланган. Конституциянинг 83-моддасига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси хукуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияйи суди, Олий суди, Бош прокурори эга.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни билан белгилаб кўйилган.

**Қонун лойиҳасини мухокама қилиш** – қонун яратиш жараёнининг алоҳида ва мухим босқичи ҳисобланади. У қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси тақдим этилгач ҳамда Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби киргандан сўнг бошланади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши Мувофикаштирувчи гурухнинг ахборотини эшитиб, масъул қўмитани белгилайди, қонун лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган материалларни масъул қўмитага ва, бир вақтнинг ўзида, фракцияларга (депутатлар гурухларига) топширади. Бунда Қонунчилик палатаси Кенгаши фракциялар (депутатлар гурухлари) томонидан фикрлар ва таклифларни ҳамда масъул қўмита томонидан холосани тақдим этиш муддатини белгилайди.

Масъул қўмита қонун лойиҳаси бўйича барча фракциялардан (депутатлар гурухларидан) фикрлар ва таклифларни тўплаб, Қонунчилик палатаси Кенгашига қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш тўғрисида ёки қонун лойиҳаси белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда уни қонунчилик ташаббуси хукуқи субъектига кайтариш ҳакида қабул қиласди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмитанинг холосаси асосида, фракцияларнинг (депутатлар гурухларининг) фикрлари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш тўғрисида ёки қонун лойиҳаси белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда уни қонунчилик ташаббуси хукуқи субъектига кайтариш ҳакида қабул қиласди.

Аникланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун янгидан киритилиши

мумкин. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чикиши учун қабул қилинаётганда унинг Кенгаши қонун лойиҳасини палата мажлисида кўриб чикишга тайёрлаш муддатини белгилаши шарт. Кўриб чикиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси унга илова қилинган материаллар билан Қонунчилик палатасининг кўмиталарига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 17-моддасига кўра қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чикиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда кўмиталар сайланади.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси Қонунчилик палатасининг мажлисларида амалга оширилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишида кўриб чиқади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишида кўриб чикиш чоғида уни қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек, қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиялаштириш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Бунда масъуль кўмитадан бўлган маърузачи биринчи ва кейинги ўқишлиарда фракцияларнинг (депутатлар гурухларининг) фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиши шарт.

Фракцияларнинг (депутатлар гурухларининг) қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим. Қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуки субъекти ёки унинг вакили Қонунчилик палатаси мажлисида қонун лойиҳасини биринчи ўқишида кўриб чикиш чоғида сўзга чикиши мумкин. Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишида кўриб чикиш учун палатага киритиш муддатини мажбурий тартибда белгилаган ҳолда, уни биринчи ўқишида қабул қилиш ҳакида ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига қонун лойиҳаларининг муқобил таҳрирлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чикилиши керак.

Қонунчилек палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган конун лойиҳаси биринчи ўқишида қабул қилинган ҳисобланади.

Биринчи ўқишида қабул қилинган конун лойиҳасининг матни, қоида тарикасида, Қонунчилек палатасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади, зарур бўлган ҳолларда эса, Қонунчилек палатасининг қарорига кўра оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Масъул қўмита келиб тушган фикрлар ва таклифларни конун лойиҳасини иккинчи ўқишига тайёрлаш чоғида умумлаштиради. Конун лойиҳасининг маромига етказилган матни фракцияларга (депутатлар гурухларига), шунингдек, конун лойиҳасини киритган қонунчилек ташаббуси ҳуқуки субъектига уларнинг ушбу конун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифларини олиш учун юборилади.

Масъул қўмита маромига етказилган конун лойиҳаси бўйича фикрлар ва таклифларни олганидан сўнг, уларнинг муҳокамасини конун лойиҳасини киритган қонунчилек ташаббуси ҳуқуки субъекти вакиллари иштирокида ташкил этади. Муҳокамаларга олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин. Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга даҳлдор конун лойиҳалари муҳокамаларига фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши щарт.

Масъул қўмита томонидан асосли деб топилган таклифлар конун лойиҳасининг матнига киритилади. Конун лойиҳасини Қонунчилек палатаси томонидан иккинчи ўқишида кўриб чиқиш чоғида масъул қўмита томонидан маъқулланган фикрлар ва таклифлар ҳам, маъқулланмаган фикрлар ва таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Конун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Муҳокама натижалари бўйича Қонунчилек палатаси конун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишида кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни иккинчи ўқишида қабул қилиш ҳакида ёхуд конун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул киласди.

Учинчи ўқишида конун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан тўлалигича овозга кўйилади.

Конун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишида қабул қилинган тақдирда, масъул қўмитанинг таклифига биноан қонунни кейинги ўқишилар тартиб-таомилини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга кўйилиши мумкин. Конун Қонунчилек палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Қонунчилек палатаси томонидан қабул қилинган конун ўн кун ичida Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга конун билан

биргаликда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган материаллар юборилади.

**Қонунни қабул қилиш.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиши лозим. Қонун ижодкорлиги жараёнида ушбу босқичнинг аҳамияти шундан иборатки, ушбу босқичда қонун лойиҳаси расмий юридик кучга эга бўлади.

Қонунчиликка биноан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини икки йўл билан қабул қилиш мумкин. Хусусан, уларнинг биринчиси – қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши ва Сенат томонидан маъқулланиши бўлса, иккинчиси, қонуннинг умумхалқ овоз бериши, яъни референдум йўли билан қабул қилинишидир.

Қонун овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қонун лойиҳасига овоз бериш уч хил шаклда амалга оширилади: 1) моддама-модда; 2) бўлим ёки боб бўйича алоҳида-алоҳида; 3) лойиҳа тўлиғича овозга кўйилади. Ҳар бир қонунни қабул қилиш чоғида овоз бериш тартиби Олий Мажлис палаталари томонидан алоҳида белгиланади. Қонунларни қабул қилишнинг, овоз беришнинг умумий коидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституяси ва Олий Мажлис палаталарининг амалдаги Регламентларида белгилаб берилган.

Қонунларни умумхалқ овоз бериши (референдум) оркали қабул қилиниши масалалари “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуни билан белгиланади. Хусусан, мазкур қонуннинг 1-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг референдуми – Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умухалқ овоз бериши бўлиб, ҳалқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар мамлакатимиз худудида олий юридик кучга эга бўлади.

Қабул қилинган қонунни парламентнинг юкори палатасида маъқуллаш икки палатали парламентларга хос хусусият ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиқтирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган кўмитага топширилади. Одатда Сенат кўмиталарининг қонун муҳокамасига бағишлиланган мажлислари очик

ўтказилади. Зарурат бўлганда Сенат кўмиталари ёпик мажлис ўтказиш хақида қарор қабул қилиши мумкин.

Кўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг намоёндалари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органлари, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари тақлиф этилиши мумкин. Келиб тушган таклифларни масъул кўмита қонун юзасидан хулоса тайёрлаётганда умумлаштиради.

Масъул кўмитанинг хулососида конунни маъкуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо бўлиши керак. Қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосада масъул кўмитанинг конунни рад этиш зарур, деб ҳисоблашининг важлари баён этилиши лозим. Масъул кўмитанинг хулососи Сенат Кенгашига тақдим этилади, Кенгаш конунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қиласди.

Сенатнинг мажлисида конунни кўриб чиқиши маърузачининг масъул кўмита хулососини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Кўриб чикилаётган қонун юзасидан унинг муҳокамаси тартибida сенаторлар сўзга чиқишилари мумкин. Муҳокама натижалари асосида Сенат конунни маъкуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъкулланади. Сенат томонидан маъкулланган қонун имзоланиши ва эълон килиниши учун Сенат қарори билан биргалиқда белгиланган тартибida Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенат қонунни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қиласа, у рад этиш важларини кўрсатиши керак. Унда бир вақтнинг ўзида қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек, келишув комиссияси тузиш хақида тақлифлар баён этилиши мумкин. Сенатнинг қонунни маъкуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичидаги Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида **келишув комиссиясини** тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасида келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Қонунчилик палатаси Спикеридан, шунингдек, фракциялар ва депутатлар гурухларидан чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида тасдикланади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайдилар. Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хуласа қабул қиласди. Хуласага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади. Хуласа Қонунчилик палатаси ва Сенатдан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланади ҳамда тегишли тартибда Қонунчилик палатаси ва Сенатга топширилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган такдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни қайта кўриб чиқища келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади.

Келишув комиссиясининг лоакал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъкулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда, ишни давом эттиришни таклиф килиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қонунни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қиласа, у маъкуллаш учун Сенатга юборилади. Агар келишув комиссиясининг қонун бўйича ишлари якунларига кўра келишувга эришилмаса, қонун Сенат томонидан рад этилган қонун сифатида қайта кўриб чиқилиши керак.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 15<sup>1</sup>-моддасида Сенат томонидан рад этилган қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиши тартиби белгиланган. Унга кўра, Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатаси томонидан бир ойлик муддатда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Масъул қўмита Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан хуласа беради. Масъул қўмитанинг хуласаси олинганидан кейин

қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиши масаласи белгиланган тартибда Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилади.

Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқиша Қонунчилик палатаси қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун белгиланган тартибда келишув хайъатини тузиш;

қонунни Қонунчилик палатаси томонидан аввалги қабул қилинган таҳририда қабул қилиш;

қонунни Қонунчилик палатасининг қайта кўриб чиқишидан олиб ташлаш.

Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

**Қонунни имзолаш ва эълон қилиш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичидаги имзоланади ва эълон қилинади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътиrozлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичидаги имзоланиши ва эълон қилиниши керак. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниклади.

Қабул қилинган ва Президент имзолаган қонуннинг матни Олий Мажлисга саклаш ва эълон қилиш учун юборилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари агар ҳужжатнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида”ти қонунининг 28-моддасида “Норматив-хукукий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким хукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-

мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум килиниши мумкин эмас”, деб белгилаб қўйилган. Зеро, норматив-хуқуқий хужжатларнинг эълон килиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари, Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари маълумотлари мислий базаси норматив-хуқуқий хужжатлар эълон килинадиган расмий манбалар хисобланади.

### **3-§. Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш**

---

Ҳар томонлама мукаммал, сифатли ва зиддиятлардан холи норматив-хуқуқий хужжатларни яратишида унинг лойиҳаларини тайёрлаш боскичида белгиланган талаблар асосида фаолият юритиш мухим омил бўлиб хизмат килади. Шу боис, конунчиликда мазкур жараённи тартибга солишига каратилган катор коидалар белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонунида норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш тартиби мустаҳкамланган. Унга кўра, норматив-хуқуқий хужжатларни қабул килувчи (ишлаб чиқувчи) органлар ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш ёки конун хужжатлари нормаларини такомиллаштириш максадида норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий (бир йилгача бўлган муддатга) ва истикболга (бир йилдан ортик муддатга) мўлжалланган режаларини (дастурларини) ишлаб чикиши ҳамда тасдиқлаши мумкин.

Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш тартиби норматив-хуқуқий хужжатларни қабул килувчи (ишлаб чиқувчи) органлар томонидан белгиланади.

Ўз ўрнида мазкур норматив-хуқуқий хужжатларни қабул килувчи (ишлаб чиқувчи) субъектлар доирасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқуқий хужжатлар қабул килиш хуқукига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар киришини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш қуйидаги муайян тартиб, яъни ҳаракатлар кетма-кетлиги асосида амалга оширилишини қайд этиб ўтиш лозим:

- лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чикиш ва уни тайёрлаш ҳакида карор қабул килиш;

- лойиҳа тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш;

- зарур материаллар ва ахборот тӯплаш;

- лойиҳанинг концепцияси баён килинган тушунтириш хатини ишлаб чикиш;

- лойиҳани тузиш;

- хукукий ва бошқа зарур экспертиза ўтказиш.

Норматив-хукукий хужжатлар лойиҳасини тайёрлашда унинг ташкилий жиҳатлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Норматив-хукукий хужжат лойиҳасини тайёрлаш учун лойиҳани ишлаб чиқаётган ташкилот томонидан ишчи гурӯҳ (комиссия) тузилиши мумкин. Ишчи гурӯҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчининг тегишли бўлинмаларининг, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ёки идораларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, фукаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фукаролар ўз розилиги билан ишчи гурӯҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Бунда ишчи гурӯҳ (комиссия) аъзолари норматив-хукукий хужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

Айни пайтда, ишлаб чиқувчи ишчи гурӯхнинг (комиссиянинг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва ўзга ташкилотлардан норматив-хукукий хужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва бошқа маълумотларни олишга, лойиҳа юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, шунингдек эксперtlар хulosаларини олишга ҳақлиdir.

Ўз навбатида, норматив-хукукий хужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-хукукий хужжат лойиҳасини тайёрлашни давлат органларига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айrim фукароларга белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши норматив-хукукий хужжат лойиҳаси учун танловлар ўтказишга ҳақлиdir.

Бундан ташқари, норматив-хукукий хужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-хукукий хужжатларнинг мукобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айrim фукароларга ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши норматив-хукукий хужжат лойиҳаси учун танловлар ўтказишга ҳақлиdir.

Норматив-хукукий хужжат лойиҳасини тайёрлаш жараёнида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини

ишилаб чиқиши билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, норматив-хукукий хужжат лойиҳасини тайёрлашда конун хужжатларининг ҳолатини, кўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва ҳалқаро тажрибани ўрганиш унинг ҳар томонлама мукаммал бўлишини таъминлайди.

Шунга боғлиқ ҳолда норматив-хукукий хужжат лойиҳасини тайёрлашда ишилаб чиқувчи қўйидаги жиҳатларга эътибор каратади:

- конун хужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича кўлланилиш амалиётини ўрганади;

- ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини хукукий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатадиган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек, хукукий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, конун хужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлайди;

- давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, айрим фукароларнинг таклифларини, оммавий аҳборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

- ҳалқаро хукуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олади, шунингдек, хукукий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганади.

Юкорида қайд этиб ўтилган талабларнинг бажарилиши норматив-хукукий хужжат лойиҳасининг ҳаётийлигини, амалиёт эҳтиёжларини, ижобий ҳалқаро тажрибани миллий хукук тизимига сингдиришни таъминлайди.

Ўз навбатида жамият ва давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси конунларининг лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Шунингдек, ушбу жараёнга манфаатдор давлат органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар ҳам жалб этилади.

Албатта бунда норматив-хукукий хужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараённида баён этилган таклифлар ва мулоҳазалар тавсия хусусиятига эга эканлигини ҳамда улар ишилаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилиши кераклигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Норматив-хукукий хужжатлар сифатини оширишда уларнинг илмий асосланганлигини ва давлатимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий масалалар билан узвий боғликлиги ҳамда юридик техника талабларига

тўлиқ мувофиқлигини таъминлаш каби масалалар долзарб вазифалардан хисобланади. Ушбу вазифаларнинг амалга ошишида норматив-хуқукий хужжатлар лойиҳаларини экспертиза килиш мухим аҳамият эга. Шу жиҳатдан қараганда, норматив-хуқукий хужжатларни мукаммал, янги ижтимоий муносабатлар кўлами ва даражасига мос равишда қабул қилиш жараёнида хуқукий экспертиза институти мухим аҳамият касб этади. Айни пайтда, хуқукий экспертиза – идоравий норматив-хуқукий хужжатнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа конун хужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, конунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек, ҳавола килувчи нормалар кўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишни амалга ошириш эканлигини кайд этиб ўтиш лозим.

#### **4-§. Норматив-хуқукий хужжатларнинг вакт, худуд ва шахсларга нисбатан амал қилиши**

---

Норматив-хуқукий хужжатлар вакт, худуд ва шахсларга нисбатан амал қилиш доирасига эга бўлади.

Норматив хужжатларнинг *вакт бўйича* амал қилиши унинг қабул килиниши ҳамда унинг ўз кучини йўқотиш вактини англатади. Бунда учта ҳолат эътиборга олинади: конуннинг кучга кириш вакти, уни ҳаракат вактининг тугаши, норматив-хуқукий хужжат асосида ўрнатилган юридик нормаларнинг, ушбу хужжатни кучга киргунига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан кўлланиши.

Қабул қилинган ёки ўрнатилган норматив хужжатларни ҳаётга татбиқ этишининг мухим шартларидан бири унинг *амал қилиши* доирасини аниқ қилиб белгилаб қўйилишидадир.

Норматив-хуқукий хужжатлар, агар хужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий зълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. Агар норматив-хуқукий хужжатларнинг кучга кириш вакти хужжатнинг ўзида кўрсатилган бўлса, ушбу вактдан бошлаб кучга киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қабул қилинган вакти 1994 йил 22 сентябрь бўлса, кучга кириш вакти эса 1995 йил 1 апрель қилиб белгиланган.

Норматив-хуқукий хужжатлар орқага кайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг конуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан конунда тўғридан-тўғри назарда тутилган

ҳоллардагина татбиқ этилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонуни содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилпроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишини ёхуд кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарап етказса, қонунга оркага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

Норматив-хуқукий хужжат, агар унинг матнида бошқача изоҳ, норма берилмаган бўлса, муддатсиз амал киласи. Норматив-хуқукий хужжатнинг амал килиши муддати бутун хужжат учун ёки унинг кисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда норматив-хуқукий хужжат ёхуд унинг кисми қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига кадар ўз кучини саклаб қолиши кўрсатилиши керак.

Норматив-хуқукий хужжатни кабул килган орган белгиланган муддат тугагунига кадар ёки ҳодиса юз бергунига қадар хужжатнинг ёки унинг кисмининг амал килишини янги муддатга, бошка ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёхуд норматив-хуқукий хужжат қонун хужжатларига, ўтказилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги баркарор хуқукий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирда хужжатга (унинг кисмига) муддатсиз тус бериш ҳакида карор кабул килиши мумкин.

Норматив-хуқукий хужжатнинг ёки унинг кисмининг амал килиши уни кабул килган орган ёхуд унинг юкори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига кадар тўхтатиб турилиши ҳам мумкин.

Норматив-хуқукий хужжат ёки унинг кисми қуидаги ҳолларда ўзининг амал килишини тугатади:

- норматив-хуқукий хужжат ёки унинг кисми мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса юз берганда;
- норматив-хуқукий хужжат ёки унинг кисми қонунда белгиланган тартибида Конституцияга хилоф ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда;
- норматив-хуқукий хужжат ёки унинг кисми ўз кучини йўқотган деб топилганда;
- норматив-хуқукий хужжат ёки унинг кисми бекор килинганда.

“Норматив хуқукий хужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасида норматив-хуқукий хужжатларнинг кучга кириш тартиби белгилаб қўйилган.

Унга кўра, норматив-хуқукий хужжатлар, агар хужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу конуннинг 31-моддасида норматив-хуқукий хужжатнинг оркага қайтиш кучига оид қоидалар назарда тутилган. Унга кўра, норматив-хуқукий хужжатлар оркага қайтиш кучига эга эмас ва улар

амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган холлар бундан мустасондир. Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган холлардагина татбиқ этилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонуни содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилрок жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишни ёхуд кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар етказса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

“Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг **вакт бўйича** амал қилишига оид коидалар ўз ифодасини топган. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқача изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал киласди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг қисми қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини саклаб қолиши кўрсатилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни кабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ёки ҳодиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилишини янги муддатга, бошка ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун ҳужжатларига, ўтказилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги барқарор ҳуқуқий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирда ҳужжатга (унинг қисмига) муддатсиз тус бериш ҳакида қарор қабул қилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қуидаги ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади:

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса юз берганда;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қонунда белгиланган тартибда Конституцияга хилоф ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий

**Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатларо шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;**

- норматив-хукукий хужжат ёки унинг қисми ўз кучини йўқотган деб топилгандা;
- норматив-хукукий хужжат ёки унинг қисми бекор қилингандা.

Норматив ҳукукий хужжатларнинг ҳудуд **бўйича** амал қилиши мамлакатнинг бутун ҳудудига нисбатан татбиқ этилади. Норматив-хукукий хужжатнинг ҳудуд бўйича амал қилиши норматив-хукукий хужжатни қабул қилган органнинг юрисдикцияси, яъни фаолият ҳудуди билан белгиланади. Норматив-хукукий хужжатни қабул қилган орган унинг ҳудуд бўйича амал қилиши доирасини чеклаб кўйиши мумкин. Давлат ҳудуди тушунчасига куйидагилар киради: қуруқлик, сув ҳудудлари, ҳаво бўшлиғи, хориждаги элчихоналар ва ваколатхоналар эгаллаб турган ҳудуд, муайян давлат байроби остида бўлган денгиз, дарё, ҳаво ва космик кемалар ҳудуди. Қоида тарикасида норматив-хукукий хужжатлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бирдек амал қиласди. Бундан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари мустаснодир. Шу билан бирга, норматив-хукукий хужжатни қабул қилган орган ҳужжатнинг ҳудуд бўйича амал қилиши доирасини чеклаб кўйиши мумкин.

Норматив-хукукий хужжатларнинг **шахслар бўйича** амал қилиши деганда, уларнинг Ўзбекистон Республикасида фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, давлат органларига, жамоат ташкилотларига, чет эл фуқароларига тегишлилиги тушунилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган қонуннинг 34-моддасида норматив-хукукий хужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши тартиби белгилаб кўйилган. Унга кўра, норматив-хукукий хужжатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширганда чет эл юридик шахсларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

## 5-§. Юридик техника ва қонун тили

Норматив-хукукий ҳужжатларни қабул килиш мураккаб ва давлат аҳамиятига эга бўлган масъул вазифадир. Норматив-хукукий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул килишда қатор талабларга амал қилиниши лозим. Бундай талаблар юридик техника ва қонунчилик техникаси қоидаларни қўллашда намоён бўлади.

**Юридик техника** – бу ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан норматив-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул килиш, расмийлаштириш, амалдагиларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, эскиларини бекор қилишда ҳамда индивидуал юридик ҳужжатлар, яъни хукукни қўллаш ҳужжатларини қабул килиш жараёнида фойдаланиладиган услублар, усувлар, йўллар ва воситалар, шунингдек, амалий кўнкималар мажмуудан иборат.

Қонунчилик техникаси юридик техниканинг таркибий қисми хисобланади.

Қонунчилик техникасининг энг муҳим талабларидан бири – бу ҳар бир яратилган қонун, энг аввало, мантикий изчилликка асосланган ҳолда, бир-бирига боғлиқ ва ҳар бири олдинги норманинг мазмунидан келиб чиқадиган нормалар тизимидан иборат бўлиши керак. Бошқачароқ айтганда, ҳар бир норма яхлит бир тизимнинг мустакил, бироқ ўзигача ва ўзидан кейинги нормаларга мазмунан боғлиқ бирлиги сифатида жойлаштирилиши лозим.

Бунда, норматив-хукукий ҳужжатнинг, жумладан, қонун

**Қонунчилик техникаси** – бу қонунларни қабул килиш, расмийлаштириш ва эълон килиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, эскирганларини бекор қилиш жараёнида амал қилиниши лозим бўлган талаблар, қоидалар, принциплар, усул ва воситалар йиғиндиси.

ҳужжатнинг бирон-бир нормаси бошқа нормага мазмунан зид келмаслигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир норма ягона тизимнинг бўғини сифатида умумий қонун ҳужжати йўналишига мос келиши лозим. Бироқ бу фикр, бир норматив-хукукий ҳужжат ичida зиддият бўлмаса бўлди, дегани эмас, албатта. Алоҳида олинган норматив-хукукий ҳужжат яхлит қонунчилик тизимидағи барча хуқукий нормаларга зид келмаслиги лозим. Шу жиҳатдан караганда, хуқукий тизимда ўзаро зиддиятлар бўлмаслигига эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Норматив-хукукий ҳужжатларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари бир қатор қонун ва қонуности

хужжатларида белгилаб кўйилган. Хусусан, қонун хужжатларига кўра, норматив-хукукий хужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши лозим. Бунда, норматив-хукукий хужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун хужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда кўлланилиши талаб этилади.

Айни пайтда, эскирган ҳамда кўп маънени англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар кўлланилишига йўл кўйилмаслиги лозим.

Албатта норматив-хукукий хужжатларнинг ҳаётийлигини таъминлашда уни амалга оширишнинг хукукий воситалари, шу жумладан молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат килиш чора-тадбирлари кўрсатилиши муҳимdir. Шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-хукукий хужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари, агар бундай чоралар қонун хужжатларида назарда тутилмаган бўлса ёки алоҳида норматив-хукукий хужжатда белгиланмаслиги керак бўлса, назарда тутилиши зарур. Чунки, акс ҳолда ушбу хужжатлар декларатив характерга эга бўлиб, уларнинг ижросини амалиётда таъминлаш механизmlари суст бўлиб қолади.

Шу ўринда норматив-хукукий хужжат унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни камраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтиш билан бирга муқаддималарга хукукий нормалар киритилмаслигини айтиб ўтиш зарур.

Норматив-хукукий хужжатларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришда хукук нормаларини қисм, бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, моддаларга ажратиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, хукук нормалари ифодаланган моддалар тартиб ракамига эга бўлиб, улар ўз навбатида қисмлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошиларни камраб олиши мумкин.

Зарур ҳолларда, норматив-хукукий хужжатда юридик, техник ва бошқа маҳсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилиши, умумқабул қилинган қисқартмалар кўлланилиши ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилиши мумкинлиги белгиланган.

Норматив-хукукий хужжатларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришда уларнинг ҳажмини кенгайиб кетишини олдини олиш, тақрорлашларга йўл кўймаслик, тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ҳаволалар (бланкет нормалар) кўлланилади. Шу билан бирга, ҳаволалар аниқ бўлиши ва норматив-хукукий хужжатни ёхуд унинг алоҳида коидаларини кўрсатиши керак.

Норматив-хукукий ҳужжатларнинг қонунийлиги ва расмийлигини таъминлашда уларнинг реквизитлари мухим ўрин тутади. Амалдаги қонунчиликка биноан норматив-хукукий ҳужжатлари куйидаги реквизитларга эга бўлиши талаб этилади:

хужжатнинг тури ва номи;

хужжат қабул қилинган жой, сана, рақами;

тегишли норматив-хукукий ҳужжат матнини тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахснинг лавозими, имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси.

Айни пайтда, қабул қилинаётган ҳар қандай норматив-хукукий ҳужжатларда унинг кучга кириш муддати кўрсатилиши лозим.

Юридик техника коидаларидан яна бирни бу норматив-хукукий ҳужжатларнинг тил коидаларига мос ҳолда тайёрланишидир. Шу боис, норматив-хукукий ҳужжатлар матнини тайёрлашда адабий тилнинг мухим шакли хисобланадиган қонун тили коидаларига қатъий амал қилиш лозим. Ўз навбатида, қонун тили алоҳида маҳсус бир тил тушунчасини англатмайди. У “қонун тили” деб номланса-да, миллий адабий тилнинг ажралмас бир таркибий кисми хисобланади. “Қонунчилик тили”, “қонун тили” атамалари шу маънодаки, унда қонун чиқарувчининг ўз фикрини ва мажбурий хукукий нормаларни ифодалашда тил воситаларидан қандай фойдаланиши тушунилади. Тил жамиятдаги барча масалалар бўйича инсонларнинг ўзаро муомала воситаси бўлса, қонун тили эса унинг мухим бир таркибий кисми сифатида ижтимоий хаётнинг қонун, хукуқ иш кўрадиган соҳасига тааллуклидир<sup>1</sup>.

Маълумки, ҳар қандай қонун ўз матнига эгадир. Матн эса, ўз навбатида, мантикий, грамматик асосларга эга бўлиб, улар ёрдамида матнда мужассамлашган аҳборот тегишли хукуқ субъектига етказилади. Қонунчилик матнининг лингвистик асосини сўз, гап, сўз биримлари каби лексик бирликлар ташкил қиласи. Қонун матнининг грамматик таркибий элементлари сифатида орфография (имло коидалари) ва пунктуация (тиниш белгилари тизими) ни кўрсатиш мумкин. График стандартлар эса, қонун матни, унинг таркибий кисмларига лўндалик ва тузилмавийлик хусусиятини беради. Бинобарин, қонун матнининг барча элементлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб туради. Хукуқ нормаларини грамматик жиҳатдан тўғри баён қилиш, ўз навбатида, қонунчилик ҳужжатларини тузиш ва улар билан ишлашда мухим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Каранг: Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техники асослари. –Т.: Адолат, 2001. – Б.40–41.

Қонунга кўйиладиган тил талабларини тилинг лексик жиҳатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда гап ҳукук ижодкорининг иродасини ифодаловчи норматив грамматик гаплар, юридик иборалар, сўзлар ва қисқартмалар тўғрисида бормоқда.

Қонунчилик тилига расмий хусусиятлар, яъни аниқлик, оддийлик, лўндалиқ, қисқалик каби хусусиятлар ҳам тегишилдири. Ҳукукий воқелик расмиятчиликсиз бўлмайди, чунки ҳукук билан ўрнатилган тартибот расман шакллантирилган андозасиз мавжуд бўла олмайди. Демак, ўз-ўзидан қонун ижодкорининг иродасини маҳсус шакл ва усусларда баён қилиш зарурати юзага келади. Қонунчилик матнида қатъий усул, аниқлик ва яхлитлик талабларига риоя этиш лозим.

Қонун ҳужжатлари ахолининг кенг доирасига қаратилган бўлади. Шу боис, қонунчилик тилининг ўта мураккаб ва сунъий тарзда катта ҳажмли бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Бинобарин, қонунчилик ҳужжатлари аниқ ва тушунарли бўлиши ҳамда улар келажакда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишига қаратилганлиги ва давлат иродасини ифодаланиши билан ҳам тавсифланади.

Шу билан бирга, бугунги кунда илмий ва технологик тарақкиёт ҳамда ривожланиш жараёнларининг жадал суръатлар билан кечеётганлиги ҳукуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ва ўз-ўзидан қонун тилининг ҳам мураккаблашувига олиб келади. Шу жиҳатдан қараганда, бундай шароитларда қонунчилик тилини оддий тарзда баён этиш ва барча учун тушунарли бўлишини таъминлаш анча мураккаб масаладир. Бундан ташқари, қонун тилини сунъий ва мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда соддалаштириш ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўз ўрнида, қонун ижодкорининг иродасини нисбатан камроқ атамаларни кўллаган ҳолда ифодаланиши амалиёт учун ижобий аҳамият касб этади. Қонунчилик ибораларининг лўндалиги, ўз навбатида, уларнинг ўзаро алокадорлигини таъминлайди. Қонун матнининг қиска ва мухтасар ифодаланиши, унинг мазмун моҳиятини тушунишни ҳамда амалиётда ижросини таъминлашни енгиллаштиради.

## Назорат саволлари

- 
1. Қонун ижодкорлиги жараёнидаги илмийлик, профессионализм, қонунийлик, демократизм, ошкоралик ва тезкорлик тамойилларининг мазмунини ва аҳамиятини изоҳланг.
  2. Қонун лойиҳалари экспертизасига кўйиладиган умумий талабларни атрофлича ёритиб беринг.

3. Қонунчилик техникасининг қоида, усул ва воситалари тушунчаларини ёритиб беринг.

4. Ўзбекистонда хуқук ижодкорлиги субъектлари ва турларини қонун хужжатлари асосида кўрсатиб беринг.

5. Қонулар хуқук ижодкорлиги маҳсули ҳисобланади. Бирок уларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши қонуннинг ижтимоий ҳаётдаги тутган ўрни ва аҳамиятига боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Қонун норма ижодкорлигининг муҳим таркибий қисми бўлган қонун ижодкорлиги жараёнида яратилади.

*Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлигининг ўзига хос хусусиятларини муҳокама қилинг.*

6. Норматив-хуқуқий хужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким хукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир хуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Норматив-хуқуқий хужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

*Норматив-хуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг қучга кириши ва амал қилишини қонун ҳужжатлари асосида атрофлича ёритиб беринг.*

## XII БОБ. ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ

### 1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси

Ҳуқуқ тизими – бу ижтимоий муносабатларнинг характеристи билан боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг ички тузилиши бўлиб, у ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларининг катъий илмий изчилилликда жойлашган тартиби. Ҳуқуқ тизими – бу ижтимоий ҳаётнинг умумий конуниятлари асосида шаклланадиган объектив ҳуқукий ходиса.

Ҳуқуқ тизими – бу ҳуқуқнинг ички тизимидан иборат бўлиб, ўзаро узвий алоқадорликда ва диалектик умумийликда бўлган ҳуқуқ нормалари, институтлари ва соҳаларидан ташкил топади.

*Ҳуқуқ тизимининг белгиларига қўйидағилар киради:*

1)унинг бирламчи элементи сифатида ҳуқуқ нормалари намоён бўлиб, улар, ўз навбатида, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларига бирлашадилар;

2)элементлар бир-бирини инкор қиласдан, балки улар ички ўзаро алоқадорликда бўлиб, унга яхлитлик бахш этади;

3)у ижтимоий-иктисодий, сиёсий, миллий, диний, маданий ва тарихий омиллар билан шартлангандир;

4)ҳуқуқ тизими объектив характератга эга бўлиб, у мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

**Конунчилик тизими** – бу ҳуқуқ нормаларини ифода этиш шакли бўлиб хисобланадиган ҳуқуқ манбаларининг мажмуи (йигиндиси).

*Ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмлари:*

1. Ҳуқуқ нормаси.
2. Ҳуқуқ институти.
3. Ҳуқуқ соҳаси (тармоғи).

### 2-§. Ҳуқуқ соҳаси ва ҳуқуқ институти тушунчалари

Ҳуқуқ соҳаси – бу ҳуқуқ тизимининг алоҳида мустақил қисми бўлиб, ўзаро ўхшаши (бир турдаги) ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳаларини тартибга солувчи ҳуқукий нормалар йигиндиси.

Ҳуқуқ институти – бу ўзаро ўхшаши бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян тури ёки томонларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг йигиндиси.

Хукук тизимини соҳаларга бўлиш асосларининг мезони бўлиб нима хизмат қиласди, деган савол туғилади. Ҳозирги замон юридик фан нуктаи назаридан бундай асос бўлиб хукукий тартибга солишнинг предмети ва хукукий тартибга солишнинг методи ҳисобланади.

*Хукукни соҳаларга ажратишнинг асослари: ҳуқуқий тартибга олии предмети ва методи ҳисобланади.*

Ҳуқуқий тартибга солии предмети – бу маълум хукук соҳаси нормалари таъсир киладиган сифатан бир хил турдаги ижтимоий муносабатлар.

Ҳукукий тартибга солишнинг предмети – бу хукукнинг нимага таъсир этишини кўрсатади.

Ҳар қандай хукук соҳаси шундай хукукий нормаларни бирлаштиради, улар, ўз навбатида, ижтимоий муносабатларнинг аник турларини тартибга солади. Ҳукук нормалари ва ҳукук соҳаларининг бирлашуви хукук ижодкори хоҳиш-иродасига боғлик бўлмаган холда объектив сабаблар асосида юзага келади.

Бир хукук соҳасининг иккинчи хукук соҳасидан фарқининг асосий омили бўлиб, тегиши хукук соҳалари тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослигидир. Бу хослик уларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади.

Масалан, маълум хукукий муносабатларнинг фукаролик-хукукий (мулкий ва номулкий) муносабатларидан фарқларини айтиш мумкин.

Ҳукук нормаларини хукук соҳаларига бўлишда хукукий тартибга солиш предмети бош ролни ўйнайди.

Ҳар қандай хукук соҳаси ўзига хос бўлган хукукни тартибга солиш усулига (методига) эгадир. Ижтимоий муносабатларга таъсир этиш усулларининг ўзига хос хусусиятларига ҳамда улар ўртасидаги фарқларни белгиловчи томонларига ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ўзига хос характеристерга эгалиги таъсир этади.

Маълум хукук соҳаларида ҳокимиятлилик асосидаги мажбуурлаш усули бўлса, бошқаларида томонларнинг тенглиги асосидаги усул ва учинчисида эса, чекланган ҳаракатларни такиқлаш усули юкорида бўлади.

*Ҳуқуқий тартибга солии методи* – бу хукук соҳаларини тартибга солиш предмети ҳисобланган ижтимоий муносабатларнинг маълум турларига таъсир этиш усуллари.

Ҳукукий тартибга солиш усули бевосита хукукий тартибга солишнинг предмети билан белгиланади. Ҳукукий тартибга солиш усулининг асосий характеристикаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) хукукий муносабатлар иштирокчиларининг мавқеи, характеристери ва улар ўртасидаги ўзаро хукук ва мажбуриятларнинг тақсимланиши;

2) хукукий муносабат иштирокчиларининг ўзаро субъектив хукук ва мажбуриятларининг юзага келиш асослари тартиби (яъни зарур хукукий муносабатларни юзага келиши учун асос бўлувчи юридик факторлар);

3) субъектив хукукнинг бузилиши ёки субъектив мажбуриятларни бажармаслик оқибатида хукукка хилоф хулқнинг юзага келиши билан боғлиқ юридик оқибатларнинг характеристи (хукук нормалари талаблари ва уларни кўллашдаги хатоликлар учун давлатнинг мажбурлов чораларини кўллаш).

Шундай қилиб, хукук нормалари хукукий тартибга солишнинг предмети ва усули (методи)га мос ҳолда хукук соҳалари бўйича чегараланди. Давлат ва хукук назарияси фанида хукук тизимини соҳаларга бўлиш асослари муаммоси ҳозирда ҳам баҳсга сабаб бўлиб келмоқда.

### **3-§. Моддий ва процессуал хукук**

---

**Моддий хукук** – хукук субъектларининг хукук ва мажбуриятлари мазмунини аниклаб берувчи нормалар. Масалан, жиноят, фуқаролик ва меҳнат кодекслари.

**Процессуал хукук** – хукукларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш ҳамда ижро этиш тартибини белгиловчи нормалар. Масалан, Жиноят ва Фуқаролик процессуал кодекслари.

---

### **4-§. Хусусий ва оммавий хукук**

---

Хусусий хукук – бу алоҳида шахсларнинг (жисмоний ва юридик) эҳтиёжини қондириши ва манфаатини ҳимоя қилишига қаратилган хукук соҳаси. Масалан, фуқаролик, оила, меҳнат хукуқи.

Оммавий хукук – бу умумий оммавий ва давлат манфаатларини муҳофаза қилишига қаратилган хукук соҳаси. Масалан, конституциявий, жиноят, маъмурӣ хукук ва бошқ.

## **5-§. Қонунчиликни тизимлаштириш турлари: инкорпорация, кодификация, консолидация**

Норматив-хукукий хужжатларни тизимлаштиришнинг турлари:  
**инкорпорация, кодификация ва консолидация.**

**Инкорпорация** – қонунлар, фармонлар, хукumat қарорлари, фармойишлар ва бошка меъёрий-хукукий хужжатларнинг мазмунига ҳеч қандай ўзгариш киритмасдан алфавит, хронологик, тематик ва бошка тартибда тизимга солиб нашр этилиши.

Инкорпорациянинг қуидаги турлари мавжуд: **расмий ва норасмий.**

- **Расмий инкорпорация** – қонунчилик актларини уларни чиқарган ва ваколат берилган органлар томонидан тўплам ва мажмуаларда тизимлаштирилиши;
- **Норасмий инкорпорация** – бунда тўпламлар унга маҳсус ваколати бўлмаган идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

**Кодификация** – қонунлар ва бошка норматив-хукукий хужжатларни кодекслар чиқариш йўли билан тизимга солиш.

**Кодификация** – бу норматив-хукукий хужжатларни уларнинг мазмунига ўзгаришиш киритиш орқали мантикий асосда ягона меъёрий хужжат кўринишида тизимлаштириш. Кодификация килиш жараённида эскирган нормалар тугатилади, бутун нормалардаги қарама-қаршилик бартараф этилади, хукукий бўшликлар тўлдирилади.

**Консолидация** – бу тизимлашнинг шундай шакли бўлиб, бунда норматив-хукукий хужжатларнинг мазмунига ўзгаришлар киритилмайди (лекин бу нормалар мустакил юридик акт сифатида ўзининг кучини йўқотади).

## **6-§. Хукукий тизим. Асосий хукуқ тизимлари**

Хукукий тизим жамият ривожланишининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган, инсонлар ва уларнинг бирлашмалари томонидан онгли равишда ўз мақсадларини амалга ошириш учун қўллайдиган хукукий ҳодисалар йигиндисидан иборатдир.

Бу тушунча эса, ўз навбатида, қуидаги муҳим ғояни ифодалайди:

хуқук бу маълум бир йигинди; унинг белгилари ўзаро тасодифан эмас, балки муҳим алоқа ва муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, маълум жамиятда бир вактда ва бигта маконда рўй берадиган хуқукий ҳодисалар умуумийлик асосида бутун бир яхлит тизимга бирлашади. Хуқукий тизимда инсонларнинг табиий эҳтиёжлари уларнинг тафаккури, эрк-иродаси ва ҳиссиётлари, хуқукий анъаналар, техник-юридик воситалар бирлашмаси, жамоат бирлашмаларининг фаолияти билан уйгунликда намоён бўлади. Айнан шу хусусият билан хуқукий тизимдаги турли-туман хуқукий ҳодисалар, уларнинг сермазмун ҳолатлари, шунингдек, уларни англаш ва таснифлаш мушқуллиги ҳам ўзаро бирлашган.

Ушбу тушунчани ўрганиш жараённида тизимли методни қўллаш натижасида хуқукий тизимнинг кўйидаги энг муҳим 5 та белгисини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Хуқукий тизимнинг моддий жиҳатдан тизимлаштириш омилларидан бири бу хуқук субъекти бўлиб, унинг аҳамияти жуда каттадир. Айнан инсон (фуқаро, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс) ва инсонлар уюшма хуқукий вокеликни тўғри тушуниши (жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, акционерлик бирлашмалари, бошка тижорат ва нотижорат ташкилотлар ва давлат) бир катор хуқук ва юридик мажбуриятларга эга бўлиш билан бир каторда хуқукий тизимнинг ҳакиқий элементлари сифатида намоён бўлади;

2. Муайян шахснинг хуқукни англаши ва хуқукий (индивидуал ва ижтимоий) онгнинг шаклланиши. Хуқукий билимлар, руҳий кечинмалар, ҳиссиётлар, мафкуравий ғоялар ва дормалар, ахлоқий қонуниятлар йигиндиси инсонга хуқукий вокеликни тўғри тушуниш, унга тўғри муносабатда бўлиш ва хуқукий хулқ-авторни тўғри шакллантиришга йўналиш бериши ҳам, ўз навбатида, хуқукий тизимнинг алоҳида бир қисмидир;

3. Хуқукий тизимнинг яна бир тизимли ташкил топиш омили бу норматив-регулятив хусусият сифатида намоён бўладиган тушунча – хуқук нормасидир. Бу тушунча инсонларнинг адолат ва адолатсизлик, у ёки бу ижтимоий муносабатларни ривожлантириш муҳимлиги тўғрисида маълумот берган ҳолда хуқукий тизимнинг барча даражалари ўртасида боғловчи бўғин кўринишида намоён бўлади; хуқук нормалари ўзаро боғликларда яхлит кўринишида ифодаланади; хуқук нормаси халкнинг эркини ифодаловчи ва уни қонун даражасига кўтарувчи манба сифатида ривожланади; ўзининг универсал аҳамиятига кўра хуқук нормаси тизимнинг бошка катламларига ўз таъсирини ўтказади ва хуқукий материалнинг бошланғич даражаси хисобланади; ўз хусусиятларини намоён қилиш жараённида хуқук нормаси хуқукий тизимнинг такомиллашувига шароит яратиб беради, бу эса, ўз навбатида, хуқукий тизимнинг асосий ижтимоий функцияси – ижтимоий муносабатларни

тартибга солиш ва жамият ривожига ҳуқукий таъсир кўрсатишининг асосий мақсад ва йўналишларини белгилаб беради;

4. Ҳуқукий тизимнинг ташкилий-фаолият даражаси барча ҳуқукий жиҳатдан расмийлаштирилган алока ва муносабатларни, ҳуқукни амалга ошириш шакллари, инсонларнинг ҳуқукий хулқ-авторининг кўп турларини, давлат ва жамиятнинг ҳуқук ижодкорлиги ва ҳуқукни қўллаш фаолиятини камраб олади;

5. Ҳуқукий тизимнинг ижтимоий-натижавий даражаси шундан иборатки, бир томондан инсон ҳуқук субъекти сифатида ҳуқукий воқеликни тўғри англаши ва унда ўзини тўғри тутиши, иккинчи томондан, юридик нормалар амал қилишининг тегишли натижалари (ҳуқукий маданият, қонунийлик, ҳуқукий тартибот)ни тўғри тасаввур килишга ёрдам берадиган турли хил режим ва ҳолатлар қандай шаклланганлиги ва шахс ҳамда жамият манфаатларига қанчалик мувофик келишидан иборатdir. Бу борада ҳуқукда ифода этилган эркинликлар, имкониятлар ва талаблар ижтимоий ва сиёсий воқелик билан уйгуналашиб кетади. Айнан шу соҳада ҳуқукий тизимнинг сиёсий тизим ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва фаолият юритиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган моҳиятан хусусиятлари намоён бўлади.

“Ҳуқукий тизим” тушунчаси билан бир каторда юридик адабиётларда мазмуни ва ҳажми жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган тушунчалар: “ҳуқукий усткурма”, “ҳуқукий тартибга солиш механизми”, “ҳуқук тизими” ва “ҳуқук” тушунчалари кенг қўлланилади. “Ҳуқукий усткурма” тушунчаси ижтимоий тизимдаги барча ҳуқукий ҳодисаларнинг иқтисодий базисга нисбатан тутган ўрнини белгилаб беради, “ҳуқукий тизим” тушунчаси эса ҳуқукий ҳодисаларнинг ички функционал ва тизимли тузилишини ифода этади. “Ҳуқукий тартибга солиш механизми” тушунчаси ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнiga, функционал тарафга эътибор каратса, “ҳуқукий тизим” ҳуқуқнинг статик ва динамик ҳолатлари уйгунилигини, ушбу тизимга кирувчи барча элементлар яхлитлиги ва ўзаро алокасини ифода этади. “Ҳуқук тизими” ҳуқукий тизим норматив асосининг ички институционал тузилишини тавсифласа, “ҳуқукий тизим” давлат ва жамият миқёсидаги барча ҳуқукий ҳодисаларни қамраб олади.

## Асосий ҳуқуқий тизимлар

---

Тарихан ҳар бир мамлакатда ўз ҳуқукий одатлари, анъаналари, қонунчилиги, юрисдикция органлари, ҳуқукий маданияти ва ҳуқукий дунёкараши шаклланган. Ҳар бир мамлакатнинг ҳуқукий ўзига хослиги улардаги барча ҳуқукий ҳодисалар (нормалар, муассасалар, муносабатлар, ҳуқукий онг)нинг ягона ҳуқукий тизимни ташкил қилиши ҳақида сўз юритишга имкон беради. Лекин айнан шу ўзига хослик ва айримлик билан бир қаторда барча ҳуқукий тизимлар учун умумий ва ўхшаш бўлган хусусиятлар мавжуд бўладики, бу ҳолат бир қатор бир-бирига яқин бўлган мавжуд ҳуқукий тизимларни “ҳуқукий оилалар”га бирлаштириш имконини беради.

Турли давлатлар ҳуқукий тизимларини бирлаштиришнинг, таснифлашнинг куйидаги бир қатор мезонлари мавжуд:

1. Генезис (келиб чиқиши ва кейинги ривожланиши)нинг умумийлиги. Бошқача айтганда, ҳуқукий тизимлар ўзаро тарихан боғлик, ягона давлат-ҳуқукий илдизларга (ягона қадимги давлатдан келиб чиккан, бир хил ҳуқукий асосларга, тамойилларга ва нормаларга асосланган) эгалиги;

2. Бир хил манбаларга, нормаларнинг бир хил ифода этилиши ва мустаҳкамланиш шаклларига эга. Бу ерда ҳуқукнинг ташки ифода этилиши, унинг қаерда ва қандай расмийлаштирилиши ва қайд қилиниши (қонуларда, шартномаларда, суд карорларида ва одатларда), шунингдек, уларнинг роли, аҳамияти ва муносабати ҳақида гап боради;

3. Таркибий бирлиги, ўхшашлиги. Битта “ҳуқукий оила”га кирувчи мамлакатларнинг ҳуқукий тизимлари норматив-ҳуқукий материалнинг ички тузилишида бир-бирига яқин бўлиши кузатилади. Бу ўхшашлик микроўхшашлик – ҳуқук нормасининг тузилишида ва унинг белгиларида, макроўхшашлик – норматив материалнинг йирик бўлаклари (соҳалар, соҳалар ости ва бошқа бўлинишлар) тузилишида ифода этилади;

4. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тамойилларининг умумийлиги. Бир қатор мамлакатларда субъектлар эркинлиги гоялари, уларнинг тенглиги, одил судловнинг объективлиги ва ҳоказо; бошқа мамлакатларда – теологик, диний асослар мавжудлиги (масалан, мусулмон давлатлари); учинчи хил мамлакатларда эса социалистик, национал-социалистик гоялар ва бошқ.

5. Атамашунослик, юридик категориялар ва тушунчалар, шунингдек, ҳуқук нормаларини баён этиш ва тизимлаштириш техникаси бирлиги. Ҳуқукий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган мамлакатларда одатда мазмуни бир хил терминлар ва категориялар кўлланилади, бу

холат уларнинг келиб чиқиши бир хил кечганидан далолат беради. Шу сабабдан, бир ҳуқуқий тизимга кирувчи мамлакатларда конун қабул қилиш жараёнида, ҳуқуқий матнларни тузища, норматив материалнинг тузилишида, уни тартибга солища ва тизимлаштириша бир хил юридик конструкциялар, усуллар қўлланилади.

Кайд этиб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, дунёда куйидаги ҳуқуқий тизимлар мавжудлигини эътироф этиш мумкин:

1. Англо-саксон “ҳуқуқ оиласи” (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландия).
2. Романо-герман “ҳуқуқ оиласи” (Фарбий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатлари, Туркия ва Африканинг айрим мамлакатлари).
3. Диний-ҳуқуқий “ҳуқуқ оилалар” (давлат дини сифатида ислом, индуизм ва иудаизм жорий этилган мамлакатлари).
4. Социалистик “ҳуқуқ оиласи” (Хитой, Вьетнам, КХДР, Куба).
5. Одат ҳуқуки тизими (Экваториал Африка ва Мадагаскар).

### **Англо-саксон ҳуқуқий тизими**

**Англо-саксон ҳуқуқий тизимининг келиб чиқиши.** Англо-саксон ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши кўплаб тарихий, жўғрофий, миллий, сиёсий, иктисолий ва бошқа омиллар билан боғлиқ. Тарихий нуктаи назардан Англия ва англосаксон ҳуқуки учун норманилар истилоси оламшумул аҳамиятга эга эди. Бу давргача мамлакатда бир тизимга эга бўлмаган тарқоқ маҳаллий актлар, киролларнинг жамият ҳаётининг алоҳида томонларини тартибга солувчи буйруқлари амалда эди. Британияда деярли V аср давомида ҳукм сурган римликлар унинг ҳуқуқий ривожланишига бирон-бир таъсир кўрсата олмади. Рим ҳуқуки бу худудда жорий этила олмагани сабабли маҳаллий нормалар томонидан сиқиб чиқарилди.

Англия учун умумий бўлган ҳуқуқ 1066 йилги Вильгельм Фотих истилосидан сўнг пайдо бўлди. Айнан шу даврда марказлашган суд тизими, Қирол номидан жойларда суд ишларини кўрувчи қирол сайёр судлари (айниқса, қирол Генрих II ҳукм сурган пайтда) пайдо бўла бошлади. Даастлаб бу судларнинг ваколатига кирувчи суд ишларининг хажми анча тор эди, кейинчалик улар кенгая бошлади. Судьялар томонидан қабул қилинган карорлар бошқа суд инстанциялари томонидан шу турдаги суд ишларини кўриб чиқиш учун намуна бўла борди. Шу тариқа, Англия учун прецедентларнинг ягона тизими шаклана борди ва бу тизим «common Law» (“умумий ҳуқуқ”) деб аталди.

Суд низоларини кўриб чиқишида маҳаллий фуқаролардан прецедент ва қирол актларидан хабари бўлмаган, лекин ўз маҳаллий одат ва

анъаналарини яхши билгн эркин шахслар гувоҳ сифатида (*присяжный суд*) жалб этила бошланди. Махаллий одат нормалари қабул қилинадиган суд карорлари мазмунига муҳим аҳамият кўрсата бошлади. Айнан шу маънода Англияниң “умумий ҳуқук”ини одат-анъана ҳуқуки деб тушуниш мумкин.

XI асрнинг охири-XIV асрнинг биринчи ярмидан “умумий ҳуқук” тизими ривожланишининг чўққисига етди, лекин айни дамда бу тизимда прецедентлар сони ортиб бориши билан бирга консерватизм ва формаллашиш кучая борди, бу ҳолат эса XV асрга келиб, бу ҳуқук тизимида сифат жиҳатдан янги боскичнинг ривожланишига шароит яратди. Бу боскич “одиллик ҳуқуки”нинг пайдо бўлиши ва унинг “умумий ҳуқук”ка қарама-карши ривожланиши билан боғлиқдир. Пайдо бўлаётган бозор муносабатлари эски ҳуқуқий шаклларда керакли тарзда ифодалана олмаслиги туфайли монархга ишни прецедентлар ёрдамида эмас, балки “виждонан” ва “одилона” кўриб чикишни назарда тутувчи апелляция қилишнинг алоҳида тартиби шакллана борди. Бу апелляция одатда шикоятни қиролга бериш масаласини ҳал қиласидан лорд-канцлер орқали ҳал этиларди. Маълум вактдан сўнг ишни мазмунан кўриш ва ҳал этиш вазифаси лорд-канцлер зиммасига юклатилди ва у мустақил судьяга айланди.

Шу тарика, Англияда 2 мустақил ҳуқук тизими: умумий прецедент ва “одиллик ҳуқуки” шаклланди. “Одиллик ҳуқуки” секин-аста муҳим ўзгаришларга учради. Бу ҳуқук тизими олдин кўриб чикилган казуслар ёрдамида амалга оширила бошланди ва лорд-канцлер эса низониadolat нуктаи назаридан ўхашаш ишлар бўйича тайёр қарорлар ёрдамида ҳал этиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Англияниң прецедент ҳуқуки жаҳоннинг кўплаб мамлакатларининг ҳуқуқий ривожланишига жиддий таъсири кўрсатди. Бу таъсири доирасига АҚШ, Канада, Австралия, Хиндистон, Янги Зеландия каби мамлакатлар кирди. Лекин “умумий ҳуқук” Буюк Британияниң барча ҳудудларида эмас, балки факат Англия ва Уэльсда амалда кўлланиб келмоқда, Шимолий Ирландия, Шотландия ва колган орол ҳудудларда эса бу тизим кенг тарқалмаган. Ҳозирги пайтда англо-саксон тизимига кирувчи мамлакатлар доирасида конструктив ҳуқуқий ҳамкорлик амалга оширилмоқда, инглиз судлари томонидан ишлаб чиқилган кўплаб прецедентлар бошка мамлакатлар судлари томонидан кўлланиб келинмоқда ва аксинча.

**Англо-саксон ҳуқуки нормаларининг хусусиятлари.** Англо-саксон ҳуқуқида нормаларининг 2 тури мавжуд: конунчиллик ва прецедент. Конунчиллик нормалари (романо-герман тизимида каби) умумий характердаги юриш-туриш қоидаларидан иборат. Прецедент нормалари эса маълум иш бўйича қабул қилинган қарорнинг маълум бир кисмидан

иборат. Инглиз юристлари прецедент нормалари деб – «ratio decidendi», биринчидан, иш бўйича юридик карор ва, иккинчидан, карорнинг аргументациясининг шархланишига айтишади. Бу 2 белги карорнинг мазмунини ташкил қиласди, қарорнинг колган кисми “шунчаки айтилган” – «obiter dictum» деб аталади. Бу кисм колган бошка судлар учун мажбурий эмас, факат ишонтирувчи аҳамиятга эга. Амалиётда «obiter dictum»ни «ratio decidendi»дан ажратиб олиш жуда мушкул, бунинг учун кўплаб усул ва воситалар ишлаб чиқилган, лекин бу ўз самарасини бермасдан келмокда.

Ratio decidendiни шартли равища ҳуқук нормаси деб аташ мумкин. Иш бўйича карор ёки холосада ҳусусий ҳолат – казуснинг таҳлили келтириллади, судья маълум ҳолатни тайёр ҳуқук нормасига эмас, балки аввал бўлиб ўтган иш, ҳукукий аҳамиятга эга бўлган ҳодисага таққослайди, бу ҳолатларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлайди ва шундан кейингина прецедентни кўриб чиқилаётган ишга тааллуклилиги ёки умуман тўғри келмаслиги тўғрисида карор чиқаради. Бу механизмни нормани қўллаш деб аташ анча қийинчилик билан рўй беради, чунки прецедент орқали тартибга солиниши “норма-унинг амалга оширилиши” формуласи ёрдамида бажарилиши ҳуқукнинг асосий белгиси нормативликда деб хисоблайдиган романо-герман ҳуқукий анъянасига хосдир.

**Англо-саксон ҳуқукининг манбалари.** Англосаксон ҳуқукининг энг муҳим манбаси (шаклланиш жараёни нутқати назаридан) юкорида таъкидлангандек, суд прецеденти ҳисобланади. Айнан шу манба узок вакт мобайнида прецедент ҳуқуки деб атальмиш инглиз ҳуқукини ифода этиш ва мустаҳкамлашнинг асосий шакли бўлиб келган. Англияда суд прецедентлари факат юкори суд инстанциялари: Лордлар Палатаси, Махфий Кенгашнинг Суд қўмитаси (Иттифоқ аъзолари-давлатлар ишлари бўйича), Апелляция суди ва Юкори Суд томонидан яратилади. Қуий турувчи судлар прецедент яратмайди. Инглиз прецедент қоидаси қуидагича: аввал қарор килингани бўйича қарор қабул қилинсин (“stare decisis” қоидаси). Бу қоида императив характерга эга, яъни ҳар бир суд инстанцияси юкори турувчи суд томонидан ишлаб чиқилган прецедентга риоя қилишга мажбур.

Англо-саксон ҳуқукининг бошка манбаси қонун (*statutum*) ҳисобланади. У прецедентга краганда анча кейин пайдо бўлган бўлиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқукий тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келди. Инглиз қонунчилик актлари турли асосларга кўра таснифланади. Амал қилиш доирасига кўра қонунлар оммавий қонунларга ва ҳусусий қонунларга бўлинади. Оммавий қонунлар Буюк Британиянинг барча худудларида барчага тааллукли бўлади, ҳусусий қонунлар эса алоҳида олинган шахсларга ва алоҳида худудларда амалда бўлади.

Англо-саксон хукуки манбалари тизимида алоҳида ўрин юридик доктрина (хуқукий фан)га тегишилдири. Романо-герман хукуқ тизимида юридик доктрина юридик нормаларни ифода этиш ва мустаҳкамлашнинг мустақил шакли хисобланса, англо-саксон хукукида айрим юридик адабиётлар каби манбалар кўп ҳудудларда тан олиниб, улардан маълум ишларни хал этишда фойдаланилади. Бундай манбалар қаторига умумий хукуқ бўйича машҳур инглиз юристлари, кўпинча судьялар томонидан яратилган қадимги кўрсатмалар киради. Бу манбаларнинг аҳамияти кўп ҳолларда уларни яратган хукуқшунос олимларнинг назарий хуросалари билангина эмас, балки ушбу меҳнатларда келтирилган прецедентлар таҳлили билан белгиланади. Масалан, энг машҳур манба – Кок “Институцийлари” судларда кўпроқ бошқа прецедентлар тўпламларига қараганда кўпроқ мисол тарикасида келтирилади. Замонавий илмий кўрсатмалар англосаксон хукукининг бирламчи манбаси тарикасида эмас, балки суд ишларини хал этишда ишонтириш ролини ўйнайди.

Хуроса килиб айтганда, инглиз хукукида доктринанинг манба сифатидаги аҳамияти айнан хукуқ фани, назарий билимлар, ғоялар эмас, балки юристлар учун амалий қўлланма сифатида хизмат қиласиган суд шарҳлари, прецедент амалиётининг тавсифида кўринади.

**Англо-саксон хукукининг тузилиши.** Инглиз хукукида хукуқнинг оммавий ва хусусий хукукка бўлиниши мавжуд эмас. Унинг ўрнига инглиз хукуки “умумий хукуқ” ва “одиллик хукуқ”га бўлиниш ўрин олган. Прецедент нормалари ўз тузилиши ва алоҳида мазмунга эга бўлган казуслардан иборат. Англо-саксон хукукининг бу майда катакчалари ўртасида алоқа айрим ҳолатларга кўра мантикий рационал тусга эмас, балки анъанавий-тарихий характерга эгадир.

### **Романо-герман хукуқ тизими**

**Романо-герман хукуқ тизимининг пайдо бўлиши.** Романо-герман хукуқ тизими XII–XIII асрларда Европа мамлакатларига рим хукукининг тарқалиши натижасида пайдо бўлди. Рим хукукининг иктисадий соҳага тарқалишининг асосий сабаби савдо-сотик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва шаҳарларнинг кад кўтаришидан иборатдир. Қишлоқларда кенг тарқалган вассалитет муносабатлари ва патrimonиал юрисдикциясига асосланган феодал нормалар эркин шаҳарлардаги ўз-ӯзини бошқариш тамойилларига тўғри келмас эди. Тобора ривожланиб бораётган шаҳарларга бозор муносабатларининг иштирокчилари учун мустақиллик ва тенглик тамойилларига асосланган норматив-хукукий тартибга солишнинг бошқача тизими зарур эди. Бу тамойилларга тўла-тўқис жавоб берадиган хукукий тизим – рим хукуқи эди. Дастлаб Европада ўрта асрларда рим хукукининг ижтимоий асосини ва уни қўллаш доирасини шаҳар аҳолиси ташкил қиласи эди, лекин бир неча

асрлар үтиши билан кишлоқдаги тартиблар, ер билан боғлик муносабатлар ўзгариши натижасида шаҳарларда ташкил топган хукуқ тизими умуммиллий континентал хукуқ тизимига айланди.

Иктиносидий сабаблардан ташкари Европа мамлакатларига рим хукукининг кириб келишига яна бошқа ижтимоий-маданий сабаблар ҳам мавжуд эди. Бу ҳудудда илм-фан, санъат, маданиятнинг ривожланиши рим юридик тушунчалар, фикрлар, конструкциялар ва концепцияларни кабул қилиниши учун шароит яратди. Бу жараёнда рим хукуки баён этилган матнларни ўрганиш – *глоссаторлар мактаби* ва уларни ўрта асрлар талаблари ва тартибларига мослаштириш – постглоссаторлар мактабининг ишлари кенг кўламда олиб бориладиган университетлар муҳим роль ўйнаган. Романо-герман хукукининг айрим тадқиқотчиларининг фикрича, ушбу хукукни “акл хукуки” ёки “университет хукуки” деб аташлари тасодиф эмас. Университетларда фаолият юритган профессорлар юридик доктринани, тушунчалар аппаратини, кейинчалик эса муҳим конунларнинг, кодексларнинг лойиха ва моделларини ишлаб чиқишини такомиллаштирганлар. Ана шу университетларда судья, прокурор ва адвокатлар юридик таълимга эга бўлиш билан бирга рим юридик доктринасини амалиётда кўллашга ҳамкорлик қилишган.

ХШ асрдан бошлаб романо-герман хукуки жадал ривожланиб, давлат чегараларини енгид ўтган ҳолда оролда жойлашган Англиядан ташкари бутун Европага тарқалди. XVI–XVIII асрлардан бошлаб Европа хукукий ривожланиш жараёни янги шаклларда намоён бўла борди. Бу жараён миллатлар ва миллий давлатчиликларнинг шаклланиши натижасида миллий хукукий белгиларга эга бўла борди. Рим хукукининг умумий асослари ва тамойиллари миллий норматив тизимларга кириб кела бошлади. Бу жараён кўплаб мамлакатларнинг ижтимоий тузилиши хусусиятларини ҳисобга олган миллий конунчиликларни ишлаб чиқиши ва миллий кодексларни кабул қилиш билан якунланди.

**Романо-герман хукуки нормаларининг хусусиятлари.** Романо-герман хукуқ нормаси – конун чиқарувчи ёки ваколат берилган орган томонидан шакллантирилган умумий юриш-туриш қоидасидир. Бу норманинг англосаксон прецедент нормасидан асосий фарки унинг умумлашганида, мавхум эканлигига кўринади. Бу тизимда қонун чиқарувчи нормани юриш-туришнинг ижтимоий модели, рухсат берилган чегара сифатида белгилайди. Хукуқ нормасини яратиш учун алоҳида ҳолат – казус асос бўлган тақдирда ҳам бу казус умумлашган мавхум шаклда яратилади.

Шу билан бирга, романо-герман хукуқ нормасига умумлашган ҳолат салбий хусусият ҳам бағишлайди: норма қанчалик умумлашган бўлса, уни амалиётда қўллаш шунчалик қийинлашади. Нормани аниқлаштириш

ва шархлаш билан боғлиқ муаммо келиб чиқади. Бунинг учун қонун чиқарувчининг мақсадини аниқлаштирадиган ва шархлайдиган турли усуллардан фойдаланилади. Натижада судлар, арбитраж ва бошка органлар қонун моддаларини аниқлаштирадиган, тушунтирадиган ва шархлайдиган иккиламчи нормалар ва ҳолатларни ишлаб чиқишига мажбур бўладилар.

**Романо-герман хукукининг манбалари.** Романо-герман хукукининг энг муҳим ва асосий манбаси – конундир.

Конунлар бу хукуқ тизимиға кирувчи мамлакатлардаги парламентлар томонидан кабул килинади, ўша мамлакатлар ҳудудида олий юридик кучга эга бўлиб, барча фуқароларга нисбатан амалда бўлади. Замонавий доктрина нутқай назаридан қонунлар жамиятда кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини, ижтимоий адолат ва инсонга тегишли бўлган асосий хукукларини ифода этиши лозим. Қонун бошқа хукуқ манбаларига нисбатан устувор мавқега эга. Қонун одат, суд амалиётининг айрим ҳолатларини, давлатнинг ички ҳудудида тузиладиган шартномаларни ман килиши ёки қонунийлаштириши мумкин. Одат ёки доктрина қонун матнида мустаҳкамлангандан сўнг, қонуннинг бир кисми ва мазмунига айланади. Ҳозирги пайтда конунлар жамият хаётининг барча соҳаларини, субъектларнинг хукукий ҳолати ва улар ўргасидаги мулкий муносабатларни мустаҳкамлайди.

Романо-герман доктринаси бўйича конунлар конституциявий ва оддий (жорий) конунларга бўлинади. Ушбу тизимга кирувчи барча мамлакатларда конституциявий конунларнинг оддий қонунлардан устуворлик тамойили мустаҳкамланган. Конституциявий конунларнинг устуворлиги маҳсус конституциявий судларнинг ёки олий суд органларининг мавжудлиги билан таъминланади. Конституциявий қонунларни ўзgartириш ёки бекор килишнинг алоҳида тартиби мавжуд бўлиб, бунда депутатларнинг кўпчилик овоз билан берган розилиги талаб килинади. Қонунларнинг тартибга солиш предметига жамият тузилишининг муҳим масалалари, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари, давлат ҳокимиятининг ташкил килиниши киради.

Жорий конунлар тизимида кодификацияланган актлар – кодекслар алоҳида ўринга эга. Романо-герман хукуки англосаксон хукуқидан фаркли равища норматив материални тизимлаштиришга, ташки жихатдан бирлаштиришга эмас, балки ички тузилиши ва мазмунини бирлаштиришга катта эътибор каратади. Кодекслар одатда соҳавий (фуқаролик-хукукий, жиноят, савдо, оила ва бошқалар) характерга эга бўлиб, шу соҳалар бўйича кабул килинадиган бошқа конунларга пойдевор бўлиб хизмат килади.

Конунлардан ташкири романо-герман хукуқида ижро ҳокимияти томонидан кўплаб қонуности актлари: декретлар, регламентлар, йўрикномалар, циркулярлар ва бошқа хужожатлар кабул килинади. Бундан ташкири, романо-герман хукуқида иккинчи манба *одат* хисобланади. Тарихан кўплаб одат хукуки нормалари конунларда ўз аксини топди, унинг

мазмунини ташкил қилди. Ҳукуқнинг мустақил манбаси сифатида одат бугунги кунда ҳуқук тизимида қонунга кўшимча ҳолда бўлиб, иккинчи даражали аҳамиятга эга.

Романо-герман ҳукуқида учинчи манба сифатида айрим чекловлар билан суд амалиёти тан олиниши мумкин. Бу чекловларнинг мазмуни амалдаги доктрина га биноан ҳуқук нормалари қонун чиқарувчи ёки унинг ваколатли органи томонидан қабул килиниши мумкин деган қоидани англатади. Айни дамда қонунчиликдаги бўшликлар ва зиддиятлар, парламентлар томонидан суд органларига берилган кенг имкониятлар судьялар томонидан қонун нормаларини аниклаштирадиган, айрим ҳолларда эса қонун билан тўқнашадиган карорларни қабул килиш учун шароит яратади.

**Романо-герман ҳукукининг тузилиши.** Романо-герман ҳуқук тизимида кирувчи мамлакатларда Рим империясидан маълум ва машхур бўлган ва классик тарзда амалда бўлиб келаётган ҳукуқнинг оммавий ва хусусийга бўлинини мавжуд . Бундай бўлининшнинг асоси ва мезони умумий ёки давлат манфаати (ижтимоий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш) мавжудлиги, хусусий ҳукуқнинг эса – хусусий (алоҳида шахс, фуқаро ёки ташкилот) манфаат мавжудлигидир. Оммавий ҳуқук ҳокимият ва бўйсунишга, шахсларни мажбурлови механизмида асосланган субординация муносабатларини тартибиға солади. Унда ҳуқукий муносабатларнинг иштирокчилари томонидан ўзгартириб ёки тўлдириб бўлмайдиган императив нормалар етакчи кучга эга бўлади. **Оммавий ҳукуқка** анъанавий равишда конституциявий, жиноят, маъмурий, молия, процессуал ҳуқук соҳалари, меҳнат ҳукуқининг асосий институтлари ҳамда ҳалқаро оммавий ҳуқук соҳалари киритилган. **Хусусий ҳуқук** эса тенг ҳукукли ва мустақил ҳуқук субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибиға солади. Хусусий ҳукуққа фуқаролик, оила, савдо, ҳалқаро хусусий ҳуқук, меҳнат ҳукукининг айрим институтлари киритилган.

### **Мусулмон ҳуқуқи тизими**

**Мусулмон ҳуқуқи тизимининг пайдо бўлиши.** Мусулмон ҳуқуки ислом динининг мухим таркибий қисми бўлган шариат (Оллоҳ томонидан мусулмонларга берилган кўрсатмалар тизими)нинг бир қисми сифатида пайдо бўлган. “Фикҳ” атамаси билан аталган мусулмон ҳуқуки тарихи 570-632 йилларда яшаган Мұхаммад пайғамбар (САВ)дан бошланади. Мұхаммад Оллоҳ номидан эътиқодли мусулмонларга асосий юриш-туриш қоидаларини йўллаган. Бу нормалар кўп ҳолларда оммавий ташвиқотлар пайтида шаклланган. Ҳуқукий аҳамиятга эга бўлган нормаларнинг бошқа қисми Мұхаммад ҳаёти ва фаолияти давомида ташкил бўла бошлади. Кейинчалик у ва бу нормалар ислом дини ва

хуқукининг дастлабки манбаларида ўз аксини топди. Лекин бу нормалар мусулмон жамоасининг барча хуқукий муносабатлари йигиндисини тартибга солиш учун етарли эмас эди. Шу сабабли, Мұҳаммад вафотидан сўнг унинг хуқук яратиш ишини унинг якин сафдошлари халифалар Абу Бакир, Умар, Усмон ва Али давом эттирилар. Улар Куръон ва ҳадисларга таяниб, юриш-туришнинг янги қоидаларини Оллоҳ ва Мұҳаммад иродасига мувофик ишлаб чиқдилар. Куръон ва ҳадисларда ўз ечимини топмаган хуқукий масалалар эса халифаларнинг бирлашиб ўтказган маслаҳати ёрдамида ёки ҳар бир халифа томонидан ҳал этилар эди.

VIII–Х асрларга келиб мусулмон хуқукининг ривожланишига ислом фикҳунослари ва мусулмон судьялари – қозилар катта таъсир күрсатдилар. Уларнинг мусулмон хуқуки тизимининг шаклланишига күрсатган таъсири жуда аҳамиятли бўлгани сабабли айrim тадқикотчилар мусулмон хуқукини *юристлар* хуқуқи деб ҳам атай бошладилар. Айнан шу даврда исломнинг асосий мазҳаблари пайдо бўла бошлади, хуқуқдаги бўшликлар эса Куръонга қилинган шарҳлар асосида кўплаб янги кўрсатмалар вужудга келиши билан тўлдирила бошланди.

XIX аср мусулмон хуқукининг ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Қонунчиликнинг норматив тартибга солишнинг мустакил манбаси сифатида шаклланиши аста-секин юридик доктринанинг аҳамиятининг пасайишига ва кейинчалик сиқиб чиқарилишига олиб келди. Лекин шунга қарамасдан, юридик доктрина маълум жихатдан хуқуқ тизимиға муҳим таъсир кўрсатиб келмокда.

**Мусулмон хуқуки нормаларининг хусусиятлари.** Мусулмон хуқуки тизими бошқа хуқуқ тизимларидан ўзига хослиги, манбаларининг, тузилиши, атамалари, конструкциялари, норма тушунчасининг бетакорлиги билан фарқ килади. Континенталь Европа хуқуқунослари хуқуқ нормаси деганда, маълум тарихий қонун чиқарувчининг кўрсатмасини тушунсалар, ислом хуқуқунослари хуқуқ нормасини Оллоҳ номидан мусулмон жамоасига қилган қоидаси, деб тушунадилар. Бу талкин мантикий хulosаларга эмас, балки диний дормаларга ва эътиқодга асосланади, шу сабабли уни ўзгартириш, тўлдириш ёки бекор килиш мумкин эмас, у сўзсиз бажарилиши, унга итоат ва риоя қилиниши лозим.

**Мусулмон хуқукининг манбалари.** Аҳамияти кўра мусулмон хуқукининг энг асосий манбаси Куръон – мусулмонларнинг муқаддас китоби ҳисобланади. Ташки кўринишдан бу манба 114 сурадан иборат. Ундаги хуқукий кўрсатмаларнинг унча катта бўлмаган ҳажми ва мазмунининг кўп турлилиги бу манбанинг мусулмон хуқуки учун конституция ёки кодекс сингари тизимли ҳужжатга айланмаганидан далолат беради. Лекин шунга қарамасдан, Куръон мусулмон

хуқуқшунослари учун ислом хуқукининг энг асосий манбаси деб тан олинган.

Куръонга мазмуни жиҳатидан якин ва узвий боғлиқ бўлган яна бир аҳамиятли мусулмон хуқуки манбаси бу – сунна (хадислар) бўлиб, Бу манба Мухаммаднинг ҳаёти, турмуши, унинг ҳатти-ҳаракатлари, килган ишлари ва фикр-мулоҳазалари тўпламидан иборат бўлган. Бу манба бир неча асрлар мобайнида (VII–IXаср) шаклланаби келган.

Мусулмон хуқукининг учинчи манбаси бу – ижмо бўлиб, у обрўли ислом хуқуқшуносларининг умумий чиқарган қарори кўринишида бўлган. Мухаммад фикрича, мусулмонлар жамоаси хатоликка йўл кўйиши мумкин бўлмаган. Бу мулоҳаза ушбу манбанинг хуқукийлигини тан олишнинг асосига ётган. Мусулмон жамоаси номидан энг обрўли ва ўз соҳасининг билимдонлари – хуқуқшунослар ва диншунослар ягона қарор чиқарганлар.

Мусулмон хуқукининг тўргинчи манбаси бу – қиёс бўлиб, ўхшаш суд ишлари бўйича чиқарилган қарор кўринишида бўлган. Гарбий хукукий тизимларда бундай қарор мустақил манба сифатида тан олинмаган, у факат норматив ёки прецедент тартибга солишнинг ишини таъминлаган. Ислом мамлакатларида эса аналогияга асосланаб, қарор қабул қилиш алоҳида мазмун ва аҳамият қасб этади, чунки бундай қарорнинг таҳлилий ўзагини қонун чиқарувчининг рационал иродаси эмас, балки мутлак, абадий ва шубҳасиз диний ғоя ташкил киласди. Қиёс бирламчи норманинг ёки казуснинг бир қисми ёки давоми эмас, балки мустақил хуқук манбаси деб тан олинган.

Ислом давлатларида кейинги даврларда пайдо бўлган иккиламчи хуқук манбаларига қонун – норматив-хукукий хужожатни киритиш мумкин. Қонун ҳозирги пайтда кўплаб мусулмон давлатларида ижтимоий тартибга солишнинг муҳим чораси сифатида қаралмоқда. Қонунда бирламчи диний-хуқук манбаларни тўлдирувчи ва аниқлаштирувчи нормалар билан бир қаторда айни дамда Куръон, хадислар, ижмо нормалари билан тўқнашувчи холатлар ҳам ўз аксини топиши мумкин (никоҳ ёшини вояга етганлик ёши билан чеклаш, кредит-ссуда операцияларига рухсат бериш кабилар). Бундай ҳолларда бу манба мусулмон хуқукининг манбаси деб тан олинмаслик холатлари ҳам мавжуд.

Ислом хукукий тизимининг асосий манбаси диний-хукукий доктрина бўлиб, у мусулмон хуқукининг ички мантикий боғланишига ва ривожланишига, манбаларнинг ўзига хослиги ва ўзаро алоқасига катта таъсири кўрсатиб келмоқда. Айрим даврларда, масалан, VIII–X асрларда доктрина хуқук шакли сифатида расмий тан олинган, қонунийлаштирилган, баъзи даврларда эса ижмо, қиёс ва қонун орқали расмийлашган. Лекин ҳар холда ушбу доктрина мусулмон хуқукининг ўзагини ташкил киласди.

## **Социалистик хуқуқ тизими**

**Социалистик хуқуқ тизимининг келиб чиқиши.** Социалистик хуқуқ тизими Россияда 1917 йилда пайдо бўлди. Унинг шаклланиш сабабларига халкнинг хуқукий онги, хуқуқ манбалари ва тузилишининг, шунингдек, хуқукий доктрина хусусиятлари билан эмас, балки марксча-ленинча мафкура, бу мафкура бўйича жамиятнинг сиёсий тузилиш тамойиллари киради. XX асрда пайдо бўлган бу тизимнинг шу давргача шаклланиб келган анъанавий хуқуқ тизимларидан асосий фарқи ҳам хуқуқ нормаларининг мазмунида ҳам яққол кўзга ташланади.

Собиқ Иттифокга киравчи иттифокдош республикаларда ва социалистик хуқуқ тизимига киравчи бошқа социалистик мамлакатларда қўйидаги ғоялар ўз хуқукий ривожини топди: иктисадиёт бошқарувини ва хўжалик муносабатларини тартибга солишни марказлаштириш, бу эса, императив нормаларни ва режавий регуляторларни ишга солишга олиб келди, мулкчилик ва субъектлар ваколатларини ифодаловчи фуқаролик шартномаларини синчилаб тартибга солиш, мулкчиликни ижтимоийлаштириш, иктисадиётнинг асоси сифатида давлат, “умумхалк” мулкини яратиш, корхоналар, банклар, хўжалик мулкини, айрим мамлакатларда эса ер ва бошқа кўчмас мулкини миллийлаштириш, меҳнат ва истеъмолни тартибга солиш ва натижада меҳнат фаолиятини ва ижтимоий маблағларни тақсимлашни тартибга солишнинг ижтимоий хуқукий институтларини шакллантириш каби ҳолатлар кирган.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларига давлат аралашви секин-аста хусусий хуқукнинг йўқолишига ва оммавий-хуқукий институтларнинг етакчи ўринга чиқишига олиб келди. Бу ҳолатнинг ғоявий асосини Совет давлати ҳеч қандай хусусий ҳолатни тан олмайди деган тезис ташкил килди. Фуқаролик хуқукининг кўплаб институтлари, шу жумладан, мулкчилик институти оммавий-хуқукий характер касб этди, хўжалик шартномаларининг мухим турлари эса маъмурий режа асосида қабул килинарди.

Жиноят ва маъмурий хуқуқда давлат мулки устувор жиҳатдан ҳимоя килинар, хусусий тадбиркорлик, тижорат воситачилиги ва валюта операциялари конунан ман килинган, советларга карши тарғибот-ташвиқот ва социалистик тузумни қораловчи ҳар қандай маълумотларни тарқатиш, коммунистик ахлоқка карши қилинган ҳар қандай ҳатти-харакат учун жиддий санкциялар кўлланар эди.

Суд жараённида кўлланиладиган тартиблар, айбланувчи ва судланувчи шахсларнинг ҳимояга бўлган хуқуклари чекланган, натижада айблов тамойили шаклланган, суд жараёнининг мафкуралаштирилиши рўй берган, присяжнийлар судидан фойдаланиш барҳам топган.

Айни дамда социалистик хуқуқ тизимига айрим ютуклар ҳам хос бўлиб, улар қўйидагиларни ўз ичига олади: давлат мулкидан фойдаланиш, эгалик

қилиш ва тасаррүф қилиш (хўжалик ва оператив бошқаруви ҳуқуқи шу жумладан) масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилганлиги, жаҳон ҳуқуқий амалиётига иқтисодий муносабатларни режа-ҳуқукий тартибга солиш институтларининг киритилганлиги, маҳсулот етказиб бериш фукаролик-ҳуқукий институти, меҳнатга бўлган ҳуқуқ кафолатланганлиги, белуп таълим ва бошқа ҳуқуқларнинг таъминланганлиги, ёлланма ишчилар химоясининг норматив-ҳуқукий шакллари жорий килинганлиги кабилар.

Хозирги пайтда социалистик ҳуқуқ тизимига Хитой, Вьетнам, КХР ва Куба киради.

### **Одат ҳуқуки тизими**

Одат (анъанавий) ҳуқуқ тизими деганда, Жанубий Африка мамлакатларида ва Мадагаскар оролида мавжуд бўлган ҳуқукий тизим тушунилади. Бу мамлакатлардаги ҳуқуқ тизими табиий йўл билан шаклланган ва ахолининг қундалик ҳаётида амалда бўлиб келаётган ижтимоий нормалар – одатларни давлат томонидан тан олинишига асосланган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат. Одат энг қадимги ҳуқуқ манбаси хисобланиб, барча ҳуқуқ тизимларига танишдир. Романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ тизимларида одат иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлса, Африка мамлакатларида, айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий ва муҳим восита сифатида қаралади.

Африкада яшовчи кўплаб ҳалқлар ўз ижтимоий гурухлар (триба, уруг ва қишлоқ)ни бирлаштириб турувчи, аждодлар хотирасини ҳурмат қилишга қаратилган, атроф-муҳит, рухлар ва бошқа гайритабиий кучлар билан боғлиқ бўлган одатларига эга бўлиб, бу одатларнинг ягона шаклга келтирилмаганлиги, кўплиги, тарқоқлиги ва илоҳий тусда эканлиги Европа миллий ҳуқуқ тизимларига ўхшашиб миллий ҳуқукий тизимларни яратишга кўп жиҳатдан ҳалакит беради.

Африкани мустамлакага айлантириш даври замонавий конунчиллик ва суд тизимини жорий қилишга маълум асосларни келтиришга замин яратган бўлса ҳам, аввалги қадриятлар тизими билан яшаётган қишлоқ ахолисининг ҳуқукий онгини ўзгартиришга муваффақ бўлмади. Хозирги пайтда кўплаб мустакил Африка мамлакатларининг раҳбарлари амалдаги одатларни тизимлаштиришга, уларни соҳавий кодексларга ва бошқа норматив ҳужожатларга киритишга уринаётган бўлса ҳам кўп ҳолларда шу худудларда яшовчи бошқа ҳалқлар ва ижтимоий гурухларнинг одатларини ҳисобга олишмаятти.

Айнан шундай қийинчилклар суд органлари ва суд жараёнини яратишда ва шакллантиришда рўй бермоқда. Суд (Европа ҳуқукий анъаналарига кўра) суд жараёнининг тенг ва мустакил иштирокчилари ўртасидаги низони ҳал қилишга қаратилган бўлса ҳам триба, ургунинг ҳар

бир аъзоси ягона ижтимоий гурухнинг бир қисми сифатида қаралиб, ички зиддиятлар ва тўқнашувлар у ёки бу шахснинг ҳуқуқини тан олиш йўли билан эмас, балки уларни келиштириш ёки яраштириш воситаси билан ҳал этилиши кенг тарқалган бу ижтимоий гурухларга ёт нарса сифатида қаралмоқда. Африканинг ҳозирги пайтдаги ҳуқуқий ривожланишини одат ҳуқуки тизимидан дунёда кенг тарқалган конунчиллик-прецедент тизимига ўтиш даври деб қараш мумкин.

## Назорат саволлари

1. Баъзи муаллифлар “ҳуқуқий тизим”ни “ҳуқук тизими” ибораси билан бир хил деб тушунадилар, бошқалар эса, мазкур тушунча доирасида ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро дахлдорлигини назарда тутадилар. Учинчи гурух мутахассислар “ҳуқуқий тизим” тушунчаси ҳуқуқнинг тузилишини, ваколатли органларнинг ҳуқук ижодкорлик ва ҳуқуқни кўллаш соҳасидаги фаолиятларини камраб олади”, деб таъкидлайдилар.

*Ҳуқук тизими ва ҳуқуқий тизим ўртасида фарқларни муҳокама қилинг ва фикрингизни мисоллар ёрдамида асосланг.*

2. Турли ҳуқук тизими ва ҳуқуқий тизимларда ҳуқук фанининг умумназарий муаммолари орасида ҳуқуқий нормаларни ифодалаш ҳамда мустаҳкамлаш шакллари расман-юридик мазмундаги ҳуқук манбайи сифатида белгиланади. Ҳуқук манбанинг бундай талқини маълум даражада шартли бўлиб, ушбу тушунча бошқача маънога ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, ҳуқук манбайи деганда, ҳуқуқий нормалар мазмунини белгиловчи ижтимоий омилларни; ҳуқуқни бевосита ижод қилувчи куч бўлган давлатни; ҳуқук тўғрисидаги ахборот манбаларини (конунчиллик асослари, ҳуқук фани бўйича дарслклар ва хоказоларни) тушуниш мумкин.

*Турли ҳуқук тизими ва ҳуқуқий тизимларда ҳуқук манбасининг ўзига хос ҳусусиятларини атрофлича муҳокама қилинг, мисоллар ёрдамида ёритиб беринг.*

3. Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизими жамиятнинг жадал ривожланаётган ижтимоий тизимларидан биридир. Ҳуқуқий тизимнинг тараққий этганлик даражаси, мамлакатдаги иктисолид, ижтимоий, сиёсий вазият билан бевосита боғлиқ бўлиб, ахолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятида намоён бўлади. Нафакат ҳуқуқшунослар, балки барча фуқароларнинг ҳуқуқий тизим тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлишлари фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадларига эришиш учун ниҳоятда муҳимdir.

*Ўзбекистонда шаклантирилаётган фуқаролик жамияти шароитида миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос томонларини муҳокама қилинг.*

## **XIII БОБ. ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

### **1-§. Хукукий муносабатлар тушунчаси, белгилари ва турлари**

Маълумки, хукук ижтимоий муносабатларни тартибга солади, натижада бу ижтимоий муносабатлар хукукий шаклга эга бўлади ва хукукий муносабатларга айланади. Хукукий муносабатларни тўғри тушуниб олиш учун ижтимоий муносабатларни яхши англаб олиш зарур. Ижтимоий муносабатлар деб, кундалик хаётда инсонлар ўртасида вужудга келадиган ўзаро алоқаларга айтилади. Бу муносабатлардан энг муҳимларидан бири – иқтисодий алоқалардир, чунки айнан шу муносабатлар жамиятнинг иқтисодий асосини шакллантиради, ривожлантиради ва қолган бошқа муносабатлар учун замин яратади.

Ижтимоий муносабатларнинг субъектлари ижтимоий уюшмалар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар бўлиши мумкин. Ҳар бир субъектнинг ижтимоий алоқалар тизимида тутган ўрни ижтимоий муносабатлар ривожланишининг объектив конуниятлари ва бу муносабатлардаги иштирокчиларнинг фаоллиги билан белгиланади.

Хукук ижтимоий ва давлат ҳаётининг маълум соҳасига алоҳида барқарорлик ва муайянлик бағишловчи ва ташкиллаштирувчи кучли омил сифатида намоён бўлади. Хукукий муносабат тушунчаси хуқуқнинг инсонлар юриш-туришига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш имконини беради. Хукукий муносабатлар доирасида жамият ҳаёти ва фаолияти барқарор, тартибга солинган ва ривожланган ҳолатга эришади.

Хукукий муносабатлар – шахслар ўртасидаги юридик алоқа бўлиб, бу уларнинг ўзаро хукук ва мажбуриятларида ифодаланади. Ўзаро хукук ва бурчларсиз хукукий муносабат вужудга келмайди. Хукукий муносабатлар – бу ижтимоий муносабатларнинг хукук нормалари билан тартибга солинган бир қисми бўлиб, уларнинг субъектлари субъектив хукук ва субъектив юридик мажбуриятларга эга бўлишади.

Хукукий муносабатлар юзага келиши учун моддий ва юридик асослар, яъни ижтимоий муносабатни тартибга соладиган тегишли хукуқ нормаси, томонларнинг хукук ва муомала лаёкатига эга бўлишлари ҳамда юридик факт мавжуд бўлиши керак. Хукукий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир қўриниши, шунингдек, кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқалар ҳисобланади. Улар индивидларни фаолиятига ва яшашларига кўра бирлаштирадилар.

Юридик адабиётларда хукукий муносабатлар тушунчаси, белгилари ва уларни таснифлаш мезонларига нисбатан турлича ёндашувлар

мавжуддир. Хукукий муносабатлар – бу хукукнинг ижтимоий муносабатларга бўлган реал таъсири бўлиб, унинг иштирокчилари тегиши равишда субъектив хукук ва юридик мажбуриятларга эгадир.

Хукукий муносабатлар – бу хукукий нормалар ёрдамида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар. Хукукий нормалар ўзгаларнинг вазифа ва функцияларини хукукий муносабатлар орқали амалга оширадилар, хукукий муносабатларни тартибга солиш билан хукук хаётга тадбиқ этилади.

Хукукий муносабатлар – хукук нормалари асосида вужудга келадиган ижтимоий муносабат бўлиб, унинг иштирокчилари давлат томонидан таъминланадиган субъектив хукук ва юридик мажбуриятларга эга бўладилар. Бу тушунча хукукий тартибга солиш механизмининг марказий бўғини бўлиб, хукукни амалга оширишнинг асосий йўлидир.

## 2-§. Хукукий муносабатларнинг белгилари

---

Ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши бўлган хукукий муносабатлар бир катор белгиларга эга:

1. Хукукий муносабатларда иштирок килувчи томонлар – субъектлар ўзларига тегиши субъектив хукук ва юридик мажбуриятларни амалга оширадилар. Бу муносабатларнинг мазмуни томонларнинг хоҳиш-иродаси асосида хукук нормаларининг амал қилиши, шунингдек, хукукни амалга оширувчи органлар қарорларига кўра белгиланади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хукукий муносабатлар пайдо бўлиши ва амалга ошиши учун барча асослар бир вақтнинг ўзида бўлиши шарт эмас. Тегиши хукукий нормалар йўқ бўлганда ҳам хукукий муносабатлар пайдо бўлиши мумкин, лекин бу ҳолда хукуқдаги бўшликлар мавжудлиги аникланади. Хукукий муносабатлар иштирокчилари, одатда ўзлари мустакил ўзаро хукук ва мажбуриятлар мазмунини белгилаб оладилар.

Хукукий муносабатлар, одатда икки томонлама муносабатни англатади. Ҳар қандай хукукий муносабатларда икки томон: хукуқка эга томон ва мажбурият юклangan томон иштирок этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ қарз шартномасида хукуқка эга шахс – қарз берган шахс ва мажбурият юклangan шахс – қарздор катнашади. Лекин шундай шартномалар ҳам борки, уларда ҳар иккала томон бир вақтнинг ўзида ҳам хукуқка эга, ҳам мажбур томон ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномасида сотувчи харидорга маҳсулотни бериш мажбуриятига ва унинг қийматини тўлашни талаб қилиш хукукига, харидор эса белгилangan нархни тўлаш

мажбуриятига ва сотиб олинган ашёни талаб килиш хукукига эгадир.

2. Хукукий муносабатлар шундай муносабатларки, бунда субъектив хукукнинг амалга оширилиши ва мажбуриятнинг бажарилиши давлат томонидан кўрикланиш ва таъминланиш имкониятига эга, кўп ҳолларда эса субъектив хукукнинг амалга оширилиши ва мажбуриятнинг бажарилиши давлатнинг мажбурлов чораларисиз ҳам амалга ошиши мумкин. Агар давлат мажбурлов чорасининг зарурати пайдо бўлса, бундан манфаатдор шахс ваколатли давлат органига мурожаат қиласди, бу орган эса, ўз навбатида, юридик ишни кўриб чиқиб, тегишли қарорни қабул қиласди. Мазкур хужжатда томонларнинг субъектив хукуқ ва мажбуриятилари аниқ белгиланган бўлади.

3. Хукукий муносабатлар аниқ белгиланган ижтимоий алоқалар кўринишида юзага келади, бунда аниклик дарражаси турлича бўлиши мумкин. Конунда белгилаб кўйилган ва бевосита ундан келиб чиқадиган хукукий муносабатлар кам дарражада аниклаштирилади. Бу ҳолда юридик нормаларда белгиланган ижтимоий алоқалар иштирокчилари бир хил хукуқ ва эркинликларга эга ва тенг мажбуриятиларни бажарадилар. Масалан, Конституцияда белгилаб кўйилган хукуқ ва мажбуриятилар. Алоҳида олинган шахсга бу қондида кўлланиладиган бўлса, ҳар бир шахс Конституцияда белгилаб кўйилган хукукини кай дарражада амалга оширишини ўзи белгилайди.

4. Ўрта дарражадаги аниклик хақида гап кетганда хукукий муносабатнинг субъекти билан бирга унинг обьекти ҳам индивидуаллашган бўлади. Масалан, мулкчиликка оид хукукий муносабатларда ҳам мулкдор, ҳам мулк обьекти – ашё аникланган.

Максимал дарражада аниклаштирилган хукукий муносабатда мажбур шахс хукуққа эга шахсга нисбатан қандай ҳаракатлар бажариши аниқ белгиланган бўлади. Бунда хукукий муносабатнинг обьекти, ҳар иккала томон ва улар ўргасидаги хукукий алоқа мазмуни индивидуаллашган бўлади. Масалан, пудрат шартномасида бир томон иккичи томонга унинг буюртмасига асосан маълум ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишнинг маҳсулини қабул қилиб олади ва бунинг учун белгиланган кийматни тўлайди.

Хукукий муносабатлар мураккаб бўлган таркибий тузилишга эга. Унга субъект, обьект ва хукукий муносабатнинг мазмуни киради. Хукукий муносабатларнинг мазмуни икки томонлама хусусиятга эга бўлади. Маълумки, хукукий муносабатларнинг юридик ва фактик мазмун тушунчаси мавжуддир.

Хукукий муносабатнинг юридик мазмуни хукукка эга шахснинг маълум ҳаракатлар содир этиш имконияти, мажбур шахснинг эса маълум ҳаракатлари зарурлиги ёки такиқланган ҳаракатларни содир этишдан

Ўзини тийишидан иборат бўлса, фактик мазмун ҳуқук ва мажбуриятлар амалга ошадиган хатти-харакатларда кўринади. Юридик ва фактик мазмун бир хил эмас. Юридик мазмун фактик мазмунга қараганда кўпроқ имкониятларни ўз ичига олади. Масалан, ўрта маълумотга эга шахс олий таълим олиш ҳуқуқига эга, унинг субъектив ҳуқуқига кирувчи имкониятлар кўп, лекин у фақат битта олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларидан муваффакиятли ўтган тақдирда кириши мумкин. Шундай қилиб, фактик мазмун субъектив ҳуқуқни амалга оширишнинг биргина имкониятидир.

Хукукий муносабат мазмуни – субъектив юридик ҳуқук ва мажбуриятлардир. Субъектив ҳуқук ва унга мувофиқ келадиган мажбурият ҳуқук эгаси ва мажбур томон ўртасидаги юридик алоқадир. Битта ҳукукий муносабат бир ёки бир неча ҳукукий алоқадан иборат бўлиши мумкин. Масалан, олди-сотди шартномаси асосида вужудга келадиган ҳукукий муносабатда камида иккита ҳукукий алоқа мавжуд: биринчи – харидорнинг маҳсулот олиш ҳукуки ва сотувчининг маҳсулот етказиб бериш мажбурияти, иккинчиси – сотувчининг маҳсулот учун унинг қийматини олиш ҳукуки ва сотувчининг маҳсулот учун келишишган қийматини тўлаш мажбурияти.

Ҳукукий алоқаларнинг икки типи мавжуд: нисбий – алоҳида шахслар ўртасида ва абсолют – ҳуқук субъекти ва жамият ўртасида рўй берадиган ҳукукий алоқалар.

Ҳукукий муносабатлар таснифи турли асосларга кўра амалга оширилади. Биринчи навбатда, ҳуқук нормалари каби уларни ҳам соҳалар бўйича таснифлаш мумкин: конституциявий, фуқаролик-ҳукукий, маъмурий-ҳукукий ва бошқалар. Бундай таснифнинг асосини ижтимоий муносабатларнинг алоҳида соҳаларига хос бўлган томонлар ташкил қиласди.

Ҳукуқшунос олимлар А.Сайдов ва У.Тожихонов ҳукукий муносабатларнинг тартибига солувчи, муҳофаза қилувчи, тармок, моддий, процессуал, нисбий, мутлак, умумий ва аниқ каби турларини кўрсатиб ўтишган<sup>1</sup>.

Мазмунига қараб ҳукукий муносабатлар умумтартибига солувчи, регулятив ва қўриқловчи турларга бўлинади. Умумтартибига солувчи ҳукукий муносабатлар бевосита қонундан пайдо бўлади ва гипотезасида ҳеч қандай юридик фактлар кўрсатилмаган ҳуқук нормаларидан келиб чиқади. Бундай нормалар кимларга мўлжалланган бўлса, уларнинг барчасига ҳеч қандай шартларсиз бир хил ҳуқук ва мажбуриятлар келтириб чиқаради.

<sup>1</sup> Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқук назарияси. II жилд. Ҳуқук назарияси. –Т.: Адолат, 2001. – Б. 258–261.

Гипотезада юридик фактлар баён этилган регулятив нормалар, шунингдек, барча учун бир хил давлат томонидан кафолатланган ҳуқук субъектлик имкониятларини келтириб чиқаради. Субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларга эга бўлиш имконияти умумрегулятив ҳуқуқий муносабатнинг белгисини ташкил қиласди. Регулятив ҳуқуқий муносабатлар юридик фактлар ва ҳуқук нормалари ёрдамида намоён бўлади. Бундай муносабатлар норматив тартибга солишсиз ҳам томонлар ўртасида тузиладиган шартномага асосан ҳам келиб чиқиши мумкин. Кўрикловчи ҳуқуқий муносабатлар эса кўрикловчи нормалар ва ҳуқуқбузарликлар натижасида келиб чиқади. Бу муносабатлар кўрикловчи норманинг санкциясида кўрсатилган юридик жавобгарлик келиб чиқиши ва кўлланилиши билан амалга ошади.

Хуқуқий муносабатда иштирок этувчи субъектларни аниклаштириш даражасига ёки боғликлигига кўра ҳуқуқий муносабатлар нисбий ва абсолют бўлиши мумкин. Нисбий ҳуқуқий муносабатларда ҳар иккала томон аникланган бўлади. Абсолют ҳуқуқий муносабатларда эса факат ҳуқуққа эга томон аник белгиланган бўлади, мажбурият юкланган томон эса субъектив ҳуқуқнинг бузилишидан ўзини тийишга мажбур бўлган шахс назарда тутилади. Мажбурият хусусиятига кўра ҳуқуқий муносабатлар фаол ва суст турларга бўлинади. Фаол турдаги ҳуқуқий муносабатларда бир томон белгиланган ижобий хатти-харакатларни содир этишга мажбур бўлади, бошқа томонда эса бу харакатларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлади. Суст турдаги ҳуқуқий муносабатларда эса мажбурият ҳуқук нормалари томонидан такиланган харакатларни содир этишдан ўзини тийишдан иборатdir.

### **3-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиш асослари. Юридик фактлар тушунчаси ва турлари**

---

Маълумки, ҳуқуқий муносабатларни юзага келиши учун тегишли асослар мавжуд бўлиши керак. Ҳуқуқий муносабатларни вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига асос бўладиган муайян ҳаётий ходиса ёхуд харакатларга юридик фактлар дейилади.


Ҳуқуқий муносабатлар – динамик ходиса, жараён. Улар юзага келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. Ҳуқуқий муносабатларнинг динамикаси реал ҳаётий ҳолатлар, яъни юридик фактлар билан боғлик.

Кўриб чиқилаётган фактлар юридик деб аталишининг сабаби, улар ҳуқук нормаларида кўрсатиб ўтилган бўлади. Гипотезада кўрсатилган фактлар рўй берган пайтда у кучга киради, яъни бу норма кимга каратилган бўлса, ўша шахслар диспозицияда кўрсатилган ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлади.

Ваколат берувчи ва мажбурловчи хукукий норманинг диспозициясида актив томоннинг хатти-харакати кандай бўлиши ёки кандай бўлиш кераклиги кўрсатилади. Хукукий норма диспозициясидаги кўрсатмага биноан содир этиладиган хатти-харакатлари хукуқ ва мажбуриятларни амалга оширувчи юридик фактлар деб тан олинади. Хукуқ ва мажбуриятларни ўрнатиш билан бирга диспозиция юридик фактларни кўрсатиб ўтади.

Бундан ташкири, фактлар юридик деб тан олиниши учун хукуқ нормаси билан бирга томонларнинг ўзаро хукуқ ва мажбуриятлар мазмунини белгилаб беради. Масалан, сотувчи ва харидорнинг хукуқ ва мажбуриятлари мазмуни нафакат фуқаролик хукукининг нормаси билан, балки томонлар ўртасида тузилган шартнома ёрдамида аникланади, шартнома эса, ўз навбатида, юридик факт ҳисобланади.

Кўпчилик ҳолларда хукукий муносабатларнинг юзага келиши учун юридик фактларнинг таркиби бўлиши талаб қилинади, яъни икки ва ундан ортиқ юридик фактлар йигиндиси бўлиши даркор, уларнинг йигиндиси юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Баъзан хукуқ нормалари хукукий оқибатларни маълум ҳолатнинг мавжудлиги билан эмас, балки унинг йўқлиги билан ҳам боғлайди. Масалан, муайян хукукий муносабатда хукуқ субекти томонидан субъектив мажбуриятини бажармаслиги бузилган хукуқ ҳимояси учун процессуал муносабатлар келиб чиқишига асос бўлиб хизмат киласди.



**Юридик фактлар таснифи.** Юридик фактлар турли-туман ҳаётий ходисалардан иборат бўлганлиги сабабли уларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин. Юридик фактларни улар келтириб чиқарадиган оқибатлар ва уларнинг иродавий мазмунига кўра турларга бўлиш катта аҳамиятга эгадир.

Келтириб чиқарадиган оқибатига кўра юридик фактлар хукукни яратувчи, хукукни ўзgartирувчи ва хукукни бекор килувчи турларга бўлинади.

Хукукни яратувчи фактлар хукукий муносабатларни келтириб чикаради. Буларга фуқаролик-хукукий битимлар, меҳнат шартномасининг тузилиши, оила хукуки нормаларига биноан никоҳ қуриш, жиноят-хукукий муносабатларни келтириб чикарадиган жиноий хатти-харакатлар содир этилиши ва бошк.

Хукукни ўзгартирувчи фактлар хукукий муносабатларни ўзгартиради. Масалан, бошқа ишга итиш томонлар ўртасидаги меҳнат-хукукий муносабатлари мазмунини ўзгартиради, лекин бунда хукукий муносабатлар сакланиб қолади.

Хукукни бекор килувчи фактлар хукукий муносабатлар тўхтатилишини тақозо этади. Шахс субъектив хукукини амалга ошиrsa ёки мажбурият бажарилса, хукукий муносабатлар барҳам топади. Лекин хукукий муносабатлар нафакат хукуқ амалга оширилганда ёки мажбурият бажарилганда тўхташи, балки шахснинг ўлими ёки ашёнинг нобуд бўлиши натижасида ҳам тўхташи мумкин.

Битта факт бир нечта юридик оқибат келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, фуқаронинг ўлими мерос бўйича хукукий муносабатларнинг келиб чиқишига, меҳнат-хукукий муносабатларининг тўхтатилишига ва турар-жой ижараси билан боғлик хукукий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Иродавий белгисига кўра юридик фактлар ҳодисаларга ва қилмишларга бўлинади.

Ҳодисалар – бу шундай юридик фактларки, уларнинг содир бўлиши хукукий муносабатлар субъектларининг хоҳиши-иродасига боғлиқ эмас. Масалан, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий оғатлар.

Қилмишлар ёки хатти-харакатлар – бу инсонларнинг юриш-туриши, улар онги ва иродасининг ифодаси. Қилмишлар хукукка мос ва хукуқка хилоф харакатларга бўлинади. Хукукка мос хатти-харакатлар амалдаги нормалар доирасида содир этилади. Улар индивидуал юридик актларга ва юридик қилмишларга бўлинади. Индивидуал юридик актлар инсонларнинг хукукий оқибатга йўналтирилган қарорларидир. Уларга хукукни кўллаш актлари, ташкилотлар ўртасидаги шартномалар, фуқаролик-хукукий битимлар, фуқароларнинг аризалари ва бошқа хукукий оқибатни келтириб чикарадиган хатти-харакатлар киради. Юридик қилмишлар инсонларнинг реал ҳаётий муносабатлари мазмунини ташкил қиласидиган юриш-туришидир. Юридик қилмишлар кўрсатилган оқибатларга эришиш учун йўналтирилган ёки йўналтирилмаганидан катни назар, хукукий оқибатлар келтириб чикаради. Хукукка хилоф хатти-харакатлар – бу жиноятлар ва хукуқ нормаларига қарши қилинган хатти-харакатлар.

Ҳаракатсизлик – бу инсонларнинг ташкил ифодага эга бўлмаган пассив юриш-туришидир. Ҳаракатсизлик хукукка мос ва хукукка хилоф

кўринишида бўлади.

Кўпчилик ҳолларда ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши учун мураккаб юридик фактларнинг таркиби бўлиши талаб қилинади, яъни икки ва ундан кўп юридик фактларнинг йигиндиси бўлиши лозим, чунки уларнинг йигиндиси юридик оқибатларни келтириб чиқаришига олиб келади. Масалан, фукаро муайян олий ўкув юртининг талабаси бўлиши учун ўрта ёки ўрта-махсус маълумоти тўғрисидаги хужжатга эга бўлиши ва олий ўкув юргига тегишли хужжатларини топшириши ва тест синовларига катнашиб, етарлича баллни тўплаши ҳамда ректорнинг талабалар сафига қабул қилинганлик тўғрисидаги буйруғи бўлишлиги талаб этилади.

#### **4-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг таркибий тузилиши: субъект, объект, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар**

---

Маълумки, ҳуқуқий муносабатларнинг дастлабки элементи бу – ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари.

Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари – ҳуқуқий муносабатларнинг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлган иштирокчилари.

Ҳуқуқий нормалар асосида ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши мумкин бўлган, яъни субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга шахслар ёки ташкилотлар ҳуқуқ субъектлари бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ субъекти – бу конунга биноан ҳуқуқка эга бўлиш ва зиммасига юридик мажбуриятларни олиш лаёкатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахслар.

Жисмоний шахслар – булар муайян давлат фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Ҳуқуқ субъектлилик – ҳуқукий нормаларда белгиланган ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш лаёкати. Бу мураккаб юридик тушунча бўлиб, икки элементдан ташкил топган : ҳуқукий лаёкат ва муомала лаёкати.

Фуқаролар – ҳуқукнинг тури соҳаларига оид ҳуқукий муносабатларнинг субъектлари бўлиб, улар конституциявий-ҳуқукий, фуқаролик-ҳуқукий, оила, меҳнат, молиявий, процессуал ва бошқа муносабатларга киришадилар. Фуқароларнинг ижтимоий ва ҳуқукий фаоллиги уларнинг жамиятда, ижтимоий гурӯҳдарда ҳамда меҳнат жамоаларида тутган ўринлари, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги муваффакиятлари билан боғлиkdir.

Фуқароларнинг ҳуқукий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва

мажбуриятларни ўз ичига олган хукук субъектлилик билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хукукий мақоми халқаро хукук меъёрлари билан мустаҳкамланган инсон хукуклари стандартларига мос келади.

Хукуқ ва эркинликлар конунларни кўллашнинг маъно-мазмунини ва тартибини, конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг хамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг конун ва суд олдида тенг хукуклигини белгилайди, инсоннинг ҳаёти, соғлиги, шаъни ва қадр-қимматини химоя қилиш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик хукуки, уй-жой, ҳаракат эркинлиги, яшаш жойини танлаш хукукини, виждан, сўз эркинлиги, митинглар ва намойишлар ўтказиш хукукини ҳамда давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, хусусий мулк хукуки ва бошқа хукуқ ҳамда эркинликларнинг хукукий кафолати ҳисобланади.

Асосий қомусимизга кўра, ҳар бир инсон меҳнатга бўлган лаёқатларини ишга солиш, ижтимоий таъминот кафолати, уй-жой, соғликни саклаш ва таълим, ижод эркинлиги ҳамда хукуқ ва эркинликларни суд томонидан химоя қилиш хукуқига эга бўлиш хукуқига эга.

Конституцияда конуний равишда ўрнатилган солиқ ва тўловларни тўлаш, табиатни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларга эътибор бериш ҳамда Ватанини химоя қилиш, конунларга мувофиқ ҳарбий хизматни ўташ масалалари катъий белгилаб қўйилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнат, фуқаролик, процессуал ва бошқа хукукий муносабатлар субъектлари бўлиши мумкин, аммо улар сайловларда овоз бериш хукуқига эга эмаслар ҳамда ҳарбий хизматни ўтамайдилар.

Хукуқ субъектлари иерархиясида дастлаб давлат туради, сўнгра давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари. Давлат ташкилотлари турли функцияларни бажариш учун ташкил қилинади. Уларни хукуқ субъекти сифатида уч гурухга бўлиш мумкин:

1) бошқарув функциялари ва ваколатларга эга бўлган давлат органлари. Одатда улар маъмурий, ер, жиноий конунлар, процессуал-хукукий муносабатлар субъектлари сифатида фаолият юритадилар. Давлат органларининг хукукий мақоми аниқ компетенцияга – ваколатлар мажмуига эгалик билан, яъни тегишли норматив-хукукий хужжатларда кўзда тутилган хукуқ ва мажбуриятлар мажмуи билан тавсифланади;

2) хокимият ваколатлари билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий-маданий фаолият билан шугулланадиган муассасалар. Бундай муассасалар ўз вазифаларини бажариш учун ҳукук ва мажбуриятлар мажмуасига эга бўлади ва давлат бюджети бўйича боғлиқ бўлади;

3) хўжалик фаолияти билан шугулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ёки тезкор бошқарув ҳукукига эга бўлган корхоналар.

Давлат ташкилотлари фуқаролик-ҳукукий муносабатларда бевосита хокимият ваколатлари билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажарувчи юридик шахслар сифатида катнашади.

Ҳукук субъекти сифатида нодавлат ташкилотлари сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда фаолият олиб борадилар.

Ижтимоий жамоалар конун билан назарда тутилган алоҳида ҳолларда ҳукук субъектлари ҳисобланади. Масалан, фуқаролар ўз ҳукукларини бевосита оммавий овоз бериш орқали амалга оширадилар.

Махаллий ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий ахоли томонидан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалар, коммунал мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш масалалари бўйича мустакил карор кабул киласди. Бироқ кўпинча ижтимоий жамоалар давлат ва жамоат ташкилотлари орқали ҳаракат киласди.

Юридик шахслар – қонун бўйича фуқаролик ҳукуклари ва мажбуриятларининг субъекти бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар.

Юридик шахслар – ўз мулкида, хўжалик юритишида ва оператив бошқарувда алоҳида мол-мulkка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мulk билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳукукларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар.

## 5-§. Ҳукукий лаёқат ва муомала лаёқати

---

Ҳукукий лаёқат – бу шахс томонидан конун билан назарда тутилган субъектив ҳукук ва юридик мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати.

Муомала лаёқати – шахснинг ҳукук нормаларида кўзда тутилган ҳукук ва мажбуриятларга эга бўлиш, уларни ўз ҳаракатлари билан амалга ошириш лаёқати ва юридик имконияти.

Ҳукукий лаёқатнинг турлари – бу ўз ҳаракатлари билан фуқаролик-ҳукукий битимларда иштирок килиш лаёқати ва деликт лаёқати – содир этилган ҳукукбузарлик учун ҳукук нормаларида кўзда тутилган юридик жавобгарлик тортилиш мумкинлиги.

Хуқукий лаёқат ва муомала лаёқатини фарқлаш, асосан, фуқаролик хуқуки учун хосдир, чунки фуқаронинг хуқукий лаёқати унинг туғилиши билан ва муомала лаёқати – шахс муйаян ёшга етиши билан бошланади.

Агар муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс хуқукий муносабатларда иштирок этаётган бўлса, унинг хуқуклари ва мажбуриятлар қандай бажарилади? Бундай ҳолларда шахснинг хуқук субъектининг етарли бўлмаган элементлари бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Фуқаролик хуқукида вакиллик институти мавжуд бўлиб, вакил ўз харакатлари билан муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс номидан унинг хуқукларини амалга оширади ва мажбуриятларини бажаради.

**Хуқукий муносабатлар объектлари** – бу хуқукий муносабат субъектларининг қизиқишлари, манфаатлари ёки ҳимоя қилиш учун хуқук ва мажбуриятлари қаратилган нарса, ашё ёхуд кадриятлар.

Хуқукий муносабат объектлари бўлиши мумкин:

- моддий қадриятлар;
- номоддий қадриятлар;
- маънавий ижод маҳсуллари;
- хуқукий муносабатлар иштирокчиларининг фаолияти натижалари;
- қимматбаҳо қоғозлар, хужжатлар ва бошқа.

### **Субъектив хуқук ва юридик мажбуриятлар**

Муйаян ижтимоий муносабатлар шахс ва давлатнинг манфаатларини ифода этсалар-да, хуқукий таъсир доирасига тушади ва тегишли равишда юридик аҳамият касб этади.

**Субъектив хуқук** – хуқук нормаларида кўзда тутилган хуқукий муносабат иштирокчиларининг мумкин бўладиган доирадаги хулк-автори бўлиб, субъектнинг ўз шахсий манфаатларини қондиришига имкон берадиган юридик чоралардир.

**Юридик мажбурият** – хуқукий нормаларда кўзда тутилган, хуқукий муносабатлар иштирокчилари томонидан амал қилиниши зарур бўлган хуқукий хатти-харакатлар доираси.

**Субъектив хуқук** – бу субъектнинг содир этиши мумкин бўлган хатти-харакати тури ва ўлчови.

### **Субъектив хуқукнинг қўйидаги белгилари мавжуд:**

1. Субъектив хуқук – бу имконият даражасидаги хулқнинг кўриниши. Субъектив хуқук – бу мумкин бўлган хулқ, яъни унинг ташувчиси учун ҳар доим танлаш имконияти мавжуд: маълум тартибда ҳаракат қилиш ёки кильмаслик;

2. Тахлил қилинаётган хуқукнинг мазмуни хуқук нормалари ва юридик фактлар томонидан ўрнатилади;

3. Субъектив хуқукнинг амалга оширилиши бошқа иккинчи томоннинг мажбуриятлари билан таъминланади; баъзи ҳолларда

иккинчи томоннинг бу мажбурияти субъектив ҳуқуқни бузувчи ҳаракатлардан сакланишини тақозо этса, баъзи ҳолларда эса аксинча, яъни у шахс томонидан олинган мажбуриятларини бажарилишини тақозо этади;

4. Субъектив ҳуқук ваколатли шахсга унинг манфаатларини кондириш учун берилади;

5. Субъектив ҳуқук нафакат имкониятдан, балки ваколатли шахснинг юридик ёки фактик хулқидан иборат бўлади.

**Субъектив ҳуқук** – мураккаб ҳодиса бўлиб, ўз ичига бир қатор ҳуқуқий ваколатларини камраб олади. Буларга:

– шахсий фактик ҳаракатларга нисбатан бўлган ҳуқук. Масалан, мулкдорнинг ўз нарсасини ўз ўрнида ишлатиши;

– юридик ҳаракатларга нисбатан бўлган ҳуқук;

– талаб килиш ҳуқуки;

– куч ишлатишга мойиллик ҳуқуки.

**Субъектив юридик мажбурият** – субъектнинг содир этиши лозим бўлган хатти-ҳаракати тури ва ўлчови.

**Юридик мажбуриятлар** – бу ваколатли шахснинг манфаатларидан келиб чикиб, мажбурият олган шахсга қаратилган ва давлатнинг мажбуровлар кучи таъсирида бажарилиши мумкин бўлган зарурый хулкий ҳаракатлар ёки юриш-туришлар.

**Юридик мажбурият** – бу ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқий нормага асосан ўзларининг бурчи бўлган ҳаракатни амалга оширишлари ва муайян ҳаракатларни содир этишдан ўзларини тийишлари.

Юридик мажбуриятларнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

– зарур бўлган чоралар;

– ҳуқук нормалари талабларига кўра ёки юридик фактлар асосида ўрнатилади;

– мажбурият ваколатли томоннинг манфаатларини кўзлаб ўрнатилади;

– мажбурият нафакат мажбурий ҳол бўлибгина қолмасдан, балки у мажбурият олган шахснинг реал фактик хулқидир;

– мажбуриятга эга шахснинг олдида танлаш имконияти бўлмайди.

Юридик мажбуриятни бажармаслик ёки уни тўла бажармаслик ҳуқуқни бузиш ҳисобланади ва давлат томонидан чоралар кўришни тақозо этади.

Юридик мажбуриятлар учта асосий шаклга эга:

– тақиқланган ҳаракатлардан ўзини тутиш;

– муайян ҳаракатларни содир этиш;

– ташкилий, мулкий ва шахсий характерга эга бўлган ҳуқуқлардан чегараланиш.

Хуллас, субъектив хуқук ва мажбуриятлар бир-бири билан узвий боғлиқдир.

## 6-§. Хукуқдаги презумпция ва фикциялар

Хукуқдаги презумпциялар ҳақида сўз юритишдан олдин, презумция сўзининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофик. Презумция лотинча “*prae sumtio*” сўзидан олинган бўлиб, луғавий маъноси тахминга асосланган “фараз”, деган маънони англатади.

Хукукий презумпция – назарда тутилаётган ва мавжуд бўлган фактлар орасидаги алокаларга асосланган ҳолда муайян фактларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги фараз.

Презумпция – акси тасдиқланмагунча бирор далилни юридик жиҳатдан тўғри, деб ҳисоблаш. Норматив-хукукий ҳужжатлар ижро этилаётганида, яъни кишилар хатти-харакатларида рӯёбга чиқаётганида моддийликка кўчади. Бирок расмий хукукий талабнинг бажарилиши факат бажарувчи томонидан унинг мазмуни тушунилган тақдирдагина амалга ошиши мумкин. Хукуқ, хукукий тартибга солиш учун қонунни билиш презумпцияси – хукук субъектлари, унинг эгалари хукукий қўрсатма, йўл-йўриклар мазмунини “билишлари” (яъни англашлари, тушунишлари) тўғрисидаги тахминидир.

Презумпцияларни хукукий мустаҳкамланганлик фактига кўра қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

– фактик, яъни қонунчиликда ўз ифодасини топмаган ва юридик аҳамиятга эга бўлмаган, лекин муайян юридик ишларни амалга оширишда эътиборга олинадиган презумпциялар;

– қонуний презумпциялар;

– преюдиция, яъни олдин муайян ишлар бўйича суднинг қонуний кучга кирган қарорлари ёки хукми билан ўрнатилган фактик далиллар ва текширувларни ишни кўриб чиқаётган судлар томонидан тан олишининг мажбурийлиги;

Презумпцияларни амал қилиш доирасига кўра қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Умумхукукий. Масалан, ҳалоллик презумпцияси. Ушбу принципнинг чинакамига амалга оширилиши факат умумий хукукий маданиятнинг ўсишигагина олиб келмай, балки бевосита самара берувчи, фойдали кучга айланади. Ижтимоий муносабатларда ишончлилик ҳолати, ҳалолликнинг барқарорлигига ишонч, одатда, турли-туман майда расмиятчиликларга сарф бўладиган кўплаб вакт ва кучни тежаб қолиш имконини беради.

2. Хукуқ соҳаларига тегишли бўлган презумпциялар. Масалан,

жиноят ҳуқукида айбсизлик презумпцияси. Айбсизлик презумпцияси – гумон килинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жиноят содир этишда айбдорлиги конунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва конуний кучга кирган суд ҳукми билан аниклангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасига асосан, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Фикция лотинча “*fictio*” сўзидан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан олганда “ўйлаб топилган”, деган маънони англатади.

**Ҳуқуқдаги фикциялар** – жорий қонунчилик билан тан олинган ва умуммажбурий характер касб этган, лекин амалда мавжуд бўлмаган ҳолатлар. Бундай ҳолатда шахснинг вафот этганилиги факти маълум эмас, лекин суд уни вафот этган деб зълон килиб, мавжуд бўлмаган фактни қонунийлаширади.

## Назорат саволлари

1. Ҳукукнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этиши масаласи давлат ва ҳукукнинг умумназарий муаммолари учун ғоят мухим методологик аҳамият эга ҳисобланади. Чунки ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинадиган қисми ҳуқукий муносабатларни ташкил этади, бошкачароқ айтганда, унинг ёрдамида ҳуқуқ ҳайётга татбиқ қилинади. Моҳияттан олиб қараганда, ҳуқукий муносабатлар – бу ҳукукка асосланган барча ижтимоий ўзаро муносабатлардир.

*Ижтимоий муносабатлар тизимида ҳуқукий муносабатларнинг ўзига хос томонларини муҳокама қилинг.*

2. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи кишилар бир-бирлари билан нафақат ишлаб чиқариш муносабатларига, балки ҳуқукий муносабатларга ҳам киришадилар. Ҳусусан, мулкчилик соҳасидаги бундай муносабатлар мулкка эгалик қилиш ва эгалик қиласлик ҳуқукига тааллуқлидир. Шу маънода, мулкчилик муносабатлари ҳуқукий муносабатларга айланади. Мулкдор билан ишчи орасидаги, яъни бирида мулкнинг мавжудлиги ва бошқасида мавжуд бўлмаслиги билан бевосита ифодаланган муносабатлар юридик муносабатлар ҳисобланаб, улар турли асосларга кўра вужудга келади.

*Ҳуқукий муносабатларнинг юзага келиш асосларини мисоллар ёрдамида муҳокама қилинг.*

3. Хукукий муносабатлар вужудга келишида хуқук ва муомала лаёқати мухим белгиловчи ўринни эгаллади. Муомала лаёқати билан деликт лаёқати эса ундан келиб чиқади. Баъзи олимлар шахс хуқук лаёқатига эга бўлмаса, хукукни амалга оширишга оид ҳаракат ёки у билан боғлиқ жавобгарлик хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлашади. Лекин муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати вактинча чекланган шахслар ҳам бўлиб, уларга ҳам хуқукни амалга оширишга оид ҳаракатлари мавжуд ҳисобланади.

*Масалани атрофлича таълил қилинг.*

4. Хуқук хукукий муносабатлар асосида фуқаролар, жамоат бирлашмалари, давлат идоралари ва бошка юридик шахслар ўртасидаги турли-туман алоқаларни тартибга солишда намоён бўлади. Яъни, хуқук ижтимоий муносабатларни тартибга солишда амалга оширилади ҳамда татбик этилади. Шунингдек, адабиётларда объектив ва субъектив хуқукни амалга ошириш тушунчаларини бериб ўтишади.

*Масалани атрофлича таълил қилинг.*

## XIV БОБ. ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ

### 1-§. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси ва шакллари

Ҳуқук амалга оширилганда гана у шахс ва жамият учун мазмун ва кадрият касб этади, лекин ҳуқук амалга ошмаса у ривожланишдан тўхтайди. Ҳуқук нормаларининг энг муҳим вазифаси субъектив ҳуқук мазмунини аниқлашга ёрдам бериб, унинг амалга оширилишига шарт-шароит яратишдан иборат.

Реализация сўзи – “ge-alis” лотин тилидан олинган бўлиб, “моддийлаштириш” ёки “амалга ошириш” маъносини англатади. Ҳозирги пайтда реализация қилиш бирон-бир режани, дастурни, пойиҳани амалга ошириш деган маънони англатади. “Ҳуқукни амалга ошириш” атамаси ҳам шундай мазмун касб этади. Ҳуқук моддийлашмаган бўлмаса ҳам, маълум шаклда инсонларнинг фаол хатти-ҳаракатида, уларнинг юриш-туришида, моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланишда алоҳида жисмли маънога эга бўлади.

Шунингдек, “ҳуқуқни амалга ошириш” тушунчаси ҳуқук бошка тушунчалар (режа, дастур, лойиҳа)га караганда, амалга ошириш имконияти юқори ва маълум кафолатлар билан таъминланган деб таърифланади.

Тахлил килинаётган тушунчани англашга тўсик туғдирадиган яна бир ҳолат – бу ҳуқук кўп киррали, ўз ичига табиий ва позитив ҳуқук, обьектив ва субъектив ҳуқуқлар тушунчаларини олган мураккаб ҳодиса эканлигига ифодаланлигидир. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчасини тахлил қиласанда мана шундай турли мазмунларни инобатга олиш лозим.

Ҳуқуқни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, маълум давр ичida рўй беради. Бу жараёнда нафакат субъектив ҳуқук ва мажбуриятларга эга шахслар, балки турли органлар: ҳуқук ижодкорлигини амалга оширувчи, ҳуқуқни ижро қилувчи ва ҳуқуқни кўлловчи органлар орқали давлат ҳам иштирок этади. Ҳуқуқнинг ҳаётга татбиқ этилиши сифатида ҳуқуқни амалга ошириш биринчидан, унинг амалга оширилишининг юридик механизmlарини, иккинчидан эса, ҳаётий муносабатлар ҳуқуқий шаклга келишидан иборат бўлган бевосита ҳуқуқни амалга ошиши шаклларини ўз ичига олади.

Ҳуқуқни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизmlари турли-туман бўлиб, уларнинг мазмуни у ёки бу мамлакатда карор топган ҳуқуқий тизим хусусиятлари билан тавсифланади.

Романо-герман ҳуқуқий тизимида ҳуқуқни амалга ошириш жараёни куйидаги босқичлардан иборат:

Биринчи босқич – табиий ҳуқуқнинг конун даражасига кўтарилиши

(позитив ҳуқук), унга норматив шакл берилиши. Табиий ҳукукнинг асосини инсон ҳукуклари, инсон ва жамият табиатидан келиб чиқадиган ижтимоий-ҳукукий талаблар ташкил қилади. Бу талабларни амалга ошириш учун уларни қонунан норматив тан олиниши зарурдир. Инсон ҳукукларининг қонун даражасига кўтарилиши: а) уларнинг конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши; б) уларни жорий қонунчиликда қайд қилинишини англатади.

Иккинчи боскичда қонунни амалга оширишнинг турли механизmlари ишга тушиб, улар ёрдамида қонун кўрсатмалари субъектив ҳуқук ва юридик мажбуриятларнинг муайян мазмунига айланади. Бу механизmlар турлича бўлиб, ҳукумат, вазирликлар, маҳкамалар томонидан қабул қилинадиган қонуности норматив ҳужжатларда, ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорларида ва маҳаллий норматив актларда қонунларни аниқлашириш, қонун нормаларининг расмий шархларда талқин қилиниши, қонунни қабул қилиш, унга риоя қилиниши ва қонун нормаларининг сўзсиз бажарилиши бўйича турли процедураларни тартибга солувчи процессуал нормалар, ҳуқук нормаларини кўллаш актларидан иборатдир. Бунга давлат органларининг ҳукукий актларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича фаoliyati ҳам кирган.

Учинчи якуний боскич ҳукукни амалга оширишни англашиб, айнан бу борада ҳукуклар имкониятдан ҳақиқийликка айланади ва бу айланиш ҳуқук субъективнинг иродасига боғлик бўлади, яъни ҳуқук субъекти ўз ҳукукини қачон ва қандай доирада амалга оширишни ўзи ҳал қилади.

Англосаксон ҳуқук тизимида ҳукукни амалга ошириш жараёни бошқача тарзда рўй беради. Ҳукукий талабларнинг, яъни табиий ҳукукнинг мажбурий нормага айланениси судлар томонидан амалга оширилади. Суд муайян юридик ишни кўриш пайтида юзага келган низонинг, томонларнинг даъвосини батафсил ўрганиб чиқиб, уларнинг ўзаро ҳуқук ва мажбуриятларини аниқлаган ҳолда ишни ҳал қилади. Ишни ҳал қилишнинг норматив асосини прецедент – шунга ўхшаш иш юзасидан қабул қилинган карор ташкил қилади.

Англосаксон ҳуқук тизимида ҳукукий талабларнинг амалга оширилиш механизми романо-герман ҳуқук тизимига қараганда анча оддий, чунки бу талабларни олдиндан қонунан мустаҳкамлашни талаб қилинмайди. Лекин судьянинг ўз мансабини суиистеъмол қилиш ҳоллари юзасидан юқори турувчи суд инстанциясига шикоят қилиш имконияти мавжудлигини эътироф қилиш мумкин. Англосаксон ҳуқук тизими шаклланган Англияда олий судлов инстанцияси Англия Парламентининг юқори палатаси –Лордлар палатаси бўлган.

Шундай қилиб, ҳукукни амалга ошириш нималигини тўғри тушуниш учун яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим: ҳукукни амалга

оширишда факат субъектив хукук эгаси, яъни хукук субъекти манфаатдор бўлади. Бу жараённинг колган бошқа иштирокчилари – мажбур томон, хукукни қўлловчи ва конун қабул килувчи томонлар охир-оқибатда хукук эгаси манфаатларини ҳимоя қилишда катнашадилар.

Қайд қилинган иштирокчиларнинг фаолияти, бу фаолиятни тартибга соловучи юридик нормалар йигиндиси хукукни амалга оширишининг мураккаб ва кўп жиҳатли механизмини ташкил қиласди.

Хукукни амалга ошириш ёки оширмаслик масаласини ҳал этиш унинг эгасига боғлик бўлиб, факат унинг хоҳиши билан хукукни амалга ошириш механизми ишга тушади. Ана шу механизм мавжудлиги ва унинг сифатли ва самарали ишлаши катта аҳамиятга эгадир.

Хукукни амалга ошириш механизмининг алоҳида аҳамиятга эга кисми бу субъектив хукукни ҳимоя қилиш, яъни юридик жавобгарлик механизмининг мавжудлиги бўлиб, бу ҳимоя жараённада хукук кайтадан тикланади ва уни амалга оширишининг яна бир имконияти пайдо бўлади. Юридик жавобгарлик маълум жиҳатдан субъектив хукукларни ноконуний тажовузлардан ҳимоя қилган ҳолда уларни амалга оширишга зарур бўлган шароитлар яратади.

Хукукни амалга ошириш фактик жиҳатдан З шаклда бевосита амалга оширилади.

1. Хукук нормаларига риоя қилиш. Бунда тақиқловчи ва қўриқловчи нормалар амалда бўлиб, конунда ман қилинган харакатларни содир этмаслик, яъни пассив хулқни англатади. Барча қўриқловчи нормалар аниқ белгиланмаган, лекин норманинг мазмунидан келиб чиқадиган тақиқлардан иборат бўлади. Агар маълум харакатлар учун хукукий норманинг санкциясида юридик жавобгарлик ўрнатилган бўлса, айнан шу харакатлар конунан ман қилинган. Бундай юридик нормалар Жиноят кодексининг Махсус кисми ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс моддаларида қайд қилинган.

2. Хукук нормаларида қўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилиши. Ижобий мажбуриятларни назарда тутадиган мажбуровчи нормаларни бажариш, бунинг учун актив хулқ содир бўлиши лозим: солик тўлаш, харидорга маҳсулот етказиб бериш, меҳнат шартномаси бўйича иш бажариш. Масалан, талаб қилиш хукукни бошқа шахсга берган кредитор бу хукукни мустаҳкамловчи хужжатларни ҳам бериши ва талабни амалга ошириш учун муҳим бўлган маълумотларни ҳам бериши лозим.

3. Хукуқдан фойдаланиш. Айнан шу шаклда субъектив хукуклар қўрсатилган диспозицияли хукук нормалари амалда бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилганидек, “мулкдорга ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш

ва уни тасарруф килиш ҳуқуки тегишли” деб белгиланган. Субъектив хуқук актив ва пассив хулкни назарда тутади. Субъект ўзига тегишли хукуқдан воз кечса, бу пассив хулкка мисол бўлиши мумкин. Шахс ўз субъектив хукуқидан фактик фойдаланиши (ўз мулкидан фойдаланиши), мулкка нисбатан юридик ҳаракатлар содир этиш (мулкини ҳадя килиш, сотиш, гаровга кўйиш), мажбур шахсга талаб қўзғатиш (карздордан карзни қайтаришни талаб килиш), талаб шаклида, яъни ваколатли органга бузилган субъектив хукукини ҳимоя килиш учун мурожаат килиш) каби актив ҳаракатларни амалга оширади.

**Хукукни амалга ошириш** – бу давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши бўлиб, ҳуқук нормаларини кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга татбиқ этилиши.

**Хукукни амалга ошириш шакллари қуйидаги асосларга кўра таснифланади:**

а) ҳуқуқни амалга оширишни норматив ҳужжатларда кўрсатилган коидаларни кўлланиши даражасига кўра:

– ҳуқуқий фаолият амалга ошириладиган умумий вазифалар ва тамойиллар ўз ифодасини топган қонунлар ҳамда моддаларнинг муқаддималарида кўзда тутилган умумий кўрсатмаларни татбиқ этиш;

– ҳуқук субъектларининг ҳуқуқий мақомини ҳамда ваколатлар доирасини ўрнатувчи умумий нормаларни татбиқ этиш;

– муайян ҳуқуқий муносабатларда тегишли ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш.

**б) Ҳуқуқни амалга ошириш субъектларига кўра:**

- Индивидуал;
- Жамоа томонидан.

**в) Ҳуқуқни амалга оширувчи субъектлар фаолияти ҳарактерига кўра:**

- ҳуқук нормаларига риоя қилиш;
- ҳуқук нормаларини бажариш;
- ҳуқук нормаларидан фойдаланиши;
- ҳуқук нормаларини кўллаш.

## **2-§. Ҳуқук нормасини кўллаш: тушунчаси ва босқичлари**

---

**Ҳуқуқни кўллаш** – муайян юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки муайян ҳуқук нормаларига асосланиб, ваколатли органлар ёки

mansabdor shaxslar tomonidan individuallik xarakteriga ega bolgan karorni tay-erlash va uni qabul qiliш bilan boglik xokimlik faoliyati.

#### *Хукуқни қўллашнинг белгилари:*

- давлат ҳокимияти функциясини қўллаш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;
- индивидуал харakteriga эга;
- муайян хукукий оқибатларни – субъектив хукуқ, мажбуриятлар, жавобгарликни ўрнатишга йўналтирилган бўлади;
- маҳсус белгиланган процессуал шаклларда амалга оширилади;
- индивидуал харakteriga эга бўлган юридик қарор чиқариш билан якунланади.

#### *Хукуқни қўллашнинг босқичлари:*

1. Кўрилаётган юридик ишнинг фактик асосини ўрнатиш.
2. Кўрилаётган ишнинг юридик асосини ўрнатиш (тегишли хукуқ нормасини танлаш, унинг маъноси ва мазмунини аниклаш).

3. Ушбу юридик иш бўйича хукуқни қўллаш актини чиқариш.

#### *Хукуқни қўллаш актларининг турлари:*

- парламент актлари;
- давлат бошлиғи актлари;
- ижро ҳокимияти органларининг актлари;
- суд ҳокимияти органларининг актлари;
- маҳаллий вакиллик ҳокимият (ўзини-ўзи бошқариш) органларининг актлари;
- корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг актлари.

### **3-§. Хукуқни қўллаш актлари: тушунчаси, хусусияти ва турлари**

---

**Хукуқни қўллаш акти** – бу муайян юридик иш бўйича муайян шахс(лар)нинг хукукларини, мажбуриятларини ва у(лар)нинг юридик жавобгарлик даражасини белгиловчи, юридик фактлар ва хукуқ нормаларига асосланиб ваколатли ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган хукукий акт.

Хукуқни қўллаш актлари *асослантирилганлик*, *қонунийлик* ва *мақсадга мувофиқлик* тамоиллари талабларига жавоб бериши лозим.

#### *Хукуқни қўллаш актларининг хусусиятлари:*

- ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилиши;
- актларнинг қатъий индивидуаллашганлиги, уларнинг муайян шахс ва ходисаларга нисбатан эканлиги;

- давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши;
- хуқуқни қўллаш актларининг бир маротаба қўлланилиши ва шу билан у ўз вазифасини тамомлаши (яъни унинг ўз кучини йўқотиши).

#### **4-§. Хуқуқдаги бўшликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари**

---

**Хуқуқдаги бўшилик** – бу тартибга солиниши зарур бўлган ижтимоий муносабатларнинг амалдаги конунчиликда хуқуқ нормалари билан қисман ёки тўлиқ тартибга солинмаганлиги.

Хуқуқдаги бўшиликни тўлдириш усуллари:

1. Янги норматив-хукукий хужжатларни яратиш.
2. Хукук ёки конун аналогиясини қўллаш.

**Хуқуқ аналогияси** – бу муайян иш (муносабат)ни хукукнинг асосий тамойилларидан ва маъносидан келиб чиқишига асосланиб кўриб чиқиш ва ечиш.

**Конун аналогияси** – бу ўз аҳамияти ва ҳаракатларига кўра ўхшаш бўлган ижтимоий муносабатларни (айнан ушбу муносабатларнинг ўзини эмас) тартибга солишга мўлжалланган муайян юридик ишни хукук нормалари асосида ҳал этиш (ечиш).

#### **5-§. Юридик коллизиялар ва уларни ҳал этиш усуллари**

---

**Юридик коллизия** деганда бир хил ёки бир-бирига турдош бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи алоҳида норматив-хукукий хужжатлар ўртасида юзага келадиган тафовутлар ёки зиддиятлар тушунилади. Шунингдек, юридик коллизиялар хукукни қўллаш жараёнида ва ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ҳам юзага келиши мумкин. Юридик коллизиялар кўп ҳолларда хукук тизимининг уйғун ишлashingа халақит беради, натижада фуқаролар хукукларини чеклаш ҳоллари рўй беради, хукукий тартибга солиш механизми самарасига, конунийлик ва хукукий тартибот, жамиятнинг хукукий маданияти ва хукукий онгига салбий таъсир кўрсатади.

Юридик коллизиялар хукукни қўллаш амалиётида кўплаб нокулайликлар туғдиради, оддий фуқаролар томонидан конунчиликдан фойдаланишини қийинлаштиргани сабабли хукукий нигилизм (хукукни инкор қилиш) ҳоллари юзага келишига сабаб бўлади. Битта ҳолат бўйича

икки ва ундан ортиқ бир-бирига зид бўлган норматив-хуқукий хужжатларнинг кабул қилиниши охир-оқибатда уларнинг биронтасининг ҳам қўллай олинмаслигига олиб келади. Баъзан бир-бирини истисно килувчи хужжатлар қабул қилиниш ҳоллари ҳам учрайди. Кўплаб конуности актлари айрим ҳолларда конунлардан ҳам устун келиши мумкин. Шу сабабли бу ҳолларнинг олдини олиш ва юзага келган зиддиятларни бартараф этиш хуқуқ фани ва хукукни кўллаш амалиётининг муҳим вазифасидир.

**Юридик коллизияларнинг турлари.** Юридик коллизияларнинг сони жиҳатидан кўп бўлиш билан бирга ўз мазмуни, ижтимоий йўналтирилганлиги, турли даражаларга бўлинганлиги, соҳавий тааллуклигиги, ифода этиш шакли ва ҳал этиш усули бўйича ҳам бир канча турларга бўлинади. Барча юридик коллизияларни 6 гурухга ажратиш мумкин:

- 1) норматив-хуқукий хужжатлар ёки алоҳида хуқуқ нормалари ўртасидаги коллизиялар;
- 2) хуқуқ ижодкорлигига юзага келадиган коллизиялар (хуқукий хужжатларнинг ягона тизимга бирлашмаганлиги, бир-бирини тақрорлаши, бири иккincinnisinи истисно қиласидаги хужжатларнинг кабул қилиниши);
- 3) хукукни кўллашда юзага келадиган коллизиялар (бир хил кўрсатмаларни кўллаш амалиётидаги тафовутлар, бошқарув соҳасида бир-бирига номувофиқ бўлган хатти-харакатлар);
- 4) давлат органлари, мансабдор шахслар ва бошқа бошқарув тузилмалари ҳамда органларига тегишли бўлган ваколатлар ва уларнинг хуқукий холатидаги номувофиқликлар;
- 5) мақсадлардаги коллизиялар (турли даражадаги ёки турли органлар томонидан қабул қилинадиган норматив хужжатларда белгиланган мақсадларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги ёки бир-бирини истисно қилиш ҳоллари);
- 6) миллий ва ҳалкаро хуқуқ ўртасидаги коллизия, конунлар ва конуности актлари ўртасидаги коллизия<sup>1</sup>.

**Юридик коллизияларни ҳал қилиш усуслари.** Юридик коллизияларни ҳал қилиш усуслари деганда уларни бартараф қилишга қаратилган муайян воситалар, механизмлар, усуслар ва процедуралар тушунилади. Коллизия мазмуни ва турига қараб, юзага келган хуқукий зиддиятни бартараф этишга қаратилган муайян кўринишдаги шакл танланади.

Юридик коллизияларни бартараф этишнинг кенг тарқалган усуслари кўйидагicha:

<sup>1</sup> Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права / Учебник. – М.: Юристъ, 2004. – С. 178.

- 1) хукукни шархлаш;
- 2) янги норматив-хукукий хужжатнинг қабул қилиниши;
- 3) эскириб колган норматив-хукукий хужжатни бекор қилиш;
- 4) амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва тузатишлар киритиши;
- 5) ишни суд, маъмурӣ, арбитраж ва ҳакамлик судларида кўрилиши;
- 6) конунчиликни тизимлаштириш, хукукий нормаларни ягона тизимга келтириш;
- 7) муҳокама жараёни, келишув комиссиялари тузиш;
- 8) конституциявий одил судлов;
- 9) хукукни тушуниш, назария ва амалиётни мувофикалаштириш;
- 10) ҳалқаро процедуралар.

Хукукни кўллаш амалиётида учрайдиган коллизияларни бартараф этишда одатда тегишли органлар ва мансабдор шахслар қуидаги қоидаларга амал қилган ҳолда иш кўрадилар:

а) бир орган томонидан битта масала бўйича турли вактда қабул қилинган актлар бир-бирига зид келган тақдирда кейинги қабул қилинган акт қўлланилади (бу коида ўз вактида Рим юристлари томонидан таклиф қилинган: кейин қабул қилинган қонун аввалгисини бекор қилинишини тақозо этади);

б) коллизион актлар бир вактда, лекин турли органлар томонидан қабул қилинган бўлса, юқори юридик кучга эга бўлган хужжат қўлланилади (масалан, қонун ва фармон, фармон ва хукумат карори, хукумат карори ва соҳавий вазирлик акти), яъни норматив-хукукий хужжатлар иерархияси қоидаси қўлланади;

в) битта даражадаги (горизонталь) умумий ва маҳсус хужжатлар ўртасида зиддият юзага келган тақдирда маҳсус акт қўлланилади; турли даражадаги (вертикаль) хужжатлар коллизиясида эса умумий хужжат қўлланилади<sup>1</sup>.

## Назорат саволлари

1. Хукукни таббик этиш замон билан ҳамнафас кечадиган мураккаб жараёндир. Унда нафақат субъектив хукук ва мажбурият эгалари, балки хилма-хил органлар – хукук ижодкорлиги, хукук ижрочилиги, хукукни қўллаш органлари тимсолида давлат ҳам иштирок этишини кўрсатиб ўтишади. Шундан келиб чиккан ҳолда, хукукни ҳаётга жорий қилиш жараёни сифатида тушуниладиган хукукни қўллаш, биринчидан, хукукни амалга оширишнинг юридик механизмларидан ҳамда,

<sup>1</sup> Матузов Н.И., Малько А.В. Указ. раб. – С. 178.

иккинчидан, амалдаги ҳаётий муносабатлар юридик шаклга кирган бевосита хукуқни амалга ошириш шаклларидан ташкил топади.

*Хукуқни амалга оширишда давлат органларининг иштирокини муҳокама қилинг ва мисоллар орқали фикрингизни мустаҳкамланг.*

2. Хукуқ амалга ошириш субъектлари сифатида олимлар куйидагиларни, яъни хукуқни амалга ошириш субъектининг икки шаклини – индивидуал ва жамоа шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин. Агар хукуқлар норматив-хукукий хужжатларда мустаҳкамланишини эътиборга оладиган бўлсак, хукуқни амалга ошириш субъекти сифатида давлат ҳам эътироф этилади.

*Хукуқни амалга оширишининг субъектлар доирасини муҳокама қилинг ва мисоллар келтириб ўтинг.*

3. Хукуқий норма мазмуни такозо килган хукуқни амалга оширишининг тўрт шаклини фарқлаш кераклиги кўрсатилиб унинг асосий шакли сифатида хукукка риоя этиш келтириб ўтилади. Хукукка риоя этиш орқали тақиқловчи нормалар амалга оширилиб, бу шаклнинг моҳияти тақиқланган ҳаракатларни содир этишдан пассив ҳолатда ўзини тийищдан иборатлиги белгиланган. Лекин шахс ўзининг хукукларига кундалик ҳаётда риоя этиш учун ҳар доим ҳам тақиқловчи нормаларнинг мавжудлиги шарт эмаслигини кўришимиз мумкин.

*Хукуқни амалга ошириш шакли сифатида ҳукукка риоя этишининг ўзига хос томонларини муҳокама қилинг ва амалий мисолларда кўрсатиб беринг.*

## **XV БОБ. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ**

### **1-§. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчаси**

---

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар ўтказиш, ҳуқукий демократик давлат қуриш даврига кирди. Ўзгариб бораётган шарт-шароитларни хисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди ва шу асосда ҳуқукий ислоҳот ўтказилиб, кўпгина янги конунлар қабул қилинмоқда. Бу конун ва бошқа норматив-ҳуқукий актларни, ҳар бир нормани ҳаётда тўғри татбиқ қилиш, кўллаш, яъни улар билан жамиятда, кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир татбиқ этиладиган ҳуқукий норманинг моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниб, англаб олиш ва шарҳлаш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳуқукий нормалар ҳаётда тўғри кўлланилиб, улар орқали давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўртасида турли ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Шунинг учун ҳуқукий нормани ҳаётда татбиқ этишсада шу ҳуқукий норма билан ҳал қилинадиган ишни ҳар тарафлама ўрганиш ва ишни тўғри квалификация қилиш керак. Сўнгра, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқукий нормаларни шарҳлаш лозим. Ҳуқукий нормаларнинг мазмунини тўғри англаб олиш ва уларни шарҳлаш, содир бўлган ижтимоий муносабатларга уларни татбиқ этишдан олдин, унинг маъноси ва мазмунини тўғри англаш муҳимдир.

Конун ва бошқа ҳуқукий актлар матнидаги сўз ва ибораларни грамматик, мантикий ва юридик жиҳатдан талқин этиш, тушуниб олиш муҳимдир. Бунда татбиқ этилаётган ҳуқукий норманинг, ҳар бир модданинг таъсир қилиш доирасини белгилаш, булар билан тегишли муносабатларни тартибга солиш учун сиёсий ва юридик малака талаб қилинади. Амалиётда ҳуқукий нормалар кўлланилиб ҳал қилинадиган ишлар суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органлари томонидан кўрилаётганда, йўл қўйиладиган католарнинг кўпчилиги ҳуқукий нормаларни нотўғри татбиқ этиш ва шарҳлаш натижаси бўлиб чиқади. Шу боис, ҳаётда татбиқ этиладиган ҳуқукий нормалар билан тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун, биринчи навбатда, бу ҳуқукий норманинг маъноси ва мазмунини аниқлаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

**Шарҳлаш** – лотинча “interpretatio” иборасининг маъносини билдиради. У инсоният томонидан яратилган турли моддий ва номоддий буюмларни изохлашни англатади. Моддий маданият объектлари бўлган санъат асарларини шарҳлаш ёки ёзма манбалар матнини талкин этиш бунга мисол бўла олади. Ёзма манбалар матнини шарҳлаш ибораси хукукни шарҳлаш сифатида кўлланилади<sup>1</sup>.

Хукукий нормаларни шарҳлаш масаласи қуйидаги учта муҳим масалани ўз ичига олади:

1) татбик этиладиган хукукий нормаларни шарҳловчи субъектларни аниклаш (булар – давлат органлари: давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик органлари; ижро этувчи органлар: Президент, Вазирлар Махкамаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари, турли вазирликлар ва давлат кўмиталари; хукукни муҳофаза қилувчи органлар: суд, прокуратура, адлия, ички ишлар идоралари ва бошқалар: жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар);

2) татбик килинадиган хукук нормаларнинг мазмунини аниклаш учун мантикий, грамматик, тарихий ва тизимли усуllар кўлланилади;

3) татбик этилаётган нормаларнинг ҳажми бўйича ва юридик кучига караб шарҳлаш. Хукук нормаларини шарҳлаш илмий томондан ишлаб чиқилган ва ҳаётда синаб кўрилган бир катор маҳсус усуllар орқали амалга оширилади. Бу усуllар хукукий нормаларнинг маъноси ва мазмунини очишга ёрдам беради.

Хукук нормаларининг мазмунини аниклаш учун қуйидаги усуllар ишлатилади: грамматик усул, мантикий усул, тарихий-сиёсий усул ва систематик усул. Бу усуllар орқали хукук нормаларининг барча хусусиятлари аникланади: а) хукукий норманинг турлари ва унинг мазмуни; б) хукук нормасининг ёзилган тили; в) хукук нормасининг хукук тизимида тутган ўрни ва ҳоказо.

Грамматик усуlda кўлланиладиган хукукий норма мазмуни ва унинг матни грамматик – филология, тил қоидаларига асосан таҳлил килиб берилади. Хукук нормаси матнидаги сўз ва ибораларнинг, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидаги “ёмон оқибатлар”, “игво килиш”, “жиноят таркиби” ва бошқаларнинг мазмуни аникланади. Бунда хукук нормаси матнидаги ҳар бир сўз ва жумланинг мазмуни грамматик жиҳатдан тўғри ва нотўғрилиги таҳлил килинади. Грамматик усуlda татбик килинадиган хукук нормаси турли жойларда учрайдиган сўз ва ибораларнинг тўғрилигига, уларнинг ўхашлик ва боғликллик

<sup>1</sup> Давлат ва хукук назарияси. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 424.

томонларига эътибор бериб, хукукий нормаларнинг мазмунини аниклаб, кейин улар шархланади.

Мантикий усулда татбиқ этиладиган хукук нормаларининг мазмуни мантиқ фанининг конуниятларига асосан аникланади. Бунда хукукий норманинг матнидаги ифодалар, тушунчалар бир-бiri билан ички ва узвий мантикий жиҳатдан боғланганлигига эътибор берилиб, хукукий норманинг мазмуни аникланади. Масалан, ЎзР ФКнинг 15-моддасида “Рухий касаллиги ёки акли заифлиги сабабли ўз харакатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин”, дейилган. Демак, вояга етган фуқаро рухий касал бўлса ҳам, то суд томонидан “муомалага лаёқатсиз” деб қарор чиқарилиб, тан олингунга қадар мантикан муомалага лаёқатли деб фараз қилинади.

Тарихий-сиёсий усулда татбиқ этилаётган хукукий норманинг мазмуни қайси тарихий шароитда, давлатнинг қайси органи томонидан, қандай мақсадда чиқарилганлиги аникланади. Масалан, тарихга назар ташласак 1926 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖКнинг безорилик тўғрисидаги моддада фуқаролар томонидан корхоналарда, муассасаларда ва жамоат жойларида безорилик қилиш хусусидаги сўзлар бор эди. Ҳозирги ҳаракатдаги, 1994 йилда қабул қилинган ЎзР ЖКнинг 227-моддаси 1-кисмида безорилик жиноятига қўйидагача таъриф берилиб, унда юқоридаги сўзлар олиб ташланган: “Безорилик, яъни жамоат жойларида тартиб-коидаларга қасдан хурматсизлик билдириш, уриш, дўупослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш жиддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача камоқ билан жазоланади”. Тарихий-сиёсий усулда ҳар бир хукукий норманинг қандай шароитда, қандай мақсадда чиқарилганлигига эътибор берилади. Бу усул тергов, прокуратура ва суд органларида хукукий нормалар билан тегишли ишларни кўриб ҳал қилишда мухим роль ўйнайди.

Систематик усулда татбиқ этиладиган хукукий норманинг мазмунини бошқа хукукий нормалар билан солиштириб, унинг тегишли хукук соҳаси нормалари тизимидаги ўрнини аниклаш керак. Бу усулда татбиқ этилаётган хукукий норманинг янгиси билан алмаштирилганлиги, кўллашда коидадан истисно бор-йўқлиги аникланади. Масалан, ЎзР ФКнинг 321-моддасида мулкни ижарага оловчи томонидан ёмонлаштирилган ҳолда етказилган зарарнинг ижарага берувчига тўланиши тўғрисида айтилади. Заарнинг тўланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (кейинги матнларда ФК билан берилади)нинг 479-моддасида ҳам айтилади. Бу ерда зарар

етказилиши, шартнома бўйича олинган мажбуриятнинг бузилиши учун бу моддалар бир-бири билан солиширилиб, етказилган зарарниң ундирилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 479-моддаси билан эмас, балки 321-моддаси билан ҳал этилади. Ҳукукий нормаларнинг мазмуни юкоридаги усууллар билан шарҳланади.

## 2-§. Ҳукуқ нормаларини шарҳлаш турлари

---

Ҳукуқ нормаларини шарҳлаш масаласи – ҳукуқ мазмунини очиш, тушунтириш ва ҳукукий хужжатлар юридик мохиятини ёритишига қаратилган фаолиятдир. Буни амалга оширишда ҳукукий нормаларни шарҳловчи субъектларнинг роли катта. Ўзбекистон Республикасида ҳукукий нормаларни шарҳлайдиган субъектлар қуидагилардан иборат: давлат ҳокимияти вакиллик органлари, давлат бошқарув органлари, суд органлари, прокуратура ва бошқа органлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар. Шу субъектлар ҳукукий нормаларни шарҳлаганда уларнинг мазмунини тўғри тушуниб, ҳукукий нормаларни кўллаб, турмушдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ҳукуқ нормаларини шарҳлаш уларни кўллайдиган субъектига караб, икки гурухга: расмий ва норасмий шарҳлашга бўлинади.

Расмий шарҳлаш – турмушда кўлланиладиган ҳукукий нормаларни расмий тушунтириш ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бу шарҳ барча субъектлар учун мажбурий бўлади. Ўзбекистон Республикасида ҳукукий нормаларни шарҳлаш билан ўз ваколати доирасида қуидаги давлат органлари шугулланади: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, Коракалпогистон Республикаси Жўкорги Кенэси ва Вазирлар Кенгаши.

Расмий шарҳлаш аутентик, норматив шарҳлаш тарзида бўлади. Норматив шарҳлашда давлат ҳудудида ҳукуқ нормаларини бир хилда кўллаш максадида, қайси давлат органи чиқарган бўлса, шу органнинг ўзи шарҳлайди. Бу шарҳлашни юридик адабиётда аутентик (муаллиф томонидан шарҳлаш) деб аталади. Ўзбекистон Республикасида аутентик шарҳлаш ҳукуки Президентга, Вазирлар Маҳкамасига, вазирликларга, давлат қўмиталарига, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига ўзлари чиқарган ҳукукий хужжатлар бўйича берилган. Бу шарҳлашнинг вазифаси: Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳукукий нормаларни тўғри кўллаш учун умуммажбурийлик кучига қараб, бир хилда шарҳлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси З-қисмiga асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияий суди

Конституция ва конун нормаларини юридик кучига қараб шарҳлайдиган ягона органдир. Бу шарҳлаш расмий норматив бўлиб, барча давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Хуқукий нормаларни казуал шарҳлашда суд органлари ҳар бир фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа ишларни кўраётганда тегишли хуқукий нормалар билан бу ишларни кўриб, ҳал килиш чоғида хуқукий нормаларни шарҳлайди. Суднинг ҳар бир фуқаролик иши бўйича чиқарган карори ёки жиноий ишлар бўйича чиқарган ҳукми хуқукий нормани казуал (казус) шарҳлаш асосида амалга оширилади.

Хуқуқ нормаларини норасмий шарҳлашга шунингдек, илмий шарҳлаш киради. Татбиқ этилаётган хуқукий нормаларни илмий шарҳлаш илмий ходимлар, олимлар, жамоат ва давлат арбоблари томонидан дарсликларда, маъruzalardar, kitoblarda va ilmий makolalarda amalga oshiriliishi mumkin.

Норасмий илмий шарҳлаш натижалари давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлмасада, хуқукий нормаларнинг мазмунини шарҳлаб, тушунтириб беради. Бу шарҳлаш хуқукий нормаларни амалиёт билан боғлаб, кишиларнинг хуқукий онгини ва хуқукий маданиятини ривожлантиришида муҳим роль ўйнайди. Норасмий шарҳлаш конунларни такомиллаштиришга, хуқукини муҳофаза этувчи органлар фаолиятини яхшилашга, конунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарх, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига, Фуқаролик кодексига, Мехнат кодексига ва бошқа Кодексларига шарҳлар мавжуд.

Хуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳажми бўйича уч хил бўлади:

1. Сўзни том маъносида шарҳлаш – бунда турмушга татбиқ этилаётган хуқукий норманинг мазмунини ёзилган матнига қараб, ҳеч нарса қўшмасдан қўллаш тушунилади. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасини кўрсатиш мумкин. Унда шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир”. Шунингдек, хуқукий нормаларни сўзнинг том маъносида шарҳлашга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасини келтириш мумкин. Бунда “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташкарисида ҳам ўз фуқароларини хуқукий химоя килиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди”, деб кўрсатилган.

2. Чекланган шарҳлаш – бунда татбиқ этилаётган хуқукий норманинг ўз матнida чекланганлиги белгилаш кўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида “Ота-

оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар бокиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”, дейилган. Бу ерда ота-оналар ўз фарзандларини доимо бокиш эмас, балки вояга етгунларига қадар бокиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб чеклаб қўйилган.

3. Кенг маънода шарҳлаш – бунда қўлланиладиган ҳуқукий норманинг мазмуни унинг ёзилган матнига нисбатан кенгрок қилиб шархланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида “судялар мустакиллар, факат қонунга бўйсунадилар”, дейилган. Буни кенгрок қилиб шархлайдиган бўлсак, судлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси – олий давлат вакиллик органи томонидан чиқарилган конунлар, давлат ва ижро этувчи хокимият бошлиғи – Президентнинг чиқарган фармонлари, карорлари ва бошқа давлат органлари томонидан чиқарилган норматив-ҳуқукий хужжатларга амал қиласди. Ёки бўлмаса, кенг маънода ҳуқукий нормаларни шарҳлаб татбиқ этишда ЎзР ЖКнинг 55-56-моддаларидаги жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни олиш мумкин.

ЎзР ЖКнинг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга қўйидагилар киритилган: айнина бўйнига олиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни тўлаш, агар шахсий ва оилавий шароитлар оқибатида, мажбураш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан қарамлик сабабли ва бошқа бир қанча сабаблар натижасида жиноят содир этиш, вояга етмаганлиги, ҳомиладор аёллиги сабабли ва бошк.

ЎзР ЖКнинг 56-моддаси бўйича жазони оғирлаштирувчи ҳолатларга қўйидагилар киритилган: ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан, ёш бола, қария ёки ожиз ахволдаги шахсга нисбатан, айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлса жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқсан бўлса, умумий оғат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вактида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида, мастилик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари ёрдамида ва бошқа ҳолатларда жиноят содир этилган бўлса.

Суд ҳар бир жиноят ишини кўрганда юкоридаги жазони енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни кенг маънода шархлайди. Бу ҳолатлар ҳамма жиноятчилар учун бир хилда қўлланилмайди. Ҳар бир жиноий иш бўйича жиноятчининг шахсига оид характеристи ҳисобга олинади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги даврда кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Бунда ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш – аввало, турли усуслар билан уларнинг мазмунини аниклаш ва ҳуқукий нормаларнинг ҳажми, юридик кучига қараб шарҳлаш катта ёрдам беради. Бу эса, аҳолининг ҳуқукий нормаларни яхшироқ тушуниб, уларга амал

қилишликка, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятнинг юкори даражада бўлишига олиб келади.

## Назорат саволлари

---

1. Ҳуқуқни шарҳлаш – маҳсус юридик ваколатли органларнинг ҳуқуқни қўллашни тартибга солиш мақсадида ҳуқуқий нормалар талаблари мазмунини аниклаш ва тушунтириш бўйича фаолиятини англатади. Шу маънода айтиш мумкинки, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнида муҳим ўрин тутади. Шарҳлаш, ўз навбатида, ҳуқуқни амалга оширувчиларни ҳуқуқ нормаларини бир хил маънода тушуниш ва айнан қўллашга йўналтиради. Зеро, ҳуқуқни қўллашдан олдин унинг маъно ва мазмунини яхшилаб англаб олиш керак. Субъектларга боғлик равишда ҳуқуқни шарҳлашнинг расмий ва норасмий турлари ажратиб кўрсатилади.

*Ҳуқуқ нормасини расмий ва норасмий шарҳлашининг бир биридан фарқини изоҳлаб беринг, уларнинг ҳуқуқни қўллашдаги аҳамиятини атрофлича муҳокама қилинг.*

## XVI БОБ. ҲУҚУҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

### 1-§. Ҳуқуқий хулқ-атворт тушунчаси ва турлари

Кишиларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари ниҳоятда ранг-баранг. Улар турли сабаб ва максадлардан келиб чиқади, ҳар хил кўринишларда намоён бўлади, турли-туман натижаларга олиб келади. Аммо хулқ-атвортининг барча кўринишлари ҳам ўзида маълум бир ҳаётий максадлар, қизиқишилар ва давлатнинг ташкилий-ижтимоий тизимларида ғоявий позицияларни ифода этади. Худди шунинг учун ҳам ҳар бир хулқ-атворт, хатти-ҳаракат маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳоланади.

Ҳуқук нуқтаи назаридан киши хулқи турлича баҳоланиши мумкин. Бир катор умумий белгилар ҳуқуқий хулқ-атвортага хос хусусиятлардир. Улардан бири – *ижтимоий аҳамиятлиликдир*. Кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ижтимоий муносабатлар билан чатишиб кетган ва уларга муайян бир ижобий ёки салбий таъсир ўтказади. Ижтимоий аҳамиятлилиги боис кишининг ҳар қандай хулқи ён-атроф томонидан, ё ижобий, ёки салбий баҳоланади. Хулқ ва хатти-ҳаракатнинг ижтимоий аҳамияти ана шу тарзда белгиланади.

Ҳуқуқий хулқ-атворт, хатти-ҳаракатнинг иккинчи хусусияти унинг *ички руҳий ҳолатлиги, субъективлигидир*. Бу белги кишиларнинг онг ва эркка эга эканлигига, ўзини идора кила олишида намоён бўлади. Субъект фаолияти жараёнида ўз хулқини ҳуқуқ соҳасидаги мавжуд нормаларга, қадриятларга қиёслайди, жамиятга, бошқаларга қандай фойда келтириши нуқтаи назаридан баҳолайди. Бундан ташқари, кишининг ҳуқуқий соҳадаги хулқ-атворт, хатти-ҳаракатлари ҳуқуқ, ҳуқуқий тартибга солиши нормалари билан ўлчанадиган ўзига хос юридик белгиларга ҳам эга.

Шундай **иљк юридик белги** хулқ-атвортни ҳуқуқий жиҳатдан **тартибга солишдир**. Хулқнинг обьектив томонлари ҳам, субъектив томонлари ҳам ҳуқуқий кўрсатма ва йўлланмаларда ўз аксини топади. Бундай чегаралаш ва белгилаш хулқнинг ҳуқуқий соҳада ўзини намоён этиш ўрнини аниқ кўрсатиб беради, уни ёт кишилар аралашувидан ҳимоя этади. Ҳуқуқий хулқнинг ушбу расмий-юридик томони жуда мухим. Айнан ҳуқуқий нормалар орқали ижтимоий ҳаётга ижтимоий фойдали хулқ-атворт жорий этилади, жамиятга ёт бўлганлари эса сикиб чиқарилади.

Ҳуқуқий хулқ-атвортининг **иккинчи юридик белгиси** ҳуқуқни муҳофаза килиш ва ҳуқуқни кўллаш органлари орқали давлат

**назоратида** бўлишидир. Бу белги хукуқнинг давлат томонидан кафолатлангани, унинг мажбурийлиги билан белгиланади.

Хукукий хулк-авторнинг учинчи **юридик белгиси** унинг ўз оркасидан **юридик оқибатлар** келтириб чиқаришидир. Ушбу белги хукуқ соҳасидаги хулк-авторни характерлаш учун мухимдир. Конун тақиқламаган нарсани қилиш мумкин бўлган умумий ижтимоий шароитда конун ман этмаган хатти-харакатни хукукий хулк деб қараш ўринлидир. Аммо субъектлар баъзан шундай хатти-харакатларни амалга оширишади, улар конун томонидан тақиқламаган бўлса-да, натижада маълум юридик оқибатлар келтириб чиқаради. Юридик нуктаи назардан улар бетараф бўлса-да, бундай хулк хукукий эмас. Юкорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан маълум бўладики, хукукий хулк-автор индивидуал ва ижтимоий субъектларнинг ижтимоий аҳамиятга эга, хукуқ нормалари билан бошқариладиган, ўз оркасидан юридик оқибатларини келтириб чиқардиган онгли хатти-харакатлардир.<sup>1</sup>

Хукукий хулк-авторни шакллантирувчи асосий омиллардан бири сифатида хукукий маданиятни кўрсатиш мумкин. Унинг роли ва аҳамияти бекиёс, чунки у фуқаролик жамияти маданиятининг таркибий кисми сифатида юқоридагидек функцияларни ўзинга хос тарзда адо этади.

Ҳамма хулк-автор ҳам ижтимоий бўлавермайди. Балиқ овлаш,

**Хукукий хулк-автор** – бу хукуқ нормаларига мос келадиган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган, ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган, хукуқ субъектларининг онгли равишдаги хулқидир.

масалан, туристик саёҳат пайтида овқат пишириш учун оддий ҳол бўлиши мумкин, агар унда портлатиш усулидан фойдаланилса конунга зид ҳаракат содир бўлади. Бошқачарок айтганда, ижтимоий хулк шундай хулқи, у индивид, гурӯҳ ёки ижтимоға маълум бир таъсир ўтказиш демакдир. Ҳар қандай ижтимоий хулк ўз ички тузилишига эга тизимдир. Хулк-авторнинг обьектив ва субъектив томонларини фарқлаш зарур. Объектив томони-усуллар, методлар ва эришилган натижаларни ўз ичига оладиган шахснинг содир этилган аник ҳаракатларидан (ҳаракатсизликларидан) иборат. Хулқнинг субъектив томони эса шундай ҳаракатнинг сабаблари, максади, оқибатини англаш даражаси, эркӣ муносабатлари, хоҳиши қабилардир. Бу тизим қандай ишлайди?

Тадқиқотчилар позитив (ишонч, эътиқод) ва негатив (зўрлаш, мажбурлаш) каби икки асосий ҳаракат методи бор деб ҳисоблашади.

<sup>1</sup> Қаранг: Шабуров А.С. Поведение людей в правовой сфере. Правомерное поведение, правонарушение // Теория государства и права. – М., 2000. – С. 415–417.

Жамият учун гурухларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган барча фаолият кўринишлари бажариладими, улар қандай бажарилади, уларни бажаришга таалтукли коидалар мавжудми, деган саволларга жавоб топиш алоҳида кимматга эгадир. Шу боис, ижтимоий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш учун, улар мавжудлиги факат шериклар иродасига боғлиқ бўлиб қолмаслиги учун, гурухларда бетартибликларни келтириб чиқармаслик учун хулк-авторни назорат килувчи маҳсус механизмлар мавжуд. Демак, ҳар бир гурухга кишилар хатти-харакатларини қабул қилинган намуналар чизигида, доирасида ушлаб турувчи ижтимоий назорат тизимлари зарур. Қабул қилинган намуналар доирасига кирмаган хулк-автор баъзан гурухлар томонидан эътироф этилган бўлади. Эътироф этиш, яъни санкция, ижтимоий назоратнинг бир қисми ҳисобланади. Ижтимоий назорат бир томондан чора-тадбирлар, таъсир этиш, ишонтириш, тақиқлаш ва санкциялаш тизими сифатида қаралса, иккинчи томондан, тан олиш, тақдирлаш ва ажратиб кўрсатиш орқали шахс хатти-харакатини қабул қилинган хулк-автор намуналарига мувофиқлаштиришни ўз ичига олади. Демак, ижтимоий назорат ранг-баранг харакатлар ва санкциялар, рағбатлантиришлар ва тақдирлашлар орқали жамиятнинг гармоник ривожланишини динамик тарзда ўзини-ўзи идора этувчи силсилалигини таъминловчи ижтимоий хулк-автор, қадриятлар тизимиdir. Бошқачароқ айтганда, ижтимоий назорат гурухларида конформизмни шакллантиради.

Хулк-автор нормалари ижтимоий ҳаёт шароитлари орқали белгиланади. Тарихий ривожланишнинг ҳар бир босқичида, Э. Дюргейм ўйлаганидек, ушбу нормалар маълум бир ташки, объектив нарса сифатида келади. Шахс ана шундай нормалар тизимиға мослашиши лозим. Ушбу нормалар гурух ёки жамиятда бузилса тартибсизлик бошланади.

Ижтимоий назорат сирасига кирган нормалар киши хулк-авторини қуидаги уч соҳада бошқаради:

- кишининг бошқалар билан муносабатларини;
- шахснинг бутун жамият ва унинг қадриятларига нисбатан муносабатларини;
- кишининг ўз-ўзига муносабатларини.

Бироқ одамларинг жамики хатти-харакатлари, хулк-автори ялпи назорат остига олинниши шарт эмас. Ҳар бир инсон гурухда эгаллаган ўрни, жамият типи, гурух уюшқоғлиги, институтлар характеристи, позициясига монанд равища маълум бир хусусий ҳаракат доираси, соҳасига эга бўлади.

Кишининг ташки кўриниши мода, кийиниши тарзи орқали қатъий назорат қилинади.

Оилавий муносабатлар, оиланинг бузилиши, ажралиш нафакат хукукий нормалар, шу билан бирга урф-одатлар, ён-атроф, фисқу-фужур, гап-сўзлар, ота-оналар таъсири орқали ҳам ижтимоий назорат қилинади, бошқарилади.

Ушбу хатти-харакат, қилмишлар гуруҳга қанчалик тааллукли бўлса, уни безовта килса, уларга қарши репрессия ҳам жиддийроқ бўлади.

XVII асрда Т.Гоббс томонидан одам бир-бирига ёв, бир-бирига бўри бўлган, жамиятда қандай килиб кишилар ўргасида тартиб ўрнатиш мумкин деган фалсафий саволлар кўйганидан бери социология фанида ижтимоий назорат назарияси мавжуд ва ривожланиб келади.

Киши хулқ-атворини белгиловчи барча нормалар ҳам норматив тизимларга киравермайди. Шунинг учун ушбу атамани аниқроқ ифодалаш зарур.

Врач беморга спиртли ичимликлар ичиш мумкин эмаслигини айтганда эзгулик ва ёмонлик категорияси эмас, балки медицинадаги спиртли ичимликларнинг салбий таъсири ҳақидаги билимлардан келиб чиқади. Агар ислом дини спиртли ичимликлар ичишни такикласа, у дин деб аталган норматив тизим, нормадан келиб чиқади. Агар бемор врач кўрсатмасини бузса, унга ҳеч ким аралаша олмайди, агар динга эътиқод килувчи бузса, уни яратган жазолайди. Икки ҳолатнинг ҳам максади битта ва ўхшаёт, аммо уларнинг мотивлари бошка-бошка. Биринчи ҳолда соғлом тафаккурга мурожаат этилади, иккинчисида – санкцияга. Ҳар қандай норматив тизимнинг таққи, кўрсатмаси ва ишончи санкциялар билан таъминланади.

Тақдирлашни ваъда бериш ёки кўркитиш санкцияси киши хулқ-атворини бошқариш механизmlари жумласига киради. Ҳамма тарбиячилар яхши биладики, ҳар қандай тарбия, факат жазолашга ёки факат позитив тақдирлашга курилмайди. Ҳар бир жамият маълум бир хулқ-атворни кўллаб-қувватловчи тизимига, тақдирлаш усуllibарига, юксак унвонлар бериш тартибларига эга. Жамиятда ижтимоий барқарорлик бўлиши учун тақдирлаш ва жазолаш баробар таҳсимланиши зарур. Ушбу қондани менсимаслик оқибатида ижтимоий муносабатлар мувозанати издан чиқиб кетиш мумкин.

Кези келганда суднинг муҳим аҳамиятга эгалигини, ҳукук ва ҳукукий ҳукм чиқаришнинг ажралмаслигини таъкидлаш лозим. Бу ҳақда С.С.Алексеев тўғри эътироф этади: "Қонунни ҳимоя килувчи кудратли куч бўлиши зарур, деган фикр кенг тарқалган. Менинг фикримча, куч, оддий куч цивилизация ва маданият таянчи бўлган ҳукукнинг нуфузини, максадини йўқ килади, уни "муштумзўр ҳукуку"га айлантириб қўяди. Ҳукук орқасида аппарат кучини эмас ҳақиқат, адолат ва донолик кучини ифодаловчи қонуний ҳукм чиқариб туриш лозим.

Тарих ҳам, ҳаёт ҳам тасдиқлайдики, агар мустакил ва кучли суд ҳокимияти бўлмаса, қонун ишлаб чиқариш, у қанчалик мукаммал ва етук бўлмасин, жонсиз, "қоғоздаги" хуқуқ тарзида қолаверади".<sup>1</sup>

Агар тизимли ёндашиш нуқтаи назардан келиб чиқсан, шахснинг хуқуқий хулқи ҳам позитив ҳам негатив омилларни очиб беришни тақозо этади. Бу тушунарли, чунки уларнинг қарама-қаршилиги, зиддияти ва бир-бирига таъсири шахс хулкининг шаклланишига, унинг пировард натижасига таъсир этади. Уларга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, ушбу жараёнларни бошқариш ўз моҳиятига кўра шахс камолоти учун зарур бўлган позитив омилларни юзага келтириб, негатив омиллар йўлини тўсади.

Шахс хуқуқий хулқи жараёни билан боғлиқ негатив омиллардан, бизнинг фикримизча, энг долзарб ва ҳозирги ижтимоий тараққиёт учун муҳимлари устида тўхталиб ўтиш зарур.

Деструктив омиллар қаторига, энг аввало, жамиятнинг ўтиш давридаги мураккаб жараёнлари таъсири остида рўй берадиган қонунга карши ҳаракатларни ва қонунга бўйсунмаслик ҳолатларини киритиш мумкин. Бундай ноҳу什 воқеалар ўз-ўзидан сиёсий ҳаётга салбий таъсир этади, фуқаролик жамияти ҳокимиятининг асосларига ва барқарорликка путур етказади, хуқукнинг ижтимоийлашув натижаларини йўқка чиқаради.

Жамиятдаги ушбу ҳолатни бартараф этиш нафакат ташкилий ва юридик чора-тадбирларни, балки аниқ илмий таҳлилни ҳам талаб этади.

Айрим ҳолларда сифатсиз қонун актларининг пайдо бўлиб қолиши ҳам деструктив омил ҳисобланади.

Ушбу муносабат билан таъкидлашимиз лозимки, потенциал омилнинг – қонуннинг кутилаётган ижросига негатив таъсир этадиган нарса – қабул қилинган акт талаблари билан кутилаётган натижалар ўртасидаги кескин тафовут, тўқнашувдир. Шу боис, қонун индивидуал ва оммавий онгни эгаллаш учун йўлида пайдо бўладиган сиёсий, хуқуқий онг, жамоатчилик фикри қаршиликларини енгиши зарур. Одатда, уларда турли ижтимоий қатлам ва гурухларнинг қарама-қарши қизиқишлиари мавжуд бўлади.

Назарий нуқтаи назардан қонунга итоат этиш ёки унга қаршилик қилиш сиёсий оқимларнинг ўрни, ҳаракати, давлат ва жамоат ташкилотларининг позицияларига боғлиқ. Масалан, жамият аъзоларининг кўпчилиги томонидан қонунга ёки хуқуқ нормаларига қаршилик этмаслик ҳолларини олайлик. Ушбу ҳолларда қонунга итоаткорлик автоматик тарзда бажарилади, қонуннинг амал қилиши ва бажарилишига алоҳида кафолат беришга ўрин ҳам қолмайди, чунки

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Уроки: тяжкий путь России к праву. – М., 1997. – С. 123.

конунда талаб этилган сиёсий ва хукукий хатти-харакатларга тўла риоя этилади.

Худди шунингдек, айрим катлам, ижтимоий гурух томонидан конунга фаол қаршилик кўрсатиш ҳам мавжуд. Масалан, ўзбошимчалик билан спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва уни жамоат жойларида ичишни тақиқланган қонунга айрим шахслар томонидан қаршилик кўрсатилиши мисол бўла олади.

Ва ниҳоят, муросасиз кучларнинг сиёсий манфаатлари тўқнашувидан келиб чиқиб, ҳокимиятни эгаллашга интигувчи етакчи гурӯхларнинг хатти-харакатлари очикдан-очик қонунга қаршилик кўрсатишга, хатто қонунни четлаб ўтиш ҳолатларига олиб келади. Маълумки, ушбу ҳолларга тўғри баҳо бериш учун уларни келтириб чиқарган негатив ва позитив характердаги омилларни ўрганиш зарур бўлади.

Қулай шарт-шароитлардан бири, сўзсиз, вакт омилидир. Янги сиёсий ва хукукий онг, тафаккур кишилар ҳаётидан жуда секин ўрин олади. Баъзан эса консерватив ижтимоий гурух ва сиёсий партияларнинг қаршилигига учрайди, шунинг учун янги қарашларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарқалиб, индивидуал онгда сайқал топишигача сабр килишга тўғри келади. Бу бир томондан. Иккинчи томондан эса, янги сиёсий нормалар ва янги қонунларнинг аҳамияти, таъсирчанлиги уларнинг ижтимоий эҳтиёжлар, нормалар, сиёсий фаолият талаблари ва мақсадларига мос келиши билан ўлчанади. Шунинг учун қонунлар ишлаб чиқиш сиёсати ва амалиёти ҳукукий бошқариш обьекти ҳакидаги жамоатчилик фикрини чукур билиши зарур. Жамоатчилик фикрини билишнинг ушбу тамойили янги муносабатлар ва қонунларни қанчалик тараққийпарвар ва ҳаётйи эканлигини аниклаб беришга ёрдам беради.

Ҳакикатан ҳам, ҳар бир демократик жамиятда қонунчиликда жамоатчилик фикрини ва ижтимоий назорат талабларини хисобга олиш билан амалга оширилади. Бироқ қонуншунос учун жамоатчилик фикри ва ижтимоий назорат талаблари ҳакидаги информация қандай аҳамиятга эга бўлиши зарур, карорлар қабул қилишда уларнинг ўрни қандай?

Ушбу масалалар бўйича илм-фанда икки ёндашув шаклланган.

Биринчи қараш шундан иборатки, ўтиш жараённида, жамиятда маълум бир ижтимоий бекарорлик мавжуд ва жамоатчилик фикри ўта безовта, кескин қарама-қарши бўлганда уни “ишонтириш, тарбиялаш, портлашлардан саклаш мақсадида чеклаш, ижтимоий назорат омили сифатида” ўрганиш лозим. Бундай пайтларда, ушбу ёндашиш тараф-

дорларининг фикрига кўра, “карор қабул қилишга кодир бўлган малакали кишилар зарур бўлади”.<sup>1</sup>

Иккинчи ёндашув шундай иборатки, у "конунчилик жамоатчилик фикрига ва ижтимоий назорат асосига қурилиши лозим". Бу ёндашувни хукуқ социологиясидаги эътиборли мутахассис Ж.Карбоне ҳам қўллаб-кувватлайди. У ёзади: "Миллий кўламда ўтказилган жамоатчилик фикрини ўрганиш кўрсатадики, конун яратиш кишиларнинг умумий эркига баробар келиши зарур"<sup>2</sup>.

"Жамоатчилик қўллаб-кувватлайди", "жамоатчилик карши" деган иборалар ижтимоий назоратнинг кўриниши сифатида ва айнан мана шу маънода ишлатилади.

Аслида эса, жамоатчилик фикрида кўпчилик фикридан ташкари турли йўналишдаги, ҳатто бир-бирини инкор этувчи қарашлар ҳам бор. Шунинг учун савол жамоатчилик фикрида кўпчилик конун нормаларининг асосини ташкил этувчи барчанинг эркини ифода эта оладими, деган тарзда қўйилиши мумкин.

Ушбу муаммо бугун долзарб ва ўта ахамиятли бўлишига қарамай, ўзининг узоқ тарихига эга. Масалан, Ж. Ж.Руссо ўзининг "Ижтимоий шартнома ҳакида"ги асарида умумий эрк билан барчанинг эрки ўртасида фарқ мавжудлигини таъкидлайди. "Умумий эрк, - деб ёзади у, – ҳамма вакт жамиятга наф келтиришга интилади, аммо ундан ҳалқ қарори ҳар доим ҳам тўғри йўналишда, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Гоҳо кўпчиликнинг эрки билан умумий эрк ўртасида фарқ бўлади. Кейингиси факат умумий кизиқишини, биринчиси эса хусусий кизиқишилар ва факат айрим кишилар эркининг йиғиндиsicидагина иборат."<sup>3</sup>

Шундай килиб, умумий эрк – бир-бирига зид турли эрклар кесишадиган ягона нукта, ушбу нуктада умумиттифоқ, келишув намоён бўлади. Бу жамоатчилик фикридаги кўпчилик эркининг оддий йиғиндиси эмас, балки конун ишлаб чиқишида асос бўла оладиган бутун жамият учун маъқул эрклар мувозанатидир.

Шундай килиб, конун ишлаб чиқарувчи жамоатчилик фикрини, ижтимоий назорат талабларини билиши ва ҳисобга олиши шарт, бироқ уларнинг фикри охирги, ҳал қилувчи, хукм чиқарувчи хулоса бўла олмайди. Жамоатчилик фикри ва ижтимоий назорат талаблари тарзида тақдим этиладиган ранг-баранг қарашларни конун чиқарувчи умумий конун нормаси сифатида шакллантиради. Агар Гегелнинг маълум фикрини эсласак, "жамоатчилик фикрида" ҳакикат ҳам бор, ёлғон ҳам,

<sup>1</sup> Карцева Н. Общество, лишённое мифов//Социологические исследования. – М.,1997, №1. – С. 157.

<sup>2</sup> Карбоне Ж. Юридическая социология. – М., 1986. – С. 335.

<sup>3</sup> Руссо Ж.Ж. Трактаты. – М., 1969. – С.173.

аммо ундаги ҳакиқатни топиш буюк зотнинг вазифасидир<sup>1</sup>. Шундай экан, айтиш мумкинки, конун чикарувчи ўша “буюк зот” ижтимоий саъй-ҳаракатлари ёрдамида жамоатчилик фикрида ва ижтимоий назорат талабларида умумий ифодаланган ҳакиқатни топиши зарур.

Шу ўринда айтиш жоизки, савияси паст қонуннинг қабул қилиниши салбий омил бўлиши мумкин. Қонунга итоат этмаслик ҳолатларини бартараф этадиган самараали омиллар мавжудки, баъзан унга кам эътибор берилади. Бу ўзаро муросасозлик, келишув, консенсус тамойилидир. Ушбу тамойилнинг назарий ва амалий аҳамияти сиёсий ҳаётда ва қонун ишлаб чишида баркарорликка эришиш масаласига бориб тақалади.

Жамиятимиздаги сиёсий ва ҳукукий соҳада эришилган баркарорлик, сир эмаски, энг аввало, ҳукумат томонидан жорий этилган мажбурлаш чора-тадбирлари натижаси сифатида юзага келган. Ушбу ҳолни инкор этиш ёки ундан четлатиш фикрлар ўртасида кескин фарқларни келтириб чиқаради. Ҳозир олдимизда жуда мураккаб вазифа турибди-у фикрлар хилма-хиллиги шароитида консенсусга эришишdir. Бунинг тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги куйидаги фикрларини келтириш ўринли деб ўйлаймиз: “... бундай салбий ҳолатларга карши курашгандан кўра, аввал бошдан бундай қонун бузилишларининг олдини олган яхши эмасми?”<sup>2</sup>

Ҳукуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқарashi ва ҳукукий онги эндиғина шаклланётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда аниқ максадни кўзлаб, унинг тарбияси билан шуғулланган яхши эмасми?”<sup>2</sup>

Жамоатчилик фикри ижтимоий назоратнинг кўриниши сифатида оддий кундалик онг даражасида, кишиларнинг ижтимоий тараққиётининг табиий қийинчилкларини билмаганлари боис баъзан овоза, миш-мишлар таъсирида ҳам шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, кундалик оммавий онг ўзида ҳозирги кунда маълум даражада тартибсизлик, хаёлпарастлик унсурларидан холи эмас. Унда ҳеч кандай таажӯбланаарли нарса йўқ, чунки тез суръатлар билан ривожланаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар илгари шаклланган қарашларни, котиб колган коидаларни, худди шунингдек, ҳукук соҳасида ҳам, ортда колдириб ўзиб бормоқда. Энди аёнки, бизнинг жамиятимизда турли кўринишдаги жамоатчилик фикрлари ва ижтимоий назорат кўринишлари шаклланган ва шаклланмоқда.

Демократия фуқароларнинг ҳукукий онгини уйғотиш учун уларнинг виждонига мурожаат қилиш, уларни ҳокимият томонидан турли

<sup>1</sup> Карап: Гегель. Энциклопедия философских наук. – М.: Мысль, 1974. – С. 319.

<sup>2</sup> Каримов И. Адолат қонун устуворлигига // Халқ сўзи. 2001, 30 август.

тақиқлар билан эзишдан ҳимоя этиш, уларга ўзини ва давлатини нобуд қилмайдиган, ўзлари күтара оладиган ва манзилга элта оладиган даражадаги озодликни беришни назарда тутади. Бирок чексиз ваколатлар ҳеч қачон эзгуликка олиб келмаган. У факат сиёсий маҳлиёлик ва муккасидан кетишни келтириб чиқаради<sup>1</sup>. Ушбу, деярли юз йил илгари айтилган фикр, бизнинг воқелигимиз учун муҳимдир. Фарғона, Ўш, Боку, Душанба, Чеченистон ва бошқа жойларда рўй берган воқеалар позитив ижтимоий назоратнинг акси бўлган тўданинг, охлократиянинг хавфли эканлигидан далолат беради. Унинг хавфли томони шахснинг заиф ижтимоийлашганида, жамият манфаатларига йўналтирилган тафаккур ва хулкнинг инкор этилганидадир. Охлократия хис-ҳаяжонларнинг ҳаддан ошишига, бошқариб бўлмайдиган зўравонликни авж олиши, демак, кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келади.

Бизнинг давримизда позитив ижтимоий назоратнинг акси бўлган тўдани нима ҳаракатга келтиради? Унга хуқуқшунос-публицист С.С.Алексеев жавоб беришга интилади, шунинг учун у, бизнинг мавзумиз учун маълум бир қизиқиши үйғотади.

“Демократия,— деб ёзди у—”турли ҳодисаларга йўл очиб беради, улар баъзан хавотирили ва хавотирлантиради. Албатта, демократик тузумда ранг-баранглик ва фикрлар тўқнашуви содир бўлади, бирок унда босиклик, чидам ва хурмат билан муносабатда бўлиши ҳам муқаррар. Минг афсуски, баъзан эркин хатти-ҳаракат, демократия берадиган кенг имкон тор худбинлик, ҳокимиятга интилиш, гурухий, қариндош-уругчилик қизиқишилари ва истаклари, энг хавфлиси эса, зўравонликлар билан кўшилиб кетади...

Ростини айтайлик: куч руҳи баъзида намоишиш ва норасмий ўюшмаларнинг йиғинларида устунлик килади; кўпол куч даъвати айрим ҳаракат раҳбарлари ва публицистларнинг чиқишиларида эшитилиб туради; куч хукмонлиги иш ташлашлар, айниқса, сиёсий ҳаракатлар никобида, ўзининг кўп кирралигини, асосли ва беасос ҳодисалар тарзида баъзан намоён килади. “Куч демократияси” истаклар тўқнашувининг кескинлашиши негизида, ваҳшийлик, ўч олиш, қонли тўқнашувлар кўринишида намоён бўлганига мисоллар оз эмас<sup>2</sup>. Албатта, бу ўринда С.С. Алексеев Россияда рўй бераётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва хуқукий жараёнлар билан боғлиқ “кучлар демократиясини” назарда тутади. Ўтиш даврининг мураккабликлари бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтмади, бироқ ўтиш даврида демократия давлатнинг энг муҳим вазифаси — ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришга, бу даврнинг муқаррар кийинчиликларини эҳтиёт

<sup>1</sup> Каранг: Ильин И. О грядущей России. – М., 1991. – С. 147.

<sup>2</sup> Алексеев С.С. Уроки: тяжкий путь России к праву. – М., 1997. – С.167.

чоралари ҳисобига юмшатишга ва одамларнинг янги турмуш шароитларига мослашишини осонлаштиришга қаратилди.<sup>1</sup>

**Хукуқий хулк-авторни бир қатор асосларга кўра таснифлаш мумкин:**

1. Фаол хукуқий хулк-автор.
2. Одатдаги хукуқий хулк-автор.
3. Суст хукуқий хулк-автор.

Фаол хукуқий хулк-автор – бу фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг ташаббускорлиги билан маълум мақсадга қаратилган қонуний фаолияти. Хукуқий фаолликни намоён этиш шакллари хилмажил бўлиб, бу фаоллик хукуқ субъектларининг ўз хизмат вазифаларига муносабатларида, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг шакланишида ҳамда уларнинг ишларида иштирок этишларида, хукуқ ижодкорлиги жараёнида қатнашишларида, давлатнинг тузилмалари билан ҳамкорлик қилишларида ва ҳоказоларда кўринади.

Одатдаги хукуқий хулк-автор – бу кишиларнинг кундалик ҳаётидаги хукуқ нормаларига мос келадиган хулки бўлиб, бу хулк доирасида фуқаролар ўзларининг хукуқий мажбуриятларинигина бажарадилар, у ёки бу кўринишдаги юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширадилар. Суст хукуқий хулк-автор – фуқароларнинг ўз хукуқ ва эркинликларидан атайин фойдаланмаганлигига намоён бўлади. Бунга мисол қилиб, фуқароларнинг сайловларда иштирок этмаслигини кўрсатиши мумкин.

Хукуқий хулкни хукуқ субъектларига кўра фуқаролар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва ҳоказоларининг хулкларига ажратиш мумкин. Хукуқий хулк ўзининг барча кўринишларида шахснинг хар томонлама уйғунлашувига муҳим туртки бўлади, ҳамда унинг ижодий ва интеллектуал маҳоратини ва қобилиятини ўсишга, маънавий сифатларини шакланишига ёрдам беради.

Хукуқ нуктаи назаридан хулк-автор ҳуқуққа мос келувчи, юридик бетараф ва ҳуқуққа зид келувчи бўлиши мумкин.

Хукуқий хулк-автор элементлари:

- субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар);
- объекtlар (предмет ва субъект хулк-автори);
- объектив томони (хулк-авторнинг ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишлари);
- субъектив томони (субъектнинг масъулиятлилик даражаси).

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳафезизликка таҳдид, бирқарарлик шартийи таракқиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б 217.

## 2-§. Ҳукуқбузарлик тушунчаси, турлари ва белгилари

Ҳукуқбузарлик ижтимоий маънода жамият, фуқаролик ва жамоа бирлашмаларининг ҳукуқ ва манфаатларига хавф түғдиришга қодир бўлган хулқ бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини кийинлашириди ва уларнинг бузилишига сабаб бўлади. Ҳукуқбузарлик қасддан ёки эҳтиёtsизлик кўринишида бўладиган, ҳукуқ қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида жамият, давлат ва фуқаролар (шахслар) манфаатларига етказиладиган моддий ва маънавий зарар ёки хавфли харакат ва ҳаракатсизликдир.

**Ҳукуқбузарлик** – бу ҳукуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳукуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш.

Бундай қилмиш конун билан муҳофаза килинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин.

### Ҳукуқбузарликнинг асосий белгилари:

- жамият ва шахс учун ижтимоий хавфли;
- ҳукуққа зид ҳарактерга эгалиги;
- айбли қилмиш;
- зарарли оқибат келтириб чиқаради;
- фақат кишилар томонидан (жисмоний шахслар) содир қилиниши;
- кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилади ва бошқа.

Ҳукуқбузарлик юридик факт бўлиб ҳисобланади у, ўз навбатида, кўрикловчи ҳарактерга эга бўлган ҳукукий муносабатларни юзага келтириди. Ҳукуқбузарликнинг таркиби муайян ҳукуқ нормаларини шарҳлашда, унинг мазмунини очиб беришда ҳамда дунёқараш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир. У ўз ичига тўртта элементни қамраб олади: обьект, субъект, обьектив томон, субъектив томон.

### Ҳукуқбузарликнинг элементлари:

- *Объекти* (хукуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар);
- *Объектив томони* (хукукнинг бузилиши ва унинг ижтимоий хавфлилиги);
- *Субъекти* (хукуқбузарликни содир этган шахслар);

– Субъектив төмөнни (хукукбузарлик оқибатидан келиб чикадиган ижтимоий хавфли килмишга бўлган онгли-психик муносабат).

Ўз навбатида, ҳукукбузарлик объектив төмөннинг элементлари мавжуд:

1) хукукка қарши килмиш;

2) заарли оқибат;

3) хукукка қарши килмиш ва заарли оқибат ўртасидаги сабабий боғлиқлик;

4) жойи, вакти, усули ва муҳит.

Ҳукукбузарлик субъектив төмөннинг зарурый белгиси айбдир.

Айб – хукукбузарнинг хукукка хилоф хатти-харакатига ва уларнинг ижтимоий хавфли оқибатига нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги муносабати.

Қасд – шахснинг хукукка хилоф хатти-харакатини содир килаётганида, бу харакат (харакатсизлик)нинг хукукка хилофлигини, ижтимоий хавфлиларини, унинг оқибатини англаши ёки тушуниши (тўғри қасд), ёки бу муносабатнинг маълум оқибатни келтириб чиқаришига онгли равишда йўл кўйиши (эгри қасд).

Эҳтиётсизлик – шахснинг хатти-харакатлари натижасида келиб чикиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарвоник билан ўзига-ўзи ишониб ҳаракат (харакатсизлик) қилиши.

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра хукукбузарликнинг жиноят (одам ўлдириш, ўғрилик, фирибгарлик ва бошқа.) ва ножӯя иш кўринишидаги турлари мавжуд.

Ножӯя иш кўринишидаги хукукбузарлик, ўз навбатида, фуқаролик-хукуқий (моддий заарар етказиш, мажбуриятни бажармаслик ва бошқа.); маъмурӣ-хукуқий (майда безорилик, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ва бошқа.); интизомий-хукуқий (ишга келмаслик, кеч қолиш ва бошқа.)ларга бўлинади.

### 3-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси, турлари, белгилари

---

Хукукшунослик фанида юридик жавобгарлик масаласи юзасидан турлича фикрлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар юридик жавобгарликни баъзан давлатнинг хукуқ талабларини бажаришга қаратилган мажбурлов чораларини кўллаши деб тушунсалар, бошқа баъзи бир олимлар унга амалдаги юридик категориялар доирасида ёндашиб, юридик жавобгарликни қўрикловчи хукуқий муносабатлар, маҳсус юридик мажбуриятлар, ёки хукуқ нормалари санкциялари кўринишида талкин этишга интиладилар.

Юридик жавобгарликнинг табиати ва мазмунини аник белгилаш учун аввало жавобгарликнинг ўзи нима, деган саволга жавоб бериш зарур. Жавобгарликни икки маънода: позитив (ижобий) жавобгарлик ва ретроспектив<sup>1</sup> жавобгарлик маъносида тушуниш мумкин. Агар позитив (ижобий) маънодаги жавобгарлик мавжуд ҳамда келгусидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришга қаратилган бўлса, ретроспектив жавобгарлик, ўз навбатида, ўтмишга қаратилган бўлади, яъни у шахснинг юридик мажбуриятларини бажармаслиги ёки хукукни бузганлиги оқибатида юзага чиқади. Жамиятда жавобгарликнинг бу икки тури ўзаро узвий боғлиқдир. Позитив (ижобий) жавобгарлик канча юкори даражада бўлса, хуқук коидалари хам шунча ижобий бажарилади ҳамда ретроспектив жавобгарликка тортилиш ҳолатлари хам шунча кам содир бўлади.

**Хуқукий жавобгарлик (юридик жавобгарлик)** – бу хукуқбузарга нисбатан хуқук нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини кўллашdir. Бу чоралар: шахсий (озодликдан маҳрум этиш); мулкий (жарима); ташкилий (муайян хукукдан маҳрум этиш; ишдан бўшатиш) характеристга эга бўлиши мумкин.

Юридик жавобгарлик қуидаги белгилари билан характеристланади.

- юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ;
- юридик жавобгарлик хукуқбузарлик билан боғлиқ;
- юридик жавобгарлик хукуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради(озодликдан, ота-оналиктан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилимиши учун жарима тўлаш ва бошқ.);
- хукуқбузарга нисбатан кўлланиладиган чораларнинг характеристи ва хажми хуқук нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади;

– давлат томонидан кўлланиладиган мажбурлов чоралари хукукини кўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юкоридаги хусусиятлари билан юридик жавобгарлик сиёсий, ахлоқий ва бошқа жавобгарликлардан фарқ қиласди.

Шахсни жавобгарликка тортиш масаласини ечишда унинг қилимишида хукуқбузарликнинг таркиби мавжудлигига аҳамият бериш ҳал қилувчи роль ўйнайди, яъни хукуқка қарши қилишининг объектив ва субъектив томонларини ўрганиш, масаланинг мазмунини очиб беришга, уни конкретлаштириш (муайянлаштиришга) ва индивидуаллаштиришга ёрдам беради.

<sup>1</sup> Ретроспектив-ўтмиш, ўтмишга кайтмиш демакдир. яъни содир этилган хукукка хилоф иш учун жавобгарлик.

**Хукукий жавобгарлик хукукбузарликнинг турларига кўра қуидагиларга бўлинади: жиноий-хукукий, фуқаролик-хукукий, маъмурий-хукукий, интизомий-хукукий.**

**Жиноий-хукукий** жавобгарлик фуқаролар томонидан ижтимоий й ва давлат тизимида, мулк шакллари, хўжалик тизими, шахслар, фуқароларнинг хукуқ ва конун билан кўрикланадиган манфаатларига ва ҳоказоларга карши тажовуз қилингандан келиб чиқади. Жиноят Кодексида кўзда тутилган талабларни бузиш жиноят ҳисобланади ва шу жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади.

**Фуқаролик-хукукий** жавобгарлик фуқароларнинг, шахсларнинг мулкий муносабатлари ва бу муносабатлар билан боғлиқ мулкий ҳарактерда бўлмаган шахсий муносабатларга заарар етказганилик ҳолатларида белгиланади. Фуқаролик-хукукий жавобгарлик Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, Мехнат кодекси ва бошқаларда назарда тутилган ҳолатларда кўлланилади.

**Маъмурий-хукукий** жавобгарлик хукукий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга – ўрнатилган умумтартиб қоидаларни бажармаслик, масалан, йул ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқалар киради.

**Маъмурий-хукукий** жавобгарлик бўйича қуидаги жазо чораларини кўрсатиш мумкин: огоҳлантириш; жарима солиш; предметни мусодара қилиш (хукукни бузиш куроли ёки обьекти бўлса); маҳсус хукуклардан маҳрум этиш (ов қилиш, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва бошқа.); маъмурий қамоқ; ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар.

**Интизомий-хукукий** жавобгарликнинг белгиланиш ҳолатлари Мехнат кодексида, ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳамда маҳсус Низомларда назарда тутилади. Интизомий хукуқ меҳнат ва хизмат интизомларини, ҳарбий ва бошқа интизомларини бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб-қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвакт кетиш ва ҳоказолар каби ҳоллар киради.

Жиноий ва фуқаролик-хукукий жавобгарликни белгилаш факат суд ва хўжалик судлари томонидан амалга оширилади.

**Маъмурий** ва интизомий-хукукий жавобгарлик ички ишлар органлари, мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга раҳбар шахслар (маъмурият) томонидан амалга оширилади.

Юридик жавобгарликни белгилашнинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки хукукнинг умуммақсадларини муайян ифодасига каратилган бўлиб, улар ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиши, тартиби солиниши ва ҳимоясида ўзининг ифодасини топади. Бу мақсадлар, ўт

навбатида, хукуқнинг тартибга солувчи (регулятив) ва қўрикловчи функцияларини амалда бўлишини белгилайди. Юридик жавобгарликнинг асосий функцияси конунийлик ва хукукий тартиботни муҳофаза қилишдан иборат. Муайян (конкрет) хукуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг қўлланилиши бирмунча тор мақсадни, яъни айбдорни жазолашни кўзлади. Бу билан давлат ўзининг мажбурлов чораларини амалга ошира туриб, яна бошқа бир мақсадни кўзда тутади – бу мақсад келажакда хукуқбузарликни содир этишини олдини олишга ёки бу ҳақда огоҳлантиришга қаратилган бўлади.

*Хукукий жавобгарликнинг тамойиллари:* адолатпарварлик, инсонпарварлик, конунийлик, асослантирилганлик, хукук бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги, мақсадга мувофиқликлик ва бошқа.

*Адолатпарварлик.* Бу тамойил айбдор бўлмаган шахсларни жавобгарликка тортилиш ҳолларига йўл куймасликни ёки содир этилган килмишнинг исботланиши зарурлигини талаб этади. Юридик жавобгарликнинг адолатпарварлик тамойили қўидаги расмий талаблар тизимида ўз ифодасини топади:

- ножўя килмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас;
- жавобгарликни белгиловчи ва уни оғирлаштирувчи конун орқага кайтиш кучига эга эмас;
- хукуқнинг бузилиши натижасида келтирилган заарни коплаш зарурати мавжуд бўлса, юридик жавобгарликни қўллаш орқали унинг ўрни тўлдирилади;
- ҳар бир бузилган хукук учун фактат битта жавобгарлик белгиланади;
- хукуқбузарлик ким томонидан содир этилган бўлса, фактат шу шахс жавобгарликка тортилади;
- жазо турлари ва чоралари хукуқбузарликнинг даражасига (оғир ёки енгиллиги ) боғлик бўлади.

*Конунийлик.* Бу тамойилнинг моҳияти хукуқ қоидалари талабларини каттый ва аниқ татбигидан иборат бўлиб, юридик жавобгарликга нисбатан бу талаб, уни фактат ваколатли органлар томонидан конунда белгиланган асосларда ҳамда ўрнатилган тартибда амалга оширилишидид.

*Хукуқ бузилган тақдирда жавобгарликнинг муқаррарлиги.* Юридик жавобгарлик хукуқбузарлик билан узлусиз боғлик ва бу боғликликдан ушбу тамойилнинг моҳияти келиб чикади. Яъни содир этилган ҳар қандай хукуқбузарлик учун жавобгарликнинг қўлланиши ҳамда унинг муқаррарлиги белгиланади. Кишиларнинг онгидаги

боглиқликни, яъни ҳар кандай ҳуқукбузарликнинг жазосиз қолмаслиги тўғрисидаги дунёкарашни шакллантириш – ҳуқукбузарликнинг дарајасини камайтиришга қаратилган муҳим омилдир.

*Мақсадга мувофиқлик.* Содир этилган килмишга нисбатан жавобгарликнинг мұкаррарлығы бу тамойилнинг маъносини англатади, чунки белгиланадиган жавобгарлик мақсадга мувофиқдир. Ёки ҳуқукбузарни қонуний асосларсиз жавобгарликдан озод қилишга йўл қўймаслик ҳам мақсадга мувофиқлиликдир ва бошка. Максадга мувофиқлик талаблари жавобгарликни татбиқ этишда қонунийлик талабларига зид келмаслиги керак ва аксинча, мақсадга мувофик эмаслик нуқтаи назаридан қонун талабларини бузиш мумкин эмас.

*Индивидуаллик.* Бу тамойилга биноан содир этилган ҳуқукбузарлик учун факат айбдор шахснинг ўзига нисбатан жавобгарлик қўлланилади. Жавобгарликни айбдор субъектдан бошқа субъектга ўтказишга йўл қўйилмаслиги керак. Масалан, кўп ҳолларда раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган ҳуқукбузарликлар учун жавобгарлик корхона ёки ташкилотларнинг зиммасига юклатилишига ҳаракат килинади. Бу тамойилни ҳаётга тўғри татбиқ этиш учун ҳар бир ходимнинг функционал вазифалари ва унинг бу вазифаларини бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган жавобгарлик чоралари доираси қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини (ифодасини) топиши зарур.

Юридик жавобгарлик ҳуқук нормалари, коидаларига биноан ҳуқукни қўлловчи органнинг карорига асосланиб юзага келади ва унинг фактик асоси ҳуқукбузарлик ҳисобланади.

Шу билан бирга ҳуқукбузарлик, ўз-ўзидан жавобгарликни келтириб чиқармайди ёки давлат мажбурлов чораларини қўллашни юзага келтирмайди, балки бундай қўллаш учун асос бўлади холос. Реал юридик жавобгарликни амалга ошириш учун эса ваколатли органнинг ҳуқукни қўллаш акти зарур бўлади. Бундай актлар суднинг қарори, маъмурият бўйруғи бўлиши мумкин.

*Жиноий* ва *фуқаролик* ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш суд томонидан амалга оширилади.

## 4-§. Юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар

Қилмишнинг ҳукуқка хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар деб шахснинг онгли равишда ўз ҳоҳишига кўра конун билан қўриқланадиган манфаатларга ва моддий бойликларга ундан муҳимроқ ҳукук-манфаатларни химоя қилиш мақсадида бирон-бир зарар етказиш қўринишида содир этадиган ҳамда ижтимоий хавфли хисобланмайдиган, ҳукуқбузарлик сифатида тан олинмайдиган ҳатти-ҳаракатига айтилади.

Кундалик ҳаётда қилмишнинг ҳукуқка хилофлиги ва юридик жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатлар юзага келиши мумкин. Буларга инсон ўз фуқаролик бурчини ўташ давомида ёки ижтимоий аҳамиятли мақсадга эришиш йўлида бирон-бир ҳаракатни мажбуран бажариш ҳоллари киради. Айрим вазиятларда шахснинг руҳий ҳолати ҳам муҳим ўрин тутади. Бундай шароитларда шахснинг содир этган ҳатти-ҳаракати ҳукуқка мос деб топилиб, юридик жавобгарликни келтириб чиқармайди. Хўш, кандай қилмишларга шундай шароитда содир этилган деб каралади? Улар конунда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 9-боби қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатларга бағишиланган. Қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси ЎзР ЖКнинг 35-моддасида баён қилинган: "...қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, гайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади".

Буларга: кам аҳамиятли қилмишлар; зарурый мудофаа; охирги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйрукни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик; жисмоний ёки руҳий мажбуrlаш ёхуд қўрқитиши натижасида қилмиш содир этиш каби ҳолатлар киради. Мазкур ҳолатларни алоҳида кўриб чиқамиз:

– **кам аҳамиятли қилмиш.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 36-моддаси кам аҳамиятли қилмиш тушунчасини қуидагича таърифлайди: "Гарчи ушбу Кодексда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди";

– **зарурый мудофаа.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 37-моддасига биноан "зарурый мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки

хуқукларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилингандык ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четта чицилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди”.

Модданинг иккинчи қисмида зарурий мудофаа чегарасидан четта чиқиш тушунчаси берилган: “лекин айрим ҳолларда мудофааланувчининг ўзини ҳимоя қилиши унга қилингандык тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофик келмайдиган бўлса, зарурий мудофаа чегарасидан четта чиқиш деб топилади”.

Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсингда кутулиш имконияти бор-йўклигидан қатъи назар, зарурий мудофаа хуқуки шахсга тегишидир.

Зарар етказиши мақсадида қасдан хужум қилиш истагини қўзғатиш зарурий мудофаа деб топилмайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, зарурий мудофаа институти объектив жиҳатдан зарур, одилона ва инсонпарвар бўлгани ҳолда, катта жавобгарлик талаб қиласи ва бир қадар хавфли ҳисобланади. Чунки шахс ўзини ҳимоя қилиш жараёнида зарурий мудофаа чегарасидан четта чиқиб кетиши хавфи мавжуд бўлади. Зарурий мудофаа чегарасидан четта чиқиш эса мудофаа эмас, балки тажовуз тусини олиши мумкин (масалан, калтак ўқталаётган одамни ўқотар қуролдан отиб ўлдириш).

– охирги зарурат. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 38-моддаси бу ҳолатга қуйидагича таъриф берган: “охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд хуқукларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид соловчи хавфни қайтариш учун қонун билан кўрикланадиган хукуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга караганда камрок бўлса, жиноят деб топилмайди”.

Шунингдек, моддада бу қилмишнинг қонуний деб топилиш асослари ҳам белгилаб берилган: “шахснинг охирги зарурат ҳолатида содир этган қилмиши, башарти, охирги зарурат чегарасидан четта чицилмаган бўлса, қонуний деб топилади.

Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, қонун билан кўрикланадиган хукуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охирги зарурат чегарасидан четта чиқиш деб топилади.

Охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва юз бериш вақтининг яқинлиги, хавфни

қайтарувчи шахснинг мавжуд имкониятлари, вужудга келган вазиятдаги руҳий ҳолати ва ишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади”.

Бу норма мазмунидан кўриниб турибдики, жавобгарликни истисно қиладиган қилмиш деб топиш учун конунда З шарт келтирилган: а) хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайташнинг иложи бўлмаса, яъни шахснинг бошқа ҳаракат содир этиш имкони мавжуд бўлмайди; б) олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; в) келтирилган зарар олди олинган зарага караганда камрок бўлса.

– ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вактида зарар етказиш. Кодекснинг 39-моддаси бўйича “Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вактида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чикилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди”.

Ушлаш воситалари ва усусларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланадгандан шахсга қасдан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чикиш деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вактида унга етказилган зарарнинг конунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш хукуқига эгадирлар.” Бу ҳолатлар шундай вазиятларда фуқароларнинг ўзбошимчалигини чекладиган омил ҳисобланади ва уларга зарур ва адолатли деб каралади .

– буйруқ ёки бошқа вазифани бажариш ЖКнинг 40-моддасида ўз аксини топган: “Шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойиши, шунингдек, мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди”.

Жинойлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойиши бажариб, жиноят содир этган шахс, умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Файриконуний равишида берилган буйруқ ёки фармойиши ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилади.

– **касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик** ЖКнинг 41-моддасида келтирилган: "Ихтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, хукуклар ва конун билан кўрикланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди.

Агар содир этилган ҳаракат замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган, кўйилган мақсадга эса, таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаган ҳамда шахс хукуклар ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ихтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ихтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмайди.

Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чикиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, асосли деб топилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноят жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

– **жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиши** Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 41<sup>1</sup>-моддасида баён этилган: "Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни кўллаш билан қўрқитиши натижасида ушбу Кодекс билан кўрикланадиган хукуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд қўрқитиши оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди.

Қилишнинг жинойлигини истисно қиласидан ҳолатлардан ташқари жиноят қонунчилигига жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг бошқа турлари ҳам мавжуд: амнистия ва авф қилиш, қасаллик ёки меҳнат кобилиятини йўқотиш, айборнинг ўз қилишига пушаймон бўлиши, жазони ижро қилиш муддатининг ўтиб кетиши ва бошқалар.

## **Назорат саволлари**

---

1. Юридик жавобгарлик ҳуқукбузарга нисбатан ҳуқук нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашдир. Қонунчиликда юридик жавобгарликни истисно қилувчи катор ҳолатлар мавжуд.

*Юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар бўлган зарурӣ мудофаа, охирги зарурат, буйруқни ёки бошқача тарздаги расмий вазифани бажарии, муомалага лаёқатсизлик ва бошқаларни муҳокама қилинг.*

2. Ҳуқукбузарлик ҳуқук ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳуқук нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишдир. Бундай қилмиш қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин. Ҳуқукбузарлик сифатида эътироф этиш учун унинг юридик таркиби бўлиши лозим.

*Масалани атрофлича муҳокама қилинг.*

## **XVII БОБ. ҲУҚУКИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ. ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУКИЙ ТАРТИБОТ**

### **1-§. Ҳуқукий тартибга солиш тушунчаси**

Инсонлар жамияти у ёки бу даражада уюшганлик ва тартиб-интизом билан тавсифланади. Бунга ҳар бир инсон ва жамиятнинг (катта ва кичик ижтимоий гурухлар) манфаатлари ва эҳтиёжларини мувофикалаштириш зарурати сабаб бўлади.

Ушбу мувофикалаштиришга эришиш учун ижтимоий тартибга солиш чоралари, яъни инсонларнинг хатти-ҳаракатларига мақсадли таъсир ўtkазиш қўлланилади. Тартибга солиши инсонга нисбатан ташки (унга бирор кимса таъсир этади), ҳам ички (ўз-ўзини тартибга солиши) бўлиши мумкин. Жамият ўзининг ривожланиш мобайнида инсонлар хатти-ҳаракатларини тартибга солишининг восита ва усусларининг кўп киррали тизимини ишлаб чиқди. Воситалар инсонларнинг хатти-ҳаракатлари нима билан тартибга солинишига, усуслари эса қандай килиб ушбу мақсадли таъсир амалга оширилади деган саволларга жавоб беради.

Ижтимоий тартибга солиш воситаларига, биринчи навбатда, ҳуқукий (юридик), аҳлоқий, жамоавий ижтимоий нормалар ва удумлар киради. Бироқ норма асосий бўлса ҳам, инсонларнинг хатти-ҳаракатига таъсир этадиган ягона восита эмас. Ҳуқукий тартибга солиш воситаларига, шунингдек, шахсий талаблар, буйруклар, жисмоний, руҳий, ташкилий мажбурлов чоралари ва бошкалар киради.

Ижтимоий тартибга солиш тизимида асосий роль ҳуқукий тартибга солиш чораларига тегишли. Тор маънода ҳуқукий тартибга солиш деганда ҳуқук нормасининг (ҳуқукий нормалар тизими), бошқа маҳсус юридик воситаларнинг инсонларнинг хатти-ҳаракати ва ижтимоий муносабатларга уларни тартибга солиши ва прогрессив ривожланиш мақсадида килинган таъсири тушунилади.

Позитив ҳуқук ўзининг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилишини таъминловчи хусусиятлари ва механизmlарига эгадир. Нормативлик, умуммажбурийлик, расман аниқлик, давлат-ҳуқукий мажбурлов қучига эгалик ҳуқукий нормаларнинг инсон ва жамиятнинг кундалик ҳаётiga ўтказади.

Амалий вазифалар билан боғлиқ бўлган ҳуқукий ходисаларни ўрганиш бўлажак юристларни конун ва бошқа норматив актларнинг, индивидуал карорларнинг, бошқа ҳуқукий воситаларнинг тартибга солиш ролини ўзаро боғлиқликда ва ўзаро ҳамжиҳатликда тушунишга тайёрлашни мақсад қилиб кўйган.

Ушбу вазифалардан келиб чиккан ҳолда қуйидаги таърифни келтириш мумкин. **Хукукий тартибга солиш – бу хукукий (юридик) воситалар ёрдамида инсонларнинг хатти-харакатларига ва ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказишdir.**

Ушбу таърифдан келиб чиккан ҳолда, тартибга солиш чоралари деб факатгина аник бир максад билан килинган таъсир тушунилади. Масалан, ердан фойдаланиш тартибини таъминлаш, унинг унумдорлигини ошириш мақсадида ер тўғрисидаги қонун қабул килинади. Ер қонуни нормаларининг таъсири натижасида белгиланган мақсадлар амалга оширилиши хукукий тартибга солиш деб тушунилади.

Агар қонунчилик акти ёки унинг нормалари таъсири остида, қонун томонидан кўзда тутилмаган, айрим ҳолларда қонунга хилоф ҳодисалар юз берадиган бўлса, ушбу таъсирини хукукий тартибга солиш чоралари деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ер тўғрисидаги қонун таъсири натижасида томорка нархлари ошиб кетса, мўмай даромад топиш мақсадида тузилган спекулятив битимлар сони ўсиб кетса, ер тўғрисидаги қонуннинг ижтимоий муносабатларга бўлган салбий таъсирини хукукий тартибга солиш чоралари деб бўлмайди, чунки у хукуқнинг жамият ҳаётини тартибга солиш, ер каби кимматли неъматдан акл ва адолат билан фойдаланиш каби мақсадларига мувофиқ келмаган бўлади.

Хукукий тартибга солиш чоралари соҳасига қуйидаги белгиларга эга бўлган муносабатлар киради.

**Биринчидан**, бу жамият аъзолари ва умумижтимоий манфаатлар мужассам бўлган алокалардир.

**Иккинчидан**, ушбу алокаларда иштирокчиларнинг ўзаро манфаатлари амалга оширилади, бу жараёнда ҳар бир иштирокчи бошка иштирокчи манфаатларини кондириш учун ўз манфаатларини бирмунча чеклашга бориши мумкин.

**Учинчидан**, ушбу муносабатлар мажбурий кучга эга бўлган коидаларга риоя қилишни талаб қиласди.

Жамиятнинг хукукий ҳаёти тарихида хукукий тартибга солиш соҳасига қуйида келтирилиб ўтилган ижтимоий муносабатларнинг учта гурухи киради.

**Биринчи гурухни** инсонларнинг бойликлар (ҳам моддий, ҳам номоддий) алмашувига асосланган муносабатлари ташкил этади. Бу ерда мулкий муносабатларнинг хукукий тартибга солишнинг имконияти ва зарурияти жуда ёркин намоён бўлади, чунки ўзаро манфаатли алмashiшда жамият ҳам, ҳар бир инсон ҳам манфаатдор. Ушбу алокалар умумэтироф этилган қонуларга асосланади (масалан, мулкнинг қийматини пул эквивалентида ифодалаш); қонуларнинг мажбурий деб тан олиниши мажбурий кучга эгадир.

*Иккинчи гуруҳни жамиятнинг ҳокимият томонидан бошқариш муносабатлари ташкил этади. Ижтимоий жараёнларни бошқариша инсонлар ҳам, жамият ҳам манфаатдор. Бошқарув ҳам шахсий, ҳам умунижтимоий манфаатларни қондириш максадида ва мажбурлов кучи билан таъминланган қатъий қоидалар бўйича амалга оширилади. Табиийки, хукукий тартибга солиш соҳасига ижтимоий жараёнларни давлат томонидан бошқаруви ҳам киради.*

*Учинчи гуруҳга қадриятларнинг алмашинуви ва жамиятдаги бошқарув жараёнларининг тўғри олиб боришини таъминлаш учун йўлга кўйилган, хукукий тартибни таъминловчи муносабатлар ташкил этади. Ушбу алокалар қонунбузарликлардан келиб чиқиб, кўрсатилган икки соҳаларда инсонларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қиласди.*

*Ушбу гурухларга кирган ижтимоий алокалар хукукий тартибга солишнинг предметини ташкил қиласди. Норматив-ташкилий таъсирга бўйсунадиган ушбу ижтимоий алокалар аник бир тарихий шароитларда хукукий тартибга солиш чораларини талаб қиласди. Хукукий тартибга солишнинг таърифи, усули, хусусиятлари ва воситалари унинг моҳиятини ташкил қилувчи ижтимоий алокаларнинг характеристи ва мазмунига боғлиқ. Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, мулкий алокалар каби кийматларнинг эквивалент алмашуви бошқарув алокаларининг тартибга солиш қоидалари учун кўлланиладиган хукукий восита ва усулларидан фарқли равишда бошқа хукукий восита ва усуллари талаб этилади.*

## **2-§. Хукукий тартибга солишнинг усуллари**

---

*Хукукий тартибга солиш назариясидаги кўрсатилган фарқларга караб, хукукий таъсирнинг иккита усулини ажратиш мумкин.*

*Номарказлашган тартибга солиш усули томонларнинг ижтимоий муносабатда мувофиқлаштирилган мақсад ва манфаатларига асосланган ва, биринчи навбатда, ўзининг шахсий манфаатларини қондирувчи фукаролик жамияти субъектларининг алокаларини тартибга солиш учун кўлланилади.*

*Марказлашган тартибга солиш усули ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ўртасидаги бўйсуниш алокаларига асосланади. Унинг ёрдамида умумжамият манфаатини ўзига устувор йўналиш деб билган алокалар тартибга солинади. Давлат томонидан ташкил этилган жамиятда, биринчи навбатда, ижтимоий жараёнларнинг марказлашган бошқарувини амалга оширувчи, хукумат ваколатларига эга бўлган давлат манфаатдордир. Шунинг учун марказлашган усуллар оммавий-*

хукукий соҳаларда (конституциявий, маъмурий, жиноят хукукларида) кўлланилади.

Хукукий тартибга солиш усуллари хукук нормаларида қайд этилган талаблар, инсонларнинг хатти-харакатларига таъсир этиш қобилияти билан таърифланади.

Хукук назариясида хукукий тартибга солишнинг учта асосий усули белгиланади.

**Биринчи усул** – хукукий муносабатлар иштирокчисига субъектив хукуклар татбиқ этиши. У шахсга маълум бир харакатларга ваколат беришдан иборат (масалан, мулкдор шахсга ўзига тегишли мулкга эга бўлиш хукуки берилади).

**Иккинчи усул** – маълум бир талабларга риоя қилиш мажбуриятини кўйиш (туар жой эгаси солик тўлашга мажбурлиги).

**Учинчи усул** – такиқ, яъни маълум бир харакатларни содир қилишни ман қилиш (масалан, иш берувчига вояга етмаган шахсларни ишга жалб қилиш такиқланган).

**Иккинчи ва учинчи усуллар ўзига хос ўхшашликка эга** – иккаласи ҳам мажбуриятлар кўйишни кўзда тутади, бирок биринчи ҳолатда мажбуриятлар позитив, актив хусусиятга эга бўлса, иккинчисида мажбуриятлар пассивлиги билан ажралиб туради. Уччала усул хукук функцияларини белгилаб беради.

Хукукий таъсирнинг кўшимча усуллари сифатида мажбураш чораларини белгилаш мумкин (масалан, содир этилган хукуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш). Ушбу усул кўшимча усулларга киради, чунки:

– биринчидан, мажбурият тури деб ҳисобланади (юридик жавобгарлик кўп нарсалардан маҳрум бўлиш, жазони ўташ деб ҳисобланади);

– иккинчидан эса, бу усул билан хукукларни ижро қилиш, юкланган мажбуриятлар бажарилиши, ўрнатилган тақиқларга риоя қилиниши таъминланади.

Кўшимча усулларга хукукий мажбуровни кўзда тутган нормаларнинг огохлантирувчи (превентив) таъсири киради. Шу билан бирга, жиноят кодексининг нормалари жиноят содир этишга мойиллиги бор шахсларга нисбатан превентив таъсирга эгадир. Рағбатлантириш нормалари ҳам шундай таъсир ўтказади. Рағбатлантириш нормаларида фаол хукукий хатти-харакатлар рағбатлантирилиши кўзда тутилган (ихтиорилич, рационализаторлик фаолияти учун).

Хукук назариясида “ҳукукий режим” каби ибора мавжуд. Ушбу атама билан турли хил юридик восита ва усуллар орқали ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳасини хукукий тартибга солиш спецификаси номланади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий

муносабатларнинг турли соҳалари хуқуқий тартибга солишининг турли усуллари, методлари ва турларини талаб килади. Хуқуқий режим барча усул, метод ва турларни ўз ичига олиши мумкин, бунда айрим усул ва методлар бошқаларидан устун ва афзал бўлиши мумкин.

Масалан, маъмурий хуқуқ соҳасидаги ҳарбий муассасаларнинг бошқарув муносабатларини тартибга солиш хуқуқий режими олий таълимни давлат бошқаруви соҳасидан тубдан фарқ килади. Агар ҳарбийлаштирилган муассасалар фаолиятида марказлашган императив бошқарув методи тартибга солиш усули бўлса, олий таълимни давлат томонидан бошқарувида эса номарказлашган усуллар қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Шахсий ва оммавий хуқукка тегишли соҳаларнинг хуқукий режимлари орасидаги фарқ яккол кўзга ташланади.

Хуқуқий тартибга солишининг усуллари ва турлари борасидаги масала мухим назарий аҳамият касб этиши билан бирга катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Хуқуқий тартибга солиш шаклларидан бирини танлаш тартибга солинаётган муносабатлардан, қолаверса, қонун чиқарувчидан хуқуқий тартибга солишни янада самарали, мақсадга мувофиқ, ижтимоий ривожланишга шароит яратадиган, хуқукий давлатнинг инсонпарвар ғояларини ҳаётга татбиқ этишга зарур бўлган ва мақсадга мувофиқ айнан зарур шаклини танлашни талаб килади.

Рус хуқуқшуноси Е.Н.Трубецкой хуқукни яратиш ва ривожлантаришда икки омилни: бир томондан, жамият хуқуқий ҳаётининг тарихий тажрибаси, иккинчи томондан, ижтимоий жараёнларга акл билан таъсир қилиш ғояларини ҳисобга олиш лозим, шундагина хуқуқий тартибга солишининг самарали усуллари, турлари қўлланилган бўлади, деб ёзган эди.

### **3-§. Хуқуқий тартибга солиш механизми тушунчаси, унинг асосий элементлари**

---

Хуқук ижтимоий муносабатларни қандай тартибга солади, деган саволга жавоб топгандан сўнг, қандай, кайси усуллар билан хуқук ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказади, хуқуқий таъсир ўтказишининг механизми нимадан иборат, деган саволларга жавоб топиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хуқук назариясида хуқуқий тартибга солиш механизми деганда, хуқуқий тартибга солиш амалга ошириладиган юридик воситалар тизими назарда тутилади.

Хукукий тартибга солиш механизми тушунчаси хукукий тартибга солишининг ижтимоий муносабатларга хукукий таъсирининг юридик воситаларини йигиши ва тизимлаштиришга имконият яратади, жамиятнинг хукукий ҳаётидаги у ёки бу юридик воситанинг ўрнини белгилайди.

Хукукий тартибга солиш механизмига қуйидаги элементлар киради: юридик нормалар, норматив-хукукий актлар, расмий шарҳлаш актлари, юридик фактлар, хукукий муносабатлар, хукукни татбиқ этиш актлари, хукукни қўллаш актлари, хукукий онг ва конунчилик режими. Ушбу элементларнинг ҳар бири ўзининг регулятив функцияларини бажариш билан бирга инсонларнинг хатти-харакатига ва ижтимоий муносабатларига ўзига хос таъсир ўтказади.

*Норматив-хукукий акт* хукук нормаларини ўзида жамлаган ҳужжат сифатида инсонларнинг хатти-харакатларига ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солиш хукукий режимини ўрнатиш йўли билан таъсир килади. Масалан, Фуқаролик кодекси моддий бойликлардан (мулқдан) фойдаланиш, фуқаролик-хукукий муносабатларнинг иштирокчиларининг хукукий холатини белгилаш режимини белгилайди.

*Расмий шарҳлаш актлари* – ваколатли органлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленуми томонидан) томонидан чиқариладиган ва хукукий нормаларнинг мазмунини тушунтирадиган ҳужжатлар.

*Юридик фактлар* – хукукий нормаларда кўзда тутилган юридик оқибатлар: хукукий муносабатларнинг келиб чиқиши, ўзгариши ва тўхтатилиши кабиларни келтириб чиқарадиган ҳаётий ҳодисалар, реал ҳаётий фактлар.

*Хукукий муносабат* бу хукукий нормаларда ифода этилган хатти-харакатларнинг умумий моделларини жамият аъзоларининг (хукук субъектларининг) хатти-харакатига ўтказишидир. Хукукий муносабатлар оркали хукук амалга оширилади, бу эса хукук кўрсатмаларини инсонлар юриш-туришига татбиқ қилишидир.

*Хукукни татбиқ этиши актлари* – бу хукукий нормаларнинг ҳаётга татбиқ қилиш бўйича хукук субъектларининг, хукукий ҳаёт иштирокчиларининг хатти-харакатлари. Ушбу ҳаракатларда (масалан, юридик ҳужжатлар сифатида кўриладиган шартномалар) хукук ва мажбуриятларда ифодаланган мумкин бўлган ва содир этилиши шарт бўлган хатти-харакатлар амалга оширилади.

*Хукукни қўллаш актлари* ижтимоий муносабатларни тартибга солишига қаратилган индивидуаллаштирилган кўрсатмалардир. Бу индивидуаллашган хукукий тартибга солиш (харакат ва ҳужжат)

актларидир. Масалан, маълум бир юридик иш бўйича суднинг карори хукукни кўллаш актининг яққол мисоли бўла олади.

Хукукий онг ва қонунийлик режими хукукий тартибга солиш механизмининг ўзига хос элементлари ҳисобланади. Уларнинг ўзига хослиги уларнинг жисмсизлигидадир. Бу хусусият бутун хукукни тартибга солиш жараёнига таъсир этишга халал бермайди. Хукукни тартибга солиш механизмининг барча элементларининг самарали ишлаши хукукий онг даражаси ва қонунийликнинг реаллигига боғлиқ.

Хукукий тартибга солиш механизми элементлари ижтимоий муносабатларга нафакат маҳсус юридик таъсир этади. Масалан, хукукий нормалар, қонун актлари, суд хукмлари инсонларнинг хатти-харакатлари ва ижтимоий муносабатларига ахборот, психологик ва гоявий таъсир кўрсатади. Бу чоралар таъсирида инсонларнинг хатти-харакат мотивлари ва психологияси шаклланади.

**Хукукий тартибга солиш** – кишиларнинг хулқ-авторига ва ижтимоий муносабатларга хукукий воситалар ёрдамида мақсадли таъсир этиш.

Хукукий тартибга солиш тизими – бу ижтимоий нормаларнинг мажмуи (йиғиндиси) бўлиб, улар оркали жамиятда кишиларнинг хулки, уларнинг бирлиги, жамоатчилик кўринишидаги ўзаро муносабатлар тартибга солинади.

Умуман норматив тартибга солиш тизими жамиятда мавжуд бўлган барча мухим муносабатларнинг тартибини таъминлайди.

#### **4-§. Хукукий тартибга солиш механизмида юридик нормалар, хукукий муносабатлар, алоҳида актлар ва хукукий онгнинг ўзаро муносабатлари**

---

Хукукий тартибга солиш механизмида юридик нормалар бош ролни ўйнайди, чунки хукукий нормалар хукукий тартибга солишнинг асосини шакллантиради (ташкил этади).

Кайси вактдан бошлаб хукукий тартибга солиш бошланади ёки хукукий тартибга солиш механизмининг харакатга келиш сабаби нимада деган савол тугилади.

Бу тўғрида ҳар хил фикрлар бўлиб, жумладан, П.Е.Небайло юридик норманинг тартибга солиш роли унинг харакатга келиш вақтидан бошланади деса, В.Шейндин бу ҳолат юридик норманинг чоп этилиб чикишидан бошланади, дейди.

Аниқрок айтганда, хукукий тартибга солиш юридик норманинг чоп этилиш ёки кучга кириш пайтидан бошланмасдан, балки, хукукий

нормаларда белгиланган тартибда юридик фактларнинг пайдо бўлиши вактидан бошланади.

Хукукий тартибга солиш механизмида динамика нуктаи назаридан, асосий эътиборни конкрет хукукий муносабатлар ўз бўйнига олади.

Бу ерда хукукий муносабатлар деганда, юридик хукуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги билан характерланадиган, давлатнинг мажбуровлар кучлари билан кўллаб-куватланадиган, хукуқ нормаларига асосан вужудга келадиган, шахслар ўртасидаги индивидуаллашган ижтимоий алоқалар тушунилади.

Хукукий тартибга солиш механизми хукукий муносабатлар орқали харакатга келади ва унинг воситалигига хукуқ нормаларини татбиқ этиш рўй беради. Шахслар ўртасидаги (хукукий муносабат иштирокчилари) алоқалар маълум индивидуаллашган характеристерга эга бўлиб, у ёки бу субъектлар хукукий муносабати иштирокчилари бўлган заҳотиёқ, уларнинг давлат билан алоқаси хукуқ ва мажбуриятлар орқали конкретлашади.

Тарафлар (иштирокчилар)нинг юридик ҳолати ёки ўзаро алоқалари (оддий алоқа бўлиб қолмайди, сабаби бир тарафга хукуқ юклатилса, иккинчи томонга ҳар хил мажбурият юклатилади) хукукий муносабатларда ҳар хил аниқланади.

Лекин унинг асосий моҳияти хукуқ ва мажбуриятларнинг бирлигидадир.

Хукукий тартибга солиш механизмида хукукни татбиқ этиш актлари, хоҳ бевосита, хоҳ билвосита шаклида бўлишидан қатъи назар, асосий ўринни эгаллади. Улар охир мақсадда ўз олдига хукукий таъсир этиш вазифасини олади.

Хукукий таъсир этиш актларининг бевосита шаклига қўйидагилар киради:

- амал қилиш;
- бажариш;
- фойдаланиш.

Амал қилиш деганда одатда пассив хулк шаклида татбиқ этиш тушунилади.

*Хукуқ нормаларини бажарииш* – бу мажбуриятларни шундай бажариш (татбиқ этиш) шакларики, хукуқ харакатларида кўзда тутилган мажбуриятларни субъектлар томонидан фаол кўринишда бажарилиши талаб килинади.

*Фойдаланиш* – бу хукукни татбиқ этишнинг шундай шакли бўлиб, унда субъектив хукуқда мужассамлашган имкониятларнинг ҳаётга татбиқ этилиши содир бўлади.

Таъкидлаш мумкинки, субъектив ҳуқук фойдаланиш шаклида татбиқ этилса, юридик мажбуриятлар – амал қилиш ва бажариш шаклида татбиқ этилади.

## 5-§. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот

Қонунийлик – бутун юридик фан ва амалиётнинг фундаментал категорияси бўлиб, унинг ҳолати ва даражаси жамият ва фукаролар ҳаётининг асосий мезони хисобланади.

Энг мукаммал қонуллар ҳам ижтимоий муносабатларга, инсон онгига ва хатти-ҳаракатларига таъсир этган тақдирдагина жонли хисобланади. Ҳуқукнинг қонун билан боғлик бўлган ушбу томони “қонунийлик” тушунчаси билан таърифланади.

Қонунийлик – ҳуқук ҳаётининг барча томонларини, унинг амал қилишини, жамият ҳаётини тартибга солишнинг барча томонларини камраб олувчи комплекс категория хисобланади. “Қонунийлик” категорияси ҳуқукнинг ички тузилишида ижтимоий зарур бўлган муносабатларни норматив томонидан кўрувчи ва инсонларнинг хатти-ҳаракатига иродали амалий таъсирини, жамиятнинг уларга бўлган муносабатини ҳам ифода этади.

Қонунийлик жамиятнинг ҳуқукка бўлган муносабатининг умумий тамойилини ифода этади. Шу сабабли унинг мазмунини уч хил жиҳатда кўриб чиқиш лозим:

- а) жамият ҳаётининг “ҳуқуқий” характеристери сифатида;
- б) қонунга бўлган ҳурматни талаб қилиш ва уни барча субъектлар томонидан бажарилиши;
- в) ҳар қандай ҳуқуқбузарликдан инсонларнинг тинчлик ва осоиишталигини, инсон манфаатларини ҳимоя қилишни талаб этиш орқали.

Шундай қилиб, қонунийлик мазмуни ҳуқуқларни амалга оширувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатлари билан ва унинг шаклланиши, татбиқ этилиши ва ҳимояланишини таъминловчи давлат органлари фаолияти билан боғлиқдир.

Кенг маънода кўриб чиқиладиган бўлса, қонунийлик бу сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ташкил этишининг ҳуқуқий характеристини ифодаловчи, ҳуқук ва ҳокимият, ҳуқук ва давлат орасидаги органик боғликлигини ифодалайди. Айнан шу нұктай назардан қадимда “ҳуқуқий давлат” назарияси – “ҳуқук ҳукмдорлиги”, деб номланган.

**Қонунийлик мазмуни.** Қонунийлик ҳуқукнинг умуммажбурийлик хусусияти билан чамбарчас боғлик. Айнан ушбу ҳолат фанда

қонунийликка берилган кўплаб таърифларда ўз аксини топган. Шундай экан, қонунийлик уни амалга ошириш нуқтаи назаридан хукукни характерлайди. Бунда энг муҳими – қонуларни ва унга асосланган норматив актларни сўзсиз ҳаётга татбиқ этишдир. Бошкачароқ айтганда, қонунийлик ушбу кўринишда ижтимоий муносабатлар субъектларининг хатти-харакатлари хукук нормалари коидаларига тўғри келишини талаб этади. Қонунийликнинг бу хусусияти хукуқнинг умуммажбурий коидалар тизими сифатида мавжудлиги фактидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан, қонунийлик ҳақида жамиятнинг давлат-ташкилий ҳаётининг шарти сифатида сўз юритса бўлади.

Ўрганилаётган тушунчанинг яна бир томони қонунийлик гоясини ўзида акс эттиради, бунда жамиятнинг хукукий онгидаги ўзбошимчаликка, сунистемолликларга ўрин қолмаслиги ва инсон хукуқ ва эркинликларининг ҳақиқий амалга ошиши ҳамда хукуқнинг ҳар бир соҳада реал ғалабага қозониши ҳақидаги ғоя қарор топиши шаклланади. Айнан ушбу ғоя қонунийлик хукуқнинг ҳаётга татбиқ килиниши, амалда қарор топишининг ифодаси бўлган асосий принципи сифатида ҳисобланишига асос бўлади. Шу билан бирга, хукуқ ижтимоий муносабатларни ташкиллаштирувчи куч сифатида ифодаланади. Умумхукукий тамойил сифатида қонунийлик хукуқни тўла-тўқис қамраб олади, хукуқнинг шаклланиши, амалда бўлиши ва ривожланишига сингиб кетади, бу ҳолат эса хукуқнинг устуворлиги ва хукуқни кўллаш актларининг қонун асосида қабул қилинишида кўриш мумкин.

*Жамиятнинг давлат бошқаруви усули* сифатида ҳисобланган қонунийлик давлат ўз вазифаларини фақатгина хукукий воситалар – норматив ҳужжатлар қабул килиш ва уларни бажаришни кўзда тутади. Хукукий тартибга солиш чоралари жамият ҳаётининг барча соҳаларига кенг тарқалганлигини инобатга олган ҳолда, қонунийликни тўлиқ тартибга солиш муҳим вазифага айланган. Шу билан бирга, давлат нафакат хукукий нормаларни ўрнатади, айни дамда уларни турли (сиёсий, ташкилий, хукукий) усуллар билан амалга оширилишини ва хукукларни муҳофаза қилинишини таъминлади.

Бундай давлатда мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалигига йўл кўйилмайди, субъектив қарорлар қабул қилиниши, сиёсий масалаларни куч билан ҳал этилиши бартараф қилинади. Давлат фаолиятида қонунчилик ва суд органлари муҳим ўринга эга бўлади.

Шунинг билан бир каторда, қонунийлик *давлат фаолияти принципи* ҳам ҳисобланади. Давлат, унинг барча органлари, ташкилот ва муассасаларининг ўзи хукукий нормалар билан боғлиқ ҳолда иш юритадилар ва қонунийликни амалга оширадилар. Бу хусусиятдан келиб чиқиладиган бўлса, қонунийлик ҳар қандай давлатнинг эмас, факт демократик давлатнинг принципи ҳисобланади. Хуллас, қонунийлик –

бу, энг аввало, давлат ҳокимиятидаги қонунсизликка, давлат органлари ва унинг мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилаётган ўзбошимчаликка қарама-карши тушунча ҳисобланади. Ушбу принцип хукукий давлатда ёркин ифодаланади. Бундай давлатни катъий қонунчилик давлати сифатида кўриш ҳам мумкин.

Шу билан бир қаторда, хукуқни амалда кўллаш, уни ҳаётга татбиқ килиш талаблари шунчаки расмий талаб эмас, балки жамият ва давлатнинг тўғри фаолият юритиши, тартибни таъминлаш, ташкилотчилик ва интизом шартидир. Қонунийлик туфайли жамиятда адолат, инсонпарварлик, шахсий ва ижтимоий эркинлик ғоялари сингдирилади. Шу сабабли, қонунийликни кенг ижтимоий-сиёсий маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт режими деб кўриш мумкин. Бундай режим барча субъектларнинг фаолияти қонунга асосланиши, ҳукуқ, инсонпарварлик, адолат, эркинлик, масъулиятлилик ғоялари эса шахсий, гурухий, синфий манфаатлардан устун туришини кўзда тутувчи режим ҳисобланади. Қонунийлик режими – шундай ахлоқий-сиёсий муҳитки, унда қонунларга риоя қилиш жамият ҳаётининг асоси ҳисобланади.

Аристотель ўз вактида қонунийликни *полития* – энг яхши давлат шаклининг белгиси деб ҳисоблаган. Гегель ҳам қонун ва шахс эркинлиги ҳукм сурадиган чинакам демократик давлатни қонунсизликка асосланган деспотик давлат ҳолатига карши қўйган.

Шундай килиб, қонунийлик – бу шахснинг ҳокимиятнинг ўзбошимчалигидан, инсонларни анархиядан, жамиятни зўравонлик, тартибсизликдан сакловчи сиёсий-хукукий режимдир.

**Қонунийликниң асосий принциплари.** Чинакам реал қонунийлик унинг демократик, инсонийлик хислатларини таъминловчи маълум бир тамойилларга асосланган. Улар нимадан иборат?

**Қонунийликнинг ягоналиги.** Барча амалдаги қонунлар ва норматив актларнинг кўплигини, ҳамма маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қонунийлик бутун давлат учун ягона бўлиши керак. Қонунни тушуниш ва кўллаш мамлакатнинг барча ҳудудида бир хил бўлиши лозим. Республика, вилоят, туманларда (айникса, корхоналарда) давлатда ўрнатилган қонунийликдан фарқ қиласиган қонунийлик ўрнатилиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда мамлакат ҳудудида ягона қабул қилинган қонунларга зид бўлган норматив ҳужжатлар қабул қилиниш ҳоллари учраб туради. Ушбу ҳолат қонунчилик бирлигини бузади, ҳукукий тартибга солиш чораларининг самарадорлигини пасайтиради, жамият муносабатларига бузгунчилик киритади.

Бирок қонунийликнинг бирлиги мустакиллик ва ташабусскорликни инкор килмайди. Ташабусскорлик ва мустакиллик эса, ўз навбатида, умумий қонунларга зид бўлмаслиги лозим.

*Қонунийликнинг умумийлиги.* Ушбу тамойил қонунийликнинг барчага тенглигини англатиб, унинг талаблари барча субъектларга қаратилган. Ҳуқукий талабларни барча фуқаро ва уларнинг уюшмалари, ваколатли шахслар, давлат органлари, сиёсий партиялар бажариши шарт. Жамиятда қонунийлик таъсиридан четда колган, унинг талабларига амал қилмайдиган ташкилот ёки шахс бўлиши мумкин эмас.

Қонунийлик масаласига бағишлиланган кўплаб тадқиқотларда қонунийлик субъектлари сифатида алоҳида олинган фуқаролар эмас, балки ҳокимият органлари ҳам субъект сифатида қаралиши керак, деган фикр бор. Чунки фуқаролар ўз хатти-ҳаракатлари билан ушбу қонунийлик режимини бузмайдилар. Аксарият ҳолларда давлат органларининг, ҳокимият ваколатларига эта бўлган шахсларнинг ноконуний хатти-ҳаракатлари қонунийликнинг асосига птур етказади, бу ҳаракатларнинг оқибатлари шахс ва жамият учун хатарлидир. Шунинг учун қонунийликнинг асосий талаблари давлатга, унинг органларига қаратилган. Бироқ агар фуқароларнинг қонунбузарликлари оммавий тус олса, жиноятчиликнинг ўсиб бориши кузатилса, қонунийлик режими бузилиши тайин. Шу туфайли қонунийликнинг таъминлашдаги фуқароларнинг роли бу борада маълум аҳамиятга эгадир.

*Қонунийликнинг мақсадга мувофиқлиги.* Қонунийлик ролини баҳолаш мезонларидан бири унинг давлат ва жамият олдида турган мақсад ва вазифаларига эришиш, жамият ривожланиши ва фуқаролар ҳуқук ва эркинликларини таъминлашидан иборат. Қонунийликнинг мақсадга мувофиқлиги, энг аввало, эркинликни, масъулиятлиликни, адолатлиликни ифода этувчи, тартибот ва интизомни таъминлайдиган ҳуқукнинг хусусиятидан келиб чиқади. Айнан ҳуқук ва қонунда юксак ижтимоий мақсадга мувофиқлик ифодаланади.

Таҳлил қилинган хусусиятлар қабул қилинган норматив актнинг мақсадга мувофиқлик презумпцияси ҳакида гап юритишга имкон беради. Ўз навбатида, ушбу презумпция ҳуқукий талабларни уларни амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқукий нормаларга бўлган муносабатидан катъи назар, тўғри бажарилишини назарда тутади. Факатгина мақсадга мувофиқликка асосланган қонунийликнинг сиёсий-ҳуқукий режими жамиятни кутилмаган ҳолатлардан, волонтеризмдан ва айrim шахсларнинг субъективизмидан асрashi мумкин.

Қонун ҳар доим ҳам ўзгараётган хаёт билан бир маромда ўзгара олмайди, шунинг учун у, кўпинча, ҳаёт талабларидан ортда колиши, эскириши мумкин. Қонунлар техник жиҳатдан самарасиз бўлиши ва мукаммал бўлмаслиги мумкин. Амалиётда бундай қонун нормалари бузилиши учраб туради. Лекин шунга қарамасдан, қонун нормаларига амал қилиш қонунийлик принциплари нуктаи назаридан ҳар доим мақсадга мувофиқ, шу сабабли, ҳар қандай қонун талабидан четланган

холатларни оқлаб бўлмайди. Табиийки, алоҳида олинган холатда эскирган ёки самарасиз ҳуқукий талабларни бажариш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, лекин бундай қонун талабларига барчанинг риоя қилмаслиги ҳуқукий тартиботнинг баркарорлигига, жамият ва давлат тинчлигига путур етказиши мумкин.

Ҳуқукий тартибга солиш нуқтаи назаридан ҳар қандай ҳолатда қонун талабларига бўйсуниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, уларга риоя қилмаслик эса мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Қонунийлик ҳар доим мақсадга мувофиқ ва айнан шу тамойил қонунийликнинг асоси сифатида кўрилади.

Қонунийликнинг мақсадга мувофиқлик тамойили ҳукукни қўллаш жараёнида бошқача мазмун касб этиши мумкин, бунда қабул килинаётган қарорларнинг фойдаси, самараси ва оқибатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш зарурдир. Лекин бу ҳолатда қонунийлик тамойилидан четга чиқиш мумкин эмас.

Қонунийлик принципига асосланган ҳукукнинг ўзи қонунчилик фаолиятида мақсадга мувофиқлик омилларини инобатга олиш имконини беради. Ҳукуқ нормалари субъектлар томонидан мақсадга мувофиқ ечимни танлаш зарур бўлган ҳолларда индивидуал тартибга солишни кўзда тутади. Ҳукукий нормаларнинг нисбий аниқлиги тасодиф эмас. Масалан, Жиноят кодексининг нормалари мутлақ аниқ санкцияларга эга эмас.

Айрим муаллифлар қонунийлик тамойиллари сифатида “қонунийликнинг маданият билан боғликлиги”, “қонунийлик ва адолат бирлиги”, деган тушунчаларни эътироф этишади. Бу бирликларни инкор килмаган ҳолда уларнинг тамойил сифатида белгиланмаслигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, кўрсатилган ҳолатлар ҳаммаси мақсадга мувофиқлик тамойили билан қамраб олинади.

Таъкидлаш жоизки, ўз тамойиллари оркали қонунийлик ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг энг самарали, инсонпарвар, адолатли режим сифатида ифодалайди, ушбу тамойиллардан ҳар қандай чекиниш, уларга етарли даражада баҳо бермаслик қонунийликни бузилишига, унинг ижтимоий қийматининг, ҳуқукий тартибга солиш чоралари самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Расмий талаблар тизими сифатидаги қонунийликни реал қонунийликдан ажратса билиш лозим. Амалда қонунийлик талаблари кўпинча бузилади, айрим ҳолларда ҳуқукий талаблардан чекиниш кузатилади, бу эса, реал қонунийликнинг жамиятдаги даражасини аниқлаш учун имкон яратади.

**Қонунийлик ва қонунчилик.** Қонунийлик ва қонунчилик ўртасидаги нисбат масаласи муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ушбу тушунчалар ўртасида узвий боғликлик мавжуд, чунки қонунийлик

конунчилик тизими니 ташкил қилувчи амалдаги қонунлар ва бошқа норматив актларни ҳәётга татбиқ қилиш билан боғлиқ. Бирок күрсатилған ҳолатларнинг яқинлиги улар бир хил деган тушунчани англатмайди. Бу тушунчалар бир хил деб, таъкидлаш, биринчи навбатда, амалий жиҳатдан нотүғриди, чунки ҳуқук күрсатмалари умуммажбурийлиги сабабли кўпинча амалга оширилади (амалиётда бу ҳуқуклар бузилиш ҳоллари учраб туради).

Қонунийлик ва қонунчиликнинг бир хил деб билиш қонунчиликнинг амалда қўллаш ва мустаҳкамлаш масаласи ечимини осон йўл билан топиш, деган нотүғри фикрга олиб келади. Ҳуқуқбузарликлар билан курашиш, фукароларнинг ҳуқук ва эркинликларини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётидаги кўп салбий ҳолатларни бартараф килиш учун яхши қонун чиқаришнинг ўзи кифоядек туюлади. Лекин қундалик ҳаёт бундай ижобий ҳulosага асос бермайди. Тарихда жуда кўплаб ҳуқуқий актларга, қонунларга эга, бирок қонунийликка эришмаган кўп давлатлар маълум.

Қонунийлик амалдаги қонунларнинг бажарилишини талаб қилгани учун қонунлар қонунийликнинг шарти, деб ҳисобланади. Шундай килиб қонунчилик қонунийликнинг пойдевори ҳисобланади. П.И.Стучканинг ёзишича: “Қонунийликнинг биринчи шарти қонуннинг ўзи ҳисобланади”.

Қонунчилик қонунийликнинг асоси сифатида унинг моҳиятини ҳар томонлама белгилайди. Масалан, пухта ишлаб чиқилган рим ҳуқуки тизими, унинг кодификацияси Римнинг мулкий муносабатлари соҳасидаги қонунийликнинг юкори даражасини белгилаб берди. Бирок қонунчиликнинг таъкидлаб ўтилган роли қонунийликка ўзига хос бўлган талабларни қўяди.

Энг авалло, қонунчилик факат эзгулик, инсонпарварлик, адолат ғояларини ифода этганда, инсон ҳуқуклари мустаҳкамланган ҳолда “ҳуқуқий” деб тан олиниши ва қонунийлик асоси бўла олиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, “инсонни фикрлаши ёки эътиқоди учун жазолашга қаратилган қонун давлат томонидан фукаролар учун чиқарилган қонун эмас”, айни дамда “объектив нормалар бермайдиган, ташабусскорликка қарши бўлган қонунлар террористик қонунлардир”. Ушбу актлар қонунийликни таъминламаслик билан бирга мутлако нохуш ҳолатларга – ҳуқуқсизликка, ўзбошимчаликка олиб келади.

Қонунийликнинг чинакам асоси факатгина жамият ривожи учун йўналтирилган самарали қонунчилик бўла олади. Шундай килиб, мустакилликнинг дастлабки пайтларида фукаролик ҳуқуки бўйича қонунчиликни амалда қўллаш бу қонун нормалари ва институтлари эскириб қолгани ва бозор иқтисодиёти шароитларига жавоб бермаганлиги сабабли қийинлашган. Янги шароитларга мос келадиган

янги фуқаролик кодексини қабул қилиш нафакат фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириди, балки ушбу соҳадаги қонунийлик даражасини ошириш учун хизмат килди.

Қонунийликнинг зарурий даражасини таъминлаш учун қонунчилик нафакат объектив эҳтиёжларга жавоб бериши, балки юридик техника жиҳатдан ҳам мукаммал бўлиши шарт. Уни шакллантиришда замонавий юридик тушунчалар аппаратидан фойдаланиш керак, унинг тузилиши аник белгиланган ва замоннинг прогрессив талабларига жавоб бериши керак. Ноаниқ атама ва тушунчалар, хукуқдаги бўшликлар, айниқса, қонунчиликдаги зиддиятлар хукукий талабларнинг, қонунийликнинг бузилишига олиб келади. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги қонунийликнинг муҳим шарти ҳисобланади, чунки қонунийликнинг бузилиш ҳоллари кўпинча конституция нормалари қўпол бузилиши оқибатида ва конституцияга қарши қонунлар қабул килиниши натижасида рўй беради. Шу билан бирга, қонунийлик нафакат хукукий талабларга амал қилишни, балки “инсонларнинг умумэътироф этилган хукуқ ва эркинликлари”ни (ЎЗР Конституциясининг мукаддимаси ва 19-модда) таъминлашни кўзда тутади.

Ҳар кандай мукаммал бўлишига қарамай, қонунчилик ўз-ўзидан қонунийликни таъминлай олмайди. Яхши қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш етарли эмас. Қонун факат бажарилғандагина амалда мавжуд бўлади. Бунинг учун уни татбиқ этиш ва муҳофаза қилиш бўйича самарали механизм яратиш, фуқароларнинг ва хукукни тарғиб килувчи ваколатли шахсларнинг сиёсий ва хукукий маданият даражасини ошириш даркор. Энг муҳими, қонунийлик кафолатларнинг зарурий тизими билан таъминланиши керак.

**Қонунийлик кафолатлари.** Муҳим аҳамиятига қарамай, қонунийлик талаблари ҳаётга ўз-ўзидан татбиқ қилинмайди. Хукукий талаблар факат қозода қолиб кетмаслиги учун (айниқса, бузилмаслиги учун) зарур шароитлар ва уни амалга ошириш учун ташкилий, мағкуравий, сиёсий, юридик турдаги қонунийлик кафолатини таъминловчи чоралар зарур.

| Қонунийлик кафолатлари – бу қонунийлик режимини  
| таъминловчи объектив шароитлар ва субъектив омиллар, шунингдек,  
| маҳсус воситалар йигиндисидан иборат.

Ушбу кафолатлар орасида умумий шароитлар ва маҳсус воситаларни ажратса билиш лозим.

Умумий шароитлар – ҳуқукий тартибот амалга ошириладиган жамият ҳаётининг объектив (иқтисодий, сиёсий ва бошқа.) шароитларидир. Ушбу шароитлар хукукни амалга ошириш, унинг

ҳаракати учун макрохудудни яратади ва маълум даражада конунийликни мустаҳкамлаш учун маҳсус воситаларни белгилайди.

Кўп юридик адабиётларда умумий шароитлар конунийликнинг кафолати сифатида талқин қилинади. Иктиносидай кафолат деганда, мавжуд бўлган хўжалик тизими, мулкчилик шакли, сиёсий кафолат деганда сиёсий тизим, ижтимоий кафолат деганда, жамиятнинг синфий тузилиши тушунилади. Кафолатларни шу йўл билан талқин қилиш амалийтда рўй берадиган эҳтиёжларни кондира олмайди, чунки уларнинг конунийликка бўлган таъсири ҳар хил бўлади, айрим ҳолларда улар конунийликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун умумий шароитларни аниқ талқин қилиш, улардаги ҳуқуқни ривожлантиришга таъсир килувчи омилларни ажратиш лозим.

Конунийликнинг мустаҳкамлаш фаолиятида фойдаланиладиган яхши шароитларнинг муҳим асоси уларнинг имкон даражада максимал аниклаштириш чоралариdir. Иктиносидай тизим, сиёсий тузум, устувор мафкура конунийликни таъминловчи восита сифатида кўрилиши амри маҳол. Ушбу вазиятга мулкчилик масаласи яққол далил бўлиши мумкин. Узоқ вақт социалистик мулкчилик конунийликни таъминловчи шароит деб ҳисобланган. Бундай хулоса социалистик мулкчилик инсонда эгалик, ишлаб чиқариш воситасиларига мулкчилик ҳиссини уйготади, воситаларнинг сакланишига, кўпайишига, муҳофаза қилишга туртки бўлади, деган фикрга олиб келган. Бироқ кўриб турганимиздек, социалистик мулкчилик бошқа<sup>4</sup> конунийликка зид бўлган вазиятларни, хусусан, эгасизлик, социалистик мулкни талон-тарож қилиш каби ноxуш оқибатларни келтириб чиқарди.

Жамият ҳаёти шароитлари ичидан конунийликни мустаҳкамлашга зарур бўладиган шароитларни ажратиб олиш, уларнинг ривожи ва инсонларга таъсир ўтказиши учун замин яратиш, шунингдек, ташкилий чоралардан, маҳсус воситалардан фойдаланиш орқали салбий омиллар таъсирини олдини олиш даркор. Конунийлик кафолати сифатида куйидаги шароитлар белгиланади.

*Иктиносидай шароитлар.* Бу жамият иктиносидай ривожининг, хўжалик юритиш тизимларининг ташкил қилинганлик ҳолатидир. Бу ерда конунийликни таъминловчи шароитлар сифатида иктиносидай соҳанинг ташкилланганлик даражаси, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ўсиши, барқарор пул-кредит тизими кўзда тутилади. Ушбу омиллар конунийлик ҳолатига бевосита таъсир ўтказади. Иктиносидётнинг, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, хўжалик алоқаларининг узилиши, нархларнинг ўсиши, инфляциянинг пайдо бўлиш шароитларида жамиятда анархияга, бузғунчиликка, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келувчи ноxуш ижтимоий муҳит пайдо бўлади.

*Сиёсий шароитлар.* Кучли давлат ҳокимияти барқарор конунийликнинг асосий сиёсий шарти ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг кучи армиянинг катталиги, репрессив аппаратнинг кудрати билан эмас, балки бу – мустаҳкам, легитим, қабул қилинаётган ҳуқукий талабларни амалга оширувчи, жамият томонидан қўллаб-кувватланиши билан белгиланади. Кучли давлат жамиятнинг мустаҳкам ривожланишини, инсонларнинг хавфсизлигини, жиноятга, коррупцияга ва жамиятга зид бўлган бошқа ҳолатларга қарши самарали курашни кафолатлайди. Давлат ҳокимияти заифлиги, ҳокимият учун кураш, давлат ўзи қабул қилаётган қарорларини амалга оширишга кодир эмаслиги, ижро интизомининг паст даражаси, бюрократизмнинг, коррупциянинг ўсищ шароитларида эса конунийлик юқори даражага кўтарилилмайди, балки хатарли даражагача пасайиб кетади. Кучли давлат ҳокимиятни марказлаштириш, конунийликни таъминлаш ўрнига уни инкор килувчи авторитар режимни англатмайди. Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг, конунийлик ва ҳуқукий тартиботни таъминлашнинг асосий шарти бу демократиядир. Демократик давлат кучсиз, аморф ҳокимият эмас. Демократия бу кучли ва шу билан бирга, демократик тамойилларга асосланиб, демократик тарзда шаклланган ва фаолият юритадиган (ҳокимиятлар бўлиниш, парламентаризм, ошкоралик, Конституция устуворлиги ва бошқа.) халқ олдида жавобгар бўлган ҳокимият тизимиридан.

*Мафкуравий шароитлар.* Конунийликнинг ҳолати аҳолининг сиёсий, ҳуқукий ва умумий маданияти даражаси билан белгиланади. Конунийлик ҳуқукий маданиятнинг шундай даражасини белгилаб берадики, бунда ҳуқукка, конунга бўлган ҳурмат нафакат оддий фуқаронинг, балки давлат хизматчisinинг, конун чиқарувчининг шахсий қарори бўлиши кераклиги мустаҳкамланади.

Маданиятнинг зарурый даражаси ҳуқукий тарғибот ишларини ташкил қилиш, фуқароларда юксак ахлоқий сифатларни, ватанпарварликни, масъулиятиликни, ҳуқук ва конун туйгусини тарбиялаш орқали таъминланади. Тарбия тизимининг бузилиши шароитида мафкуравий бўшлиқ ахлоқининг, конунийликнинг (порнография тарқатиш, таҳдид ўтказиш ва бошқа.) ҳолатига салбий таъсир ўтказувчи, ҳуқукбузарликларнинг, жиноятчиликнинг ўсишига шароит яратувчи, конунийлик режимини бузувчи жамиятга ёт бўлган ғоялар билан тўлиши аниқдир.

*Ижтимоий шароитлар.* Фуқароларнинг конунга бўйсуниши, конунни ҳурмат қилиши, унинг талабларини бажариши ижтимоий мухитда юзага келган вазиятга боғлиқ. Аҳолининг яшаш даражасининг пасайиши, ишсизлик, хизматлар нархларининг ўсиши фуқароларнинг ноконуний йўл билан бойишга, конуни сунистеъмол қилишга чорлаб,

қонунийлик даражасига бевосита таъсир ўтказади, миллатларо ва ижтимоий тўқнашувларга олиб келади ва бошк. Мустаҳкам конунийлик факатгина ижтимоий баркарорлик, фуқароларнинг ижтимоий хукуқ ва эркинлигига ишончи шароитида мавжуд.

*Хуқуқий шароит.* Конунийликнинг сиёсий-хукукий сифатидаги ҳолати хукукнинг, қонунчилик тизимининг ҳолати билан белгиланади. Амалдаги қонунчилик тўлиқ бўлиши, юридик техниканинг юқори даражаси билан таъминланганлик, уни амалга ошириш ва муҳофаза килиш учун зарур механизмлари яратилган бўлиши лозим. Хукуқ амалга оширилиши ва конунийлик даражасини кўтариш учун конун чиқарувчи томонидан ишлатиладиган хукукни тартибга солишининг хукукий воситалари, усувлари ва турлари мухим аҳамиятга эга. Шундай килиб, жамият муносабатларининг динамик ривожидан ортда қолувчи қонунчилик жиноятга карши курашни кийинлаштиради.

Конунийлик кафолатлари сифатида субъектив омиллар ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир. Улар орасида хукуқ илмининг ривожланганлиги, ундаги инсонпарварлик ғоялари, илмий-назарий конструкциялар акс этганини кайд этиш мумкин. Фандаги устувор илмий-назарий концепциялар конунийлик даражасига бевосита таъсир ўтказади. Масалан, конунийликни таъминлаш ишига хукукий давлат, ҳокимиятлар бўлиниш, парламентаризм каби ғоялар “буржуа” назариялари сифатида инкор килиниши катта зарап етказди. Аксинча, хукукий давлат ғоясини илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чикиш, унинг асосий ҳолатларини қонунчиликка ва хукукий амалиётга татбик қилиш давлат органлари фаолиятида конунийликни мустаҳкамлашга йўл беради.

Конунийлик даражаси сиёсий раҳбарларнинг самарали фаолияти, сиёсий карорлар кабул килинганда устувор йўналишларни тўғри танлаш, тегишли органлар томонидан конунийликни мустаҳкамлаш йўлидаги кураш олиб боришга тайёрлиги билан белгиланади.

*Конунийликни таъминлашнинг маҳсус воситалари – бу қонунийликни таъминлаш учун ишлатиладиган юридик ва ташкилий воситалардир.* Улар орасида юридик ва ташкилий кафолатларни (воситалар) ажратиш мумкин.

*Хуқуқий кафолатлар* – бу конунчиликда қайд этилган воситалар йигинидиси, шунингдек, уларни кўллаш бўйича конунийликни таъминлашга, хукуқ ва эркинликларни муҳофаза килишга йўналтирилган ташкилий – хукукий фаолиятдир. Юридик кафолатлар умумий шартлар билан боғлик бўлиб, шу шартлар ёрдамида белгиланади. Юридик кафолатлар умумий шартларнинг юридик шакли сифатида кўлланилиб (расмий-норматив мустаҳкамлаш, амалга оширишнинг процессуал тартиби, давлат таъминоти), айни пайтда умумий шартларга бирлашмайди ва ўзининг юридик сифатини йўқотмайди.

Хуқуқий кафолатлар орасида қўйидагиларни ажратиш мумкин:

1. *Хуқуқбузарликларни аниқлаш воситалари*. Уларга прокуратура, дастлабки тергов, конституциявий суд органларининг фаолияти киради. Ушбу кафолатлар ваколатли давлат органларининг, хуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида, уларни топишга йўналтирилган ишлар билан боғликдир. Буларга, масалан, ваколатли шахсларнинг ноконуний хатти-ҳаракати юзасидан шикоят қилиш конституциявий хуқуки киради.

2. *Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш воситалари*. Бу хуқуқда қайд этилган, хуқуқбузарликларнинг олдини олувчи воситалардир. Масалан, меҳнат конунчилиги бўйича меҳнат шартномасини маъмурят ташаббуси билан бекор килиш касаба уюшмасининг розилиги билан амалга оширилади, бу эса, маъмурият томонидан фуқароларнинг меҳнат хуқуки бузилишини олдини олиш, ноконуний ишдан бўшатишига йўл кўймасликни таъминлайди.

Аэропортда юкни текшириш, божхоналардаги текширувлар ҳам огохлантириш ролини бажаради.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш воситалари. Уларга фуқаролар ва ташкилотларнинг хуқуқлари ва эркинлигини бузишин олдини олишга, уларга йўл кўймасликка йўналтирилган воситалардир. Уларга хибс, арест, тинтуб, чегарани тарк этмаслик тўғрисидаги тилхат, бошқа эҳтиёт чоралари, ноконуний актларни бекор килиш киради.

Бузилган хуқуқларнинг олдини олиш ва тиклаш, хуқуқбузарлик оқибатларини бартараф қилиш чоралари. Буларга бола боқиши учун маблағни мажбурий ундириш (алимент), виндикация (мулкни ноконуний эзалик килаётган шахсдан мажбуран олиб кўйиш) ва бошқалар киради.

*Юридик жавобгарлик*. Бу хуқуқбузарлик содир этган шахсни жазолашдир. Ушбу восита конунийликни мустаҳкамлаш учун энг муҳим ва зарур восита ҳисобланади.

Юридик кафолатлар ичida процессал кафолатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки хуқукий жараён моддий хуқуқнинг амалга оширилиш шакли ҳисобланади. Конституцияда қайд этилган шахс хуқуқларининг кенглиги ушбу хуқуқларнинг амалга оширилиш хуқукий механизmlарида рўй берадиган камчиликлар йўқ, дегани эмас. Хуқукий нормаларни амалга ошириш фаолиятининг юридик механизми аниқ норматив базани кўзда тутади. Хуқуқ ва эркинликлар қайд килинган конституциявий нормалар аниқ белгиланганлигига қарамай айрим холларда уларни амалга оширишнинг аниқ юридик механизми жорий конунчиликда ўз аксини топмаган.

Нихоят конунийликнинг энг муҳим кафолати одил судлов ҳисобланиб, бунда судларнинг фуқаролик ва жиноят ишларни кўриб

чикиш фаолияти қонунийликни хар томонлама мустаҳкамлашнинг муҳим кафолатидир.

*Ташкилий кафолатлар* деганда қонунийликни мустаҳкамлашни, хукуқбузарликларга қарши курашни, фукароларнинг хукуқларини муҳофаза қилишни таъминловчи турли хил ташкилий чоралар тушунилади. Бу ерга юрисдикцион, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳсус бўлинмалар тузилишларнинг (уюшган жиноятчиликка, коррупцияга қарши кураш учун) тўғри ишлаши учун шароит яратадиган ташкилий чоралар киради.

Қонунийликни таъминлаш ишларида юрисдикцион ва хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ролини қайд этган ҳолда, уларнинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериш мумкин эмас, чунки улар фаолиятининг самарадорлиги объектив шароитлар билан белгиланади. Бироқ аксарият ҳолларда қонунийликнинг ҳолати, минтайда, мамлакатда жиноятнинг ўсиши учун жавобгарлик факатгина прокуратура органлари, ИИВ органлари зиммасига юклатилади. Жиноятчиликка қарши кураш муаммоси кўпинча ушбу органларнинг раҳбариятини алмаштириш билан якунланади, бу эса, зарур шарт-шароитларни ўзгартирасдан, қонунийликнинг тегишли кафолатларини таъминлаб бера олмайди.

Факатгина объектив (умумий) шароитларни такомиллаштириш бўйича маҳсадли ишлар, маҳсус воситаларни самарали қўллаш, қонунчиликни доимий бир текис ривожланиши қонунийлик ва мустаҳкам хукукий тартиботни ўрнатишга йўл беради.

## Хукуқий тартибот

Хукуқий тартибот деганда жамият ривожланишининг маълум бир даражасида жамият алоқаларининг сифатли ҳолатини акс эттирувчи, хукуқка ва қонунийликка асосланган жамият ҳаётининг ташкиллиги тушунилади.

Бу тушунчанинг қуйидаги хусусиятларини кўриб чиқамиз:

1. Хукукий тартибот жамият ҳаётининг тартибга солинганлиги ва ташкилланганлигидир.
2. Бу хукуқ нормалари томонидан кўзда тутилган тартиботdir.
3. Хукукий тартибот хукуқ нормаларининг амалга ошириш натижасида вужудга келади, уларни ҳаётга татбиқ этиб, хукуқни тартибга солишнинг якуни ҳисобланади.
4. У давлат томонидан таъминланади. Маълумки, хукуқнинг барча нормалари ҳам хар томонлама амалга ошираверилмайди, хукукий

нормалардан чекиниш ҳам, ҳуқуқбузарликлар ҳам содир бўлиб туради. Шунинг учун амалдаги ҳуқукий тартибот билан конун чиқарувчи назарда тутган ҳуқукий тартиботни фарқлаш лозим. Биринчиси маълум бир шароитдаги ижтимоий муносабатларнинг ҳолатига, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқукий маданияти даражасига, конунчилик ҳолатига, конунийликнинг табиатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам давлат фаолияти соҳасида ҳуқукий тартиботни мустаҳкамлашнинг йўналиш (мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, таъминлаш ва қўриклиш) ларини белгилаш мумкин.

Ҳуқукий тартибот ҳуқуқ томонидан тартибга солинган муносабатларнинг реал ҳолатидир. Шу сабабли, уни ҳуқукий муносабатлар тизими деб ҳисоблаш ҳам мумкин.

**Ҳуқукий тартибот тамойиллари қуйидагича:**

**Аниқлик.** Ҳуқукий тартибот расман белгиланган ҳуқукий талабларга асосланади, бу талабларнинг бажарилиши эса ижтимоий муносабатларнинг аниқ белгиланганлигини таъминлайди. Бу хусусияти билан ҳуқукий тартибот бошқа ижтимоий нормалар асосида вужудга келадиган муносабатлар тизимидан фарқ киласди.

**Тизимилилк.** Айнан шу сабабга кўра, ҳуқукий тартибот мавхум тарқоқ актлар, турли хил ҳуқукий алоқалар йиғиндиси деб эмас, балки ҳуқукнинг ягона моҳияти, жамиятда ҳукмрон бўлган мулкчилик шаклига, иқтисодий муносабатлар тизимига асосланади ва ягона давлат ҳокимиятининг кучи билан таъминланади.

**Ташкилланганлик.** Ҳуқукий тартибот давлат ва унинг органларининг ташкилланган фаолияти асосида вужудга келади.

**Давлат томонидан кафолатланганлиги.** Амалдаги ҳуқукий тартибот давлат томонидан таъминланади ва ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза килинади. Амалдаги ҳуқукий тартиботни мустаҳкамлаш давлатнинг муҳим функцияларига киритилган.

**Барқарорлик.** Ҳуқуқ асосида вужудга келадиган ва давлат томонидан таъминланадиган ҳуқукий тартибот етарли даражада мустаҳкам ва барқарордир. Ҳуқукий тартиботни бузиш ва унга птур етказишга бўлган уринишлар тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бартараф этилади.

**Бирлик.** Жамият ҳаётининг турли соҳалари турлича ташкиллаштирилган. Лекин ягона сиёсий ва ҳуқукий тамойилларга асосланган ва давлат иродаси ва конунийликнинг бирлиги билан таъминланадиган ҳуқукий тартибот бутун мамлакат ҳудудида ягонадир. Унинг барча таркибий қисмлари давлат томонидан бир маромда кафолатланади, унга нисбатан ҳар кандай бузғунчилик ҳуқуқбузарлик деб баҳоланади ва бунинг учун давлат томонидан жавобгарлик белгиланади.

Юкорида айтиб ўтилган хусусиятлардан шу келиб чикадики, хукукий тартиботни жамият ҳәётининг ва ижтимоий ривожланишни таъминловчи тартиб деб ҳисоблаш мумкин. У хукукий белгилангани ва давлат томонидан таъминлангани туфайли ижтимоий-иктисодий тизимнинг, мамлакатдаги устувор сиёсий муносабатларнинг мухим кирраларини қамраб олади.

Қонунийлик ва хукукий тартибот – мухим ижтимоий қадриятлар, жамиятнинг, унинг фуқароларининг тинч ҳәётининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун уларни мустаҳкамлаш жамият олдида турган мухим вазифалардан ва давлат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жамиятда қонунийликни таъминловчи маҳсус юридик давлат фаолияти зарур. Ушбу фаолиятнинг шакллари турли хил бўлади. Улардан асосийлари ишонтириш, хукукий тарбия, хукуқбузарликлар профилактикаси, хукуқбузарларга ижтимоий таъсир ўтказиш ва уларга нисбатан давлат мажбурлов чораларини кўришдан иборат.

*Ишонтириш* қонунийликни мустаҳкамлаш чораси сифатида фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг хукукий онгини юксалтиришдан иборат. *Хукуқий тарбия* инсонларнинг онгиға хукукий билимларни, унинг талабларини бажариш лозимлиги тушунчасини, ҳар қандай конунбузарликка нисбатан нафрат туйгусини сингдиришдан иборат.

*Хукуқбузарликлар профилактикаси* ишонтириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг мазмуни қонунчиликни бузилишига асос бўладиган сабаб ва шароитларини пухта ўрганиш йўли орқали хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдан иборат.

Бу соҳада давлатнинг роли жуда мухим. Айнан давлат хукукий воситалар ёрдамида эркинликлар, мулкчилик, хукукий тартиботни химоя қилиш функциясини ҳаётга татбиқ этади. Ушбу вазифаларнинг қуидаги амалга ошириш йўналишларини келтириш мумкин: амалдаги қонунчиликнинг ўз вактида янгилаш ва такомиллаштириш, одил судловнинг ролини ошириш, хукукни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини яхшилаш ва бошқалар.

Жамиятдаги хукукий тартиботни мустаҳкамлаш йўлида давлат аппарати фаолиятида қонунийликни таъминлаш, коррупция каби салбий ҳолатларни бартараф этиш зарурдир. Ниҳоят, жамият ҳәётининг барча соҳаларида, шу жумладан, давлат аппаратининг фаолиятида қарор топаётган демократик асослар қонунийликни мустаҳкамлашнинг мухим шарти ҳисобланади.

## **Назорат саволлари**

---

1. Кишилар онги ва хохиш-иродасига ҳуқук ёрдамида таъсир кўрсатиш кўринишиларидан бири бу муайян фаолият турларини рағбатлантириш усули ҳисобланади. Ҳукукий рағбатлантириш хурматга сазовор ихтиёрий хулк-авторни юридик маъқуллаш шакли ва чорасидир. Мазкур чоранинг кўрилиши натижасида субъект тақдирланади, унинг учун ижобий оқибатлар рўй берган саналади.

*Ҳуқуқий рағбатлантиришининг ҳусусияти, функцияси ва ижтимоий аҳамиятининг атрофлича мұхокама қилинг.*

2. Ҳуқуқий тартибга солиш усули – жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларга ҳуқукнинг таъсирида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар мажмуй. Ҳуқуқий тартибга солиш усули узок тарихий жараёнда шаклланган муносабат бўлиб, давлат ундан ҳуқукий нормаларни яратишида ва ижтимоий муносабат иштирокчилари ўртасидаги ҳуқукий алоқаларни тартибга келтиришда фойдаланади. Агар ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳуқук нимани тартибга солади, деган саволга жавоб берса, ҳуқуқий тартибга солиш усули эса ҳуқук шу ижтимоий муносабатларни қандай, қайси йўл, усул билан тартибга солади, деган саволга жавоб ҳисобланади.

*Ҳуқуқни соҳаларга ажератиш асоси сифатида ҳуқуқий тартибга солиш усулинини мұхокама қилинг.*

## **XVIII БОБ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛ ВА ЙЎЛЛАРИ**

---

### **1-§. Давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш истиқболлари**

Маълумки, давлат ва ҳуқукнинг ривожланиш истиқбол ва йўллари ҳакида сўз юритганда, аввало, шу жihatларга эътибор каратиш лозимки, давлат ва ҳуқукнинг келажаги тўғрисидаги назариялар, қарашларни инсон демократик ҳуқук ва эркинликларини конунчиликда ифодаланиши ҳамда уларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалда таъминланishiiga қараб икки гурухга: демократик ва ғайридемократик қарашларга ажратишга мумкин. Бугунги кунда жаҳоннинг аксарият ривожланган давлатлари демократик қарашларга асосланган ҳолда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқдалар. Хусусан, Германия, Данія, Норвегия, Финландия, Швейцария ва Япония каби давлатлар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида катта муваффакиятларга эришиб кельмоқдалар. Биз таълаб олган йўл ҳам демократик йўл бўлиб, Конституциямизнинг муқаддимасида белгилаб қўйилган инсонпаравар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир.

Барчага аёнки, демократик ҳуқуқий давлатни ривожланган фуқаролик жамиятисиз шакллантириб бўлмайди. Энди демократик ҳуқуқий давлатнинг таркиби кисми бўлган фуқаролик жамияти тушунчаси, белгилари ва унинг тузилишига тўхталиб ўтамиз.

### **2-§. Фуқаролик жамияти тушунчаси, белгилари**

---

Фуқаролик жамияти – бу ахлоқий, диний, миллий, ижтимоий-иктисодий, оиласвий муносабатлар ва институтлар йиғиндиси бўлиб, улар ёрдамида индивидлар, гурухлар, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари қондириладиган ва таъминланадиган жамият.

Фуқаролик жамияти – бу шундай жамиятки, унда кишилар ўзаро боғлиқдирлар, бир-бирлари билан мустақил равишда муносабатда бўладилар. Бундай жамиятда ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётни таъминлаш, уни ривожлантириб авлоддан-авлодга етказиш давлат билан жамоат бирлашмаларининг, шахс билан жамоатнинг муносабатларини маълум даражада мустақил олиб бориш орқали амалга оширилади. Фуқаролик жамиятида шахс ижтимоий муносабатларда, ўзининг шахсий хусусиятларини йўқотмасдан иштирок этади, ҳар бир шахс ўзлигини намоён килиб, фаолиятининг шакл ва турларини эркин танлайди.

Хукукшунос олим З.Исломов фуқаролик жамияти түғрисида тұхталиб, күйидаги фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтган: “Фуқаролик жамияти – бу шахсий хукмронлик режимига, объектив тараққиёт қонунларини рад этувчи волюнтаризмга, синфий душманлика, тоталитаризмга, одамлар устидан зулмкорликка ўрин бўлмаган, қонун, ахлоқ, инсонпарварлик ва адолат принциплари ҳурмат килинадиган эркин, хуқукий демократик, юксак маънавиятга эришган жамиятдир. Яна бу – аралаш иқтисодиётга эга бўлган кўп укладли ракобатга асосланган жамият, ташаббусга асосланган тадбиркорлик, тури ижтимоий қатламлар манфаатларининг оқилона мувозанати таъминланган жамиятдир”<sup>1</sup>.

Профессор Х. Одилкориев фуқаролик жамияти тушунчасига ўзига хос таъриф берган: “Фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, хуқукий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон хуқуклари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чукур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик хуқукий жамият”<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига куйидагилар киради:

- 1) Сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтлар, мағкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги;
- 2) Кўппартиявиyilik;
- 3) Ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали тизими мавжудлиги;
- 4) Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда оммавий ахборот воситалари ўрни ва ролининг юқорилиги.

Бундай жамиятдаги маънавий ҳаёт умумбашарий килроятилар асосида амалга оширилганлиги, инсоннинг муқиддислиги, өркинилиги ва қонун олдида тенглиги ҳамда ижтимоий қодолотининг тўлиқ кирор топганлиги билан белгиланади.

### **3-§. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари**

---

Фуқаролик жамиятининг турли соҳаларда институтлари мавжуд бўлиб, уларга куйидагиларни киритиш мумкин:

<sup>1</sup> Исломов З.М. Даълат ва хуқуқ назарияси/ Дарсл.к. – Т.: Адолат, 2007. – № 92-93.

<sup>2</sup> Одилкориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – І: 171 – 172.

- Маънавият соҳасида – фуқаролик жамиятининг институтлари: фан, маданият ва маориф ташкилотлари ҳамда турли ижодий ўушмалар;
- Иқтисодий соҳада – турли ташкилот, корхона ва муассасалар;
- Сиёсий соҳада – сиёсий партиялар ва ҳаракатлар;
- Ижтимоий соҳада – оила ва кишиларнинг турли меҳнат ўушмалари;
- Ахборот соҳасида – оммавий ахборот воситалари.

Фуқаролик жамиятида хусусий мулкчилик ғоят катта аҳамиятга эга. Чунки у мулкдор сифатида давлат ҳокимиятига нисбатан ўзини мустақил сезади, у қонунда кўрсатилган асосларда ўз манфаатларини ҳисобга олиб, хоҳлаган иши билан шугулланиши, истаган касбини танлаши, ўзи танлаган жойида яшashi мумкин.

Демак, фуқаролик жамияти инсон ҳукукларини, давлат эса фуқароларнинг ҳукукларини таъминлайди. Бу икки ҳолда ҳам гап шахс ҳукуки ҳақида боради.

Биринчисида, унинг алоҳида инсон сифатидаги яшаш ҳукуки, эркинлиги, баҳтли ҳаёт кечириш ҳукуки ва бошқалар ҳақида;

Иккинчисида эса, унинг сиёсий ҳукуклари тўғрисида гап боради.

Демократик институтларни ривожлантиришдан бош мақсад – кўпчиликни мумкин қадар жамият қурилишига жалб этиш, уларни ўз тақдирлари, ўз келажакларининг тўлақонли эгаларига айлантиришдан иборатдир.

#### **Фуқаролик жамиятининг таркибий элементлари:**

1. Оила;
2. Турли ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва институтлар;
3. Жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари;
4. Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар;
5. Нодавлат таълим ва тарбия тизими;
6. Нодавлат оммавий-ахборот воситалари тизими;
7. Диний ташкилотлар ва муассасалар.

### **4-§. Ҳукукий давлат тушунчаси, белгилари ва принциплари**

Ҳукукий давлат – ҳукукий асосда ташкил топадиган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳукук устуворлик киладиган давлат.

Маълумки, ҳукукий демократик давлат барпо этиш учун фуқаролик жамияти шаклланган бўлиши керак. Ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро боғлиқ, бир-бiriни такозо этувчи ижтимоий ҳодисалардир.

Хукукий давлат тұғрисидеги ғоялар асрлар давомида шаклланған. Бұғоялар қадимғи даврнинг Солон, Аристотель ва Цицерон каби мутафаккирларининг асарларыда ўз ифодасини топған зди. Кейинчалик XVII–XVIII асрларга келиб, хукукий давлат ғоясига яна эътибор күчайди ва бу ғоя асосида бутун бир тәбдилмөт – хукукий давлат назарияси яратилди. Хукукий давлат назариясининг шаклланишига Г. Гегель, Ш. Монтеске, И. Кант, Р. фон Моль ва бошқалар катта ҳисса құшганлар. Хукукий давлат назарияси асосчилардан бири Иммануил Кант хукукий давлат түшунчасига күйидеги тәъриф берган: “Давлат хукукий қонунларга бўйсуниш асосида яшовчи қўплаб одамларнинг уюшмасидир”<sup>1</sup>.

Хукукий давлат атамасини ilk бор илмий муомалага Роберт фон Моль киритган<sup>2</sup>.

Қонуннинг устуворлиги – хукукий давлатнинг асосий принципидир. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи лозим. Қонун бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал килиши керак бўлган етакчи принципларидан биридир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъян хукмдорлигини назарда тутади.

Давлат хукукий бўлиши учун кучли ҳаёт кечириб кета оладиган, эркесвар, ҳар қандай антидемократик авторитар тажовузларга қаршилик кўрсата оладиган жамият бўлиши керак. Бунинг учун эса, аввало, давлат ҳокимиятни демократия, ўзини-ўзи бошқариш ва халқ ҳокимиятчилиги принциплари асосида қайта ташкил этиш зарур. Хукукий давлатта бориши йўлида, аввало, жамиятга маъмурий буйруқбозлиқ билан раҳбарлик килишни, бюрократизмни, сайлаб қўйиладиган органлар устидан ижро этувчи органлар хукмронлигини енгил ўтиш, одамларнинг давлатга бўлган муносабатларини қайта қўриб чикиши зарур.

Жамиятнинг хукукий онги ва хукукий маданияти хукукий давлатнинг муҳим омили ва шартидир. Аммо тубдан сиёсий-хукукий саводлилик ва ҷаласаводлик, ҳатто саводсизликга қараб иш кўриш, расмий нуқтаи назарга қараб иш кўриш, расмий сўз билан ҳиқиқий иқмол ўртасидаги фарқка одатланиш хос бўлган, маъмурий буйруқбозлики асосланган давлат хукукий онги ва хукукий маданиятини фирқ килиб, хукукий давлат маданияти ва хукукий онги учун юқори сиёсий ва хукукий саводлилик ҳамда фаоллик тўрсанлилик ва хукуқ булишиларига қарши турал олиш қобилияти ва бунги тайёрлик хос бўлади. Бироқ жамият хукукий онги ва маданияти бундай дарижага стиши учун одамларда янги хукукий тификкур, маъмурий буйруқбозлиқ

<sup>1</sup> Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. – М.: Юристъ, 2002 – С.251.

<sup>2</sup> Mohl R. Die Polizeiimmanenzschaft nach den Grundsätzen des Rechtsstaates. B.1-2. Tübingen, 1832.

психологияси билан муросасизлик, хукук бўйича яшаш, ўз хукукини химоя қилиш ва бошқалар хукукини хурмат қилиш, демократия шароитларида яшашни шакллантириш максадида фукароларга кенг сиёсий хукукий таълим ва тарбия бериш керак бўлади.

Хукукшунос олим З.Исломов хукукий давлатнинг қуидаги асосий белгилари ва хусусиятларини кўрсатиб ўтган:

1. “Давлат институтлари тизимида давлат-хукмли бошқаруви барча имтиёзларининг жамланганлиги;

2. Ҳокимиятнинг бўлиниши, яъни бир давлат кичик тизимининг функциясини бошқаси билан алмаштирилишига йўл қўйиб бўлмаслиги;

3. Фукаролик жамиятининг мавжудлиги;

4. Бирон-бир бўғин ёки институтда ҳокимият ваколатларининг тўпланиб колишига тўскинлик қилувчи монополияга карши механизмларнинг яратилиши;

5. Конституциявий қонуннинг устунлиги ва бевосита амал қилиши;

6. Давлат ҳокимияти суверенлигини қонунда белгилаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш;

7. Сайлаш хукуки нормалари асосида конун чиқарувчи органларни шакллантириш ҳамда қонунларда давлат иродасини шаклланишини ва ифодаланишини назорат қилиши;

8. Ички қонунларнинг халқаро хукук умумэътироф этган нормалар ва принципларга мувофиқлиги;

9. Ижтимоий муносабатлар барча субъектларининг, ҳар кимнинг ўзбошимча қарорларидан хукукий кафолатланганлиги;

10. Хукукий давлатчиликни таъминлашнинг намунаси, модели ва воситаси сифатида суднинг устунлиги;

11. Қонунларнинг хукукка мувофиқлиги ва давлат ҳокимияти тизимини хукукий ташкил этиш;

12. Фукаролар хукуклари ва мажбуриятларининг бирлиги;

13. Давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти”<sup>1</sup>.

Хукукий давлатнинг мухим хусусияти давлат ва шахс ўзаро муносабатларининг хукукий тусда бўлишидир. Шуни англаш жоизки, шахснинг хукуки ва эркинлиги – бу инсоннинг ажралмас бир қисми, ижтимоий тузумнинг маҳсулотидир. Бунингсиз хукукий давлатнинг асоси бўлиб қоладиган фукаролик жамиятига эришиб бўлмайди. Хукукий давлат учун хукукни қайта англашгина зарур эмас. Қонун ёки бошқа норматив хужжатлар ўз мазмунига кўра хукукий бўлиши керак. Қонун ёки бошқа норматив хужжат фақат ваколатли орган томонидан қабул қилинганлиги учунгина бажарилиши шарт ҳисобланмаслиги керак.

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва хукук назарияси/ Дарслик. – Т.: Адолат, 2007. – Б.124–125.

Уларда ҳуқуқнинг объектив талаблари ва принциплари мустаҳкамланган бўлиши керак.

## **5-§. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, 1992 йил 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кабул килиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воеа, мустақил Ватанимизни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Мамлакатимизнинг Асосий конунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ривожлантиришнинг иктисадий негизлари ва стратегик йўналишлари ва бошка масалалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияда давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилганлиги кўрсатиб ўтилган. Албатта, ҳар бир давлат ҳуқуқий ва демократик тарзда шаклланиши учун ушбу ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига амал қилиши лозим.

Ҳуқуқий демократия қарор топар экан, унда республика ахолисининг барча катламлари манфаатлари, барча ижтимоий гурӯхларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилади.

Мустақил Ўзбекистон ўз халқи таnlаб олган йўл-очик эркин бозор иктисадиётига асосланадиган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда. Биз барпо этаётган давлат, аввало, умумжахон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида тараққий этган бошка халқлар эришган тажрибаларга ва ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга асосланмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда иктисадий ислохотларни янада чукурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлатимизни демократик давлат даражасига кўтариш, тараққий топган мамлакатлар ва халқларнинг хаёт даражасига етказиб боришдир.

Республикамизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони кабул килинган ва унда бешта устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилган:

1. Давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;
2. Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ килишнинг устувор йўналишлари;
3. Иктисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар<sup>1</sup>.

Юкорида келтириб ўтилган устувор йўналишларда белгилаб кўйилган вазифаларни амалга оширилиши республикамизда конуннинг устуворлигига, инсон хукуқ ва эркинликларини таъминланишига, иктисодиётни ривожланишига ва аҳоли турли қатламлари турмуш тарзининг юксалишига ҳамда мамлакатимизни жаҳондаги ривожланган давлатлар орасида муносабати янги асосларда шаклланади.

## **Назорат саволлари**

---

1. Фуқаролик жамияти ниҳоятда мураккаб ҳамда серкирра ижтимоий ҳодиса бўлиб, у муайян институтлардан ташкил топади ва бунда давлат ҳокимияти ҳамда ўзини-ўзи бошкариш органларининг ўзаро муносабати янги асосларда шаклланади.

*Фуқаролик жамияти институтларини қандай мезонлар бўйича таснифлаши мумкинлигини мұхокама қилинг.*

2. Хукукий давлат – бу давлат хукукий асосда ташкил топадиган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида хукуқ устуворлик қиласидиган давлат. Хукукий давлат назариясини яратишида XVII–XVIII асрларда яшаб ўтган Европалик мутафаккирлар мухим ўрин тутганликларини таъкидлашади.

*Ушбу мутафаккирлар ва уларнинг ҳукукий давлат ҳақидаги қарашларини мұхокама қилинг.*

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 йил 6 (766)-сон, 70-модда.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

---

### **I. Раҳбарий адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт таракқиёти ва ҳалқ фаровошлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишенган тантанали маросимдаги маъруза. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – 592 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишенган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи 2017 йил 8 декабрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси (22 декабрь 2017 йил). – Т.: Ўзбекистон, 2018.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 80 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // lex.uz

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституцияий қонуни // lex.uz

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституцияний қонуни // lex.uz

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни // lex.uz

6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Қонуни // lex.uz

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // lex.uz

8. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // lex.uz

9. Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни // lex.uz.

### **III. Асосий адабиётлар**

1. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – 916 б.

2. Исламов З.М. Теория государства и права (Часть 1. Теория государства). Учебник. –Ташкент: ТГЮИ, 2013. – 325 с.

3. Лазарев В.В., Липень С.В., Сайдов А.Х. Теория государства и права: Учебник/ Под ред. акад. Абдурахманова К.Х. –М.: Рос. экон. акад., 2008. –620 с.

4. Odilqoriev X. Davlat va ҳуқуқ назарияси/Darslik. – Т.: Adolat, 2018. – 528 б.

### **IV. Хорижий адабиётлар**

1. Hans Kelzen. General theory of law and state. –Cambridge: Harvard University Press, 2009. –517 p.

2. Scott Veitch, Emilius Christodoulidis, Lindsay Farmer. Jurisprudence Themes and Concepts. Second edition. – London: Routledge publication, 2012. –305 p.

3. Hart H.L.A. The Concept of Law. 3rd edition. – Oxford: Oxford university press, 2012. – 333 p.

### **V. Қўшимча адабиётлар**

1. Ахмедшаева М., Давлат механизми ва ҳокимиятлар бўлиниши/Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005 – 66 б.

2. Ахмедшаева М., Нажимов М. Ҳуқуқ нима? – Т.: ТДЮИ, 2003. – 35 б.

3. Жавлиев Н.Б. Ҳуқуқнинг моҳияти: анъанавий ва замонавий назариялар/Ўқув-қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 96 б.

4. Исламов З.М. Общество, государство, право. – Т.: Адолат, 2001. – 696 с.

5. Исламов З.М. Верховенство права/Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2011. – 236 с.
6. Исломов З.М. Юриспруденция ўтмиши ва бугуни. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 328 б.
7. Морозова Л.А. Теория государства и права / Учебник. – М.: Эксмо, 2012. – 448 с.
8. Сабуров Н., Сайдуллаев Ш.А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўкув кўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 170 б.

## **VI. Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.tsul.uz>
2. <http://www.gov.uz>
3. <http://www.lex.uz>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ  
НАЗАРИЯСИ**

Олий ўкув юртларининг юриспруденция йўналиши бўйича таълим  
олаётган талабалари учун дарслик

**Муҳаррир M.X. Абдулхайров  
Оригинал-макет A.YU. Деревянская**

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар,  
атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниклиги, шунингдек, очик  
нашр этиш ман қилинган маълумотларни оммалаштиргани учун ўкув  
кўлланма муаллифлари жавобгардир.

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади.

**Формат 84x108 1/32. Ҳажми 19.0 б.т.  
Адади 100. Келишилган нархда**

---

**ЖИДУда чоп этилди.  
100192, Тошкент ш., Мустакиллик шоҳ кўчаси, 544**